**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ПЕДАГОГИКА ФАКУЛТЕТИ**
**ПЕДАГОГИКА- ПСИХОЛОГИЯ ВА МЕХНАТ ТАЬЛИМИ**
**КАФЕДРАСИ**

# У М У М И Й   П С И Х О Л О Г И Я

ФАНИДАН ЎҚУВ- УСЛУБИЙ МАЖМУА

:

**ГУЛИСТОН 2018**

М.Холназарова, Г.Урдабаева “Умумий психология ” фанидан ўқув – услубий мажмуа

.

Тақризчилар: психол. ф. доктори З. Нишонова.

Ўқув – услубий мажмуа ”Педагогика ва Психология” кафедрасининг (-------2018 ----- -баённома) йиғилишида тасдиқланган ва нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА


Кириш……………………………………………………………………………………4
Фаннинг мақсади ва вазифалари...............................................................................5
Мустақил иш топшириқлари.......................................................................................7
Умумий психология назарияси ва амалиёти фанинидан баҳолаш мезонлари..........8
Умумий психология назарияси ва амалиёти фани бўйича таълим технологияларини ишлаб чиқишнинг концептуал асослари..................................10
Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг предмети...........................12
Ҳозирги замон психологиясининг тузилиши ва тадқиқот методлари.....................20
Психика ва онгнинг тараққиёти.................................................................................32
Фаолият ва мотивация................................................................................................41
Мулоқот ……………………........................................................................................46
Шахс ……………………..............................................................................................51
Гуруҳ ва жамоа.............................................................................................................60

Диққат………………………........................………………..............................................67
Сезги……………….......................................................................................................74
Идрок…………………….............................................................................................84
Хотира……...................................................................................................................89
Хаёл...............................................................................................................................94
Тафаккур.....................................................................................................................101
Ҳиссиёт.......................................................................................................................106
Ирода...........................................................................................................................113
Темперамент...............................................................................................................119
Характер.....................................................................................................................126
Қобилият.....................................................................................................................131
Амалий машғулотлар........................................................ …………………..138
Фан бўйича мустақил иш топшириқлари...............................................................155
Назорат саволлари......................................................................................................180
Фан бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар................................................186
Информацион услубий таъминот.............................................................................187
Глоссарий...................................................................................................................188

# КИРИШ.

Маълумки, жамият ва табиат ўртасидаги муносабатларни тадқиқот этишга мўжалланган фанлардан биттаси психология ҳисобланади. Психологик билимларни ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида татбиқ етиш кўлами кенгайиб бориши унинг масъулияти ва нуфузи ортаётганлигидан далолат беради. Худди шу боис психолог мутахассисларга нисбатан ижтимоий буюртманинг кўпайиши уларни ҳозирги замон талабига жавоб берадиган даражада тайёрлашни тақозо қилмоқда.

Мамлакатимиз президенти И.А.Каримов асарларида, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги қонун»ида, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да, "Миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкураси" ҳужжатида мутахассислар олдига улкан талаблар ва масъул вазифалар юкламоқда.

Ана шу вазифаларни амалиётда ўз ифодасини топтиришда умумий психология фани муҳим роль ўйнайди. Мутахассислар тайёрлаш жараёнида

умумий психология назарияси ва амалиёти фани касбий билимлар, кўникмалар ва малакаларни шакллантириш борасида устувор ўрин эгаллайди. Мазкур ўқув-услубий мажмуа умумий психология назарияси ва амалиёти дастурига асосланган ҳолда яратилган бўлиб, талабалар учун зарур материаллар изчил равишда, муайян тартибда жойлаштирилган. Ўқув-услубий мажмуада умумий психология назарияси ва амалиётига кириш, шахс ва унинг индивидуал-типологик хусусиятлари, билиш жараёнлари юзасидан маълумотлар умумлаштирилган. Ўқув-услубий мажмуа матни олий таълимнинг барча йўналишлардаги кундузги бўлим талабалари учун мўжалланган.

Манзил:
Гулистон шаҳри, IV мавзе, Университет,
Педагогика ва психология кафедраси.

## Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад - талабаларда умумий психологик билимларни эгаллашга, шахс психологияси, унинг фаолияти ва мулоқоти, психик тараққиёт қонуниятлари, психик жараёнларнинг онтогенездаги психологик хусусиятлари, ҳозирги замон таълим-тарбия назариясининг вазифалари ҳамда шахсни этнопсихологик методлар ёрдамида ўрганиш бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдир.

Фаннинг вазифаси - талабаларга воқелик ва жамиятдаги воқеа-ҳодисаларнинг, жамият ҳаётида умумий психологик ҳодисалар, ҳолатлар ва жараёнларнинг моҳиятини таҳлил этишга, шахснинг камолоти ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар, унинг индивидуал психологик хусусиятлари, эмоционал ва иродавий сифатлари, турли ёш даврларида психик тараққиёт қонунларини

ўзлаштириб психодиагностик тадқиқотлар олиб боришга, ўқувчиларга индивидуал ёндаша билишга, педагогик-психологик ҳолатларни режалаштира олиб, уларни таҳлил этишга ўргатишдан иборат.

**Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар**

““Умумий психология назарияси ва амалиёти”” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- умумий психологик тушунчаларни, воқелик ва жамиятдаги воқеа-ҳодисаларни, шахсни ўзида кечадиган ижтимоий-психологик жараёнларни, ёш даврларини, инсон шахсининг таълим-тарбия шароитида психик тараққиётнинг ҳар бир даврига хос хусусиятларини, шахсни психологик тадқиқ қилиш усулларини **билиши керак;**

- талаба воқеликни психологик мушоҳада этиш, нарса-ҳодисаларни илмийлик ва мантииқийлик асосида ўрганиш, илмий тафаккур ва психологик тасаввурнинг уйғунлигини таъминлаш, мустақил ва замонавий фикрлаш, кундалик фаолиятда умумий психологик билимларни ва қоидаларни қўллай олиш, ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш **кўникмаларига эга бўлиши керак**;

- талаба воқеа-ҳодисаларни психологик нуқтаи назардан таҳлил ва тадқиқ қилиш, шахс мотивацияси, эмоционал ва иродавий сифатлари, индивидуал психологик хусусиятлари, шахс ва жамият орасидаги муносабатнинг психологик қонуниятларини аниқлаш, бола психик тараққиётида турли нохуш ҳолатлар олдини олиш, ота-оналар, ўз касбдошлари ва болалар билан қандай муомалада бўлиш, педагогик-психологик одобни шакллантириш **малакаларига эга бўлиши керак.**

**Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги**

“Умумий психология назарияси ва амалиёти” фани умумкасбий фан бўлиб, 2 ва 5-семестрларда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган фалсафа, педагогика, одам анатомияси ва физиологияси, математик ва табиий фанлар билан алоқада ўрганилиб, бу фанлардан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишни талаб этади.

**Фаннинг таълимдаги ўрни**

“Умумий психология назарияси ва амалиёти” фани педагог кадрларни таайёрлаш жараёнида ўқитиладиган, мутахассислик фанларини ўзлаштириш учун муҳим манба сифатида хизмат қиладиган фандир.

**Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Талабаларнинг умумий психология назарияси ва амалиёти фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллардан фойдаланилади. Маъруза, семинар ва лаборатория дарсларида мос равишдаги педагогик технологиялардан фойдаланилади.

Шунингдек, мавжуд мавзуларнинг барчаси илғор педагогик технологиялар асосида ўтилади. Мавзулар мазмуни ва ҳажмига қараб, уларда таълимнинг илғор педагогик технологиялари қўлланилади.

**Маърузаларда:**

**1. Тақдимот** – қоидалар, жадваллар, асосий тушунчалар намойиш этилади ва изоҳланади.

**2. Мунозара (бахс)** – эркин ва ҳар хил фикр билдириш асосида билим эгаллаш.

**3. Муаммоли савол ва вазифалар** – илмий-назарий маълумотлар баён этилишида муаммоли савол ва вазифалар таҳлил этилади..

**4. БхБхБ** – маъруза якунлашда билган, билиб олган ва билишни ҳохлаган маълумотлар жадвали тўлдирилади.
**5. Тезкор савол-жавоб (Блиц - сўров)** - асосий савол тушунтирилганда ёки мавзу охирида аниқ саволларга қисқа ва лўнда жавоблар олиш.
**Амалий ва семенар машғулотларида:**
**1. Ақлий ҳужум** – тез ва ҳар хил фикрларни жамлаш ва тўғрисини аниқлаш.
**2. Муаммоли вазиятлар** – ҳар бир талабанинг ўзига хос билим ва дунёқараши, топқирлиги аниқланади.
**3. Иерархия** – оддийдан-мураккабга, аниқдан ноаниққа ва уларнинг тескарисини амалга ошириш орқали мантиқий, танқидий, ижодий фикрлашга ўргатиш.
**4. Мулоқот** – тингловчиларнинг диққатини ўзига жалб этиш, ҳамкорликда фаолият кўрсатиш, эркин ва мустақил фикр алмашинади.
**5. Муҳокама** – бирор назарий қараш, ғоя, фикр, таълимот ҳақида ҳар ким ўз қарашларини баён этади.
**6. Шахсий фикр** – аниқ вазият, жараён ва олинган хулоса тўғрисида фикр билдиради, ўзгалар фикри билан солиштирилади ва ютуқ-камчиликларини аниқлаштирилади.
**7. Кластер** – асосий тушунча тармоқларга бўлиб чиқилади.
**8. Пинборд** – тахтада ёзиб, ютуқ-камчиликлар таҳлил қилинади.
**9.Бошқарув** – маълум фаолиятни ташкил этиш жараёнида иштирокчиларни бошқариш кўникмалари аниқланади.
**10. Кейс – стади** – аниқ вазият, ходисаларнинг моҳиятини таҳлил этиш ва аниқлаш.

**Умумий психология назарияси ва амалиёти фанини ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалари**.

Умумий психология назарияси ва амалиёти курси - ва семестрда ўтилади.

**Умумий ва ўкув ишлари бўйича ҳажми.**

## МУСТАҚИЛ ИШ ТОПШИРИҚ МАВЗУЛАРИ

- Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг предмети
- Ҳозирги замон психологиясининг тадқиқот методлари.
- Психологиянинг табиий-илмий асослари
- Ҳозирги замон психологиясининг тармоқлари.
- Фаолиятнинг умумий психологик тавсифи
- Кўникма, малака ва одатларнинг шаклланиши
- Инсон психик тараққиётида мулоқотнинг аҳамияти
- Шахс ҳақида тушунча Шахсни ўрганишнинг замонавий назариялари
- Диққатнинг психологик назариялари

- Диққатнинг асосий хусусиятлари ва уларнинг експериментал тадқиқ қилиниши.
- Сезгилар ҳақида умумий тушунча.
- Сезгилар таснифи
- Идрокнинг таснифи, турлари ва табиати
- Хотирани ўқиш фаолиятида ривожлантиришнинг вазифалари ва унинг шарт-шароитлари.
- Хотиранинг индивидуал психологик фарқлари.
- Шахснинг иродавий хусусиятлари ва уларнинг тузилиши.
- Шахснинг индивидуал хусусиятлари
- Темпераментнинг психологик тавсифи
- Характер тузилиши ва хусусиятлари
- Қобилиятларнинг ривожланиши.
- Шарқ мутафаккирларининг бола тарбияси ҳақидаги фикрлари (Ал Форобий, Абу Али ибн Сино, ибн Рашид, Ғаззолий ва б.).

## « Умумий психология назарияси ва амалиёти » фанидан баҳолаш мезони

**ЖНни баҳолаш мезонлари**

Умумий психология назарияси ва амалиёти фани бўйича жорий баҳолаш талабанинг маъруза ва амалий машғулотларидаги ўзлаштиришини аниқлаш учун қўлланилади. ЖН ҳар бир маъруза ва амалий машғулотларда сўров ўтказиш, савол ва жавоб, талаба мустақил иш топшириқларини бажариш ва оғзаки ҳимоя қилиш каби шаклларда амалга оширилади. Талабага ЖН да яхлитлаб бутун баллар қўйилади.

**Талабанинг амалий машғулотларни ўзлаштириш даражаси қуйидаги мезон асосида аниқланади**

| Баҳолаш кўрсат-кичи | Баҳолаш мезонлари | рейтинг бали |
|---|---|---|
| Аъло, 86-100% | Фан бўйича етарли назарий билимга эга бўлган, мустақил иш топшириқларининг моҳиятини тўлиқ ёрита олган, мавзу бўйича берилган саволларга тўлиқ жавоб берган ва ўзининг мустақил фикрларини билдира олган, аудиторияда фаол, ўқув тартиб интизомига тўлиқ риоя қилган, дарс давомида дарс қолдирмасдан намуна кўрсатган талабаларга қўйилади. | 5 |
| Яхши, 71-85% | Фан бўйича етарли назарий билимга эга бўлган, мустақил иш топшириқларининг моҳиятини ёрита олган, мавзу бўйича берилган саволларга жавоб берган, ўқув тартиб интизомига тўлиқ риоя қилган, дарс давомида дарс қолдирмасдан намуна кўрсатган талабаларга қўйилади. | 4 |
| Қониқарли, 55-70% | Мустақил иш топшириқларини бажарган, ўқув тартиб интизомига риоя қилган, дарс давомида дарс қолдирмасдан намуна кўрсатган талабаларга қўйилади. | 3 |
| Қониқарсиз 0-54% | Талаба амалий машғулот дарси мавзусига назарий тайёрланиб келмаса, дарсга қатнашиш жараёнида сабабсиз иштирок етмаса, фан бўйича билим даражаси қониқарсиз бўлса қониқарсиз баҳоланади | |

### 4.3. ОНни баҳолаш

Оралиқ назорат "Умумий психология назарияси ва амалиёти" фанининг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлими бўйича, тегишли назарий ва амалий машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг ёзма равишда амалга оширилади. Бундан мақсад талабаларнинг тегишли саволларни билиши ёки фанга оид кўникмалари ва малакалари аниқланади. Ўкув йилининг 2-семестрида 2та ОН ўтказиш режалаштирилган бўлиб ҳар бир иш 15 баллдан баҳоланади. ОН назорат ишлари ёзма иш усулида ўтказилиши назарда тутилган, ёзма иш саволлари ишчи ўқув дастур асосида тайёрланади. ОН га ажратилган баллдан 33% мустақил таълим учун ажратилган. ОН да қатнашмаган ва балл тўпламаган талаба ўзлаштирмаган ҳисобланади. ОН ни ўзлаштирмаган талабаларга қайта топшириш имконияти берилади. ОН бўйича олинадиган ёзма ишлар кафедра мудири томонидан тасдиқланади ва ташкил этилади. Бажарилган ишлар кафедрада ўқув йилининг охиригача сақланади.

### ЯНни баҳолаш

"Умумий психология назарияси ва амалиёти" фанидан якуний баҳолаш учун 30 балл ажратилган бўлиб, назорат ёзма иш тарзида ўтказилади ва ҳар бир савол 10 баллдан ажратилади .

Якуний баҳолаш ёзма иш тарзида ўтказилса, 3 та саволга ёзма жавоб берилади Ҳар бир ёзилган жавоб 2 баллдан 10 баллгача баҳоланади.

Агар савол моҳияти тўла очиб берилган бўлиб, берилган савол бўйича талабанинг мустақил фикрлари танқидий нуқтаи назардан баён қилинган, талаба

саволнинг мақсадини тўлиқ англаб етиб ўз билимини намоён қила олган, аниқ маълумотлар асосида ёзилган бўлса – 9 ёки 10 балл;

Саволнинг моҳияти тўла очилган, асосий фикр тўғри баён қилинган лекин кўпроқ мустақил фикрлар умумлаштириб қисқа берилган бўлса – 7 ёки 8 балл;
Берилган саволга жавоблар умумий тарзда берилган, фанга оид мустақил фикрлар билан баён қилинган қисқа ва қисман тўғри бўлса – 5 ёки 6 балл;
Берилган саволга жавоблар умумий тарзда бўлиб, камчиликлар кўп бўлса ва берилган жавоб қисқа бўлса – 3 ёки 4 балл;

Берилган саволга жавоблар умумий тарзда бўлиб, жавоб ноаниқ бўлса талаба саволдан четлаб ўтиб бошқа саволни таърифлаган бўлса лекин жавоб беришга ҳаракат қилган бўлса – 2 балл қўйилади.

Берилган савол ёзилмаган ва жавоблар берилмаган бўлса балл қўйилмайди.

**Тест усулида ЯН ни баҳолаш мезонлари:**

ЯН тест ва ёзма иш шаклида ўтказилади ва талабанинг жавоблари 30 баллик тизимда баҳоланади. Бунда тестга ажратилган 30 балл 30 та саволнинг ҳар бирига 1 баллдан қўйилади. Жами тўғри (1 балл) лар сони қўшилади ва яхлитлаб баҳоланиб талабанинг ЯН да тўплаган баллари аниқланади.

## " УМУМИЙ ПСИХОЛОГИЯ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ " ФАНИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Билим олиш жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар: дарсни юқори илмий-педагогик даражада ташкил этилиши, муаммоли машғулотлар ўтказиш, дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа қўлланмалардан фойдаланиш, тингловчиларни мустақил фикрлашга ундайдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш,

ижодкорликка йўналтириш, эркин мулоқотга киришишга, илмий изланишга жалб қилиш ва бошқа тадбирлар таълим устуворлигини таъминлайди. Таълим самарадорлигини орттиришда фанлар бўйича таълим технологиясини ишлаб чиқишнинг концепцияси аниқ белгиланиш ва унга амал қилиши ижобий натижа беради. “Бошқарув психологияси” фанини ўқитишнинг мақсади ва таълим бериш технологиясини лойиҳалаштиришдаги асосий концептуал ёндашувлар қуйидагилардан иборат.

**“**Умумий психология назарияси ва амалиёти**” фанининг асосий мақсади** - талабаларда умумий психологик билимларни эгаллашга, шахс психологияси, унинг фаолияти ва мулоқоти, психик тараққиёт қонуниятлари, психик жараёнларнинг онтогенездаги психологик хусусиятлари, ҳозирги замон таълим-тарбия назариясининг вазифалари ҳамда шахсни этнопсихологик методлар ёрдамида ўрганиш бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдир

**“** Умумий психология назарияси ва амалиёти **” фани ўқитишнинг вазифалари:**
талабаларга воқелик ва жамиятдаги воқеа-ҳодисаларнинг, жамият ҳаётида умумий психологик ҳодисалар, ҳолатлар ва жараёнларнинг моҳиятини таҳлил этишга, шахснинг камолоти ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар, унинг индивидуал психологик хусусиятлари, эмоционал ва иродавий сифатлари, турли ёш даврларида психик тараққиёт қонунларини ўзлаштириб психодиагностик тадқиқотлар олиб боришга, ўқувчиларга индивидуал ёндаша билишга, педагогик-психологик ҳолатларни режалаштира олиб, уларни таҳлил этишга ўргатишдан иборат.

**Шахсга йўналтирилган таълим**. Ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутади. Бу эса таълимни лойиҳалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндошишга эътибор қаратишни амалга оширади. Ҳар бир талабанинг шахс сифатида касбий такомиллашувини таъминлайди. Таълимнинг марказига билим олувчи қўйилади.

**Тизимли ёндашув.** Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги билим олиш ва касб эгаллашнинг мукаммал бўлишига ҳисса қўшади.

**Фаолиятга йўналтирилган ёндашув.** Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятини жадаллаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида барча қобилият ва имкониятларни, ташаббускорликни очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди. Эгалланган билимларнинг кўникма ва малакага айланиши, амалиётда татбиқ этилишига шароит яратади.

**Диалогик ёндашув.** Бу ёндошув ўқув жараёни иштирокчиларининг психологик бирлиги ва ўзаро муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди. Ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликдаги таълимий фаолият юритишига замин яратади.

**Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш**. Демократлилик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги субъектив муносабатларда ҳамкорликни, мақсад ва фаолият мазмунини шакллантиришда эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради. Таълим жараёнида “субъект-субъект” муносабатлари таркиб топади.

**Муаммоли таълим**. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларидан бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усулларини, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни таъминлайди. Муаммоли савол, вазифа, топшириқ ва вазиятлар яратиш ва уларга ечим топиш жараёнида онгли, ижодий, мустақил фикрлашга ўргатилади.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш - ҳозирги ахборот коммуникация технология васиталари кучли ривожланган шароитда улардан тўғри ва самарали фойдаланиш, кўникмалари ҳосил қилинади. Бу жараёнда компьютер саводхонлиги алоҳида аҳамият касб этади.

**Ўқитиш методлари ва техникаси.** Маъруза (кириш, мавзуга оид, визиуаллаш), муаммовий усул, кейс-стади, пинборд, лойиҳа ва амалий ишлаш усуллари. Интерфаол усулларни мавзу мазмунига мос ҳолда танлаш ва улардан самарали фойдаланишга ўргатади.

**Ўқитиш воситалари***:* ўқитишнинг анъанавий воситалари (дарслик, маъруза матни, кўргазмали қуроллар, харита ва бошқалар) билан бир қаторда – ахборот-коммуникация технология воситалари кенг кўламда татбиқ этилади.

**Коммуникация усуллари***:* тингловчилар билан оператив икки ёқлама (тескари) алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатларнинг йўлга қўйилиши.

**Тескари алоқа усуллари ва воситалари:** кузатиш, блиц-сўров, жорий, оралиқ ва якунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси амалга оширилади. Таълим жараёнида кафолатланган натижага эришиш таъминланади.

**Бошқариш усуллари ва тартиби***:* ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик харита кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати ҳам тартибли йўлга қўйилади.

**Мониторинг ва баҳолаш***:* бутун курс давомида ҳам ўқитиш натижалари рейтинг тизими асосида назорат ва таҳлил қилиб борилади. Курс охирида ёзма, оғзаки ёки тест топшириқлари ёрдамида таълим олувчиларнинг билимлари баҳоланади.

## МАЪРУЗАЛАР

### 1- мавзу. “Умумий психология назарияси ва амалиёти ”фанининг предмети мақсади ва вазифалари

| Т/р | Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни | Амалга оширувчи шахс, вақт |
|---|---|---|
| 1 | **Тайёрлов босқичи:**<br>**1.1.Дарс мақсади:** Талабаларга психологиянинг табиий ва ижтимоий илмий фан сифатида эканлигини ва психологик билимларнинг ўзига хос томонларини тушунтириш. Умумий | **Ўқитувчи** |

| | | |
|---|---|---|
| | психология самара берувчи, ҳаракатга келтирувчи ва ҳайвон ҳамда одам объекти фаолиятидаги психик акс эттиришнинг тузилиши ва ҳулқ-атвори ҳақидаги фан сифатида эканлигини тушунтириш. Психика тирик мавжудотнинг объектив борлиқни акс эттириш шаклларидан бири еканлиги тўғрисида умумий тушунчани бериш. Психик акс эттириш - объектив оламнинг субъектив образи эканлигини баён қилиш. Психиканинг акс эттириш ва бошқарувчанлик вазифаларини белгилаш. Мия ва психика, психика ва онг, онг ва онгсизлик (англанмаган, онг даражасига бориб етмаган ҳаракатлар) ҳолатларини таърифлаш. Психология фанининг предмети ҳақидаги тасаввурлар тараққиётининг асосий босқичларини ўргатиш.<br>**1.2. Идентив ўқув мақсадлари.**<br>1. Талабаларга психологиянинг табиий ва ижтимоий илмий фан сифатида эканлигини ва психологик билимларнинг ўзига хос томонларини тушунтиради.<br>2. Умумий психология самара берувчи, ҳаракатга келтирувчи ва ҳайвон ҳамда одам объекти фаолиятидаги психик акс эттиришнинг тузилиши ва хулқ-атвори ҳақидаги фан сифатида эканлигини таърифлайди.<br>3. Психика тирик мавжудотнинг объектив борлиқни акс эттириш шаклларидан бири эканлигини тушунтиради.<br>4. Психик акс эттириш - объектив оламнинг субъектив образи эканлигини баён қилади.<br>5. Психиканинг акс эттириш ва бошқарувчанлик вазифаларини белгилайди.<br>6. Мия ва психика, психика ва онг, онг ва онгсизлик (англанмаган, онг даражасига бориб етмаган ҳаракатлар) ҳолатларини таърифлайди.<br>7. Психология фанининг предмети ҳақидаги тасаввурлар тараққиётининг асосий босқичларини ўргатиш.<br>. **1.3.Асосий тушунча ва иборалар:** Психика, мия, психика, психика, онг, онгсизлик, акс еттириш, метод, усул, психика, имо-ишора, мимика, нутқ, бевосита, кузатиш, ўз-ўзини кузатиш, обект, эксперемент, хроноскоп, биография, психик жараёнлар,иродавий жараёнлар, ҳиссий жараёнлар<br>**1.4. Дарс шакли:** кириш-ахборотли маъруза<br>**1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза, бахс, видеоусул.<br>**1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:** Кўргазмали маъруза, намойиш этиш, савол-жавоб, суҳбат, тушунтириш, тақдимот. | |
| 2 | **Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:**<br>**2.1.** Мавзу эълон қилинади.<br>**2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади. | **Ўқитувчи, 15 минут** |
| 3 | **Гуруҳда ишлаш босқичи:**<br>**3.1.** Талабаларга умумий психология фанининг тарихи ҳақида муаммоли савол берилади.<br>**3.2.** Талабаларнинг умумий психология фанининг тарихи ҳақида фикри эшитилади, бошқа талабалар бахсга чақирилади.<br>**3.3.** Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.<br>**3.4.** Умумий хулосага келинади. | **Ўқитувчи-талаба, 40 минут** |

| | | |
|---|---|---|
| 4 | **4.1. Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:**<br>1.Умумий психологиянинг тарихини гапириб беринг?<br>2.Умумий психология фанининг ривожланиш босқичларини қиёсий солиштиринг?<br>2.Умумий психологиянинг предмети айтиб беринг ва вазифаларини cананг?<br>3.Психик ҳодисаларни таърифланг?<br>4.Психик ривожланишнинг қонуният ва механизмларини тушунтириб беринг?<br>5.Психик ҳодисаларнинг кечишини таърифлаб беринг?<br>6.Мия ва психика. Психика ва онг. Онг ва онгсизлик ҳолатларини таърифланг.<br>Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.<br>**4.2.** Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади. | **Ўқитувчи, 15 минут** |
| 5 | **Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:**<br>**5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади.<br>**5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади.<br>**5.3.** Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади. | **Ўқитувчи, 10 минут** |

**Асосий саволлар.**

1. Умумий психология назарияси ва амалиёти фани хакида тушунча
2. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг предмети.
3. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг вужудга келиши
4. Шарқ мутафаккирларининг психологик қарашлари.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:**

Психика, телепатик,субъект-объект, онг, рух, жон, психик ҳолат, психосоматик, детерминизм,епифеноменализм, регулятор, акс эттириш, физиологик,ўзини-ўзи англаш,сенсор, биринчи сигнал системаси, иккинчи сигнал системаси рефлекс,дуализм.

**Мавзуга оид муаммолар:**

1 Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг ривожланиш босқичларида психик ҳодисаларнинг ўрни борми? Исботланг?

2. Психик ривожланишнинг қонуният ва механизмларини нималардан иборат деб биласиз? Фикрингизни баён қилинг ?

Психик ҳодисаларнинг кечишини мисоллар билан тушунтиринг?

3. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг мақсад, вазифалари, ва ўзига хос хусусиятларини аниқланг.

4. Психиканинг қонуниятларини ўрганинг.

5. Психиканинг механизмларини баён қилинг?

**Умумий психология назарияси ва амалиёти фани хакида тушунча**

**Биринчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг тарихини тушунтириб бериш, уни ҳар бир талабанинг ўзлаштириб олишига эришиш. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг ривожланиш босқичларини аниқлаш. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг моҳиятни ёритиш. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг вазифаларини аниқлаш. Талабаларда Умумий психология назарияси ва амалиёти фанини ўрганишга қизиқиш уйғотиш.

Идентив ўқув мақсадлари.

Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг тарихини тушунтириб беради.

Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг ривожланиш босқичларини аниқлайди.

Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг моҳиятни ёритади.
Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг вазифаларини санайди.
Талабаларда Умумий психология назарияси ва амалиёти фанини ўрганишга қизиқиш уйғотади.

**1-саволнинг баёни:**

Умумий психология воқеликнинг алоҳида бир соҳаси бўлган психик (ёки руҳий) ҳаёт соҳасини ўрганади. Ҳар кимга маълум ҳодисалар сезгиларимиз, идрок, тасаввурларимиз, фикр, ҳис, интилишларимиз ва шунга ўхшашлар психик ҳодисалар жумласига киради. Шахснинг психик ёки индивидуал хусусиятлари: одамнинг темпераменти (мижози), характери (феъл-атвори), қобилият, эҳтиёж, майл ва ҳаваслари ҳам психика соҳасига киради. Психик (руҳий) ҳодисалар барчаси **психика** деган бир сўз билан аталади.

Психика ўзга алоҳида бир олам эмас: у органик ҳаётнинг юксак шаклларидан бўлиб, фақат ҳайвонлар билан одамларга хосдир. Ҳайвонлар билан одам, ўсимликлардан фарқ қилиб, ёлғиз органик ҳаётга эга бўлибгина қолмай, балки, шу билан бирга, психик ҳаётга ҳам эгадир. Лекин, маълумки, ҳайвонларнинг психик ҳаёти одамнинг психик ҳаётига қараганда соддароқдир. Одам психикаси ҳайвонлар психикасидан сифат жиҳатидан фарқ қилади. Одамда психик ҳаётнинг юксак шакли - онг бор. Одам онгли зот ҳисобланади.

Психик ҳаёт ҳодисалари жуда хилма-хил, аммо бир-бири билан ўзаро боғланган бўлади. Психология ана шу боғланиш ва муносабатларнинг қонуниятларини очиб беради. Ҳозирги кунгача психик ҳодисалар ривожланиб келган ва ривожланмоқда. Шу сабабли, психология психиканинг тараққиёт қонуниятларини очиб бериши керак.

Ҳар бир шахс психология фанининг маълумотларидан амалий мақсадда, аввало таълим-тарбия ишида, шунингдек, ишлаб чиқаришда, меҳнатни ташкил этиш ва ихчамлаштиришда, тиббиётда, санъат ва шунга ўхшаш соҳаларда фойдаланмоқ учун психиканинг тараққиёт қонуниятларини билиши керак бўлади. Шундай қилиб, психология психик ҳаёт соҳалари ёки, қисқача қилиб айтганда**, психикадан** баҳс юритади. Психик ҳаёт турли-туман ҳодисаларда намоён бўлади. Психик ҳаёт ҳодисалари: психик жараёнлар, психик маҳсуллар ва психик ҳолатларга ажратилади.

Психик жараён — психик ҳодисанинг кетма-кет ўзгаришидир.

Психик маҳсуллар — психик жараёнларнинг натижасидир. Буларга сезги ва идрокларнинг образлари, тасаввурлар, муҳокамалар, тушунчалар киради. Психик ҳолатларга эса ёқимли ва ёқимсиз туйғулар, тинчлик-фароғат, ҳаяжонланиш ва маъюсланиш, уйғоқлик ва уйқу ҳолатлари, дадиллик ва тараддудланиб қолиш ҳолатлари киради.

Хилма-хил психик ҳодисаларни: билиш, эмотционал соҳа (ҳиссиёт соҳаси) ва ирода соҳаси деб учга бўлиш қадимдан бор. Одам онги фаолиятида зоҳир бўладиган ана шу турлар психик функциялар деб аталади.

Билиш ҳодисалари бошқача қилиб айтганда ақлий, интеллектуал жараёнлар деб аталади. Сезгилар, идрок, хотира, хаёл, тафаккур ва нутқ - билиш жараёнлари деб ҳисобланади. Одатда ҳаётимизда **психик функциялар** термини ўрнига **психик жараёнлар** терминини ишлатамиз.

Аммо психик функциялар терминидан фойдаланган маъқулроқ. Функция тушунчасининг мазмуни кенгроқ. Бу тушунча психик жараённи ҳам, психик ҳолатни ҳам, фаолликни ҳам, иш-ҳаракатини ҳам ўз ичига олади. Функсия қандай бўлмасин яхлит бир нарсанинг қисми эмас, балки намоён бўлиши, амал қилиши демакдир. Шунинг учун сезги, идрок, хотира, хаёл, тафаккур, нутқ, диққат, ҳислар, ирода психика қисмлари эмас, балки бир бутун онгнинг функциялари, бир бутун шахснинг функцияларидир.

**С е з г и л а р** - муайян пайтда сезги органларимизга: кўрув, эшитув, туйиш, ҳид билиш ва бошқа шу каби органларимизга таъсир этиб турган нарсалардаги айрим хоссаларнинг акс этишидир. Масалан, қизил, оқни, ширин, аччиқни, оғир, енгилни сезамиз.

**И д р о к** - теварак-атрофимиздаги нарсаларнинг яхлит ҳолда акс этишидир. Масалан, уй, гул, нутқ, мусиқа ва бошқа шу кабиларни идрок этамиз. Нарсалар сезгилар асосида идрок этилади. Сезги ва идрок теварак-атрофимиздаги нарса ва ҳодисалар ҳамда улардаги хилма-хил хоссаларнинг миямиздаги образларидир.

**Х о т и р а** - н арса ва ҳодисалар ҳамда улардаги хоссаларнинг сезги ва идрок орқали ҳосил бўлган образлари ном-нишонсиз йўқолиб кетмайди улар миямизда ўрнашиб, сақланиб қолади ва қулай шароитда яна эсимизга тушади. Илгари идрок этилган нарсаларнинг эсимизга туширилган образлари тасаввурлар деб аталади. Сезги ва идрок каби, кўнглимиздан кечган фикр, ҳисларимиз ва қилган ишларимиз ҳам мияга ўрнашиб, сақланиб қолади ва яна эсимизга тушади. Идрок этилган ва кўнгилдан кечган нарсаларнинг миямизга ўрнашиб (эсимизда қолиб), сақланиши ва яна эсимизга тушишидан иборат бўлган ана шу психик фаолият **хотира** деб аталади.

**Х а** ё л - нарса ва ҳодисаларнинг идрок орқали миямизда ҳосил бўладиган образлардан ташқари, ўзимиз бевосита идрок этмаган нарсалар ҳақидаги тасаввурлар ҳам миямиздан катта жой олади. М: ибтидоий одамларнинг ҳаёт шароитлари ҳақидаги тасаввурларимиз, Марсдаги ҳаёт ҳақидаги тасаввурларимиз ва шунга ўхшашлар ана шундайдир. Бу тасавурлар хотирамизда бор тасаввурлар асосида хаёлда (фантазияда) ҳосил бўлади.

**Т а ф а к к у р** - Идрок ва тасавурларимизда акс этадиган нарса тафаккурда таққосланиб, таҳлил қилинади ва умумлаштирилади. Тафаккур воқеликнинг умумийлаштирилган бевосита ва энг тўлиқ ҳамда энг аниқ интиҳосидир. Тафаккур жараёнларидаги фикрлар муҳокама ва тушунчалар тушунилади ва вужудга келади. Одам фикрлаш фаолияти туфайли воқеликни идрок ва тасаввурларидагига қараганда аниқроқ, тўлароқ ва чуқурроқ билиб олади.

**Н у т қ** - Тафаккур нутққа чамбарчас боғлиқ. Фикрларимиз нутқ ёрдами билан шаклланади ва ифодаланади. Кишилар нутқ воситасида алоқа қиладилар, фикрларини бир-бирлари билан ўртоқлашадилар; одамнинг ҳиссиёти ва интилишлари ҳам ўз нутқида ифодасини топади. Нутқ кишиларнинг бир-бирлари билан билан алоқа қилиш усулидир.

**Д и қ қ а т**- Юқорида кўрсатилган психик жараёнларнинг ҳаммаси одамда диққат мавжуд бўлгандагина юзага чиқади. Диққат онгимизнинг ўзимиз идрок этаётган, тасаввур қилаётган, фикр юритилаётган ва айтаётган нарсамизга қаратиш, бир нуқтага тўплаш демакдир. Диққат ўзига хос алоҳида билиш жараёни эмас, балки билиш жараёнларнинг фаол бориши ва сифатли бўлиши учун зарурдир.

**Биринчи савол бўйича назорат топшириқлари:**

1. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг тарихини тушунтириб беринг?
2. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг ривожланиш босқичларини аниқланг?
3. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг моҳиятини ёритинг?
4. И.М. Сеченовнинг (1829-1905 рус олими) рефлектор назариясининг ўзига хос хусусиятларини гапириб беринг?
5.Ғоялар ассоциацияси (боғланиши) қонуни, идрок ва тафаккурнинг пайдо бўлиши, қобилиятлар психологияси ҳақида муҳим таълимотларини яратиш билан фаннинг ривожланишига муҳим ҳисса қўшган олимларни аниқланг?

А. А. Беруний, А. А. Ибн Сино.

Б. Лейбниц, Жон Локк, Гартли, Дидро.

В. А. А. Ибн Сино, Жон Локк, Гартли.

## 2. Умумий психология фанининг предмети.

**Иккинчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг предметини тушунтириб бериш, уни ҳар бир талабанинг ўзлаштириб олишига эришиш. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг вазифаларини аниқлаш ва белгилаш. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг моҳиятни ёритиш. Талабаларда Умумий психология назарияси ва амалиёти фанини ўрганишга қизиқиш уйғотиш.

## Идентив ўқув мақсадлари.

1. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг предметини тушунтириб беради.
2. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг моҳиятни ёритади.
3. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг вазифаларини белгилайди ва санайди.
4. Талабаларда Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг фанини ўрганишга қизиқиш уйғотади.

## 2-саволнинг баёни:

«Психология» (юнонча psychelogos) сўзини ўзбек тилига таржима қилсак, у «жон», «руҳ» ҳақидаги «фан, таълимот» деган маъно англатади. Ҳозирги даврда эса «жон» тушунчаси ўрнига «психика» қўлланилади. «жон», «психика» тушунчалари айнан бир хил маънони билдиради. Лекин «психика» тушунчаси бугунги кунда «жон»дан кенгроқ кўламга эга бўлиб, кўзга кўринувчи ва кўзга кўринмовчи томонларини ўзида акс эттиради. Психикада психиканинг таркибий қисмлари: **фаолият, хулқ, муомала** яққол намоён ҳисобланади. Билиш жараёнлари: психик ҳолатлар, ички кечималар, ижодий режалар, илмий фаразлар эса мияда мужассамлашгани учун улар кўзга кўринмайди. Психика тўғрисида дастлабки тасаввурга эга бўлиш учун даставвал психик ҳодисалар моҳияти билан танишамиз. Психика ҳаётнинг сезги, идрок, хотира, тафаккур, хаёл каби ҳар бири алоҳида олинган яққол шаклларидан иборатдир. Инсондаги қувонч ёки зерикиш туйғулари, унинг нималарнидир эсга тушириши, бирон-бир хоҳиш ёки интилиш кечинмалари, хотиржамлик ёки ҳаяжонланиш, ҳадиксираш ҳисларининг барчаси шахс ички дунёсининг таркибий қисмларидир.

Агар инсон идрок қилса, сезса, фикрласа, эсласа, хоҳиш билдирса, албатта ана шу ҳодисаларни бир даврнинг ўзида тушуниб (кузатиб) ҳам туради. Инсон интилса, иккиланса, бир қарорга келса, биз уларнинг барчасини содир бўлаётганлигини англаб турамиз. Шунинг учун психик ҳодисалар бизнинг руҳиятимизда содир бўлишидан ташқари, улар бевосита кўз ўнгимизда намоён бўлиб туради. Психиканинг турли шаклларда кўриниши, жумладан, психик жараёнлар, англашилмаган ҳолатлар, хулқ-атвор, психосоматик (юнонча psyche «жон», somo «тана» маъносини англатади) ҳодисалар, инсон ақл-заковати ва қўлининг мўъжизакорлиги моддий ва маънавий маданият маҳсулини яратди. Ҳар қандай фактларда (воқеликда), ҳодисаларда психика намоён бўлади, ўзининг хусусиятларини ажратади, фақат уларни билиш орқалигина психикани ўрганиш мумкин.

Психологиянинг предмети қуйидагилардан ташкил топган:

1) психологик билиш жараёнлари (сезги, идрок, хотира ва ҳоказо),
2) психиканинг шакллари (фаолият, хулқ, муомала),
3) психиканинг ҳолатлари (кайфият, хаёлпаришонлик кабилар),
4) психиканинг ҳодисалари,
5) психиканинг хислатлари, фазилатлари, сифатлари, хоссалари,
6) психиканинг қонуниятлари,
7) психиканинг механизмлари,
8) психик шароит, муҳит, вазият,
9) ўзаро сабабий боғланишлар,

тадқиқот методлари, воситалари, материаллари ва принциплари.

**Иккинчи савол бўйича назорат топшириқлари:**

1. Психологик билиш жараёнларини тавсифланг?
2. Психиканинг шаклларини санаб беринг?
3. Психиканинг ҳолатларни тушунтиринг?
4. Психиканинг ҳодисаларини таърифлаб беринг?
5. Психиканинг хислатлари, фазилатлари, сифатлари, хоссаларини бир-биридан ажратинг?

**Учинчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг вужудга келишини тушунтириб бериш, уни ҳар бир талабанинг ўзлаштириб олишига эришиш. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг вужудга келишида ҳисса қўшган файласуфларнинг талимотларини ўрганиш ва қиёсий солиштириш. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг моҳиятни ёритиш. Талабаларда умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг вужудга келишини ўрганишга қизиқиш уйғотиш.

**Идентив ўқув мақсадлари.**

1.Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг вужудга келишини тушунтириб беради.

2.Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг вужудга келишида ҳисса қўшган файласуфларнинг талимотларини ўрганади ва қиёсий солиштиради.

3.Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг моҳиятини ёритади.

4. Талабаларда Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг вужудга келишини ўрганишга қизиқиш уйғотади.

## 3. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг вужудга келиши.

Инсониятнинг ижтимоий-тарихий тараққиёти давомида қадимги одамлар табиий ҳамда ижтимоий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ибтидоий жамоа аъзоларининг психологик хусусиятларини аниқлаш, улардан шахсលараро муносабатларда оқилона фойдаланиш, ўзининг хатти-ҳаракати, шахсий фаолияти ва муомалага киришишида уларни ҳисобга олишга интилиб яшаб келганлар. Кўп минг йиллик ижтимоий ҳаёт тажрибаларига асосланган равишда одамлар шахснинг индивидуал (лотинча individuum алоҳида, яккаҳол одам) хусусиятларини жон билан боғлашга ва унинг таъсири билан изоҳлашга ҳаракат қилишган. Қадимги одамларнинг тасаввурларига қараганда, инсон танасида жон жойлашган бўлиб, у шахсга оид хусусиятлар, хислатларни вужудга келтириш имкониятига эга емиш. Қадимги аждодларимизнинг «жон» тўғрисидаги тасаввурлари натижасида анимизм (лотинча anima «жон» деган) таълимот инсоният томонидан кашф қилинади. Ибтидоий халқларнинг тасаввурларида руҳ инсоннинг танаси билан узвий боғлиқ ҳолда ҳукм суради, гўёки яшайди. Шунинг учун ижтимоий ҳодисалар, ҳатто онг, шунингдек, реал воқеликлар (ўлим, уйқу, бехуш бўлиш, бетоблик) кабиларни содда тарздаги моддийлик (мавжудлик) нуктаи назаридан талқин қилишга уринганлар. Содда тафаккур шакллари билан куролланган қадимги одамлар атроф-муҳит тўғрисидаги ранг-баранг ҳолатлар, ҳодисалар моҳиятини илмий жиҳатдан далиллаш имкониятига эга бўлмаганлиги сабабли идрок қилинган нарсани унинг ҳақиқий моҳияти тарзида акс эттиришган.

Қадимги инсонлар табиатнинг кудрати (куч-кувввати) олдидаги заифлиги туфайли якка шахс ҳам, жамоа ҳам руҳга итоаткор тарзида тасаввур этилиши натижасида дин, ибодат тушунчалари пайдо бўлади.

Афлотун психологияда дуализм (лотинча dualis икки мустақил маъно билдиради) таълимотида руҳий оламни, тана билан психикани иккита мустақил нарса деб изоҳлайди.

Афлотуннинг шогирди Арасту (эрамиздан олдинги 384-322 йиллар) ўзининг таълимотида психологияни табиий-илмий асосга қуриб, уни биология ва

тиббиёт билан боғлаб тушунтиришга эришган. Арастунинг «Жон» тўғрисидаги китоби маълум бир давр учун тараққийпарвар манба вазифасини бажарди. Унда одамларнинг ва ҳайвонларнинг кундалик ҳаётий лаҳзаларини кузатиш орқали яққол воқеликни тасвирлаш, таҳлил қилиш жараёнлари мужассамлаштирилди. Арастунинг таъкидлашича, жон қисмларга бўлинмайди, лекин у фаолиятнинг озиқланиш, ҳис этиш, ҳаракатга келтириш, ақл, идрок каби турларга оид қобилиятларда рўёбга чиқади. Унинг фикрича, сезги билишнинг дастлабки қобилияти, у тасаввур шаклида из қолдириши мумкин.

XVII аср биология ва психология фанлари учун тараққиёт даври бўлди. Хулқ-атворнинг рефлектор (ғайриихтиёрий) табиатга эга эканлиги француз олими Декарт (1596-1650) томонидан кашф этилди. Рефлекс (лотинча reflexus акс эттириш) организмнинг ташқи таъсирга қонуний равишдаги жавоб реакцияси эканлиги исботланди.

Инглиз олими Гоббс (1588-1679) руҳни мутлақо рад этиб, механик ҳаракатни ягона воқелик деб атади.

Нидерландиялик олим Спиноза (1632-1677) онгни катта кўламга эга бўлган яққол нарса деб тушунтирди. Унинг фикрича онг материядан сира қолишмайдиган воқелик эканлигини таъкидлади.

Рус олими И.М. Сеченовнинг (1829-1905) рефлектор назарияси рўёбга чиқди ва ушбу назария психология фанининг физиологик асослари, механизмлари, бош мия рефлексларининг ўзига хос хусусиятлари табиатини очиб бериш имкониятига эга бўлди.

**Учинчи савол бўйича назорат топшириқлари:**

1.И.М. Сеченовнинг (1829-1905) рефлектор назариясини тушунтиринг.

2. Инглиз олими Гоббс нима учун механик ҳаракатни ягона воқелик деб билган ? Фикрингизни баён қилинг?

3. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг вужудга келишини тушунтиринг.

4. Психиканинг физиологик механизмларини ёритинг

5. Психология ва унинг моддий асосларини асосланг

Психиканинг предмети тўғрисида психологик қарашларни ўрганинг ва қиёсий 6. таҳлил қилинг.

7. Психиканинг моддий асослари тўғрисида мулоҳазаларингизни баён қилинг.

**Тўртинчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Инсон ва ижтимоий жамиятнинг кўп қиррали, мураккаб муносабатини тушунтириш.Шахснинг жамиятдаги ролини таърифлаш. Шахснинг шаклланишига таъсир этувчи ташқи ва ички омилларни текшириш.

**Идентив ўқув мақсадлари.**

1.Инсон ва ижтимоий жамиятнинг кўп қиррали, мураккаб муносабатини тушунтиради.

2. Шахснинг жамиятдаги ролини таърифлайди.

3. Шахснинг шаклланишига таъсир этувчи ташқи ва ички омилларни текширади.

## 4. Шарқ мутафаккирларининг психологик қарашлари.

### 4-саволнинг баёни:

Шарқнинг машҳур мутафаккири, қадимги юнон фалсафасининг шарқдаги энг йирик тарғиботчиси олим **Абу Наср Форобийдир**. У ўз даврининг файласуфи, мусиқачиси, шоири, қомусий олими бўлиб ном қозонди. У «Ақл ҳақидаги рисола», «Фалсафа мактаблари», каби кўплаб рисолалар яратди. У Шарқда қадимги дунёнинг қомусий олими, психология фанининг отаси Аристотелнинг асарларини ўрганиш, уларга шарҳлар ёзиш, ғояларини тарғиб этиш ва янада ривожлантиришга улкан ҳисса қўшди. Аристотел «биринчи муаллим» деб ном олган бўлса, Шарқда Форобий «иккинчи муаллим» унвонига сазовор бўлди. У инсоннинг руҳий жараёнлари ҳақида фикр юритади. Форобийнинг фикрича, мавжудотнинг энг буюк ва етук маҳсули — бу инсондир, у ўзининг онги, ақли, сезиш органлари орқали оламни ҳар томонлама ўрганиш қобилиятига эгадир. Ақл

ёрдамида инсон уни ўраб олган мавжудотнинг моҳиятини тушунади. У мавжудотнинг яшаш шакллари, оламни билишнинг йўл ва воситалари, унда илм-фаннинг ўрни ва аҳамияти масаласига алоҳида эътибор қаратади. Унинг фикрича, инсон туғилганда танаси, мияси, сезги органлари мавжуд бўлади,  лекин ақлий билими, маънавийлиги, руҳи, интеллектуал ва ақлий хислатлари, характери, дини, урф-одатлари билан мулоқотда вужудга келади.

Форобийнинг руҳий жараёнлар ҳақидаги таълимоти психология илмининг ривожланиши ва равнақига катта ҳисса қўшди. Унингча, минераллар тўрт элемент олов, тупроқ, ҳаво, сув  яъни содда субстансияларнинг ўзаро аралашуви мураккаб субстансияларни вужудга келтирди. Ундан аввало минераллар, яъни ноорганик жисмлар кейин эса ўсимлик олами ташкил топди. Ўсимликлар олами ўсиш, ривожланиш қобилиятига эгадир. Ўсимликлардан сўнг ҳайвонлар вужудга келди, улар ҳаракат қилиш, бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, кўпайиш, сезиш қобилиятига эга эдилар. Форобий олам жисмлари ривожланишининг олий босқичи  инсоннинг вужудга келишидир, деб кўрсатади.

Форобий ўсимлик, ҳайвон ва инсонга хос хусусият ва қобилиятларни қувват деб атади ва уни ўсиш қуввати, ҳайвоний қувват ва инсоний қувват деб учга ажратади. Унинг қувватлар ҳақидаги классификатцияси организм-даги жараёнларни биологик, физиологик-психик ва фикрлаш жараёнларига ажратиш демакдир. Форобий руҳий жараёнларни психолог сифатида эмас, балки файласуф сифатида талқин қилади, чунки у даврда психология ҳозиргидек мустақил фан ҳисобланмай, балки умумий фалсафий билимлар тузилишига кирган эди. Форобийнинг яратган билиш жараёнининг икки босқичи, ҳиссий ва ақлий билиш таълимоти, айниқса, муҳимдир. У ҳиссий билишни сезгилар орқали аниқ ва моддий нарсаларнинг бевосита таъсири натижасида ҳосил бўлади, деган бўлса, ақл орқали билиш аниқ моддий жисмлар орқали эмас, уларнинг таъсирисиз ва улардан ташқари фақат руҳий образлар асосида вужудга келади, деб уқтиради. Форобий «Ақл маънолари ҳақидаги рисола»сида ақл-интеллект тушунчасини бир томондан, психик жараён эканлигини ва иккинчи томондан у ташқи таъсирнинг, таълим-тарбиянинг натижаси деб англайди.

Форобийдан кейин жаҳон маданиятига улкан ҳисса қўшган олимлардан бири бухоролик **Абу Али ибн Синодир**.

У тиббиёт, фалсафа, психология, математика каби фанларнинг ривожланишига эътибор берди. У мавжудодни, яъни барча мавжуд нарсаларнинг келиб чиқиши, ўзаро

муносабати, биридан иккинчисига ўтишини ҳар томонлама ўрганади. Ибн Синонинг фикрича, олам яхлит мураккаб боғлиқдир. Бу боғлиқни ҳар томонлама текшириш учун у зарурият, имконият, воқелик ва сабабият тамойилларини асос қилиб олди. Унинг фикрича, материя тўрт  шаклдан ҳаво, ўт, сув, тупроқдан иборат. Уларнинг ўзаро турли хил бирикуви натижасида мураккаб моддий нарсалар ташкил топади, деб ёзади. Бу моддий нарсаларнинг моддий асоси бўлган ҳаво, ўт, сув, тупроқ ўзгармайди ҳам, йўқолмайди ҳам. Ибн Сино материя ҳаракат, вақт, фазо билан узвий боғлиқдир, деб таъкидлайди. Ибн Синонинг ишларида «жон» тушунчаси организмни сезиш, эшитиш, кўриш қобилияти деб таҳлил қилинган. У жон ҳақида ажойиб таълимот яратди. Бу ҳақдаги фикрлар унинг «Тиб қонунлари» китобида ўз аксини топган.

Абу Али ибн Сино Шарқ табобатида кенг қўлланиладиган «мижоз» тушунчасига алоҳида эътибор берди. Унингча, «мижоз» инсоннинг хусусияти унинг сифати, тана ва руҳга ташқи муҳит факторларининг таъсирини идрок қилишдир. «Мижоз» организмнинг руҳий ва жисмоний барқарорлигини кўрсатган жисмоний ва психик идрок ҳамда турли таъсирларга жавоб бўлиб, бу сўз қадимги грек табиби Гиппократ томонидан ишлатилган. Кейинчалик, у организмда бўладиган 4 суюқлик қон, сафро, балғам, қора ўт ҳақида таълимотини ишлаб чиққан.

Ибн Сино тиббиёт муаммоларини ҳал қилишда Гиппократ таълимотига суянади. «Тиб қонунлари* асарида бир неча бор тиббиёт фанини отаси Гиппократ фикрларидан фойдаланади.

**Тўртинчи савол бўйича назорат топшириқлари:**

1. Инсон - маданият, маънавият, қадрият ва руҳиятни тушунтиринг ?
2. Шахснинг жамиятдаги ролини таърифланг ?
3. Жамиятнинг тарихий тараққиётида инсоннинг ўрнини белгиланг ?
4. Шахсга ижтимоий таъсир этувчанликни баён қилинг ?

**Мавзу бўйича асосий хулосалар:**

Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг тарихи ва ривожланиш босқичлари кўриб чиқилди. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг предмети аниқланиб, вазифалари белгиланди. Психик ҳодисаларни кузатилди. Психик ривожланишнинг қонуниятлари ўрганилиб, қиёсий солиштирилди. Шахс ва жамиятнинг ўзаро алоқаси кўриб чиқилди. Психик ҳодисаларнинг кечиши текширилди.

## 2- мавзу. Ҳозирги замон психологиянинг тузилиши ва тадқиқот методлари

| Т/р | Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни | Амалга оширувчи, вақт |
|---|---|---|
| 1 | **Тайёрлов босқичи:**<br>**Дарснинг мақсади:** Ҳозирги замон психологияси фанининг тамойиллари, детерминизм тамойили, онг ва фаолият бирлиги тамойили, онгни фаолиятда ривожланиш тамойили, ҳозирги замон психологиясининг тузилиши, аниқ фаолиятни ўрганувчи психология соҳалари, ривожланишнинг ёш хусусиятларини ўрганувчи психология соҳалари, шахс ва жамиятга бўлган муносабатларни ўрганувчи психология соҳалари, меҳнат психологияси, педагогик психология, тиббиёт психологияси, юридик психология, ёш психологияси, махсус психология ёки аномал тараққиётни ўрганувчи психология соҳалари, ҳозирги замон психологиясининг тадқиқот методлари, кузатиш методи, експеримент методи, суҳбат ва сўровнома методи, фаолият маҳсулини ўрганиш методи, тест методи, социометрия методи, биография методи, психологиянинг фанлар тизимида тутган ўрни.<br>**Идентив ўқув мақсадлари.**<br>1. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг тармоқларини аниқлашни ўргатади.<br>2. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг методларини санайди ва унинг вазифаларини аниқлайди.<br>4. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг бошқа фанлар билан алоқасини ўқиб, ўрганади.<br>5.Ҳозирги замон психологиясини текширади. унинг бошқа фанлар тизимида тутган ўрнини аниқлайди.<br>**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Експериментал психология, қонуниятлар, механизмлар, мураккаб ички боғланишлар, принциплар, илмий тадқиқот методлар, филогенетик, онтогенетик, илмий тушунчалар, категориялар, муҳандислик психологияси, космик психология, тиббиёт психологияси, юридик психология, ҳарбий психология. | **Ўқитувчи** |

| | | |
|---|---|---|
| | **Дарс шакли:** кириш-ахборотли маъруза<br>**Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза, бахс, видеоусул, савол-жавоб, тушунтириш, тақдимот.<br>**Керакли жиҳоз ва воситалар:** слайдлар, дарсликлар, мавзуни кўриб чиқишга доир материаллар ва мавзунинг мазмунини ифодаловчи лавҳалар, кўргазмали материаллар. | |
| **2** | **Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:**<br>**2.1.** Мавзу эълон қилинади.<br>**2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади. | **Ўқитувчи, 15 минут** |
| **3** | **Гуруҳда ишлаш босқичи:**<br>**3.1.** Талабаларга мавзуга оид муаммоли савол берилади.<br>**3.2.** Талабаларнинг фикри эшитилади ва бошқа талабалар бахсга чақирилади.<br>**3.3.** Талабаларнинг фикри тингланиб,умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.<br>**3.4.** Умумий хулосани ўқитувчи баён қилади. | **Ўқитувчи-талаба, 40 минут** |
| **4** | **Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:**<br>1. Психология фанининг тармоқларини таърифланг ?<br>2. Умумий психология фанининг методларини белгиланг. 3. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг бошқа фанлар билан алоқасини аниқланг.<br>4. Ҳозирги замон психологиясининг айрим фарқли жиҳатларини ажратинг.<br>5. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг тармоқлари ҳақида умумий тушунчангизни баён қилинг?.<br>**6.** Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади. | **Ўқитувчи, 15 минут** |
| **5** | **Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:**<br>**5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади.<br>**5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади. | **Ўқитувчи, 10 минут** |

**Асосий саволлар.**

**Асосий саволлар:**

1. Умумий психология фанининг тармоқлари
2..Умумий психология фанининг методлари.
3. Психология фанининг назарий ва амалий вазифалари.

**Идентив ўқув мақсадлари.**

1. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг тармоқларини санайди.
2. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг методларини ажратади ва унинг вазифаларини белгилайди.
3. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг бошқа фанлар билан алоқасини ўрганади.
4.Ҳозирги замон психологияси ва унинг бошқа фанлар тизимида тутган ўрнини ажратади.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Експериментал психология, қонуниятлар, механизмлар, мураккаб ички боғланишлар, принциплар, илмий тадқиқот методлар, филогенетик, онтогенетик, илмий тушунчалар, категориялар, муҳандислик психологияси, космик психология, тиббиёт психологияси, юридик психология, ҳарбий психология.

**Мавзу бўйича асосий муаммолар:**

1 Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг тармоқларини бир бирларидан фарқини ажратиб, таърифлаб беринг? Ҳозирги замон психологиясининг тузилишини ва бошқа фанлар ўртасида тутган ўрнини аниқланг.

2. Ҳозирги замон психологиясининг асосий текшириш методлари ёрдамчи методлардан қандай хусусиятлари билан фарқ қилади? Мисоллар билан тушунтиринг?

3. Ҳозирги замон психологиясининг тузилиши, тамоиллари, мақсад, вазифалари, ва ўзига хос хусусиятларини аниқланг.

4. Метод ва тамоиллар тушунчаларига таъриф беринг

**Биринчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг тармоқларини тушунтириб бериш. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг тармоқларини моҳиятини ёритиш. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг тармоқларининг вазифаларини аниқлаш. Талабаларда Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг тармоқларини ўрганишга қизиқиш уйғотиш.

## Идентив ўқув мақсадлари.

1. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг тармоқларини тушунтириб беради.
2. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг тармоқларини моҳиятини ёритади.
3. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг тармоқларини вазифаларини аниқлайди.
4. Талабаларда Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг тармоқларини ўрганишга қизиқиш уйғотади.

## Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг тармоқлари.

Психологик билимлар жуда узоқ ўтмиш тарихга эга бўлсада, лекин у фан сифатида фалсафадан XIX асрга келиб ажралиб чиқди. Психологияни алоҳида фан сифатида ажралиб чиқишга ўша даврда кишилик жамиятида юз бераётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ўзгаришлар сабаб бўлди, чунки булар ижтимоий заруриятнинг тақозоси эди. Америкада бихевиоризм, Венада З.Фрейднинг психоанализм каби психология мактабларининг вужудга келиши психология фанининг ривожланишига ижобий ҳисса қўшди. Шу мактабларнинг ҳаммаси ўзининг нуқтаи назарига асосланиб, психология фанининг таркибий қисмларини ўрганишга ҳаракат қилди.

**Умумий психология** - умумий психологик қонуниятлар, механизмлар, мураккаб ички боғланишлар, назарий ва методологик принциплар, илмий тадқиқот методлар, психиканинг филогенетик ва онтогенетик ўзгаришларини, илмий тушунчалар ва категориялар, билиш жараёнларини амалий ва назарий жиҳатдан тадқиқот қиладиган соҳа. Умумий психология фани асосий категориялар, тушунчалар, психик жараёнлар, ҳолатлар, ҳодисалар, индивидуал-типологик хусусиятларни ўз ичига олади.

1. Психик жараёнлар: сезги, идрок, тасаввур, хотира, тафаккур, хаёл ва бошқалар.

2. Иродавий жараёнлар: мотив, мотивация, еҳтиёжлар, интилишлар, қарор қабул қилиш кабилар.

3. Ҳиссий жараёнлар: ҳис-туйғулар, емоция, кайфият, емоционал тон, стресс, аффект сингарилар.

**Експериментал психология** - бу соҳа экспериментал методлар ёрдамида психик ҳодисаларни тадқиқ қилади. Психологиянинг фан сифатида фалсафадан ажралиб чиқишида экспериментал тадқиқотлар ўтказиш асосий роль ўйнаган. XIX асрнинг ўрталарида психологик ҳодисалар устидан илк бор амалий экспериментал-психологик тадқиқотлар ўтказилган. Бу физиологик лабораторияларда элементар функцияларни ўрганиш орқали, яъни илк бор сезги ва идрокни ўрганиш билан бошланган. Експериментал психология фан сифатида ажралиб чиқишига В.Вундт ўзининг катта ҳиссасини қўшган. Тадқиқотларнинг кўпчилиги Т.Л.Морган, Е.Л.Торндайклар томонидан олиб борилган..

**Меҳнат психологияси** – бу соҳа инсоннинг меҳнатга муносабатини, меҳнат фаолиятининг қонуниятлари ва ривожланишини тадқиқ қилади. Меҳнат психологиясининг объекти ишлаб чиқаришда ва меҳнатда шахснинг фаолияти ҳисобланади. Меҳнат психологияси Г.Мюнстербергнинг «Психология ва ишлаб чиқариш унумдорлиги» (1913) ва «Психотехника асослари» (1914) китоблари чиққан даврдан бошлаб алоҳида соҳа сифатида вужудга келган. Меҳнат психологиясининг асосий вазифаси ишлаб чиқариш муносабатларини ижобийлаштириш, меҳнаткашларга зарур шарт-шароит яратиб бериш, касбий касалликларнинг, ишлаб чиқаришда жисмоний фалокатларнинг, психологик зўриқишларнинг олдини олишдир.

**Авиация психологияси** - авиасаноат ва авиахизматчиларнинг меҳнат фаолиятида кечувчи психологик қонуниятларни ўрганади. Авиация психологиясининг предмети мураккаб авиация тизимини бошқаришдаги инсон психикасининг ролини текширишдан иборат. Авиация психологияси объекти шахс фаолияти, жамоа тузилишини ташкил қилишнинг шарт-шароитлари ҳисобланади. Авиация психологияси субъекти учувчилар, муҳандис, техник хизмат кўрсатиш таркибини ташкил етувчи стюардессалар ва бошқалар.

**Муҳандислик психологияси** –бу соҳа инсон ва машина ўртасидаги муносабатни, инсонга машинанинг психологик таъсирини ва инсоннинг машина билан муносабати жараёнининг психологик қонуниятларини тадқиқот методлари ёрдами билан ўрганади. Муҳандислик психологияси фан-техника революцияси таъсирида вужудга келган.

**Космик психология** –бу соҳа вазнсизлик ва бўшлиқда аниқ мўлжал ола билмаслик шароитида, организмда жуда кўп ортиқча таассуротлар юкланган пайтда рўй берадиган нерв-психологик зўриқиш билан боғлиқ бўлган алоҳида ҳолатлар туғилганда киши фаолиятининг психологик хусусиятларини тадқиқ қилади.

**Екстремал психология** - инсоннинг ўзгарган муҳит шарт-шароитларида психик фаолиятининг кечиши қонуниятларини ўрганадиган психология соҳаси. Екстремал шароитда инсонга бир қанча факторлар таъсир қилади: макон ўзгариши, хавф омили, вақт, шахсий аҳамиятга молик ахборотнинг ўзгариши, ёлғизлик, гуруҳий изоляция ва ҳаётий хавф.

**Педагогик психология** –бу соҳа тарбия ва таълим муаммоларини тадқиқ қилади. Педагогик психология шахснинг мақсадга мувофиқ ривожланишини, билиш фаолиятининг ва шахсда ижтимоий ижобий сифатларни тарбиялашнинг психологик муаммоларини ўрганади.

**Тиббиёт психологияси** - касалларнинг даволаниши, гигиена, профилактика, диагностика жабҳаларини тадқиқ қилувчи психология соҳаси. Тиббиёт психологиясида тадқиқотлар тизимига касалликларнинг кечиши, уларнинг шахс психологиясига таъсири ўрганилади. Тиббиёт психологияси ўз ичига қўйидагиларни олади:

**1.нейропсихология-** психик ҳодисалар билан мияга физиологик тузилишлар ўртасидаги нисбатни ўрганадиган соҳа.

**2.психофармокология -**доривор моддаларнинг киши психик фаолиятига таъсирини текширадиган соҳа.

3.**психопрофилактика -** беморларни даволаш учун психик жиҳатдан саломатлигини таъминлаш чора-тадбирлари тизимини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи соҳа.

**Юридик психология** ҳуқуқ доирасидаги муносабатлар одамларнинг психик фаолиятини ҳуқуқий бошқариш механизмлари ва қонуниятларини ўрганувчи психология соҳаси. Юридик психология жиноятчилар шахсини тадқиқ қилиш, гувоҳлик кўрсатувчилар кўрсатмаларини текшириш, суд психологияси экспертизасининг назарий ва амалий томонлари ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

**Ҳарбий психология** - ҳарбий фаолиятининг инсон психикасига таъсири, ҳарбий фаолиятнинг хусусиятларини психологик қонуниятларини ўрганувчи, тадқиқ қилувчи психология соҳаси. Жангчи шахсининг психологик факторларини текшириш ҳарбий психологияснинг асосий муаммоларидан биридир.

**Спорт психологияси** спорт мусобақалари ва машқланиш фаолиятида инсон психикасининг ривожланиши, гуруҳий муносабатларнинг психологик қонуниятларини тадқиқ қилувчи психология соҳаси. Спорт психологиясининг асосий вазифаси спортчиларнинг психик ва жисмоний камолотга таъсир ўтказувчи муҳим шарт-шароитларни яратиб беришдир.

**Савдо психологияси.** Савдо психологияси савдо-тижорат рекламалари, модалар психологияси ва шу каби масалаларни тадқиқ қилади. Айниқса, сотувчи-харидор муносабати, кишиларга таъсир ўтказиш, уларда илиқ ҳис-туйғу, ишонч уйғотиш механизмлари, мантиқан уларни муомала жараёнида ишонтириш, қизиқтириш, ижтимоий аҳамиятини тушунтира билиш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш, хизматда мулоқот маданияти ва унинг тренингларидан унумли фойдаланиш, харидорларнинг психологик хусусиятларини англаган ҳолда муносабатда бўлиш қонуниятларини тадқиқ этади.

**Ижодиёт психологияси** - бадиий қадриятларни ўзлаштиришда, уларнинг янги кўринишларини ижод қилишда ва шу қадриятлар инсон томонидан идрок қилишда кечадиган психологик ҳолатларни ҳамда бу ҳолатларнинг шахс ҳаёти, фаолиятига таъсирини ўрганувчи психология соҳаси.

**Ёш психологияси** - шахснинг психик ривожланиш қонуниятларини инсон туғилишидан то умрининг охиригача бўлган даврни, яъни онтогенезни ўрганадиган психология соҳаси. Ёш психологияси болалар психологияси сифатида XIX асрнинг охирида вужудга келган Ёш психологияси ҳозирги замонда болалар психологияси, ўсмирлик ва ўспиринлик психологияси, етуклик психологияси, геронтопсихологиядан иборатдир. Ёш психологиясининг асосий вазифаларидан бири болани психик ривожланишининг ижобий шаклда ташкил этилиши, ёш даврлари инқирози босқичлари, жараёнлари ва пайтларида психологик ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Махсус психология** - нормал психик ривожланмаган туғма ёки кейинчалик орттирилган нуқсонлар, дефектлар таъсири остидаги инсонларнинг психологиясини тадқиқот қилиш соҳаси. Унинг бир неча бўлимлари ҳукм суради: **патопсихология** - ривожланиш жараёнида психиканинг айниши, миядаги касалликнинг турлича кечиши, психиканинг тамоман издан чиқиши ҳолларини ўрганувчи соҳа; **олигофренопсихология** - психик ривожланишнинг миядаги туғма асоратлар билан боғлиқ патологияси тўғрисида тадқиқот ишларини олиб борувчи соҳа; **сурдопсихология** - қулоқ эшитишнинг бутунлай кар бўлиб қолгунга қадар жиддий камчиликлари, нуқсонлари билан шуғулланувчи, болани вояга етказишнинг омилкор йўл-йўриқларини топувчи, коррекцион-тузатиш ишларини олиб борувчи соҳа; **тифлопсихология** - чала кўрувчи ва мутлақо кўзи ожиз одамларнинг психологик ривожланишини тадқиқ қилувчи соҳа.

**Қиёсий психология** - психологиянинг мураккаб бўлимларидан бири бўлиб, психиканинг филогенетик ҳолатлари ва уларнинг шаклларини тадқиқ қиладиган соҳаси. қиёсий психологияда ҳайвонлар психологияси одамларники билан қиёсланади, уларнинг хулқ-атворидаги ўхшашликлар ва тафовутлар сабаблари текширилади, ҳаракатлантирувчи кучлар, таъсир ўтказувчи воситалар, омиллар аниқланади. **Зоопсихология** қиёсий психологиянинг бўлимидан иборат бўлиб, у турли гуруҳларга, турларга мансуб ҳайвонлар, жониворлар психикасини, уларнинг хатти-ҳаракатларини ўрганади. **Етология -** биологик ва психологик жабҳалар қоришмасидан иборат бўлиб, ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатидаги туғма аломатлар, механизмлар инсонники билан умумий негизга эга эканлигини ўрганувчи соҳа.

**Дифференциал психология -** шахслар ўртасидаги тафовут ва фарқларни ҳамда гуруҳ аъзолари орасидаги номутаносибликларнинг психологик томонларини, яъни психологик фарқларини ўрганувчи психология соҳаси. Дифференциал психологияга Ф.Гальтон асос солган. Дифференциал психология терминини немис психологи В. Штерн ўзининг «Индивидуал фарқлар психологияси» (1900 йил) асарида ишлатган. Дифференциал психологиянинг асосий методларидан бири - **тестдир**. Аввал индивидуал тестлар, кейинчалик эса гуруҳий тестлар қўлланила бошланган, улар асосан ақлий ривожланишдаги фарқларни ўрганишга қаратилган бўлиб, муайян вақт ўтгандан сўнг проектив тестлар ишлаб чиқилган. Мазкур тестлар қизиқишдаги, интилишдаги, ҳиссиётдаги тафовутларни текширишга қаратилгандир.

**Ижтимоий (социал) психология** бу соҳа одамларнинг ижтимоий гуруҳларга бирлашишини ва шу гуруҳларнинг тавсифни, шахснинг гуруҳий фаолияти ва хулқ-атворини, ижтимоий-психологик қонуниятлар, ҳолатлар, ҳодисалар, ижтимоий установка кабиларни тадқиқот қилувчи психология соҳаси. Социал психология бир неча соҳаларни ўз ичига қамраб олади: дин психологияси, оила психологияси, муомала психологияси, кичик гуруҳ психологияси, катта гуруҳ психологияси, модалар психологияси, инсонни инсон томонидан идрок қилиш психологияси, этнопсихология ва бошқалар.

**Дин психологияси** - психологик ва ижтимоий психологик омилларнинг диний онг билан шартланганлигини, диннинг инсонга таъсирини ўрганувчи психология соҳаси. Дин психологияси XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида вужудга келган бўлиб, инсонни ибодат қилишдаги, диний анъаналарни, расм-русумларни бажаришдаги ҳиссиёт ҳолатларини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

**Сиёсий психология** - жамиятнинг сиёсий ҳаётидаги психологик хусусиятлар, ҳолатлар, қонуниятлар, таъсирчанлик ва таъсир ўтказиш жараёнлари каби жабҳаларни текширувчи психология соҳаси.

**Оила психологияси** - оиланинг психологиясини ўрганувчи психология соҳаси саналади. Оила психологияси оиланинг психологик муаммоларини ўрганади, у оилага таъсир қилувчи омилларни, оиладаги роллар тақсимланиши, эр-хотин муносабати, шахсл арaро муносабат, ёш хусусиятларига асосланиб мулоқотга киришиш кабиларни ўрганади.

**Бошқарув психологияси** - жамиятда фаолият кўрсатаётган шахслар, гуруҳлар ва жамоалар ўртасидаги ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган назорат, баҳолаш, муносабат қонуниятларини, раҳбар фаолияти ва характери, қобилияти хусусиятларини тадқиқ қиладиган ижтимоий психологиянинг соҳаси.

**Компьютерлаштириш психологияси** - компьютернинг ишлаб чиқаришдаги роли, психик акс эттиришга таъсири, шахс тузилишининг ўзгаришини ўрганувчи психология соҳаси. Мазкур соҳа компьютер ва инсон ўртасидаги диалогик муносабатни ҳам тадқиқот қилади, натижада «техника-инсон-техника» ўзаро таъсири механизмини текширади ва зарур жабҳалар ўзаро таъсирини аниқлайди.

**Парапсихология** - ҳозирги замон фанининг чегарасидан ташқаридаги, тушунтириш қийин бўлган психик ҳодисаларни ўрганади. Екстрасенсорика - ўта сезувчанлик, телепатия - фикрни масофага узатиш, келажакни башорат қилиш ва ҳоказо. Парапсихологияга нисбатан қизиқиш қадимдан мавжуд бўлиб, унга нисбатан ихлос то ҳозирги кунгача камайгани йўқ, гоҳо уни **психотроника** деб ҳам аташади. **Хиромантия**-кўл кафтига қараб фол очиш, инсон келажаги ва унинг тақдири ҳақида олдиндан башорат қилишдан иборат ноилмий соҳа. **Спиритизм**-ўлган одамлар арвоҳлари, руҳлари билан алоқа ўрнатиш мумкин, улар ҳамиша барҳаёт ва биз билан мулоқотга муҳтож ғояни илгари сурувчи парапсихология соҳаси.

**1- савол учун назорат топшириқлари:**

1. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг тармоқларини сананг ва уларнинг жамиятимизда тутган ўрни нималардан иборат?
2. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг замонавий таърифини аниқланг ва гапириб беринг?
3. Експериментал психология соҳасини таърифланг?
4.Меҳнат психологияси қачон пайдо бўлган? Фикрингизни баён қилинг?

## Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг методлари

**2-асосий савол бўйича дарснинг мақсади:** Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг методлари ва унинг вазифалари ҳақида маълумот бериш. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг методларини тушунтириб бериш. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг методларини янги мукаммал тарифини айтиб бериш.

### Идентив ўқув мақсадлари:

1. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг методлари ва унинг вазифалари ҳақида маълумот беради.
2. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг методларини ажратиб беради.
3. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг методларини янги мукаммал тарифини айтиб беради

### Иккинчи саволнинг баёни:

Психологияда текшириладиган психик ҳаёт ҳодисалари жуда хилма-хил ва мураккаб ҳодисалар ҳисобланади. Бу ҳодисалар методлар ва усуллар билан текширилади.

Ҳар бир психолог ва педагог кишилар психикасини ўрганиш ва текшириш учун энг оддий метод ва усулларни билиши керак.

Одамнинг теварак-атрофдаги воқеликни билиши кузатишдан, тажрибадан бошланади. Шу сабабли, илмий психология ҳам ўз мавзуини ўрганишни тажрибадан, психик ҳаёт фактларини аниқлаш, тасвир этиш ва таҳлил қилишдан бошлайди. Сўнгра, аниқланган ва таҳлил қилинган фактлар асосида, психик ҳаёт қонуниятларини очиб, тегишли назарий ва амалий хулосалар чиқаради.

### Кузатиш методи

Кузатишнинг асосий хусусияти шундаки, бу метод ёрдами билан психик ҳаётни сезги органларимиз бевосита сеза оладиган, ўзимиз бевосита идрок қила оладиган фактлари аниқланади ва тасвирланади. Кишининг психик ҳаётида: мимика, имо-ишора, нутқ, турли ҳаракатлар ва умуман кишининг бутун хатти-ҳаракати ва фаолиятини бевосита кузатиш мумкин. Кузатиш методининг обеъктив (ташқи), субъектив (ўз-ўзини) кузатиш турлари мавжуд. Инсон психикасидаги ўзгаришларни кузатиш учун қуйидагилар амалга оширилади:

1) кузатишнинг мақсади, вазифаси белгиланади;
2) кузатиладиган объект танланади;
3) синалувчининг ёши, жинси, касби аниқланади;
4) тадқиқот ўтказиш вақти режалаштирилади;
5) кузатиш қанча давом этиши қатъийлаштирилади;
6) кузатиш инсоннинг қайси фаолиятида (ўйин, ўқиш, меҳнат ва спортда) амалга оширилиши тавсия қилинади;
7) кузатишнинг шакли (якка, гуруҳ, жамоа билан ўтказилиши) тайинланади;
8) кузатилганларни қайд қилиб бериш воситалари (кундалик, суҳбат дафтари, кузатиш варақаси, магнитафон, видеомагнитафон, видеоаппарат, фотоаппарат ва бошқалар) тахт қилинади.

### Ташқи кузатиш

Психик ҳаёт ҳодисаларини ўрганишда аввало ташқи кузатиш методи татбиқ этилади. Психик жараёнлар билан бевосита боғланган баъзи бир физиологик ҳодисалар: юзнинг ўзгариши, нафас олиш, қон айланиш ва шу кабиларнинг ўзгариши ҳам ташқаридан кузатилса бўлади. Кузатиш маълумотларини сўзлар билан тасвир этиш билан кифояланиб қолмай, балки кўрсатма воситалари, суратга олиш, кинога олиш, товушни ёзиб олиш ва шу каби йўллар билан ҳам қайд қилиш мумкин.

Масалан, болалар нутқини ўсиб боришини кузатиш йўли билан текшира оламиз. Бунда боланинг сўз бойлиги қандай қилиб секин-аста орта боришини, нутқнинг фонетик томонини, грамматик тузилишини шу бола қандай билиб олаётганини қайд қилса бўлади.

**Ўз-ўзини кузатиш**

Ўз-ўзини кузатиш методи тадқиқотчи ўз-ўзини кузатиш билан амалга оширилади. Бу ҳолда тадқиқотчи психик жараёнлар ва ҳолатларнинг ички томони, одамнинг субектив кечинмалари қандай рўй берса, уларни шу ҳолида тасвир этиш ва аниқлаб олишга интилади.

Психология вужудга кела бошлаган 5 асрдан тортиб то бизнинг эрамизгача ва 19 асрнинг деярли охиригача ўз-ўзини кузатиш методи руҳий ҳаёт ҳодисаларини билишнинг бирдан-бир методи бўлиб қолди.

19 асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўз-ўзини кузатиш методига танқидий кўз билан қараладиган бўлиб қолди. Бу методнинг бир қанча камчиликлари борлиги маълум бўлди. Ўз-ўзини кузатишда тадқиқотчи ҳам, текшириладиган ҳам текширувчи обектга бўлиниб қолиши бу методнинг энг муҳим камчилиги эканлиги кўрсатилди. Ҳолбуки, нормал кишилар шахсининг амалда бундай «бўлиниб кетиши» мумкин эмас. Ўз-ўзини кузатишда психик ҳодисаларни (масалан, шодлик ёки қайғу ҳиссини, тафаккур жараёнини) ҳам бошдан кечириш, ҳам шу ҳодисаларни ўрганиш жуда қийин эканлиги, баъзан эса бутунлай мумкин бўлмаслиги кўрсатиб ўтилди. Ўз-ўзини кузатиш методининг чекланганлигини ҳам унинг камчилиги ҳисобланади. Ўз-ўзини кузатиш методининг яна бир катта камчилиги шуки, бу йўл билан олинган маълумотлар психик ҳаёт ҳодисаларини турли йўсинда бир томонлама, субектив талқин қилинишига олиб келиши мумкин. М: одамнинг характерини текшираётган психологнинг ўзи эгоист бўлса, ўз-ўзини кузатиш натижаларидан, эгоизм ҳар қандай характернинг муҳим белгисидир, деб хулоса чиқариши мумкин. Дунёда сахий, олийжаноб характерли кишилар борлигини бундай психолог фақат ўз-ўзини кузатиш йўли билан била олмайди.

Психологияда кузатиш методи одам ҳаёти ва фаолиятининг одатдаги шароитидагина эмас, балки шу билан бирга клиника шароитида психиканинг касаллик оқибатида ўзгарганлигини текширишда ҳам қўлланилади. Айни вақтда касалликни текшириш учунгина эмас, шу билан бирга одамнинг нормал аҳволидаги психик ҳодисаларни яхшироқ тушуниб олиш учун ҳам клиник кузатиш маълумотларидан фойдаланилади.

**Эксперимент методи**

Кузатиш методининг ижобий томони шундаки, бу метод ёрдами билан психик ҳаёт фактлари уларнинг табиий суръатда рўй беришида, боришида ва ўзгаришида олиб ўрганилади, яъни ҳақиқатда, кишиларнинг кундалик турмушида қандай рўй берса, ўшандай ҳолида текширилади.

Аммо бу методдан фойдаланганда баъзи бир ўнғайсизлик ва қийинчиликларни учратишга тўғри келади, масалан, бу ерда тадқиқотчи пси-хологнинг текшириши учун қайси психик ҳодисаларнинг юзага чиқиши керак бўлса, ўша ҳодисалар юзага чиққан кишиларни қидиришга ёки бирон кишида, баъзан психологнинг ўзида шу ҳодисаларнинг юзага чиқишини кутиб туришга тўғри

келади. Эксперимент методидан фойдаланганда бу ўнғайсизлик ва қийинчиликлар барҳам топади ёки камаяди.

Эксперимент методи икки турига бўлинади: лаборатория эксперименти ва табиий эксперимент.

**Лаборатория эксперименти.** Лаборатория экспериментида текширувчи киши текшириладиган психик ҳодисани қачон керак бўлса ўша вақтда атайлаб вужудга келтиради. Бунда текширилаётган психик ҳодиса табиий шароитда биргаликда содир бўладиган бошқа психик ҳодисалар комплексидан ажратиб олинади. Текшириладиган психик ҳодисалар эксперимент давомида ўзгартирилиши, бошқа психик ҳодисалар билан муайян бир суръатда боғланиши, куч, тезлик, ҳажм ва бошқа шу каби жиҳатлари ўлчаб кўрилади.

Экспериментал тадқиқотлар ўтказишда махсус методик материаллар нарса, расм ва сўзлар, шунингдек, махсус асбоблар (масалан, хроноскоп) қўлланилади. Текшириладиган ҳодисалар шу материал ва асбоблар ёрдами билан вужудга келтирилади. Экспериментал тадқиқотлар асосан махсус лаборатория ва институтларда ўтказилади. Айрим психик ҳодисаларни мукаммал ва аниқ ўрганиш мақсадида психологияга доир илмий текшириш муассасаларида махсус бинолар, масалан, товушни ва ёруғликни ўтказмайдиган кабинетлар, ёруғлик таъсирини ўзгартиришга мосланган кабинетлар ва шунга ўхшаш хоналар қурилади.

Экспериментал методни биринчи марта физиолог Вебер (1795—1878) ва физик Фехнер (1801—1887) мукаммал ишлаб чиққан. Сезгиларни текширишда қўлланилган экспериментал тадқиқот усулларини Вилгелм Вундт (1832—1920) ишлаб чиққан. 1879-йилда В. Вундт Лейпсиг университети ҳузурида эксперимен**тал** психология бўйича биринчи лабораторияни очган. ХИХ асрнинг охирида Россияда экспериментал психология бўйича бир қанча лабораториялар вужудга келтирилди. Тошкентда биринчи лаборатория П.И.Иванов раҳбарлигида ТДПУ да ташкил этилди.

Аммо психологиядаги лаборатория экспериментининг камчиликлари бор. Шу камчиликлардан энг муҳими шуки, бу методда сунъийлик бор. Эксперимент ўтказиладиган шароитнинг ўзи текширилаётган кишиларнинг психик ҳолатига, демак, текширилаётган ҳодисаларга ва текшириш натижаларига салбий таъсир этиши мумкин.

**Табиий эксперимент**. Табиий эксперимент методи оддий обектив суратда кузатиш методи билан лаборатория эксперименти методи ўртасида туради. Бу методни профессор А.Ф.Лазурский кузатиш ва тажриба методларининг камчиликларидан сақланиш ва иккала методнинг фойдали томонларини қўшиш мақсадида яратган.

Табиий эксперимент методининг моҳияти шундаки, бу ерда текширув-чи кишининг ўзи текшириладиган кишида (ёки кишиларда) бирон психик жараён (масалан, хотира, тафаккур, диққат) рўй бериши учун ёки текшириладиган кишиларда индивидуал хусусиятларини (темперамент, ҳавас) рўй бериши учун махсус шароит туғдиради. Масалан, текшириш лозим бўлган бирон психик жараён одатдаги дарс вақтида ёки ўйин пайтида махсус режа билан текширилувчининг ўзига сездирмасдан тажриба қилиб синалади. Албатта, бу шароит ва унда текшириладиган психик фаолият дастлаб анализ қилинади. М: болалардаги муайян бир психик жараёнларни, муайян бир характер хусусиятларини, муайян бир қобилиятларни уларнинг бирон-бир ўйиндаги фаолияти шароитида текшириладиган бўлса, болаларнинг текшириш назарда тутилган психик жараёни, характер хусусиятлари, қобилиятлари қайси ўйинда, айниқса, яққол кўриниши олдиндан билиб олинади. Текширилувчи кишилар шундан кейин текширувчи киши томонидан махсус равишда, лекин текширилувчи кишилар учун табиий бўлган шароитга, дарсга ёки бу ўринда ўйинга жалб қилинади. Текширувчи киши болаларнинг фаолиятини кузатиб туради ва текширилувчи

болалар учун табиий шароитда келиб чиқадиган психик жараёнларни ва болаларнинг индивидуал хусусиятларини қайд қилади.

**Суҳбат методи**

Суҳбат методи психик ҳодисаларнинг асосан ички, субектив томонини текшириш учун қўлланилади. Тадқиқотчи психик ҳаёт ҳодисаларининг бирونтасини, масалан, одамда шодлик ҳисси субектив равишда қандай кечишини, бирон масалани ечганда тафаккур жараёни қандай боришини ва шунга ўхшаш ҳодисаларни текширишни олдиндан вазифа қилиб қўяди, тадқиқотчи суҳбат вақтида текширилувчи кишига берадиган саволларни олдиндан белгилаб олади.

Суҳбат методи ўз-ўзини кузатиш методи билан ташқи кузатиш методининг қўшилишидан иборат. Бу ерда ўз-ўзини кузатиш шунда намоён бўладики, тадқиқотчи текширилувчи кишига саволлар бериб, унинг ўз ички онгини чуқурроқ билиб олишга мажбур этади. Текширилувчи киши тадқиқотчининг топшириқларига мувофиқ ва тадқиқотчининг ёрдами билан (саволлар усталик билан берилганда) ўзининг ички ҳолатларини очиб ташлайди ва нутқида ифодалайди, сўзлар билан жавоб қайтаради.

Суҳбат самимий, бемалол бўлиши, текширилувчи кишиларнинг психик ҳолатига зўр келмаслиги керак. Суҳбат одам психик ҳаётининг бевосита кузатиш ва экспериментда аниқлаб бўлмайдиган жараён ва ҳоллари ҳақида маълумот олишга ёрдам берадиган бирдан-бир методдир, дейиш мумкин. Масалан, космосга парвоз қилиш вақтида одамнинг психик фаолият хусусиятлари ҳақида билим олмоқ учун тадқиқотчи космонавтларнинг ўзи билан суҳбат қилиши керак.

**Фаолият маҳсулларини таҳлил қилиш методи.**

Инсон хотираси, тафаккури, қобилияти ва хаёлининг хусусиятларини аниқлаш мақсадида бу метод умумий психологияда кенг қўлланилади. Болалар чизган расмлар, ясаган ўйинчоқлар, моделлар, ёзган шеърларни таҳлил қилиш орқали уларнинг мантиқий хотираси, тафаккури, техник, бадиий ва адабий қобилияти, ижодий хаёли юзасидан материаллар тўплаш мумкин. Ижодий фаолият маҳсулларига кундалик, схема, ихтиро, диаграмма, кашфиёт, қурилма, асбоб, техник модель, мослама, миллий каштачилик, ҳунармандчилик, заргарлик буюмлари, реферат, курс ва малакавий битирув ишлари, магистрлик диссертацияси, илмий маъруза, конспект, тақриз, тезис, мақола, кўрсатмали қуроллар, лойиҳа, концепция, санъаткор, артист ва бахши ижодиёти кабилар киради.

- Ижодий фаолият маҳсулларини таҳлил қилиш орқали болалар, ўқувчилар, талабалар, конструкторлар, олимлар, ҳунармандлар, ишчилар, деҳқонлар психик хусусиятлари тўғрисида маълумотлар тўплаш мумкин.

**Тест методи.** Тест - инглизча сўз бўлиб, синаш, текшириш, демакдир. Шахснинг ақлий ўсишини, менталитетини, қобилиятини, иродавий сифатлари ва бошқа психик хусусиятларини текширишда қўлланиладиган қисқа масала, топшириқ, мисол, жумбоқ, сюжетли расм ёки шакл тест деб аталади. Тест айниқса одамнинг қандай касбни эгаллаши мумкинлигини, касбга яроқлилиги ёки яроқсизлиги, истеъдодлилар, иқтидорлилар ва ақли заифларни аниқлашда кишиларни саралашда кенг қўлланилади.

- 1905 йилдан, яъни француз психологи А. Бинэ ва унинг шогирди А. Симон инсоннинг ақлий ўсиш ва истеъдод даражаларини ўлчаш имконияти борлиги ғоясини олға сурганидан кейин психологияда тест методи қўллана бошланди.

- Психологияда тестлар қуйидаги туркумларга, турларга ажратилган ҳолда қўлланилади. Энг кенг тарқалган тестлар қаторига: педагогик тестлар, интеллект тестлари, ижодиёт (креативлик) тестлари, мезонга мўлжалланган (критериал ориентирланган) тестлар, шахсга оид ёки шахслилик тестлари,проектив тестлар (лотинча Прочестио-олдинлаб, илгарилаб намоён этиш маъносини билдиради

- **Анкета методи.** Умумий психология фанида кенг қўлланиладиган методлардан биридир. Унинг ёрдамида турли ёшдаги ва касбдаги одамларнинг психологик хусусиятлари, нарса ва ҳодисаларга муносабатлари ўрганилади. Анкета одатда уч хил тузилади. Уларнинг биринчи хили англашилган мотивларни аниқлашга мўлжалланган саволларни аниқлашга мўлжалланган саволлардан тузилади. Иккинчи хилида ҳар бир саволнинг бир нечтадан тайёр жавоблари берилади. Учинчи хил анкетада синалувчига ёзилган тўғри жавобларни баллар билан баҳолаш тавсия этилади ва шкалали анкета деб аталади. Анкетадан турли ёшдаги ва касбдаги одамларнинг лаёқатларини, муайян соҳага қизиқишлари ва қобилиятларини, ўзига, тенгдошларига, ҳамкасбларига, катта ва кичикларга муносабатларини аниқлаш мақсадида кенг кўламда фойдаланилади
- **Социометрия методи.** Бу метод кичик гуруҳ аъзолари ўртасидаги бевосита эмоционал муносабатларни ўрганиш ва уларнинг даражасини ўлчашда қўлланилади. Унга америкалик социолог Джон Морено асос солган. Мазкур метод ёрдамида муайян гуруҳдаги ҳар бир аъзонинг ўзаро муносабатларини аниқлаш учун ундан қайси фаолиятда, ким билан қатнашиши сўралади. Олинган маълумотлар матрица, график, схема, жадвал шаклида ифодаланади.

**Биография методи**. Одам психикасини текшириш учун айрим кишиларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар, айниқса, уларнинг ўзлари берган маълумотлар (автобиография, кундалик дафтарлар, мемуарлар, хатлар), шунингдек, бошқа кишилар ёзиб олган биография маълумотлари.

**- савол учун назорат топшириқлари:**

Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг методларини куйидаги куринишларини таърифланг.

1. Кузатиш методи. 2. Тест методи. 3. Лаборатория методи.

4. Америкалик социолог Джон Морено қайси методга асос солган ва бу метод қандай қўлланилади?

5. Инсон хотираси, тафаккури, қобилияти ва хаёлининг хусусиятларини аниқлаш мақсадида қўлланиладиган методни аниқланг, ва унинг афзалликларини баён қилинг?

**3- савол бўйича дарснинг мақсади:** Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг бошқа фанлар билан алоқасини тушунтириш. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг бошқа фанлар ўртасида тутган ўрнини аниқлаб, тушунтириб бериш. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг бошқа фанлар билан алоқасини мукаммал баён қилиш.

**Идентив ўқув мақсади:**

Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг бошқа фанлар билан алоқасини тушунтиради.

Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг бошқа фанлар ўртасида тутган ўрнини аниқлайди.

Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг бошқа фанлар билан алоқасини мукаммал баён қилади.

## 3-саволнинг баёни: Умумий психология фанининг назарий ва амалий вазифалари.

Одам теварак-атрофдаги дунёни қандай идрок этади, у қандай эсида қолдиради, қандай эсга туширади ва фикр юритади, у қандай ҳисларни кўнглидан кечиради, одам теварак-атрофдаги дунёни ўз эхтиёжларига мослаштириб, янги моддий ва маънавий бойликларни вужудга келтириб, қандай иш кўради, психологияни ўрганиш билан ана шу масалаларни билиб оламиз.

Психологияни ўрганиш одамни психика ҳақидаги ва психик ҳаётнинг хилма-хил ҳодисалари ҳақидаги билимлар билан бойитибгина қолмай, шу билан бирга одам ақлини ҳам ўстиришга ёрдам беради. Одам ақлини ўстириш, жумладан, янги билимлар ва кўникмаларни тезроқ эгаллаш, янги назарий ва амалий вазифаларни

тўғри ҳал қилиш қобилиятини такомиллаштиришда, ўз фикрларини нутқда тўғри ифодалай билиш ва бошқаларнинг нутқини тўғри тушуна билишда ҳам ўз ифодасини топади. Одамни камолга етказишда психология алоҳида ўрин тутади. Одам психологияни ўрганар экан, аввало ўз ақл-идрокини, унинг жараёнларини билиб олади, унга диққат-эътибор беради, ақлнинг фаолиятини кучайтирадиган шарт-шароитни ўрганади, ва шу билан ўз ақл-идрокининг кўпроқ ўсишига ёрдам беради.

Психологияни билиш, психикани чинакамига илмий асосда тушуниш кишилар онгидаги ҳар хил диний таассуб ва хурофотларга қарши курашда жуда кучли қурол бўлиб хизмат қилади.

Одам психологияни ўрганар экан, ўзидаги психик ҳаётни ва бошқа кишилар психикасини била оладиган бўлиб қолади. Бу билим эса бошқа кишиларни ва ўзини яхшироқ тушунишга имкон беради.

Психологиянинг билиш, маълумот олишнинг ахамияти юқоридагилардан иборатдир. Шу билан бирга психология (жумладан, психология методлари) кишилар амалий фаолиятининг ҳар хил турларида таълим-тарбия, ишлаб чиқариш, меҳнат, тиббиёт, суд-ҳуқуқшунослик, ҳарбий-мудофаа, санъат ва бошқа соҳаларда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Педагог ўқувчиларга бирон материални тушунтирар экан, шу материални болалар қандай ўзлаштираётганини, қандай идрок этаётганини, эслаб қолаётганини, фикрлаётганини, уларда диққат-эътибор, ҳиссиёт қандай намоён бўлаётганини, болаларнинг ёш хусусиятларига қараб бу жараёнлар қандай рўй бераётганини билиш лозим.

Ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш таълими ва меҳнатни ташкил этишнинг ҳар хил турларида психологиядан кенг фойдаланилмоқда. Ишнинг ҳар бир тури, ҳар бир касб одамдан тегишли билим ва маҳорат талаб қилиш билан бирга махсус психологик сифатларни ҳам талаб қилади. Шу сабабли, ихтисосга қараб мураккаб ва масъулиятли меҳнат операцияларини бажаришга тўғри келадиган кишилар махсус психологик текширишдан ўтказилади. М: дастлабки космонавтларни танлашда талабгорлар хотираси жуда яхши, фаҳми ўткир, диққатини бир нарсадан иккинчи нарсага тез кўчира оладиган, аниқ уйғун ҳаракатларни тез бажара оладиган кишиларни ажратиб олиш мақсадида текшириб кўрилди.

Психология тиббиёт билан қадимдан боғланиб келади. Касалликлар орасида психик касалликлар бўлади. Бундай касалликларни ҳам асосан психологик воситалар билан даволашга тўғри келади. Шифокор психик касалликларни яхшироқ ажрата билмоқ учун одамнинг нормал психологиясини ҳам билиши керак. Бундан ташқари бошқа касалликларда, айниқса, нерв касалликларида шифокор беморнинг руҳий ҳолатини била олиши лозим.

Психология суд ишида ҳам муҳим рол ўйнайди. Суд ходими айб-ланувчининг руҳий ҳолатини, гувоҳларнинг сўроқда айтган гапларини психологик жиҳатидан таҳлил қила билиши керак. Кишилар бирон айб, жиноят қилганларида нима ният билан шундай қилганликларини суд ходими фаҳмлай билиши керак.

Психология санъатда ҳам аҳамиятга эга. Ҳар бир санъаткор (артист, мусиқачи, рассом ва шунга ўхшашлар) кишиларга томошабинларга, тингловчиларга ўз ижоди билан таъсир кўрсатишни мақсад қилиб қўяди. Бунинг учун эса одамнинг қандай идрок қилишини, қандай фикрлашини ва қандай ҳис қилишини билмоқ керак.

## Мавзу бўйича асосий хулосалар:

Психологияни билиш кундалик турмуш учун ҳам фойдали. Ҳар биримизга бошқа кишиларнинг характер, ҳавас, кайфиятларини билиб олишга, кишиларнинг бир-бирини ажратишга ва уларга таъсир кўрсатишга тўғри келади.

Умумий психология фанининг методлари ва унинг вазифаларини талабаларга тушунтириб берилди.

## 3- мавзу. Психика ва онгнинг тараққиёти

| Т/р | Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни | Амалга оширувчи шахс, вақт |
|---|---|---|
| 1 | **Тайёрлов босқичи:**<br>**1.Дарс мақсади:** Психика материя эволюцияси натижаси эканлигини талабаларга тушунтириш. Сесканувчанлик психиканинг содда шакли эканлиги ва унинг пайдо бўлишини ўргатиш. Психиканинг тараққиёт босқичларини таърифлаш. Ҳайвонларнинг индивидуал ва интеллектуал хатти-ҳаракатларини ажратиш. Одам психикасининг пайдо бўлиши ва унинг тараққиётини кўриб чиқиш.<br>**Идентив ўқув мақсадлари.**<br>1.Психика материя эволюцияси натижаси эканлигини талабаларга тушунтиради.<br>2.Сесканувчанлик психиканинг содда шакли эканлиги ва унинг пайдо бўлишини ўргатади.<br>3. Психиканинг тараққиёт босқичларини таърифлайди.<br>4.Ҳайвонларнинг индивидуал ва интеллектуал хатти-ҳаракатларини ажратади.<br>5.Одам психикасининг пайдо бўлиши ва унинг тараққиётини кўриб чиқади.<br>**1.3. Дарс шакли:** кириш-ахборотли маъруза<br>**1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза, бахс, видеоусул, савол-жавоб, тушунтириш, тақдимот.<br>**1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:** слайдлар, дарсликлар, мавзуни кўриб чиқишга доир материаллар ва мавзунинг мазмунини ифодаловчи лавҳалар, кўргазмали материаллар. | **Ўқитувчи** |
| 2 | **Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:**<br>**2.1.** Мавзу эълон қилинади.<br>**2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади. | **Ўқитувчи, 15 минут** |
| 3 | **Гуруҳда ишлаш босқичи:**<br>**3.1.** Талабаларга мавзуга оид муаммоли савол берилади.<br>**3.2.** Талабаларнинг фикри эшитилади ва бошқа талабалар бахсга чақирилади.<br>**3.3.** Талабаларнинг фикри тингланиб,умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.<br>**3.4.** Умумий хулосани ўқитувчи баён қилади. | **Ўқитувчи-талаба, 40 минут** |
| 4 | **Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:**<br>1. Сесканувчанликни таърифланг ?<br>2. Психика материя эволюцияси натижаси эканлигини белгиланг.<br>3. Психиканинг тараққиёт босқичларини таърифланг.<br>4. Ҳайвонларнинг интеллектуал хатти-ҳаракатларини ажратинг.<br>5. Одам психикасининг пайдо бўлиши ҳақида умумий тушунчангизни баён қилинг?.<br>**6.** Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади. | **Ўқитувчи, 15 минут** |
| 5 | **Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:**<br>**5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади.<br>**5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади. | **Ўқитувчи, 10 минут** |

## Асосий саволлар.

1. Психика материя эволюцияси натижаси эканлиги.
2.Сесканувчанлик психиканинг содда шакли эканлиги ва унинг пайдо бўлиши.
3. Психиканинг тараққиёт босқичлари.
4.Ҳайвонларнинг индивидуал ва интеллектуал хатти-ҳаракатлари.
5. Кўникма ва малакалар.
6. Кўникма ва малакаларнинг турлари.

## Идентив ўқув мақсадлари.

1. Психика материя эволюцияси натижаси эканлигини талабаларга тушунтиради.
2. Сесканувчанлик психиканинг содда шакли эканлиги ва унинг пайдо бўлишини ўргатади.
3. Психиканинг тараққиёт босқичларини таърифлайди.
4. Ҳайвонларнинг индивидуал ва интеллектуал хатти-ҳаракатларини ажратади.
5. Одам психикасининг пайдо бўлиши ва унинг тараққиётини кўриб чиқади. Ҳайвонлар психикасининг тараққиётини аниқлайди.
6. Одам онгининг тарихий тараққиётини аниқлаб, ҳайвонлар психикасининг тараққиёти билан солиштиради.
7. Одам психикасининг ёшга қараб тараққий қилишини кузатиб, қиёсий солиштиради.
8. Онгнинг пайдо бўлиши ва унинг тараққиётини текшириб чиқади.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва сўзлар:** Одам психикаси, онг, психика, ҳайвонлардаги индивидуал ва интеллектуал хатти-ҳаракатлар, ҳайвон психикаси, сесканувчанлик.

## Мавзу бўйича асосий муаммолар

Психика материя эволюцияси натижаси эканлигини қандай изоҳлайсиз? Мисоллар билан тушунтиринг. Сесканувчанлик психиканинг содда шакли эканлиги ва унинг пайдо бўлишини таърифланг. Психиканинг тараққиёт босқичларидаги асосий фарқларни исботланг .

Ҳайвонларнинг индивидуал ва интеллектуал хатти-ҳаракатлари қачон пайдо бўлган деб ўйлайсиз? тушунтириб беринг.

Одам психикасининг пайдо бўлиши ва унинг тараққиётининг асосий кўринишларини нималардан иборат деб ўйлайсиз? гапириб бера оласизми? Психика ва тараққиёт тушунчаларига таъриф беринг.

## 1. Психика материя эволюцияси натижаси эканлиги.

**Биринчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Психика материя эволюциясининг натижаси эканлигини талабаларга тушунтириб бериш. Ҳайвонлар психикасининг тараққиётини талабаларга тушунтириш, одам онгининг тарихий тараққиёни ўргатиш, психика ва онгни таърифлаш.

## Идентив ўқув мақсадлари.

1. Психика материя эволюциясининг натижаси эканлигини тушунтириб беради.
2. Талабаларда психика материя эволюциясининг натижаси эканлигини ўрганишга қизиқиш уйғотади.

## Биринчи саволнинг баёни.

Психик жараёнлар моддий жараёнларга боғлиқ ҳолда юз беради, лекин , психик жараёнлар моддий жараёнлардан ташкил топган дегани эмас, Фикр, онг — воқеликнинг сифат жиҳатидан бошқача, ўзига хос бир ҳодисасидир. Психика, онг фақат юксак даражада ташкил топган материянинг хоссасидир.

Ҳайвонлар билан одамлар организмига хос бўлган нерв системаси ана шундай юксак даражада ташкил топган материядир. Психиканинг бевосита моддий субстрати (асоси) - одамнинг бош миясидир. Одамнинг психикаси, онги — бош мия функсиясидир.

Психика, онг материя тараққиётининг фақат юксак босқичларида пайдо бўлади. Материя тараққий қилиб борган сари турли — механик, физик, кимёвий, биологик ва бошқа қонуният ва хоссалар пайдо бўлади ва тараққий қилади, органик олам тараққиётининг энг юксак босқичидагина материянинг психика, сезги, онг, тафаккур деб ата-ладиган алоҳида хоссалари вужудга келади.

Олам тараққиёти тарихида психика, онг бўлмаган давр ўтган. Психика олам тараққиётининг энг юксак босқичларидагина пайдо бўлди.

Психика материянинг алоҳида хоссаси бўлиб, бу хосса обектив воқеликни алоҳида акс эттириш қобилиятидан иборатдир. Акс эттириш деган сўзнинг маъноси ҳар хил тушунилади. Теварак-атрофдаги воқеликни акс еттирадиган кўпгина нарсалар маълум, масалан, сув акс еттиради, кўзгу акс эттиради ва ҳоказо. Бу мисолларда биз физик ҳодиса сифатидаги акс этиш (инъикос)ни кўрамиз. Психик ҳодисалар ҳақида сўзлашганимизда эса сифат жиҳатдан бошқача, ўзига хос равишда акс этишини назарда тутмоғимиз керак. Бу акс эттириш сезгиларда, хотирада, тафаккурда ва бошқа шу кабиларда ўз ифодасини топади. **Одам онги, психикаси юксак даражада ташкил топган материянинг, яъни миянинг хоссасидир**. Шу билан бирга, одам онги ижтимоий ҳаёт шароитига боғланган ҳолда тараққий қилади. Онг инсоннинг энг аввалги ота-бобоси қурол ясаб меҳнат қила бошлаган ва шу туфайли ижтимоий ҳаёт кечира бошлаган пайтдан эътиборан пайдо бўлган.

**Одамнинг тараққий қилишида меҳнатнинг роли**

Инсон онгининг тараққий қилишида сўзсиз меҳнат жараёни муҳим рол ўйнади. Авлод-аждодларимиз меҳнат қилиш натижасида ўз еҳтиёжлари учун керак бўлган буюмларни табиатдаги бор бўлган ёғоч, тош кабилардан ясаш натижасида уларнинг онглари такомиллаша борган.

Айни меҳнат қуроллари тайёрланиши, қўлдан турли-туман ишларда фойдаланиши туфайли одамзод қўлининг панжалари ривожланди.

**Идеология** деб бирон жамият, синфнинг сиёсий, фалсафий, маънавий, естетик (санъат), диний қарашлар систэмасига айтилади. Идеология, бошқача айтганда, **ижтимоий онг** деб аталади. Психологияда текшириладиган индивидуал онгни, яъни ҳар бир айрим киши онгини ижтимоий онгдан фарқ қилиш керак.

Одам онгининг айрим томонлари ва функциялари тарихан тараққий қилиб келган. Кишиларда фақат уларнинг ўзига хос бўлган, эҳтиёжлар вужудга келди ва тараққий этди. Эҳтиёж одамнинг кун кечириши, яшаши ва камолга етиши учун зарур нарсаларнинг ҳаммаси демакдир.

**1- савол учун назорат топшириқлари:**

1. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг предмети нимадан иборат?
2. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг фан сифатидаги вазифалари?
3. Психик ҳодисалар нима?
4. Психик хусусиятларга нималар киради ?
5. Психик жараёнларга нималар киради?
6. Психик холатларгачи?
7. Психологиянинг фан сифатида юзага келиши?
8. Психологиянинг фан сифатидаа ривожланиш давомида шаклланган назариялар (Платон, Сократ, Аристотел ва бошкалар)?
9. Умумий психология назарияси ва амалиёти фанининг фанлар тизимида тутган ўрни?

## 2. Сесканувчанлик психиканинг содда шакли эканлиги ва унинг пайдо бўлиши.

**2-савол бўйича дарснинг мақсади:** Сесканувчанлик ҳақида маълумот бериш. Психикани тушунтириш. Психика материя эволюциясининг натижаси эканлигини талабаларга изоҳлаб бериш. А.Н.Леонтев гипотезасини изоҳлаш.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

1.Психика материя эволюциясининг натижаси эканлигини талабаларга тушунтириб беради.

2.Талабаларда психика материя эволюциясининг ҳақида маълумот беради.

3.А.Н.Леонтев гипотезасини изоҳлайди.

**Иккинчи саволнинг баёни:**

Юқорида кўрсатилганидек, психика органик ҳаётнинг тараққиёти жараёнида пайдо бўлган. Органик материянинг анорганик материядан фарқ қиладиган хусусиятларидан бири шуки, органик материя сесканувчандир, **я**ъни ташқаридан бўлган таъсирларга сесканиб жавоб беради. Муҳитнинг таъсири билан қўзғалади. Масалан, биттагина ҳужайрадан иборат бўлган амёба ташқи таъсирга жавоб берар экан, шу таъсирга қараб ҳаракатланади ёки ундан қочади.

Органик материянинг бундан буёнги тараққиёт босқичларида янги хосса — сезувчанлик, сезиш хоссаси пайдо бўлади, яъни организмга таъсир этадиган нарсаларнинг хоссаларини акс эттирувчи сезиш қобилияти пайдо бўлган. Бу сезиш хоссаси нерв системасининг куртакларига эга бўлган ҳайвонлар вужудга келган вақтда, балки ундан ҳам илгарироқ энг бошланғич шаклда пайдо бўлган А.Н.Леонтев гипотезасига кўра, сезувчанлик «...генетик жиҳатдан олиб қараганда муҳитнинг организмни бошқа таъсирлар билан боғловчи, яъни организмнинг муҳитда ориентировка қилишга ёрдам берувчи сигналлик вазифасини ўтовчи таъсирларга сесканувчанликдан бошқа нарса эмас» А.Н.Леонтев сесканувчанликдан сезувчанликка ўтиш бошқача ҳаёт тарихи билан боғлиқ деб кўрсатади ва юксак ташкил топган ҳайвонларда сезувчанлик тараққий етади, сезги аъзолари таркиб топади, деб кўрсатади.

Сезиш қобилиятининг пайдо бўлиши психика тараққиётидаги дастлабки даврдир. Кейинчалик ҳайвонлар нерв систэмасининг тараққийсига ва жумладан сезги органларининг тараққийсига қараб, ташқаридан бўладиган таъсири акс эттириш, сезиш қобилияти ўсиб, тобора мураккаблаша борди. Тараққиётнинг анча юқори босқичларида ҳайвонларда сезги органлари пайдо бўлади, нерв системасининг анализ қилиш қобилияти ҳам ўсади. Биологик тараққиётнинг юқори босқичларида ҳайвонларнинг баъзи турларида сезги органлари ҳайрон қоларлик даражада такомиллашади. Масалан, бургутнинг кўриш органи, итнинг ҳид билиш органлари ва ҳоказо.

Нерв системаси сезги органларининг тараққиёти, шу билан бирга ҳайвонлар психикасининг тараққиётига, ҳайвонларнинг ҳаёт кечириш тарзига, шу ҳайвонларнинг қаерда, қандай яшашига, қандай озиқланишига, қандай овқат топишига, кимга қарши курашишига ва шу кабиларга боғлиқдир. Масалан, паррандалар умрининг кўп қисмини ҳавода, учиб юриб ўтказади. Бундай ҳаёт кечириш бепоён бўшлиқларда адашмаслик заруриятини туғдиради. Шунинг учун ҳам паррандаларнинг, айниқса, йиртқич ва кўчиб юрадиган паррандаларнинг кўрув органи ва кўриб идрок қилиш хусусиятлари ҳам тараққий қилгандир. Маймунлар асосан дарахтларда ҳаёт кечиради. Шунга кўра, маймунларнинг кўз билан чамалаш, ҳаракатларни уйғунлаштириш ва чаққон ушлаб олиш хусусияти, дарров вазиятга қараб иш кўриш қобилияти пайдо бўлган. Ҳайвонлар психикасининг тараққийсида теварак-атрофдаги табиат хусусиятлари, ўша турга кирадиган ҳайвонларнинг биргалашиб яшаши катта аҳамиятга эгадир. Уй ҳайвонлари психикасининг шаклланишида одамзод муҳити катта рол ўйнайди. Бир шароитдан иккинчи бир шароитга кўчиб ўтган ҳайвонларнинг психикаси ҳам бир қадар ўзгариши мумкин

**2- савол учун назорат топшириқлари:**

1.Сесканувчанлик психиканинг содда шакли эканлигини аниқланг?

2.Сесканувчанликнинг пайдо бўлишини мисоллар ёрдамида тушунтириб беринг.
3. Сесканувчанлик психиканинг содда шакли эканлигини исботланг?

## 3. Психиканинг тараққиёт босқичлари.

**3- савол бўйича дарснинг мақсади:** Психиканинг тараққиёт босқичларини аниқлаш ва талабаларга тушунтириш. Психиканинг тараққиёт босқичларини ўрганиш, қиёсий солиштириш. Ҳайвонлар психикасининг тараққиётини ўрганиш. Одам онгининг тарихий тараққиётини текшириш, Одам психикасининг ёшга қараб тараққий қилишини кўриб чиқиш.

### Идентив ўқув мақсади:

1. Психиканинг тараққиёт босқичларини тушунтиради.
2. Психиканинг тараққиёт босқичларини ўрганади ва қиёсий солиштиради.
3. Ҳайвонлар психикасининг тараққиётини ўрганиш.
4. Одам онгининг тарихий тараққиётини текширади.
5. Одам психикасининг ёшга қараб тараққий қилишини кўриб чиқади.

### Учинчи саволнинг баёни:

Психиканинг тараққиёти деганда ҳайвонлар психикасининг тараққиётини, одам онгининг тарихий тараққиётини, одам психикасининг ёшга қараб тараққий қилишини кўриб чиқамиз.

Ҳайвонлар ўз турига кирадиган ҳайвонлар тўдасидан четда ўсганда уларнинг хатти-ҳаракатида баъзи бир хусусиятлар пайдо бўлади. Уй ҳайвонлари доимо одамга яқин юрганидан, уларнинг хатти-ҳаракатлари шу турга кирадиган ёwойи ҳайвонлар хатти-ҳаракатига қараганда жуда ҳам бошқача бўлиб туюлади.

Ҳайвонларда бўладиган хатти-ҳаракатларнинг икки хил шаклини, яъни туғма (ёки наслдан-наслга ўтадиган) хатти-ҳаракатлар билан ҳайвонларнинг ўз тирикчилиги тажрибаси натижасида пайдо қиладиган (ёки ҳосил қиладиган) хатти-ҳаракатларни бир-биридан фарқ қилмоқ керак. Аммо туғма хатти-ҳаракатлар шакллари билан ҳайвонларнинг ўз тирикчилиги тажрибасида ҳосил қилинган (индивидуал) хатти-ҳаракатлар шаклларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш ярамайди. Туғма хатти-ҳаракатлар шаклларининг ўзгариши ва индивидуал хусусиятларга айланиши мумкин, индивидуал хатти-ҳаракат шакллари эса туғма хатти-ҳаракатлар шакллари заминида ҳосил бўлади. Ҳар бир одамнинг онги туғилиш пайтидан бошлаб, бутун умр бўйи ўсиб боради. Ҳар бир киши, онгининг ёшга қараб тараққий этиши шу киши организмининг ўсишига, ижтимоий муҳит таъсирига, таълим ва тарбияга, шунингдек, одамнинг ўз фаолиятига боғлиқ. Организмнинг айрим аъзолари ўсади ва такомиллашади. Нерв системаси тараққий этиб ва чиниқиб боради. Масалан, бола бир ёшга тўлгунча бош миясининг оғирлиги икки марта ошади, тўрт-беш ёшларга борганда бош мия оғирлиги уч марта ошади. Миянинг ўсиши 20 ёшгача, баъзан ундан кейин ҳам давом этади.

Инсон жамияти болалар онгига асосан тарбия ва таълим йўли билан уюшган таъсир кўрсатади. Бола теварак-атрофдаги кишилар билан хилма-хил ўзаро муносабатларга киришар экан, гўдаклигиданоқ билим, маҳорат ва малака орттира бошлайди. У аввал оила шароитида ёки мактабгача тарбия муассасасида, сўнгра мактабда ўқийди, таълим олади. Теварак-атрофдаги муҳит (табиат ва жамият), меҳнат ва тил одам шахсини камолга етказадиган шароит бўлиш билан бирга, бола ўсган сайин мактабда ўрганади, шунингдек, тарбия воситаси сифатида фойдаланилади.

### 3- савол учун назорат топшириқлари:

1.Одам онгининг тарихий тараққиётини тушунтиринг ?
2. Ҳайвонлар психикасининг тараққиётини одам онгининг тарихий тараққиёти билан солиштиринг ?
3. Одам психикасининг ёшга қараб тараққий қилишини кўриб чиқинг ?
4. Тарбия ва таълим йўли билан бола онгига қандай таъсир кўрсатиш мумкинми ?

## 4. Ҳайвонларнинг индивидуал ва интеллектуал хатти-ҳаракатлари.

**Тўртинчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Ҳайвонларнинг индивидуал ва интеллектуал хатти-ҳаракатларини ўқиб ўрганиш . Талабаларга ҳайвонларнинг индивидуал ва интеллектуал хатти-ҳаракатларини тушунтириш.

**Идентив ўқув мақсадлари.**

Ҳайвонларнинг индивидуал ва интеллектуал хатти-ҳаракатларини ўқиб ўрганади. Талабаларга ҳайвонларнинг индивидуал ва интеллектуал хатти-ҳаракатларини тушунтиради.

**Тўртинчи саволнинг баёни.**

**Ҳайвонларнинг инстинктлари.** Инстинктлар ҳайвонларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш учун қиладиган мураккаб туғма ҳаракатларидир. Масалан, кўп қушлар жуда усталик билан ин ясар экан, материал (чўп-хас, лой) танлаш ва инни пишиқ қилиб қуриш йўлида хилма-хил ҳаракатларни бажаради. Ҳайвонларнинг биологик эҳтиёжларига қараб, уларнинг инстинктив ҳаракатларини қуйидаги турларга бўлиш мумкин; овқатланиш инстинкти, сақланиш инстинкти, насл қолдириш инстинкти ва пода (тўда) бўлиб яшаш инстинкти.

**Овқатланиш инстинкти.** Бу инстинкт ҳайвоннинг ўзи учун зарур овқат қидириб топиш, овқат ғамлаш ва шу каби ҳаракатларида зоҳир бўлади.

**Сақланиш инстинкти.** Бу инстинкт ҳайвонларнинг душмандан сақланиш туғма усулларида ва душманга ҳужум қилиш қобилиятидан ташкил топади.

**Насл қолдириш инстинкти.** Бу инстинкт жумладан, ота-оналик инстинкти сифатида яққолроқ кўринади. Ҳайвонлар ўз болаларини парвариш қилиш туғма маҳоратига ега бўлиб, у наслининг келажаги ҳақида катта ғамхўрлик қилади.

**Пода (тўда) бўлиб яшаш инстинкти.** Бу инстинкт ҳайвонларнинг турли усуллар билан ўзаро алоқа қилишида ва хилма-хил шаклда биргалашиб яшашида пайдо бўлади. Ҳайвонларнинг баъзи турлари, асосан, ўтхўр ва сут емизувчи ҳайвонлар доимо тўда бўлиб яшайди, ҳайвонларнинг бошқа турлари, асосан, йиртқич ҳайвонлар еса ўзига ўхшаш ҳайвонлар билан вақт-бевақт биргалашиб яшайди. Ҳашаротлар галаси, қушлар галаси, сут емизувчилар тўдаси ҳайвонларнинг пода (тўда) бўлиб яшаш шаклларидир.

Инстинктларнинг нерв-физиологик асоси шартсиз рефлекслардир. И.П. Павлов таълимотига кўра, инстинктлар шартсиз рефлексларнинг ўзию, лекин анча мураккаб туридир. Инстинктлар — бир қанча шартсиз рефлекслардан иборат бўлган рефлекслар занжиридир. Инстинктларнинг қандай пайдо бўлганлигини биринчи марта Ч. Дарвин тушунтириб берди.

**Ҳайвонларнинг кўникмалари.** Кўникма — ҳайвонларнинг индивидуал ҳаёти давомида пайдо қиладиган ҳаракатларидир.М: ўрганган ит кўл узатилса, олдинги оёғини беради; ит эшикни оёғи ёки тумшуғи билан очади, «ўйинга тушади», кейинги оёқлари билан тикка юради, от аравага киради ва ҳоказо. Бундай ҳаракатлар кўникмалар деб аталади. Ҳайвон инстинктив ҳаракатлар ёрдами билан қандай эҳтиёжларини қондирса, ҳосил қилинган кўникма йўли билан ҳам ўша эҳтиёжларини қондиради. Итнинг «ўйинга тушиши» ёки «олдинги оёқларини бериши» унинг овқат олишига ёрдам берадиган ҳаракатлардир. Ҳайвонларнинг кўникмалари шартсиз рефлекслар, инстинктлар асосида, илгари ҳосил бўлган шартли рефлекслар асосида вужудга келади

Кўникмалар ҳайвоннинг бирон эҳтиёжини қондиришга ёрдам берадиган янги (инстинктив ҳаракатлардан ўзгача) ҳаракатларни қайта-қайта такрорлаш йўли билан вужудга келади. Кўникманинг нерв-физиологик механизми шартли рефлексдир.

**4-савол учун назорат топшириқлари:**

1. Ҳайвонларнинг индивидуал хатти-ҳаракатлари қандай ҳаракатлардан ташкил топган ? Тушунтириб беринг ?
2. Ҳайвонлардаги инстинктив ҳаракатларнинг ҳосил қилинган кўникма билан қандай алоқаси бор ? Сиз нима дейсиз ? Фикрингизни баён қилинг ?

**3.** Пода (тўда) бўлиб яшаш инстинкти фақат ҳайвонларга хосми ёки қушларда ҳам пайдо бўлганми ? Бўлса қандай пайдо бўлади ?

## 5. Кўникма ва малакалар.

**4-савол бўйича дарснинг мақсади:** Талабаларга кўникмалар ва малакаларнинг ҳосил бўлиш жараёнларини баён қилиш. Инсонлар ҳаётида малака ва одатларнинг аҳамиятини аниқлаш, кўникма ва малакаларнинг турларини ажратиб, уларни таърифлаш.

### Идентив ўқув мақсади:

1. Кўникмалар ва малакалар ҳақида тушунча беради.

2. Кўникма ва малакаларнинг турларини текшириб, уларнинг фарқини аниқлайди.

3. Одатларни ўрганиб,унинг ўзига хослигини кўрсатади.

4. Малака ва одатларнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини аниқлаб, ёритади.

### Бешинчи саволнинг баёни:

Психология фанида ҳаракатлар англанилган ёки англанилмаган тарзда амалга оширилиши кузатилади. Ҳаракатни бажаришда онг борган сари камроқ иштирок этиши туфайли ишни амалга ошириш автоматлаша бошлайди, айрим майда-чуйда қисмларга нисбатан эътибор (назорат) камаяди. Шунинг учун инсон фаолиятида мақсадга йўналтирилган саъи-ҳаракатларни ижро этиш ва бошқаришнинг муайян даражада автоматлашуви **малака** дейилади. Инсон фаолияти одамларга хос бўлган ҳар хил эҳтиёжлар асосида юзага келади. Фаолиятнинг ўзи ехтиёжларни қондира оладиган йўл ҳамда воситаларни излаш ва шунинг билан бирга, эҳтиёжни қондирадиган ҳаракатлардан иборат бўлади. Фаолиятнинг асосий турлари - меҳнат, ўйин ва ўқишдан иборатдир. Фаолиятнинг исталган тури одамда тегишли кўникма ва малакалар билан амалга оширилади. Кўникма - шундай ақлий ҳамда жисмоний ҳаракатлар, усуллар ва йўл-йўриқлардан иборатки, булар ёрдами билан мақсадга эришилади ёки айни бир фаолият амалга оширилади. Масалан, айрим ҳарфларни ёзиш усуллари, кўпайтириш ва бўлиш усуллари, болтани ушлаш ва мих қоқиш ёки темирни тоблашда болға уриш усуллари шулар жумласидандир.

Кўникмаларни билим билан аралаштириш ярамайди. Албатта, ҳар қандай кўникма билим бўлишини тақозо этади. Лекин билимнинг кўникма билан боғлиқ бўлиши шарт эмас. Масалан, тарих, география ва адабиётшуносликка доир билимлар шулар жумласидандир.

Билимлар, асосан, воқелик тўғри акс эттириладиган ҳукм ва мулоҳазаларда ифодаланади.

Кўникмалар эса, кўпроқ ақлий ёки жисмоний ҳаракатларда ифодаланадилар. Кўникмалар олдиндан белгиланган мақсадга мос бўлиши лозим. Ҳар қандай кўникма айрим ҳаракатларнинг тўла ва аниқ бўлишини талаб етади. Болғачани сопидан тўғри ушлай билмаслик ва болға уришда қўлнинг нотўғри ҳаракат қилиши мих қоқа билмасликни кўрсатади. Бунда ўқувчи болғача билан қандай қилиб мих қоқилишини билиши ва ҳатто гапириб бериши мумкин.

Билимларга одатланмаган хеч қандай кўникма бўлиши мумкин эмас. Тўғри ёзиш учун грамматика қоидаларини билиш шарт. Шу билан бирга, кўникма ҳосил қилиш учун ўқувчи тегишли натижаларга эриштирувчи тўғри усулларни ҳам билиши лозим. Шунинг учун ўқитувчи ёзишга ўргатар экан, ручкани қандай қилиб тўғри ушлашни, дафтарнинг қандай ҳолатда туришини, ёзишда ручкани қанчалик босиш кераклигини ва шу кабиларни кўрсатади.

Кўникмалар мураккаблик даражалари жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Кўникма оддий ёки мураккаб бўлиши мумкин. Масалан, ҳарф-ларнинг элементларидан чизиқча ёки айлана ёзиш оддий кўникма бўлса, бутун бир сўзларни ёзиш мураккаб кўникмадир.

Нинага ип тақиш ва тугмача чатиш — оддий укувдир, лекин худди шу нина билан кўйлак ёки костюм тикиш - мураккаб укувдир. Одамнинг ҳаётида

кўникмаларнинг кўпи малакалар тарзида намоён бўлади. Ҳар қандай малака кўникмадир, лекин ҳар қандай кўникмани малака деб бўлмайди. Фақат автоматлашган кўникмагина малака деб аталади. Малакалар, одатда, онгли фаолиятдан, яъни меҳнат фаолиятларидан ажралган ҳолда намоён бўлмайди.

Малакалар автоматлашиш даражаси жиҳатидан ўзаро фарқланадилар. Масалан, каллиграфик (чиройли) ёзувда автоматлашиш жуда катта аҳамиятга ега, ўқиш услубида еса автоматлашиш билан бирга ҳар доим онглилик ҳам талаб етилади. Малакалар автоматлашган ҳаракатлар сифатида ўқиш жараёнида ҳам, инсон фаолиятининг барча турларида ҳам катта аҳамиятга эгадирлар.

## 5-савол учун назорат топшириқлари:

1. Кўникма ва малакалар ҳақида тушунча беринг ?

2. Кўникма ва малакаларнинг турларини ажратинг, уларнинг фарқини аниқланг.

3. Одатларнинг ўзига хослигини кўрсатинг ?

4. Малака ва одатларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти нималардан иборат ? Гапириб беринг ?

Малаканинг тузилишини тушунтиринг ?

## 6. Кўникма ва малакаларнинг турлари.

**6-савол бўйича дарснинг мақсади:** Талабаларга кўникма ва малакаларнинг турлари ҳақида тушунча бериш. Фаолиятнинг асосий турларини ажратиш. Етакчи фаолиятни таърифлаш. Таълим жараёнида фаолиятнинг тутган ўрнини аниқлаб, аҳамиятини билиш.

## Идентив ўқув мақсади:

**1.** Талабаларга фаолият ҳақида тушунча беради.
2. Фаолиятнинг асосий турларини ажратади.
3. Кўникма ва малакаларнинг турларини таърифлайди.
4.Таълим жараёнида фаолиятнинг тутган ўрнини ва аҳамиятини билади.

## Олтинчи саволнинг баёни:

Кўникма ва малакалар уч турга бўлинади:

таълим, унумли меҳнат ва спорт соҳасига доир кўникма ҳамда малакалар.

**Таълим соҳасига доир кўникма ва малакалар:** Мактабдаги ўқишнинг ҳамма босқичларида ҳар бир предметни ўзлаштириш билан бирга, бир қатор ўқув малакаларини эгаллаш ҳам талаб этилади. Ўқиш жараёнида ўқувчилар даставвал ёзиш, ўқиш ва ҳисоблаш кўникмаси ҳамда малакаси ҳосил қилишлари керак бўлади. Бу кўникма ва малакалар дастлабки, яъни бошланғич кўникма ва малакалар ҳисобланади. Кейинчалик, ана шулар асосида орфография ва математика соҳасида мураккаб кўникма ва малакалар ҳосил қилинади.

Таълимий кўникма ва малакалар ҳосил қилишда ўқувчиларнинг ақлий фаолиятлари, айниқса, катта ўрин тутади. Бундай кўникма ва малакалар ҳосил қилиш жараёнида ўқувчилар жуда кўп нарсаларни кузатишлари, ўйлаб кўришлари, эсларида олиб қолишлари ва тасаввур етишлари лозим бўлади.

Жуда кўп таълимий кўникмаларда, айниқса, орфография ва математика соҳасидаги кўникмаларда қилинадиган иш, асосан, ақлий меҳнатга эга бўлади. Лекин бир қатор таълимий кўникма ва малакаларда (масалан,

ёзиш, чизмачилик, расм кабиларда) мускул ҳаракатлари ҳам асосий рол ўйнайди. Таълимий кўникма ва малакаларнинг таркиб топиши зўр диққат ва ирода талаб этади.

**Унумли меҳнатга доир кўникма ва малакалар:** Унумли меҳнатга оид (техникавий) кўникмалар ва малакалар, асосан, ҳаракат аъзолари билан боғлиқ кўникма ва малакалардир.

Бошланғич синфларда ўқувчилар мактаб ўқув устахоналарида ёғоч ва металлни ишлаш жараёнини ўрганиш ва физика, кимё, табиийёт ҳамда бошқа фанлардан амалий вазифаларни бажаришлари жараёнида бирмунча мураккаброқ

меҳнат кўникма ва малакалари ҳосил қиладилар. Юқори синф ўқувчилари ишлаб чиқариш таълими жараёнида ва корхоналарда ўтказиладиган ишлаб чиқариш амалиёти давомида техникага оид кўникма ва малакалар орттирадилар.

Ишлаб чиқариш меҳнатига доир кўникма ва малакалар кўпроқ мускул ҳаракатларида, асосан, қўл ҳаракатларида, баъзан эса қўл ва оёқнинг биргаликда қиладиган ҳаракатларида ифодаланади.

Дурадгорлик устахоналарида орттирилган қўл ҳаракатларига доир кўникмаларнинг мисоли тариқасида арралаш, қирқиш ва рандалаш кабиларни кўрсатиш мумкин. Металлга қўл билан ишлов беришда уриш ҳаракатлари (зубило билан чопиш ёки кесиш ва темир қирқадиган аррани босиш) катта рол ўйнайди. Болға ёки бошқа асбоб билан ишлаётган одамнинг қўли тобора ортиб борувчи тезлик билан ҳаракат қилади. Бунда уриш ҳаракати ишланаётган нарсадан қатъий назар тезлашиб боради. Шунинг учун уриш ҳаракатида мўлжалга тушириш биринчи ўринда турган мақсаддир.

**Спорт кўникма ва малакалари:** Ўқувчилар жисмоний тарбия кўникмалари ва малакаларини эгаллашлари давомида тезлик ҳамда бақувватлик, мослашган ҳаракатлар ва чаққонлик каби сифатларга эга бўлган ҳар турли мускул ҳаракатларини ҳосил қиладилар. Сафланиш усуллари ҳамда гимнастик тарзда қайта сафланиш, тирмашиб чиқиш ва ошиб тушиш, сакраш, юриш ва югуриш, ирғитиш, тўсиқларни енгиб ўтиш ва шунинг каби ҳаракатлар ана шулар жумласидандир.

Мактабдаги жисмоний тарбия машғулотлари ўқувчиларни жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама тараққий қилишларига, уларнинг бадан тарбиясига, айрим спорт турларининг техникасини эгаллашларига ва шунинг билан бирга мактабдаги турли синфларда жисмоний тарбиядан ўтказиладиган машғулотларнинг мазмуни ва методлари ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига ҳамда уларнинг жисмоний имкониятларига мос бўлиши керак.

Кўникма ва малакалар ҳосил бўлишнинг нерв-физиологик асоси шартли рефлекслардир. Ҳар бир малака ва ҳар бир одат, ўз физиологияси асосига кўра, шартли рефлекс боғланишлари системасидан иборат.

Малака ва кўникмалар ҳайвонларда ҳам ҳосил бўлади. Ҳайвонларда малака ва кўникмалар уларнинг эҳтиёжларига, яшаш шароитига боғлиқ ҳолда, тақлид йўли билан ва шунинг билан бирга, одамлар томонидан ўргатиш йўли билан ҳосил бўлади. Ҳайвонларда малака ва кўникмалар биринчи сигнал системаси доирасидаги боғланишлар асосида вужудга келади. Одамда малака ва кўникмаларнинг ҳосил бўлишида биринчи сигнал системаси билан ўзаро муносабатда бўлган иккинчи сигнал системаси кўпроқ аҳамиятга эгадир.

**6- савол учун назорат топшириқлари:**

1. Таълим соҳасига доир кўникма ва малакаларни таърифланг ?
2. Унумли меҳнатга доир кўникма ва малакаларни ажратинг ?
3. Спорт кўникма ва малакаларини тушунтиринг ?
4. Кўникма ва малакалар қандай ҳосил бўлади ?
5. Малака ва кўникмалар ҳайвонларда ҳам ҳосил бўладими ? Бўлса қандай ҳосил бўлади ? Тушунтиринг ?

**Мавзу бўйича асосий хулосалар:**

Психика материя эволюцияси натижаси эканлигини талабаларга тушунтириб берилди. Сесканувчанлик психиканинг содда шакли эканлиги ва унинг пайдо бўлишини аниқланди. Психиканинг тараққиёт босқичлари аниқлаб берилди. Ҳайвонларнинг индивидуал ва интеллектуал хатти-ҳаракатларини ажратилди. Одам психикасининг пайдо бўлиш тарихи гапириб берилди.

1.Фаолият. Фаолият ва психик жараёнлар.
2.Фаолиятнинг тузилиши.
3.Фаолиятнинг интериоризациялаш ва экстериоризациялаш.

# 5- мавзу. Фаолият ва мотивация

## Асосий саволлар.

1.Фаолият. Фаолият ва психик жараёнлар.
2.Фаолиятнинг тузилиши.
3.Фаолиятнинг интериоризациялаш ва экстериоризациялаш.

## Биринчи саволнинг баёни.

Шахс ўзининг фаоллиги билан ҳайвонот оламидан фарқли ўлароқ ажралиб туради. Фаоллик негизида пайдо бўлувчи ўзгача сифатни, ўзига хосликни эгаллаган хатти-ҳаракатнинг юксак кўриниши, фақат инсонгагина таалluқлилиги орқали у психология фанида фаолият деб номлана бошланди. Фаолият фаолликнинг шахсга хос тури сифатида вужудга келиб, у ўзининг психологик аломатлари билан хатти- ҳаракатдан тафовутланади.

Фаолиятга таъриф берилганда, биринчи галда англашилган мақсад билан бошқарилиши, сўнгра психик (ички) ва жисмоний (ташқи) фаолликдан иборат эканлиги таъкидлаб ўтилади. Фаолиятнинг мотивлари, рўёбга чиқариш воситалари, ахборот танлаш ва уни қайта ишлаш англанилган ёки англанилмаган, баъзан англанилганлик нотўкис, ҳатто у нотўғри бўлиши мумкин. Жумладан: а) мактабгача ёшдаги бола ўйин фаолиятига нисбатан эҳтиёжини гоҳо англайди, холос; б) бошланғич синф ўқувчиси ўқув мотивларини ҳамиша ҳам англаш қурбига эга бўлмайди; в) ўсмир ҳам хулқ мотивларини нотўкис ва нотўғри англаши мумкин; г) ҳатто вояга етган одам баъзан хулқ мотивини ноўрин хаспўшлашга интилади Шуни уқтириб ўтиш лозимки, фаолиятнинг жабҳаларини онгда акс этиш даражаси ва мукаммаллиги унинг англанилганлиги кўрсаткичи, мезони ҳисобланади. Лекин фаолиятнинг англанганлиги даражаси кенг кўламли бўлишига қарамасдан, мақсадни кўзлаш (англаш) унинг устувор белгиси вазифасини ўйнайверади. Фаолиятда мақсадни англаш иштирок этмаса, унда у ихтиёрсиз(импульсив) хатти-ҳаракатга айланиб қолади ва бундай ҳолат кўпинча ҳиссиёт билан бошқарилади. Жаҳл, ғазаб (аффект), кучли эҳтирос ҳолатлари юз берган одам ихтиёрсиз ҳаракат қилади. Бироқ хатти-ҳаракат ихтиёрсизлиги унинг англанилмаганлигини билдирмайди, аксинча бунда инсон мотивининг шахсий жабҳаси англанилган бўлади, унинг ижтимоий мазмуни эса қамраб олинмайди.

## Иккинчи саволнинг баёни:

Психологияда фаолиятнинг алоҳида бир хусусий вазифасини бажаришга мўлжалланган, нисбатан тугалланган қисми (унсури), таркиби **ҳаракат** деб номланади. Масалан, компьютер техникасидан фойдаланиш ҳаракатлари амалга ошириладиган ишлардан таркиб топади. Ҳаракатлар натижасида одам борлиқдаги нарсалар хусусияти, ҳолати, фазовий жойлашувини ўзгартиради. Мазкур жараён нафақат ҳаракат ёрдами билан, балки муайян саъи-ҳаракатлар туфайли юзага келади. Дурадгор эшик ясамоқчи бўлса, аввал муносиб материал танлайди, уларни ўлчайди, унсурларини санайди, рандалайди, қисмларни бир-бирига

жойлаштиради, ёпиштиради, унга пардоз беради, ошиқ-мошиқ қоқади, кэсаки ўрнатади, очиб ёпилишини текширади ва ҳоказо.

Инсон фаолиятида нарсаларни ўзлаштиришга йўналтирлган саъи-ҳаракатлардан ташқари: **а)** тананинг фазовий ҳолати; **б)** қиёфанинг сақланиши (тик туриш, ўтириш); в) жой алмашиш (юриш, югириш);

г) алоқа воситалари саъи-ҳаракатлари қатнашади. Одатда алоқа воситалари таркибига: а)ифодали саъи-ҳаракатлар (имо-ишора, пантомимика); б) маъноли ишоралар; **в**) нутқий саъи-ҳаракатлар киритилади. Саъи-ҳаракатларнинг ушбу турларида таъкидлаб ўтилганлардан ташқари мушаклар, ҳиқилдоқ, товуш пайчалари, нафас олиш аъзолари иштирок этади. Демак, нарсаларни ўзлаштиришга қаратилган **ҳаракатнинг ишга тушиши** муайян саъи-ҳаракатлар тизимининг амалга оширилишини англатади. Бу ҳодиса кўп жиҳатдан ҳаракатнинг мақсадига, таъсир ўтказиладиган нарсаларнинг хусусиятларига ва ҳаракатнинг амалга ошиши шарт-шароитларига боғлиқ.

Фаолият жаҳон психологияси фанининг асосий (фундаментал) тушунчаларидан бири ҳисобланиб, кўпинча психологик категория сифатида олиб қаралади. Енциклопэдия, изоҳли луғат ва лингвистик сўзликлардаги маълумотлар, илмий матнлар таҳлилининг кўрсатишича, фаолият тушунчаси фалсафа, физиология, социология, психология фанлари предметидан келиб чиқиб, ўзаро қоришиш оқибатида меҳнат, иш, активлик, хулқ сингари тўрт хил тавсифга эга бўлган.

1. морфология- юнонча morphe «шакл», тузилиш  тўғрисидаги таълимот, соха;

1. аксиология –юнонча axios «қадр», яъни қадрият тўғрисидаги таълимот;
2. праксиология-юнонча praxitikos, фаолиятни, амалий самарадорлик назарияси
3. онтология-юнонча antos-«моҳият», турмуш тўғрисидаги таълимот

**Фаолият тузилиши**
(А.Н.Леонтьев бўйича)




**Учинчи саволнинг баёни:**

Борлиқдаги қарийб (неосфера ҳисобга олинмаганда) барча нарсалар, муносабатлар, хусусиятлар, шарт-шароитлар, тузилмалар бир-бири билан доимий боғлиқликка эга бўлиб, муайян қонуният асосида ҳаракатланади, бу ҳолатдан иккинчисига ўтади. Шунинг учун идишдаги сув қайнатилса буғга айланади, ҳарорат пасайса, у музлайди, ҳаво исиганида эса муз эрий бошлайди, баҳор кетидан ёз келади, нарсалар ишқаланса қизийди ва ҳоказо. Худди шу боис объект билан ҳодиса ўртасидаги ўзгармас, барқарор муносабатлар, объектнинг муҳим хусусиятлари ҳодисанинг қонунияти дейилади. Уларда ўзгармас хусусиятлар ва

қонуниятларнинг мавжудлиги ўзгаришларни олдиндан пайқаш, ҳаракатларни мувофиқ йўналтириш имконини вужудга келтиради. Ташқи, яққол фаолият фавқулоддаги даврда ички тимсолий (психик) фаолият тарзида ҳис этилади. Объектларга йўналтирилган яққол ҳаракатлар уларнинг муҳим хусусиятларига мўлжалланган тимсолий жараён билан алмаштирилади. Худди шу сабабдан ташқи, яққол ҳаракатдан, ички, тимсолий ҳаракатга мана шу тарзда ўтиш жараёни **интериоризация** (ички тарзга айланиш) деб аталади. **Интериоризация** муаммоси рус олимлари Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев, П.Я.Гальперин ва уларнинг шогирдлари томонидан турли жабҳаларда тадқиқот қилинган. Интериоризация шарофати билан инсон психикаси муайян вақт оралиғида унинг идрок майдонида йўқ нарсаларнинг тимсоли (образи)дан фойдаланиш қурбига эга бўлди. Инсон фаолияти мураккаб ва ўзига хос жараён бўлиб, шунчаки эҳтиёжларни қондиришдан иборат эмас, балки кўпинча жамиятнинг мақсади ва талаблари билан белгиланади.

Шунинг учун шахс фаолиятининг жисмоний (ташқи) ва психик (ички) тузилмалари бир-бири билан уйғунлашганлиги кўзга ташланади. Инсон фаолиятининг ташқи жабҳаси унинг атроф-муҳитга таъсир кўрсатишга мўлжалланган саъи-ҳаракатлар ички (психик) жиҳатига боғлиқ бўлиб, уларни мотивлаштиради, билишга ундайди ва бошқаради. Шунингдек, ташқи жабҳа ўз навбатида: а)психик фаолият буюмлар ва жараёнлар хусусиятларини ўзида намоён қилади; б) уларнинг мақсадга мувофиқ тарзда қайта ўзгартирилишини амалга оширади; в) психик андозалар ўхшашлигини, натижалар ва ҳаракатларнинг кутилмаларига мувофиқлигини кўрсатади; г) уларни узлуксиз равишда йўналтириб ва назорат қилиб туради. Шунга мувофиқ равишда ташқи, яққол фаолиятни ҳам ички (психик) фаолиятнинг э**кстериозациялашуви** (ташқи тарзга айланиши) деб баҳоланади.

## 5- мавзу: Мулоқот

| Т/р | Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни | Амалга оширувчи, вақт |
|---|---|---|
| 1 | **Тайёрлов босқичи:**<br>**1.Дарс мақсади:** Мулоқот ҳақида тушунча бериш. Мулоқот турларини аниқлаш, мулоқот вазифаларини ўргатиш, мулоқотнинг вербал новербал воситаларини кўриб чиқиш. Мулоқот инсонларнинг бир-бирини тушуниши, мулоқот техникаси ва усуллари, педагогик фаолиятда мулоқот, тил ва нутқ тушунчаларининг мазмуни, мулоқот ва муомала тушунчаларининг мазмуни, мулоқот кишилар ўртасидаги ўзаро тасир етиш, мулоқотнинг коммуникатив томони, мулоқотнинг интерактив томони.<br>**1.2.Идентив ўқув мақсадлари.**<br>1.2.1.Мулоқотни таърифлайди. Мулоқот ахборот алмашиш тариқасида эканлигини тушунтиради.<br>1.2.2.Мулоқот шахслараро таъсир сифатидалигини кўриб чиқади.<br>1.2.3. Гуруҳлар билан мулоқот тренингини ўтказади.<br>1.2.4.Педагогик мулоқотни тушунтиради. Мулоқот ва тилнинг ўзаро алоқасини текширади.<br>1.2.5.Нутқни таърифлайди. Нутқ турлари ва унинг вазифаларини ажратади.<br>**1.3.Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Муомала, нутқ, аттракция, мулоқот –ҳаёт кечиришнинг бир шакли, нутқнинг коммуникатив воситалари, тил, жамият,элат, ижтимоий перцепция<br>**1.4. Дарс шакли:** кириш-ахборотли маъруза<br>**1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза, бахс, видеоусул, савол-жавоб, тушунтириш, тақдимот.<br>**1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:** слайдлар, дарсликлар, мавзуни кўриб чиқишга доир материаллар ва мавзунинг мазмунини ифодаловчи лавҳалар, кўргазмали материаллар. | **Ўқитувчи** |
| 2 | **Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:**<br>**2.1.** Мавзу эълон қилинади.<br>**2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади. | **Ўқитув 15 минут** |
| 3 | **Гуруҳда ишлаш босқичи:**<br>**3.1.** Талабаларга мавзуга оид муаммоли савол берилади.<br>**3.2.** Талабаларнинг фикри эшитилади ва бошқа талабалар бахсга чақирилади.<br>**3.3.** Талабаларнинг фикри тингланиб, умумий хулосалар | **Ўқитувчи-талаба, 40 минут** |

| | | |
|---|---|---|
| | чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.<br>**3.4.** Умумий хулосани ўқитувчи баён қилади. | |
| **4** | **Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:**<br>1. Мулоқотни таърифланг ?<br>2. Мулоқот ахборот алмашиш тариқасида эканлигини ўқинг ва ўрганинг.<br>3. Педагогик мулоқотни таърифланг.<br>4. Нутқ турларини ажратинг.<br>5. Нутқ турлари ва унинг вазифалари ҳақида умумий тушунчангизни баён қилинг?<br>**6.**Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.<br>7.Мулоқот ва нутқ ҳақида ўз фикрингизни баён қилинг. | **Ўқитувчи,<br>15 минут** |
| **5** | **Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:**<br>**5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади.<br>**5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади. | **Ўқитувчи,<br>10 минут** |

**Асосий саволлар.**

1.Мулоқот. Мулоқот ахборот алмашиш тариқасида.
2.Мулоқот шахслараро таъсир сифатида.
3. Мулоқот тренинги.
4. Нутқ. Нутқ турлари ва унинг вазифалари.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Муомала, нутқ, аттракция, мулоқот ҳаёт кечиришнинг бир шакли, нутқнинг коммуникатив воситалари, тил, жамият,элат, ижтимоий перцепция

**Мавзу бўйича асосий муаммолар**

Мулоқотни қандай изоҳлайсиз? Мисоллар билан тушунтиринг. Мулоқотнинг тузилишини таърифланг. Мулоқотнинг асосий функцияларини тушунтириб бера оласизми ?

Вербал ва новербал нутқ воситалари ҳақида ўз фикрингизни билдиринг Вербал ва новербал нутқ воситалари қачон пайдо бўлган деб ўйлайсиз?

Уларнинг шаклланиш қонуниятларини гапириб бера оласизми? Нутқнинг тузилишини қандай аниқладингиз, тушунтириб беринг? Идентификацияни таърифлаб беринг? Мулоқот тренингини қандай бошқа тренинглардан фарқи нима? Мисоллар билан тушунтиринг?

Нутқнинг асосий турларини ажратинг. Мулоқот билан нутқнинг ўзаро боғлиқлик томонларини ажратиб беринг. Сизнингча мулоқот билан нутқ бир-бирларисиз пайдо бўлиши мумкинми, мумкин бўлса, таъриф беринг.

**Мулоқот. Мулоқот ахборот алмашиш тариқасида.**

**Биринчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Мулоқот ҳақида талабаларга тушунча бериш. Мулоқот ахборот алмашиш тариқасида эканлигини таърифлаш. Мулоқотнинг интерактив жиҳатиларини аниқлаш.

**Идентив ўқув мақсадлари.**

Мулоқот ҳақида талабаларга тушунча беради. Мулоқот ахборот алмашиш тариқасида эканлигини таърифлайди. Мулоқотнинг интерактив жиҳатиларини аниқлайди.

Талабаларда мулоқот мавзусини ўрганишга қизиқиш уйғотади.

**Биринчи саволнинг баёни.**

1.Мулоқот- икки ёки ундан ортиқ кишиларнинг афектив баҳоловчи характерда ва билиш бўйича маълумот алмашишдан иборат бўлган ўзаро таъсир этишдир. Мулоқотнинг тизимида ўзаро бир-бирига боғлиқ жиҳатлари ажратилади: коммуникатив, интерактив, ва пертсевтив

1. Мулоқотнинг коммуникатив жиҳати бу мулоқотдаги индивидларни ўзаро маълумот алмашишидир.

2. Мулоқотнинг интерактив,жиҳати бу индивидлар мулоқотда нафақат билим ва ғоялар балки ҳаракатлар бўйича ҳам ўзаро таъсирини ташкил этишдан иборатдир.

3. Мулоқотнинг пертсевтив жиҳати мулоқот жараёнида ўзаро бир-бирини идрок қилиш орқали тушунишдир. Демак, мулоқот биргаликдаги харакат эҳтиёжларидан келиб чиқадиган, алоқа алмашиш, бир-бирига таъсир етиш, бошқаларни тушуниш, одамлар ўртасида контакт ўрнатиш ва ривожлантириш жараёни. Мулоқот ҳаёт кечиришининг бир шаклидир. Мулоқот ҳаёт кечиришнинг бир шаклидир.

Мулоқотнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати ва коммуникатив жиҳатдан ташқарида унинг пертсивтив жиҳати муносабат иштирокчиларининг унинг жараёнида амалга ошириладиган ўзаро идрок етиш юзага келади. Таниқли психолог С.Л.Губинштейн шундай деб ёзган эди: “Кундалик ҳаётда одамлар билан муомалага киришар эканмиз, биз уларнинг хулқ-атворига мўлжал оламиз. Негаки биз уларнинг танқидий маълумотларига маълумотлари моҳиятини ”ғоя ўқиб,яъни мағзини чақиб чиқамиз ва шу йўсинда контекстда мужассамлашадиган матннинг ички психологик жиҳати мавжуд бўлган мазмунини англаймиз”

**Биринчи савол учун назорат топшириқлари:**

Мулоқотни таърифланг?

Мулоқотнинг интерактив жиҳатларини аниқланг?

Мулоқотнинг коммуникатив жиҳатини белгиланг?

Психолог С.Л.Губинштейннинг фикрларини баён қилинг? . Мулоқотнинг пертсевтив жиҳати мулоқот жараёнида қандай юз беради? Фикрингизни асосланг?

## 2. Мулоқот шахслараро таъсир сифатида.

**2-савол бўйича дарснинг мақсади:** Мулоқот шахслараро таъсир сифатида эканлигини тушунтириш. Мулоқотнинг қисқача таърифини ишлаб чиқиш.

Ижтимоий перцепцияни таърифлаш.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

1. Мулоқот шахслараро таъсир сифатида эканлигини тушунтиради.
2. Мулоқотнинг қисқача таърифини ишлаб чиқади.

Ижтимоий перцепцияни таърифлайди.

3Талабаларда мулоқот мавзусини ўрганишга қизиқиш уйғотади.

**Иккинчи саволнинг баёни:**

Шахслараро идрок этиш жараёнида тескари алоқа, хабар берувчи функцияни ва ўзини - ўзи бошқариш функциясини бажаради. Стериотиплаштириш – хулқ - атвор шаклларини таснифлаш ва уларни ҳозиргача маълум ва машҳур деб саналган яъни ижтимоий қолипларга мос келадиган ҳодисалар жумласига киритиш йўли билан уларнинг сабабларини ўзгартиришдан иборатдир. Кўп ҳолларда инсонларнинг бир-бирларини идрок етишлари «ижтимоий перцепция» сифатида намоён бо`лади. Мулоқотнинг бу жиҳати ижтимоий перцепция ҳақидагина эмас, балки шахслар аро перцепция ҳақида ҳамдир. Инсон жамиятда шахс сифатида қабул қилингани сари. Мулоқотда ҳам шахс сифатида намоён бўлади. С.Л.Рубенштейн айтганидек: «Биз инсонни ташқи хулқ - атворига қараб ўқиймиз». «Бошқа одамни била туриб, ўрганаётган индивиднинг ўзи ҳам шаклланади» деб ёзган эди Л.С.Егодский. Инсонни инсон томонидан идрок этилишида камида 2 киши жалб қилинган бўлиши лозим бўлиб, уларнинг иккалови ҳам фаол субъектдир. Ўзини бошқа инсон таҳлил қилишини ўз ичига идентификация ва рефлекцияни киритади.

3. Одамларда самарали муомала ўрнатиш малакаларини тасодифий равишда таркиб топади ёки таълимнинг ёрдамчи махсули сифатида юз беради. Катта мактаб ёшидаги ўқувчилар хулқ - атвори қоидаларига бағишланган оммабоп адабиётларни ўқир екан, мулоқот маданиятининг баъзи жиҳатлари билан танишади. Лекин муомала малакаларини махсус ўргатилиши алоҳида бир вазифа бўлиб педагог учун унинг қанчалик муҳим эканлигини тренинг, яъни

муомаланинг машқ қилиниши бу вазифанинг ҳал этиш йўлларидан бири сифатида намоён бўлади.

**Иккинчи савол учун назорат топшириқлари:**

Мулоқотнинг тузилишини аниқланг?

Мулоқотнинг пайдо бўлишини мисоллар ёрдамида тушунтириб беринг.

Стериотиплаштиришни тушунтиринг ?

Шахслараро идрок этиш жараёнида тескари алоқани таърифланг ?

## 3. Мулоқот тренинги.

**3- савол бўйича дарснинг мақсади:** Талабаларга мулоқот тренингини тушунтириш. Мулоқот тренингини ўтказишни ўрганиш. Ўтказилган тренингни психологик таҳлил қилиш йўлларини ишлаб чиқиш.

**Идентив ўқув мақсади:**

1. Талабаларга мулоқот тренингини тушунтиради.
2. мулоқот тренингини ўтказишни ўргатади.
3. Ўтказилган тренингни психологик таҳлил қилиш йўлларини ишлаб чиқди.

**Учинчи саволнинг баёни:**

Лекин муомала малакаларини махсус ўргатилиши алоҳида бир вазифа бўлиб педагог учун унинг қанчалик муҳим эканлигини тренинг, яъни муомаланинг машқ қилиниши бу вазифанинг ҳал эиш йўларидан бири сифатида намоён бўлади. Психологик тренининг бу вазифанинг ҳал этиш йўлларидан бири сифатида намоён бўлади. Психологик тренининг мазмунан икки хил вазифани:

1. Муомаланинг ва шу жумладан педагогик муомаланинг умумий қонуниятларини.

2. Педагогик коммуникациянинг технологиясини эгаллаш, яъни профессионал педагогик муомала ва малакалари шаклланишини ўз ичига олади. Психологик педагогик тренининг шаклларидан яна бири типик педагогик вазиятларининг мисол учун имтиҳонларни моделлаштирувчи амалий ўйинлари. Муомала тренинг, яъни муомалани машқ қилиш ўқитувчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш системасида педагогик ишнинг янги шакли бўлиб, педагогик таълим учун жуда истиқболли ҳисобланади.

Боғланиш лотинча сон яъни “яқинлашиш” деган сўздан олинган, муносабатга кирувчилар ўртасида икки томонлама алоқа бўлишини тақоза етади. Бунга эришиш ва уни кўнгилдагидек ривожлантириш шарти муносабатига киришуви шахсларни ўзаро бир-бирига ҳурмати ва ишончидан иборатдир. Агар педагог ўз тарбияланувчиларига ишонч ва ҳурмат билан муносабатда бўлса, у ҳар қанча принципиал ва талабчан бўлган тақдирда ҳам, унинг энг арзимас танбеҳлари ҳам таъсирли бўлади.

**Учинчи савол учун назорат топшириқлари:**

Мулоқот тушунчасини ёритиб, уни инсон ҳаётидаги ролини тушунтириб беринг.

Мулоқотнинг асосий функцияларини айтинг.

Педагогик мулоқот деганда нимани тушунасиз?

Вербал ва новербал нутқ воситалари нима?

Идентификация деганда нимани тушунасиз.

## 4. Нутқ. Нутқ турлари ва унинг вазифалари.

**4- савол бўйича дарснинг мақсади:** Аттракция ҳодисасини таърифлаш. Талабаларга муомала муносабатларда аттракцияларнинг ўрни ҳақида тушунча бериш. Мулоқот тренингини ўтказишни ўрганиш. Ўтказилган тренингни психологик таҳлил қилиш йўлларини ишлаб чиқиш.

**Идентив ўқув мақсади:**

1. Талабаларга мулоқот тренингини тушунтиради.
2. мулоқот тренингини ўтказишни ўргатади.
3. Ўтказилган тренингни психологик таҳлил қилиш йўлларини ишлаб чиқди.

**Тўртинчи саволнинг баёни:**

Коммуникатив жараёнида қўлланиладиган бир неча белгилар тизими мавжуд. Булар вербал коммуникация (нутқ орқали) ва новербал (нутқ билан боғлиқ бўлмайдиган белгилар орқали) коммуникациядир. Вербал коммуникацияда инсон нутқи белгилар тизими сифатида қўлланилади. Нутқ инсон томонидан қўлланиладиган товушлар сигналлари ёки ёзма белгилардан иборат бўлиб, улар орқали мулоқотдан олинган маълумот қайта ишланади, сақланади ва узатилади. Бу жараён тил орқали амалга оширилади. Тил сўз белгилари тизими бўлиб, у мулоқот жараёнида психик фаолият маҳсули бўлиб юзага келади.

Нутқни пайдо бўлиши ва амалда қўлланишини қуйидаги схемада кўриш мумкин:




Нутқнинг ўзига хос турлари мавжуд – ташқи, ички, оғзаки, ёзма ва хокозо. Коммуникатив жараёнда ўзаро муносабатга киришувчиларни бир-бирлари тушунишлари жуда муҳимдир. Буюк француз ёзувчиси Антуан Сент Екзюпери «Мулоқот бу шундай неъматки, у орқали инсон лаззатланади деб ёзган эди. Сўзнинг моҳияти ҳақида Саъдий «Ақлмисан ёки аҳмоқ, каттамисан ёки кичик буни бирор сўз айтмаганигча била олмаймиз» деган эди.

Ёзма нутқ инсоният тарихида оғзаки нутқдан анча кейин пайдо бўлган. Ёзма нутқ фанда фойдаланиладиган мураккаб умумлашмаларнинг ривожлантиришида, бадиий тимсолларни етказишда муҳим роль ўйнайди. Нутқ ўзининг физологик негизига кўра эшитиш ва ҳаракат анализаторлари фаолиятини бажаради. Нутқни программалаштириш – нутқий ифоданинг, яъни киши билдирмоқчи бўлган фикрнинг маънавий ўзагини тузишда биринчи босқич ҳисобланади, иккинчи босқич жумланинг синтактик структурасини тузишдан иборатдир.

Новербал коммуникацияга – белгиларнинг оптик кинетик тизими кириб, уларга жестлар (қўл ҳаракатлари), мимика (юз ҳаракатлари) ва понтомимика (қўл-оёқ, тана ҳаракатлари) киради.

Жестлар – инсоннинг қўл ҳаракатлари бўлиб, у орқали инсоннинг ички ҳолати бирор бир объектга муносабати ва ташқи оламга йўналганлиги ифодаланади. Мимика – инсон юз ҳаракатларининг бир қисми бўлиб, у орқали инсоннинг ўйлари, хатти - ҳаракатлари, тасаввурлари, хотирлаши, таажуби ва ҳокозолар намоён бўлади.

Понтомимика – инсон танаси ёки унинг қисмлари ёрдамида ифодаланадиган ҳаракатлар тизимидир.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кундалик мулоқот жараёнида сўзлар 7 % ни, товуш ва интонация 38 % ни, нутқсиз мулоқот эса 55 % ни ташкил этади.

Новербал коммуникациянинг паралингвистик ва экстралингвистик белгилар тизими ҳам мавжуд. Булар локализация тизими бўлиб, у овоз сифатида унинг деапозани нутқдаги паузалар, йўтал, йиғи, кулгу нутқ темпида намоён бўлади.

Мулоқотнинг мақсадга кўра 8 та функцияси мавжуд: (Л.А.Корпенко)
1. Контакт.
2. Алоқа ўрнатиш.
3. Ундовчилик.
4. Координацион.
5. Тушуниш.
6. Амотив (ҳиссий алоқа) ҳиссиётни ўзгартириш.
7. Муносабат ўрнатиш ўз ўрнини англаш)
8. Таъсир ўтказиш.

Педагогик муносабат деганда педагог ва ўқувчилар коллективи ўртасида ўзаро биргаликдаги ҳаракатининг мазмунан ахборот айирбошлашдан, ўқув тарбиявий таъсир кўрсатиш ва ўзаро ҳамжиҳатликни ташкил этишдан иборат системаси усуллари ва малакалари тушунилади.

**Тўртинчи савол учун назорат топшириқлари:**

Мулоқот тушунчасини ёритиб, уни инсон ҳаётидаги ролини тушунтириб беринг.
Мулоқотнинг асосий функцияларини айтинг.
Педагогик мулоқот деганда нимани тушунасиз?
Вербал ва новербал нутқ воситалари нима?
Нутқнинг функциялари нималардан иборат?
Идентификация деганда нимани тушунасиз.

**Мавзу бўйича асосий хулосалар:**

Мулоқотни тушунтириш. Мулоқот ахборот алмашиш тариқасида эканлигини исботлаш. Мулоқот шахслараро таъсир сифатида эканлигини кўриб чиқиш. Мулоқот тренингини ўтказиш. Педагогик мулоқотни таърифлаш. Мулоқот ва тилнинг пайдо бўлишини таърифлаш.Нутқ турларини ажратиб, унинг вазифаларини белгилаш

## 6- мавзу: Шахс

| **Т/р** | **Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни** | **Амалга оширувчи шахс, вақт** |
|---|---|---|
| **1** | **Тайёрлов босқичи:**<br>**1.1.Дарс мақсади:** Индивид, шахс, индивидуалликни тушунтириш . Шахснинг тузилишини аниқлаш. Шахснинг фаолияти ва унинг йўналишини белгилаш. Шахснинг установкалари ва муҳим ориентацияларини ўрганиш. Кишининг ўз-ўзига баҳо беришини изоҳлаш. Фрустрация ва шахснинг келажак режаларини таърифлаш. Шахс тараккиётини даврларга бўлиш. шахс шаклланишига тасир етувчи омиллар, шахснинг малака ва одатлари, ендопсхика ва екзопсихика ҳақида тушунча, биогенетик назария ва унинг моҳияти, социогенетик назариясининг мазмун моҳияти, конституцион назариянинг мазмуни, роллар назарияси мазмуни, шахс борасида К.Левин назарияси тушунчаларининг мазмуни, психодинамик назариянинг мазмуни, когнитивистик назария тушунчаларининг мазмуни.<br>**1.2.Идентив ўқув мақсадлари.**<br>1. Индивид, шахс, индивидуалликни тушунтиради.<br>2.Шахснинг тузилишини аниқлайди.<br>Шахснинг фаолияти ва унинг йўналишини белгилайди.<br>3.Шахснинг установкалари ва муҳим ориентацияларини | **Ўқ тув чи** |

| | | |
|---|---|---|
| | ўрганади.<br>4.Кишининг ўз-ўзига баҳо беришини изоҳлайди.<br>5.Фрустрация ва шахснинг келажак режаларини таърифлайди.<br>6. Шахс тараққиётини даврларга бўлади.<br>**1.3.Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Шахснинг установкалари, шахснинг ориентациялари, ўз-ўзига баҳо бериш, фрустрация, индивид, шахс, индивидуаллик,<br>**1.4. Дарс шакли:** кириш-ахборотли маъруза<br>**1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза, бахс, видеоусул, савол-жавоб, тушунтириш, тақдимот.<br>**1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:** слайдлар, дарсликлар, мавзуни кўриб чиқишга доир материаллар ва мавзунинг мазмунини ифодаловчи лавҳалар, кўргазмали материаллар. | |
| **2** | **Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:**<br>**2.1.** Мавзу эълон қилинади.<br>**2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади. | **Ўқитувчи, 15 минут** |
| **3** | **Гуруҳда ишлаш босқичи:**<br>**3.1.** Талабаларга мавзуга оид муаммоли савол берилади.<br>**3.2.** Талабаларнинг фикри эшитилади ва бошқа талабалар бахсга чақирилади.<br>**3.3.** Талабаларнинг фикри тингланиб,умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.<br>**3.4.** Умумий хулосани ўқитувчи баён қилади. | **Ўқитувчи-талаба, 40 минут** |
| **4** | **Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:**<br>1. Индивид, шахс, индивидualликни таърифланг ?<br>2. Шахснинг тузилишини ўқинг ва ўрганинг.<br>Шахснинг фаолияти ва унинг йўналишини белгиланг.<br>3. Шахснинг установкалари ва муҳим ориентацияларини таърифланг.<br>4. Кишининг ўз-ўзига баҳо беришини изоҳланг. асосий турларини ажратинг.<br>5. Фрустрация ва шахснинг келажак режаларини ҳақида умумий тушунчангизни баён қилинг?<br>**6.**Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.<br>7.Кўникма ва малакалар ҳақида ўз фикрингизни баён қилинг. | **Ўқитувчи, 15 минут** |
| **5** | **Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:**<br>**5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади.<br>**5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади. | **Ўқитувчи, 10 минут** |

## Асосий саволлар.

1.Индивид, шахс, индивидуаллик.
2.Шахс. Шахснинг тузилиши. Шахснинг фаолияти ва унинг йўналиши.
3.Кишининг ўз-ўзига баҳо бериши.
4.Фрустрация ва шахснинг келажак режалари.
5. Шахс тараққиётини даврларга бўлиш.

## Идентив ўқув мақсадлари.

Индивид, шахс, индивидуалликни тушунтиради.
Шахснинг тузилишини кўриб чиқади.
Шахснинг фаолияти ва унинг йўналишини белгилайди.
Шахснинг установкалари ва муҳим ориентацияларини текширади.
Кишининг ўз-ўзига баҳо беришини таърифлайди.

Фрустрация ва шахснинг келажак режаларини баён қилади.
Шахс тараққиётини даврларга бўлади.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Шахс, индивид, индивидуаллик, ижтимоийлашув, дунёқараш, мақсад мақсад кўзлаш, одамнинг дунёқараши шахснинг установкалари, шахснинг ориентациялари, ўз-ўзига баҳо бериш, фрустрация.

## Мавзуга оид муаммолар:

Индивид, шахс, индивидуалликни тушунтириб бериш. Сизнингча шахснинг тузилиши ҳақида энг тўғри фикрни шарқ мутафаккирларидан ким билдирган? Шахснинг установкалари ва муҳим ориентацияларини шахс ҳаёти учун муҳим деб ўйлайсизми?

Кишининг ўз-ўзига баҳо беришини манманлик аломатлари деб ҳисоблайсизми? Мисоллар билан тушунтиринг. Фрустрацияга таъриф беринг. Фрустрация ва шахснинг келажак режаларини нималардан иборат деб ўйлайсиз? -Шахс активлигининг манбаи нимада, деб ўйлайсиз**?**

Шахснинг йўналганлиги қизиқишларини белгилаб берадими? Фикрингизни асосланг.

Шахс бажараётган амалларни эътиқод деб аташ мумкинми?

Шахснинг жамиятдаги ўрни дунёқараши билан белгиланиши мумкинми?

## 1. Индивид, шахс, индивидуаллик.

**Биринчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Индивид, шахс, индивидуаллик ҳақида талабаларга тушунча бериш. Индивидни таърифлаш. Шахснинг индивиддан асосий фарқларини ажратиш, индивидуалликнинг шахсга боғлиқ томонларини ажратиш. Шахснинг тузилишини кўриб чиқиш. Шахснинг фаолияти ва унинг йўналишини белгилаш. Шахснинг установкалари ва ориентацияларини ўрганиш. Фрустрация ва шахснинг келажак режаларини ўргатиш. Кишининг ўз-ўзига баҳо бериши ва унинг талабчанлик даражаси шахс тузилишининг элементлари эканлигини аниқлаш.

## Идентив ўқув мақсадлари.

1. Индивид, шахс, индивидуаллик ҳақида талабаларга тушунча беради. 2. Индивидни таърифлайди.

3.Шахснинг индивиддан асосий фарқларини ажратади. 4.Индивидуалликнинг шахсга боғлиқ томонларини белгилайди.

5.Талабаларда шахс психологияси мавзусини ўрганишга қизиқиш уйғотади.

## Биринчи саволнинг баёни.

Психология фанида инсон зотига хослик масаласи индивид (лотинча individ ажралмас, алоҳида зот деган маъно англатади), шахс, индивидуаллик (яккаҳоллик) тушунчалари орқали акс эттирилади. Катта ёшдаги руҳий соғлом (эси-ҳуши жойида) одамлар ҳам, чақалоқ ҳам, нутқи йўқ, оддий малакаларни ўзлаштира олмайдиган ақли заифлар ҳам **индивидлар** деб аталади. Бироқ булардан биринчисинигина шахс деб аташ анъана тусига кириб қолган, чунки ўша зотгина ижтимоий мавжудод, ижтимоий муносабатлар маҳсули, ижтимоий тараққиётнинг фаол қатнашчиси бўла олади. Индивид сифатида ёруғ дунёга келган одам ижтимоий муҳит таъсирида кейинчалик шахсга айланади, шунинг учун бу жараён ижтимоий-тарихий хусусиятга эгадир. Илк болалик чоғиданоқ индивид муайян ижтимоий муносабатлар тизими доирасига тортилади, бундай шахслараро муносабатлар тарзи тарихий шаклланган бўлиб, у ёшлигиданоқ шу тайёр (аждодлар яратган) ижтимоий муносабат, муомала, мулоқот тизими билан таниша боради.

**1. Одам**: сут емизувчилар синфига даҳлдорлик, биологик жонзод эканлиги одамнинг ўзига хос хусусиятидир. Тик юришлик, қўлларнинг меҳнат фаолиятига мослашганлиги, юксак тараққий етган мияга эгалиги, сут емизувчилар таснифига

кириши унинг ўзига хос томонларини акс еттиради. Ижтимоий жонзод сифатида одам онг билан қуролланганлиги туфайли борлиқни онгли акс еттириш қобилиятидан ташқари ўз қизиқишлари ва еҳтиёжларига мутаносиб тарзда уни ўзгартириш имкониятига ҳам эгадир.

**2. Шахс.** Меҳнат туфайли ҳайвонот оламидан ажралиб чиққан ва жамиятда ривожланувчи, тил ёрдами билан, бошқа кишилар билан мулоқот (муомала) га киришувчи одам шахсга айланади. Ижтимоий моҳияти шахснинг асосий тавсифи ҳисобланади.

**3. Индивидуаллик**. Ҳар қайси инсон бетакрор ўзига хос хусусиятларга эга. Шахснинг ўзига хос қирраларининг мужассамлашуви индивидуалликни вужудга келтиради. Индивидуал шахснинг интеллектуал, емоционал ва иродавий соҳаларида намоён бўлади

**Биринчи савол учун назорат топшириқлари:**

1. Индивид, шахс, индивидуалликни таърифланг?
2. Шахс ҳақида тушунча беринг?
3.Шахснинг психологик моҳияти ҳақидаги назарияларни тушунтиринг?
4. Шахснинг психологик тузилиши ҳақидаги назариялар (З.Фрейд, К.Платонов, А.Петровский ва бошқалар назариялари)?
5.Шахснинг фаоллиги ва унинг механизмлари?
6.Шахснинг ё`налганлиги?
7.Шахс тараққиётининг ҳаракатга келтирувчи кучлари?

## 2. Шахс. Шахснинг тузилиши. Шахснинг фаолияти ва унинг йўналиши.

**2-асосий савол бўйича дарснинг мақсади:** Шахсга таъриф бериш. Шахснинг тузилишини ишлаб чиқиш. Шахснинг фаолиятини аниқлаб, унинг йўналишини белгилаш. Индивид, шахс, индивидуалликга қисқача таъриф ишлаб чиқиш.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

Шахсга таъриф беради. Шахснинг тузилишини ишлаб чиқади. Шахснинг фаолиятини аниқлайди. Шахснинг йўналишини белгилайди. Индивид, шахс, индивидуалликга қисқача таъриф беради. Талабаларда индивид, шахс, индивидуалликни ўрганишга қизиқиш ўйғотади.

**Иккинчи саволнинг баёни:**

Шахс деб аниқ бир кишини айтамиз. Ҳар бир киши жамият аъзоси бўлиб, тарихан таркиб топган муайян ижтимоий муносабатлар шароитида яшайди ва ишлайди. Шахсни таърифлайдиган муҳим психологик белгиларга тўхтаб олайлик. Шахснинг енг муҳим хусусиятли жиҳатларидан бири - бу унинг индивидуаллигидир, яъни яккаҳоллигидир. Индивидуаллик деганда, инсоннинг шахсий психологик хусусиятларининг бетакрор бирикмаси тушунилади. Индивидуаллик таркибига характер, темперамент, психик жараёнлар, ҳолатлар, ҳодисалар, ҳукмрон хусусиятлар йиғиндиси, ирода, фаолиятлар мотивлари, инсон маслаги, дунёқараши, иқтидори, ҳар хил шаклдаги реакциялар, қобилиятлари ва шу кабилар киради. Психик хусусиятларнинг бирикмасини айнан ўхшаш тарзда акс еттирувчи инсон мавжуд эмас. Масалан, яқин одамдан айрилганлиги қайғу-алам, унинг билан бирга эса ҳаётда тиклаб бўлмовчи ва бошқаларда такрорланувчи фазилатлар мураккаб воқеликнинг мангуликка йўналиши билан изоҳлаш мумкин. Шахс ўзининг қадр-қиммати ва нуқсонлари билан ижтимоий турмушда фаол иштирок қилиши, таълим ва тарбия ёрдамида юзага келган ўзининг кучли ва кучсиз жиҳатлари билан яққол, бетакрор олий зотдир.

**Шахснинг индивидуал хусусиятлари** унинг белгиси ҳисобланади. Ҳар бир одамнинг ўзига яраша шахсий хусусиятлари бор. Бир-бирига ўхшайдиган, аммо тамомила бир хил бўлмаган кишилар бор. Одамнинг индивидуал хусусиятлари ақлида, ҳисларида, иродасида намоён Жбўлади. Ҳар бир одам ўзига яраша идрок етади, еслаб қолади, ўзига яраша фикр юритади ва сўзлайди. Ҳар кирн турли ҳисларни ўзига яраша кўнгилдан кечиради ва турли шароитда ўзига яраша иш

қилади. Ҳар бир одамнинг ўзига хос темпераменти ва характери, ўзига яраша индивидуал лаёқат-қобилиятлари ва қизиқиш-ҳаваслари бор.

Шахснинг таркибий қисми одам организми — гавдасидир. Одамни шахс деб айтганимизда умуман одамни — унинг онги ва организмини назарда тутамиз. Собиқ совет психологиясида энг кўп тарқалган шахснинг тузилишига оид материаллар билан қисқача танишиб ўтамиз.

**С.Л.Рубинштейн** бўйича шахс қуйидаги тузилишга эга:

1. Йўналганлик - эҳтиёжлар, қизиқишлар, идеаллар, еътиқодлар, фаолият ва хулқнинг устувор мотивлари ҳамда дунёқарашларда ифодаланади.

2. Билимлар, кўникмалар, малакалар - ҳаёт ва фаолият жараёнида эгалланади.

3. Индивидуал типологик хусусиятлар - темпрамент, характер, қобилиятларда акс етади.

К.К.Платонов таълимотига кўра, шахс тузилиши қуйидаги шаклга эга:

**I. Йўналганлик осттузилиши** - шахснинг ахлоқий қиёфаси ва муносабатларини бирлаштиради. Ундан ҳаракатчанлик, барқарорлик, жадаллик, кўлам (ҳажм) даражаларини фарқлаш лозим.

**II. Ижтимоий тажриба осттузилиши** - Таълим воситасида, шахсий тажрибада эгалланган билимлар, кўникмалар ва одатларни қамраб олади.

**III. Психологик акс еттириш шакллари осттузилиши** - Ижтимоий турмуш жараёнида шаклланувчи билиш жараёнларининг индивидуал хусусиятлари.

**IV. Биологик шартланган осттузилиш.**

Мия морфологик ва физиологик хусусиятларига муайян даражада боғлиқ бўлган патологик ўзгаришларни, шахснинг ёш, жинс хусусиятларини ва унинг типологик хосиятларини бирлаштиради.

А.Г.Ковалев талқинига биноан, шахс мана бундай тузилишга эга:

**1. Йўналганлик** - воқеликка нисбатан инсон муносабатини аниқлайди, унга ўзаро таъсир етувчи ҳар хил хусусиятли ғоявий ва амалий установкалар, қизиқишлар, еҳтиёжлар киради.

Устувор йўналганлик шахснинг барча психик фаолиятини белгилайди.

**2. Имкониятлар** - фаолиятнинг муваффақиятли амалга ошишини таъминловчи тизим. Ўзаро таъсир етувчи ва ўзаро боғлиқ бўлган турлича қобилиятлар.

**3. Характер.** Ижтимоий муҳитда шахснинг хулқ-атвор услубини аниқлайди. Одамнинг руҳий ҳаёти шакли ва мазмуни унда намоён бўлади. Характер тизимидан иродавий ва маънавий сифатлар ажратилади.

**4. Машқлар тизими.** Ҳаёт ва фаолият, ҳаракат ва хулқ-атворни тузатиш (коррекциялаш), ўзини ўзи назорат қилиш, ўзини ўзи бошқаришни таъминлайди.

### Иккинчи савол учун назорат топшириқлари:

1. Шахсга таъриф беринг.
2. Шахснинг тузилишини ишлаб чиқинг.
3. Шахснинг фаолиятини аниқланг.
4. Шахснинг йўналишини белгиланг.
5. Индивид, шахс, индивидуалликка қисқача таъриф беринг.

## 3. Кишининг ўз-ўзига баҳо бериши.

**3-савол бўйича дарснинг мақсади:** Шахснинг установкаларини таърифлаш. Шахснинг муҳим ориентацияларини талабаларга тушунтириш. Шахснинг установкаларини ишлаб чиқиш ва ўрганиш.

### Идентив ўқув мақсади:

Шахснинг установкаларини таърифлайди. Шахснинг муҳим ориентацияларини талабаларга тушунтиради. Шахснинг установкаларини ишлаб чиқади ва ўрганади.

## Учинчи саволнинг баёни:

Ўзига-ўзи баҳо бериш - шахснинг ўзи томонидан ўзига, ўз имкониятларига, бошқа одамлар орасидаги фазилатларига ва ўрнига баҳо берилишидир.Ўзига-ўзи баҳо бериш орқали шахснинг хулқ-атвори тўғриланиб, тартибга солиб турилади. киши ўзи ҳақида баъзи нарсаларни аллақачон билгани ҳолда бошқа кишига разм солиб боради, ўзини у билан солиштириб кўради, у ҳам унинг шахсий фазилатларига, хатти-ҳаракатларига, фаоллигига нисбатан бефарқ қола олмайди, деб тахмин қилади; ана шуларнинг ҳаммаси шахснинг ўзига ўзи баҳо беришига киради ва унинг психологик кайфиятини белгилайди.

Психологияда кишининг ўзига ўзи берадиган баҳони, унинг миқдорий ва сифатий таърифини аниқлашнинг бир қатор экспериментал методлари мавжуддир. Шахсга бериладиган баҳолар системасига учта кўрсаткич - ўзига ўзи баҳо бериш, кутилган баҳо, гуруҳнинг шахс томонидан баҳоланиши - шахснинг тузилишига киради ва киши буни хоҳлайдими-йўқми, бундан қатъи назар,у ўзининг гуруҳдаги кайфиятини,ўзи эришган натижаларнинг муваффа қиятли ёки муваффақиятсиз эканлигини, ўзига ва теварак-атрофдагиларга нисбатан нуқтаи назарларни белгилайдиган субъектив воситаларни ҳисобга олишга объектив равишда мажбурдир.

Ўзига-ўзи баҳо бериш шахснинг интилишлари даражаси билан чамбарчас боғлиқдир. Интилишларнинг даражаси шахс ўзига ўзи берадиган баҳонинг индивид ўз олдига қўядиган мақсадларнинг қийинчиликлари даражасида намоён бўладиган кутилган даражаси ("Мен" сиймоларининг даражаси) дир. Киши навбатдаги ҳаракатнинг қийинчилик даражасини бемалол танлаш имкониятига эга бўлган пайтда ўзига-ўзи берадиган баҳони ошириб юборишга интилиш иккита тенденция ўртасида можаро келиб чиқишига сабаб бўлади: бир томондан энг кўп ютуққа эришиш учун интилишни кучайтириб юборишга ҳаракат қилинса, иккинчидан муваффақиятсизликка учрамаслик учун интилишларни камайтиришга ҳаракат қилинади.

Шахснинг психологик мухофазаси. Шахснинг ўзини англаши ўзига ўзи баҳо бериши механизмини қўллаган ҳолда хусусий интилишлар ва реал ютуқлари ўртасидаги ўзаро нисбатни аниқ қайд этади. Америкалик психолог У.Джемс ўзининг психологик назариясида XX асрнинг бошларидаёқ шахс "Мен"и сиймосининг энг муҳим таркибий қисми-ўзини хурмат қилиши хақиқатдан ҳам эришган ютуқларининг киши даъвогарлик қилган, мўлжалланган нарсаларга муносабати билан белгиланиши ҳақида умуман тўғри фикр билдирган эди.

Киши ўз фаолиятида қийинчиликлар олдида бўш келмаслиги, аксинча ўзининг иродавий фазилатлари ва матонатлилигини намоён қилган ҳамда шу орқали муваффақият билан реал интилишлар ўртасидаги ўзаро мақбул нисбатини сақлаб қолган ҳолда уларни енгиши керак. Бу психологик қулайликнинг бузилиши. Психологик муҳофаза тушунчасига яқин "муҳофаза механизмлари" тўғрисидаги тушунчани психоанализ мактабининг етакчиси Фрейд ишлатган эди. У бу тушунчани шахсни биологик мавжудот деб ҳисоблайдиган механистик фалсафа нуқтаи назаридан талқин қилган эди. З.Фрейд кишининг онгсиз инстинктлари (асосан, шаҳвоний ҳирс) онгли "Мен"нинг "муҳофаза механизмлари", шахснинг "ички цензураси" билан тўқнашиб қолади ва бунинг натижасида турли хилдаги ўзгаришларга учрайди, деб тахмин қилган.

## Учинчи савол учун назорат топшириқлари:

1. "Мен"нинг сиймосига таъриф беринг, унинг моҳиятини очиб беринг.
2. "Мен"нинг сиймоси учта компонентни ўз ичига олади. Улар қайсилар? Санаб беринг, фарқланг.
3. Ўз-ўзига баҳо бериш нима ва у қандай пайдо бўлади?

Шахснинг ўзини англаши, «мен» деб ҳис қилиши ҳамиша муайян мазмуни билан юзага чиқади. Ўзининг борлигини англаши, одамнинг ўзини кирн деб билиши — ўқувчи, ишчи, ўқитувчи, муҳандис ва шунга ўхшаш деб англаши, ўзининг

ўтмишини ва келажагини англаши, бошқа кишилар билан ўзаро муносабатини англаши, ўз ҳуқуқ ва бурчларини англаши, ўзининг фазилат ва камчиликларини ва шунга ўхшашларни англаши ўзини англашга киради. Шахс ўзини англаганлигидан ўзини-ўзи кузата олади ва ўзини-ўзи билиб олади, кўнглидан ўтган кечинмаларни тушуна олади, ўзининг хатти-ҳаракатларига ўзи танқидий кўз билан қарай олади.

Индивид ва шахсга таъриф беринг.

Объектив дунёни билувчи, уни ўзининг эҳтиёжи ва қизиқишларига мослаб ўзгартирувчи онгли мавжудотга ажратинг.

А.Субстрат. В.Объект. С.Шахс. Д.Субъект. Е. Индивид

## 4. Фрустрация ва шахснинг келажак режалари.

**4- савол бўйича дарснинг мақсади:** Шахснинг установкаларини таърифлаш. Шахснинг муҳим ориентацияларини талабаларга тушунтириш. Шахснинг установкаларини ишлаб чиқиш ва ўрганиш.

### Идентив ўқув мақсади:

Шахснинг установкаларини таърифлайди. Шахснинг муҳим ориентацияларини талабаларга тушунтиради. Шахснинг установкаларини ишлаб чиқади ва ўрганади.

### Тўртинчи саволнинг баёни:

Шахснинг белгиси ва ўзини англашининг мазмуни — унинг бирон мақсадни кўзлаши, шунга интилишидан иборат.

Шахснинг муҳим хоссаси шуки, у бирон мақсадни кўзлайди, шу мақсадга интилади. Шахс ҳамиша бирон нарсага, бирон мақсадга, бирон обектга кўз тикади, унга интилади.

XXI асрда ҳам одам индивид, шахс, субъект, комил инсон сифатида психологик илмий тушунчалар негизида талқин қилинишда давом еттирилади, лекин ҳар бир тушунча моҳиятида ва кўламида сифат ўзгаришлари юз бериши мумкин, чунки ташқи ва ички омиллар, таъсир етувчилар, таъсирланувчилар устуворлиги йўқола боради.

XXI асрда индивид, инсон, шахс, субъект ва комил инсонни ўрганиш турли йўналишларда, вазиятларда, ёш хусусиятлари, алоҳида ёндашиш негизида, ўзига хос талҳлилга, методологик асосга суяниб олиб борилади Мустақиллик, истиқлол шарофати билан шахсга оид қарашлар, мулоҳазалар моҳияти, унинг мазмуни ва шаклида ўзгаришлар юз берадиким, бунинг натижасида эркин фикрлаш, очиқ шаклдаги илмий фаразларни илгари суриш имконияти туғилади.

Республикамизда юз бераётган туб ўзгаришлар халқимиз, миллатимиз руҳиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди, она юрт мадҳи, аждодлар меросидан ғурурланиш, маънавият дурдоналаридан фахрланиш ҳислари вужудга келади. Ватан ва ватанпарварлик тушунчалари ўзининг ҳақиқий, чинакам маъносини касб етади. Кишилардаги ўта сабр-тоқатлилик, итоаткорлик, ташаббускорликнинг етишмаслиги ўрнини еркинлик, ижодиёт, меҳнат, батамом истиқлолга еришиш зарурияти, оиланинг бутлиги, тўкислиги ва уларнинг истиқболи каби сифатлар, фазилатлар, юксак туйғулар, хислатлар эгаллай бошлайди. Шахснинг йўналтирилганлигида англанган мотивлар асосий роль ўйнайди. Киши эҳтиёж объектини мақсад деб англаган ҳолда ўзининг шахсий мақсадларини ўзи кирган жамоанинг мақсадлари билан боғлайди ва ўз мақсадларини тегишли равишда ўзгартиради, мазмунга тузатишлар киритади. Киши фаолиятининг натижасини хаёлан олдиндан белгилаб берадиган мақсаднинг ўзигина эмас, балки ушбу мақсад аҳамиятига молик объектда рўёбга чиқишининг реаллиги ҳам англанилган бўлса, бу ҳол шахснинг истиқболи деб қаралади. Истиқболи англайдиган кишига хос таъби хиралик, кечинмаларга қарама-қарши ўлароқ руҳсизлик ҳолати **фрустрация** деб аталади.Бу киши мақсадга эришиш йўлида реал тарзда бартараф этиб бўл майди деб ҳисобланган ёки шундай деб идрок этиладиган тўсқинликларга, ғовларга дуч келган ҳолларда юз беради.

Фрустрациянинг юз бериши шахснинг хулқ-атворида ва унинг ўзини англашида турли хил ўзгаришларга олиб келади

Қизиқиш - бирон бир соҳада тўғри мўлжал олишга, янги фактлар билан танишишга, воқеъликни анча тўла ва чуқур акс эттиришга ёрдам берадиган мотивдир.қизиқишнинг фаолият жараёнидаги роли бениҳоят каттадир. қизиқишлар шахсни ўзида билим олиш,ва англаб етиш борасида ҳосил бўлган иштиёқни қондириш йўлларини ва усулларини фаол тарзда излашга мажбур этади. Шахснинг йўналтирилганлигини ифодалайдиган қизиқишнинг қондирилиши одамда унинг сўнишига олиб келмайди, аксинча, уни қайта кўрган, бойитган ва чуқурлаштирган ҳолда билиш фаолиятининг янада юксак даражасига мос келадиган янги қизиқишларни келтириб чиқаради. қизиқишлар билишнинг доимий қўзғатувчи механизми сифатида намоён бўлади.

Шахснинг кўнгилдагидек ривожланиши қизиқишлар миқёсининг тор эмас, кенг бўлишини тақозо этади.

қизиқишлар барқарорлиги даражасига кўра ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Шахснинг асосий эҳтиёжларини энг кўпроқ намоён қиладиган ва шу боисдан ҳам унинг психологик тузилишига хос ҳислатларга айланиб қоладиган қизи қишлари барқарор ҳисобланади.қизиқишларнинг баъзан барқарор бўлмаслиги катта ёшидаги ўқувчиларнинг ёш хусусияти ҳисобланади.

Хулк-атворнинг муҳим мотивларидан бири-эътиқоддир. Эътиқод-шахсни ўз қарашларига, принципларига, дунёқарашига мувофиқ тарзда иш кўришга даъват этадиган мотивлар системасидир. Эътиқод шаклида намоён бўладиган эҳтиёжларнинг мазмуни - бу табиат, теварак-атрофдаги олам тўғрисидаги билимлар ва уларнинг муайян тарздаги тушунилиши демакдир. Бу билимлар нуқтаи назарлар (фалсафий,эстетик,аҳлоқий, ва ҳ.к.) нинг тартибга солинган ва ички уюшган системасини ташкил этган тақдирда кишининг дунёқараши сифатида талқин қилиниши мумкин.

Мотивлар, аввало, англанилгани билан характерланади. Бошқача қилиб айтганда, мотив (сабаб) лар пайдо бўладиган киши уни фаолиятга нималар даъват этаётганини, унинг эҳтиёжлари қандай маъно касб этишини билади. Лекин барча мотивлар ҳам бу категорияга киравермайди. Инсон ишлари ва хатти-ҳаракатлари сабабиятининг анчагина аҳамиятга молик жабҳаси англанилмаган мотивлардан таркиб топади.

## Тўртинчи савол учун назорат топшириқлари:

1. Шахс фаоллиги,умуман фаоллик деганда нимани тушунасиз? Фаолликка психологик таъриф беринг ва фаолликка ундовчи мотивларни кырсатинг. Мощиятини очиб беринг. (тушуниш)
2. Шахснинг йыналтирилганлигига таъриф беринг ва мощиятини очиб беринг. Англанган ва англанилмаган мотивларга мисоллар келтиринг. Фрустрация нима эканлигини изоҳланг.
3. қизиқишларга таъриф беринг ва таснифланг.
4. Муайян, конкрет образда ифодаланадиган йўналиш шакли, киши унга ўхшашни истайди. Бу нима? Ажратинг, ўзингизга боғлаб тушунтиринг.

А. Идеал. В. қизиқиш. С. Эътиқод. Д. Дунёқараш. Е. Йўналиш.

## 5. Шахс тараққиётини даврларга бўлиш.

**5- савол бўйича дарснинг мақсади:** Шахснинг установкаларини таърифлаш. Шахснинг муҳим ориентацияларини талабаларга тушунтириш. Шахснинг установкаларини ишлаб чиқиш ва ўрганиш.

## Идентив ўқув мақсади:

Шахснинг установкаларини таърифлайди. Шахснинг муҳим ориентацияларини талабаларга тушунтиради. Шахснинг установкаларини ишлаб чиқади ва ўрганади.

## Бешинчи саволнинг баёни:

Ҳозирги замон психологиясининг таниқли вакили А.В.Петровский инсон тараққиётига шахсни таркиб топтиришнинг социал-психологик нуқтаи назардан ёндашиб, ўзига хос оригинал классификациясини яратади. Ушбу назария негизида юксалиш, етукликка интилиш ғояси ётганлиги сабабли болалик, ўсмирлик, ўспиринлик даврлари ётади, холос. А.В.Петровскийгача психологлар тараққиётнинг бир текис жиҳатини олиб ўрганган бўлсалар, бундан ўлароқ у шахс шаклланишининг просоциал (ижтимоий қоидаларга риоя қилиб) ва асоциал (аксижтимоий) босқичлари мавжуд бўлиши мумкинлигини далиллаб беришга ҳаракат қилади. Шунинг учун тараққиёт учта макрофазадан иборат еканлигини шарҳлаб, унинг биринчи тури болалик даврига тўғри келиб, ижтимоий муҳитга мослашиш, кўникиш (адаптация), иккинчиси - ўсмирларга хос индивидуаллашиш (индивидуализация), учинчичи - ўспиринлик, яъни етукликка интилиш даврида индивидуал ҳолатларни мувофиқлаштириш (бирлаштириш) хусусиятлари билан тавсифланади. А.В.Петровский шахснинг шаклланишини қуйидаги босқичлардан иборат бўлишини таъкидлаб ўтади.

1. Илк болалик (мактабгача ёшидан олдинги давр) - туғилгандан то 3 ёшгача.

2. Боғча ёши даври - 3 ёшдан то 7 ёшгача.

3. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи даври - 7 ёшдан то 11 ёшгача.

4. Ўрта синф ўқувчиси (ўсмирлик) даври - 11 ёшдан то 15 ёшгача.

5. Юқори синф ўқувчиси (илк ўспиринлик) даври - 15 ёшдан то 17 ёшгача.

А.В.Петровскийнинг классификацияси қанчалик такомил даражада бўлмасин, тараққиётнинг оралиқ босқичлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини eътироф етишга мойилдир. Чунки ижтимоий қоидаларга биноан ўсишми ёки аксилижтимоийми унга қарамасдан, ҳар икки йўналишнинг ҳам оралиқ жабҳалари бўлиши еҳтимолдан холи эмас, лекин бу ғояни чуқурроқ шарҳлаб бериш жоиз.

Д.И.Фельдштейн классификацияси ҳам шахсга ижтимоий ёндашувга асосланган бўлса ҳам, лекин у А.В.Петровскийникидан кескин фарқ қилади. Д.И.Фельдштейннинг фикрича, инсонни шахс сифатида шаклланиш жараёнида иккита катта тараққиёт босқичини босиб ўтади, улардан бири - “Мен жамият ичида” деган позициядан иборат бўлиб, у ўзига қуйидаги ёш босқичларини қамраб олади:

1) илк болалик - 1 ёшдан 3 ёшгача,

2) кичик мактаб ёшидаги ўқувчиси даври - 6 ёшдан то 9 ёшгача,

3) юқори синф ўқувчиси даври - 15 ёшдан то 17 ёшгача.

Шахс тараққиётидаги иккинчи позиция “Мен ва жамият” деб номланиб, у қуйидаги ёш босқичларига тааллуқлидир:

1) гўдаклик - туғилгандан то 1 ёшгача,

2) мактабгача ёшдаги болалар - 3 ёшдан 6 ёшгача,

3) ўсмирлар - 10 ёшдан то 15 ёшгача.

Д.И.Фельдштейн бошқа тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ, ўсмирлик даврини уч босқичга ажратади. Унинг мулоҳазасига кўра, биринчи босқич (10-11 ёш) ўзига муносабатни кашф қилишдан иборат бўлиб, ўзини шахс сифатида ҳис қилиш ва қатъий қарорга келиш билан якунланади. Иккинчи босқич 12-13 ёшдаги ўсмирларни ўз ичига олиб, бир томондан, ўзини шахс сифатида тан олиш, иккинчи томондан, ўзига салбий муносабатда бўлиш хусусиятига эга. Учинчи босқич 14-15 ёшли катта ёшдаги катта ўсмирлардан иборат бўлиб, тезкорликда ўз-ўзини баҳолашга мойил муносабати билан тавсифланади.

Д.И.Фельдштейннинг шахс ривожланиши назарияси онтогенезда юз берадиган барча психологик ҳолат ва фазилатни изоҳлаб бериш имкониятига эга эмас. Лекин у таълим-тарбия сифатини оширишга ва такомиллаштириш жараёни (фаолияти) га ижобий таъсир ўтказиш хусусияти билан амалий аҳамият касб етади.

Шундай қилиб, ҳамдўстлик мамлакатлари психологлари томонидан бир қатор пухта илмий-методологик негизга эга бўлган шахснинг ривожланиши назариялари ишлаб чиқилган. Уларнинг аксарияти онтогенезда шахснинг шаклланиши қонуниятларини очишга муайян ҳисса бўлиб хизмат қилади, амалий ва назарий муаммоларни ечишда кенг кўламда қўлланилади. Аммо онтогенезда шахснинг шаклланиши ва ривожланиши хусусиятларини акс еттирувчи назария яратиш мавруди етиб келди.

**Бешинчи савол учун назорат топшириқлари:**

1.А.В.Петровский шахснинг шаклланишини нечта босқичлардан иборат деб айтган ?

2. Д.И.Фельдштейннинг шахс ривожланиши назариясини кўриб чиқинг ?

3. Д.И.Фельдштейн боланинг ижтимоий тараққиётида унинг жамиятга нисбатан муносабатини нечта турга ажратди ?

4. Шахс тараққиётидаги “Мен ва жамият” деб номланган иккинчи позиция қайси ёш босқичларига тааллуқли ? Тушунтириб беринг ?

**Мавзу бўйича асосий хулосалар:**

Шахснинг тузилишини аниқлаш. Шахснинг фаолияти ва унинг йўналишинии белгилаш. Шахснинг установкалари ва муҳим ориентацияларини ўрганиш.
Кишининг ўз-ўзига баҳо беришини таърифлаш. Фрустрация ва шахснинг келажак режаларини баён қилиш. Шахс тараққиётини даврларга бўлиш. Шахснинг ривожланиши назарияларини кўриб чиқиш.

## 7- мавзу: Гуруҳ ва жамоа

| **Т/р** | **Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни** | **Амалга оширувчи шахс, вақт** |
|---|---|---|
| **1** | **Тайёрлов босқичи:**<br>**1.1.Дарс мақсади:** Гуруҳ ҳақида тушунча бериш. Ижтимоий психологияда кичик гуруҳлар муаммосини кўриб чиқиш. Кичик гуруҳларни таснифлаш. Кичик гуруҳлардаги динамик жараёнларни текшириш. Жамоа ва гуруҳни қиёсий солиштириш. Гуруҳ ва жамоадаги лидерликни баён қилиш. Гуруҳдаги шахслараро муносабатларни таърифлаш. Гуруҳ ва жамоани бошқаришни кўзатиш. Бошқариш услубларини айтиб бериш.<br>**1.2.Идентив ўқув мақсадлари.**<br>1. Гуруҳ ҳақида тушунча беради.<br>2. Ижтимоий психологияда кичик гуруҳлар муаммосини кўриб чиқади.<br>3. Кичик гуруҳларни таснифлайди.<br>Кичик гуруҳлардаги динамик жараёнларни текширади.<br>4. Жамоа ва гуруҳни қиёсий солиштиради.<br>5. Гуруҳ ва жамоадаги лидерликни баён қилади.<br>6. Гуруҳдаги шахслараро муносабатларни таърифлайди.<br>7. Гуруҳ ва жамоани бошқаришни кузатади.<br>8. Бошқариш услубларини айтиб беради.<br>**1.3.Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** шартли ва реал гуруҳлар, фасцилитация, конформизм, нореферент, референт, формал, корпорация, агрегация.<br>**1.4. Дарс шакли:** кириш-ахборотли маъруза<br>**1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза, бахс, видеоусул, савол-жавоб, тушунтириш, тақдимот.<br>**1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:** слайдлар, дарсликлар, | **Ўқитувчи** |

| | | |
|---|---|---|
| | мавзуни кўриб чиқишга доир материаллар ва мавзунинг мазмунини ифодаловчи лавҳалар, кўргазмали материаллар. | |
| **2** | **Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:**<br>**2.1.** Мавзу эълон қилинади.<br>**2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади. | **Ўқитувчи, 15 минут** |
| **3** | **Гуруҳда ишлаш босқичи:**<br>**3.1.** Талабаларга мавзуга оид муаммоли савол берилади.<br>**3.2.** Талабаларнинг фикри эшитилади ва бошқа талабалар бахсга чақирилади.<br>**3.3.** Талабаларнинг фикри тингланиб,умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.<br>**3.4.** Умумий хулосани ўқитувчи баён қилади. | **Ўқитувчи-талаба, 40 минут** |
| **4** | **Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:**<br>1. Индивид, шахс, индивидуалликни таърифланг ?<br>2. Шахснинг тузилишини ўқинг ва ўрганинг.<br>Шахснинг фаолияти ва унинг йўналишини белгиланг.<br>3. Шахснинг установкалари ва муҳим ориентацияларини таърифланг.<br>4. Кишининг ўз-ўзига баҳо беришини изоҳланг. асосий турларини ажратинг.<br>5. Фрустрация ва шахснинг келажак режаларини ҳақида умумий тушунчангизни баён қилинг?<br>**6.**Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.<br>7.Кўникма ва малакалар ҳақида ўз фикрингизни баён қилинг. | **Ўқитувчи, 15 минут** |
| **5** | **Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:**<br>**5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади.<br>**5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади. | **Ўқитувчи, 10 минут** |

## Асосий саволлар.

1.Гуруҳ ҳақида тушунча.

2.Психологияда кичик гуруҳлар муаммоси.

3.Кичик гуруҳлар таснифи.

4. Кичик гуруҳлардаги динамик жараёнлар.

5. Жамоа. Гуруҳ. Гуруҳ ва жамоадаги лидер. Гуруҳдаги шахслараро муносабатлар.

6. Гуруҳ ва жамоани бошқариш. Бошқариш услублари.

## Идентив ўқув мақсадлари.

Гуруҳ ҳақида тушунча беради.

Ижтимоий психологияда кичик гуруҳлар муаммосини кўриб чиқади.

Кичик гуруҳларни таснифлайди.

Кичик гуруҳлардаги динамик жараёнларни текширади.

Жамоа ва гуруҳни қиёсий солиштиради.

Гуруҳ ва жамоадаги лидерликни баён қилади.

Гуруҳдаги шахслараро муносабатларни таърифлайди.

Гуруҳ ва жамоани бошқаришни кузатади.

Бошқариш услубларини айтиб беради.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** шартли ва реал гуруҳлар, фасцилитация, конформизм, нореферент, референт, формал, корпорация, агрегация.

## Биринчи саволнинг баёни.

Психологик маънода **гуруҳ** — бу умумий белгилар умумий Фаолият, мулоқот ҳамда умумий мақсад асосида бирлашган кишилар уюшмасидир. *Гуруҳ* - маълум ижтимоий фаолият мақсадлари асосида тўпланган, мулоқот эҳтиёжлари қондириладиган инсонлар уюшмасидир.

Умуман одамлар гуруҳи ташкил топиши учун албатта, қандайдир умумий мақсад ёки тилаклар, умумий белгилар бўлиши шарт. Масалан, талабалар гуруҳи учун умумий нарсалар кўп (ўқув фаолияти, билим олиш, ёшларга хос бирликлар (ўспирин, ёшлар, маълум ўқув юртида таълим олиш истаги ва ҳоказо). Кўчада бирор тасодиф рўй берганлиги учун тўпланган кишилар учун ҳам умумий бўлган нарса бор — бу қизиқувчанлик бўлиб ўтган ҳодисага гувоҳлик, унга умумий муносабатдир.

Гуруҳни алоҳида шахслар ташкил этади, лекин ҳар бир гуруҳ психологияси уни ташкил этувчи алоҳида шахслар психологиясидан фарқ қилади ва ўзига хос қонуниятларга бўйсунади. Айни шу қонуниятларни билиш эса турли типли гуруҳларни бошқариш ва ана шу гуруҳларни ташкил этувчиларни тарбиялашнинг асосий мезонидир.

Гуруҳларнинг турлари кўп, шунинг учун ҳам уларни турли олимлар турлича классификация қиладилар. В.М.Каримованинг "Ижтимоий психология асослари" ўқув қўлланмасида гуруҳларнинг асосий турлари келтирилган. Гуруҳлар аввало **шартли ва реал** гуруҳларга бўлинади.

*Реал* гуруҳлар аниқ тадқиқот мақсадларда тўпланган лаборатория типидаги ҳамда табиий гуруҳларга бўлинади. Конкрет фаолият ва одамларнинг табиий эҳтиёжлари асосида ташкил бўладиган бундай табиий гуруҳларнинг ўзи кишиларнинг сонига қараб катта, кичик гуруҳларга бўлинади. Катта гуруҳлар уни ташкил этувчиларнинг мақсадлари, фазовий жойлашишлари, психологик хусусиятларнга қараб уюшган ва уюшмаган турларга, кичиклари эса ўз навбатида, энди шаклланаётган - **диффуз** ҳамда тараққиётнинг юксак поғонасига кўтарила олган жамоа турларига бўлинади.

## 2. Психологияда кичик гуруҳлар муаммоси.
## Иккинчи саволнинг баёни

Кичик гурухлар муаммоси ижтимоий психологияда энг кўп тадқиқотлар ўтказилган объектлардандир. Олимларимизнинг айтишларича индивид якка ҳолда яхши ишлайдими ёки гуруҳда яхшироқ самара берадими, бундай шароитларда Индивидларнинг ўзаро ҳамкорлиги эмас, балки уларнинг бир вақтда бир ерда бирга бўлганлиги фактининг таъсири ўрганилди. Олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, бошқалар билан ҳамкорликда бўлган индивид фаолиятининг тезлиги ошади. Лекин ҳаракатлар сифати анча пасайиши аниқланди. Бундай маълумотлар америкалик Н. Триплетт, немис олими А. Майер, рус олими В. М. Бехтереяна бир немис олими В. Мёде ва бошқаларнинг тадқиқотларида ҳам қайд этилди. Бу психологик ходиса ижтимоий психологияда ижтимоий **фасцилитация** номини олди. Унинг моҳияти шундан иборатки индивиднинг фаолият маҳсулларига унинг ёнида бўлган бошқа индивидларнингбеъвосита таъсири бўлиб бу таъсир аввало сенсор кучайишлар ҳамда иш ҳаракатларнинг фикрлашларнинг тезлигида намоён бўлади лекин айрим экспериментларда тескари эффект ҳам кузатилди яъни бошқалар таъсирида индивид реакцияларидаги тормозланиш фаолиятининг сусайиши ҳолатлари ингибиция деб аталади.

## 3. Кичик гурухлар таснифи

**Учинчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Талабаларни кичик гуруҳларнинг тузилиши билан таништириш. Кичик гуруҳларни классификациялашни ўргатиш. Гуруҳларни классификация қилиш бўйича олимларнинг фикрларни ўргатиш ва қиёсий солиштириш

**Идентив ўқув мақсадлари.**

1.Кичик гуруҳларнинг тузилиши билан таништирди.

2. Кичик гуруҳларни классификациялашни ўргатади.

3. Гуруҳларни классификация қилиш бўйича олимларнинг фикрларни ўргатади ва қиёсий солиштиради.

## Учинчи саволнинг баёни

### Кичик гуруҳлар таснифи.

Р.С.Немов кичик ижтимоий гуруҳларнинг қуйидаги классификациясини таклиф этган.

1-расм.

*КИЧИК ГУРУҲЛАРНИНГ ТУРЛАРИ*

| Шартли (номинал) | реал (ҳакикий) |
|---|---|

| табиий | лаборатория типли |
|---|---|

| Формал (расмий) | Нoформал (норасмий) |
|---|---|
| кучсиз ривожланган | Кучли ривожланган |
| корпорация | Жамоалар |
| референт | Нореферент |

Тарихан кичик гуруҳларни расмий ва норасмий турларга бўлиш қабул қилинган.

Бундай бўлинишни америкалик олим Э. Мэйо таклиф этган эди.

Унинг фикрича, расмий гуруҳ:;ар бир аъзоларнинг расмий ролларга эга эканлиги, улар мавқеининг ва гуруҳда тутган ўрнининг аниқлиги билан ҳарактерланади. Бундай гуруҳларда муносабатлар асосан "вертикал" тарзда рўй бериб, гуруҳнинг бир ёки бир неча аъзосида "ҳокимият" бўлганлиги учун ҳам, улар бошқаларни бошқариш, уларга буйруқ, расмий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўладилар. Расмий гуруҳга мисол қилиб ҳар қандай биргаликдаги фаолият мақсадлари асосида шаклланган жамоаларни — ишлаб чиқариш бригадаси, талабалар гуруҳи, синф ўқувчилари, педагогик жамоа ва бошқаларни олиш мумкин.

Расмий гуруҳлардан фарқли ўлароқ норасмий гуруҳлар ҳам мавжуд бўладики, улар асосан стихияли тарзда, аниқ мақсадсиз таркиб топади ва уларда аъзоларнинг аниқ мавқелари, роллари олдиндан белгиланган бўлмайди. Кўпинча норасмий гуруҳ расмий гуруҳ таркибида ташкил топади ва уларни бошқариш ҳам олдиндан белгиланган бўлмай, одамлар ичидан у ёки бу шахсий сифатлари туфайли ажралиб чиққан аъзолар норасмий раҳбарлик ролини бажаришлари мумкин.

Бундан ташқари, ижтимоий психологияда **референт гуруҳ** тушунчаси ҳам бор. Бу тушунча фанга биринчи марта америкалик тадқиқотчи Г. Хаймен томонидан 1942 йилда киритилган эди. У ўз тадқиқотларида шуни исбот қилдики, маълум бўлишича, гуруҳ аъзолари учун шу гуруҳ ичида ёки бошқа доираларда шундай шахслар гуруҳи мавжуд бўлар эканки, у ўз ҳатти-ҳаракатлари, фикрлари ва йўналишларида ўша гуруҳ аъзоларига эргашиш, уларнинг фикрларини танқидсиз қабул қилишга мойил ҳамда тайёр бўлар экан. Шундай шахслар гуруҳи *референт гуруҳ* номини олди.

Агар одамлар кўчада тасодифий ҳодисани томошабини бўлиб туришган бўлса, уларни психология тилида гуруҳ эмас, **агрегация (оломон)** деб аташади. Ҳақиқий гуруҳ учун ўша одамларнинг барчасига алоқадор умумий фаолият ва ҳамкорлик қилиш, бир - бирларига таъсир кўрсатиш имконияти бўлиши керак. Америкалик психолог Ч. Кули ҳамкорликнинг даражаси мезонига кўра гуруҳларни бирламчи ва иккиламчи турларга бўлиб ўрганишни таклиф этган эди. *Бирламчи гуруҳда* шахслараро ўзаро таъсир «юзма - юз, бевосита» рўй беради.

Масалан, оила даврасидаги, синфдаги, ҳисобчилар хонасида ўтирганлар бирламчи гуруҳга мисолдир.

*Иккиламчи гуруҳларда* ҳар доим ҳам одамларнинг бевосита мулоқотда бўлиш имкониятлари бўлмайди. Улар ўртасидаги муносабат ва ўзаро таъсир билвосита бўлади. Масалан, йирик бир ташкилотдаги тизимлар орқали мулоқот, касаба уюшмасига бирлашган одамлар, «Ватан» тараққиёти партияси аъзоларининг боғлиқлиги иккиламчи гуруҳга мисол. Уларда ҳам умумийлик бўлади, масалан, ўша партияни оладиган бўлсак, улар Қашқадарёда бўладими, Фарғонадами, барибир умумий ғоя атрофида бирлашишади, аъзолик бадалларини вақтида тўлаб туришади, сайлов олди компанияларида бир - бирларини қўллаб - қувватлаб турадилар.

## 4.Кичик гуруҳлардаги динамик жараёнлар
## Тўртинчи саволнинг баёни

Гуруҳнинг динамик жараёнлари деганда аввало унинг шаклланиш жараёни, лидерлик ва гуруҳда турли қарорларни қабул қилиш жараёни, гуруҳнинг ҳар бир шахсга таъсири кабилар тушунилади.

*Гуруҳнинг шаклланиши*, унинг пайдо бўлиши ҳақида гапириладиган бўлса, аввало шуни таъкидлаш лозимки, гуруҳ жамият эҳтиёжлари ва ижтимоий талаблар асосида пайдо бўлади. Масалан, синф жамоаси доимо болаларнинг ривожланиши ва уларнинг мактабларда таълим олишлари кераклиги учун, талабалар гуруҳи ҳам шунга ўхшаш олий маълумотли шахслар керак бўлганлиги учун пайдо бўлади ва ҳоказо. Лекин бу масаланинг ижтимоий томони. Унинг соф психологик томони ҳам борки, у одамларнинг нима учун жамоаларда ишлаши, одамлар ичида бўлиши билан боғлиқ. Чунки ҳар бир нормал инсонда мулоқотга бўлган эҳтиёж ҳамда турли ҳаётий вазиятларда ўзини ижтимоий ҳимояда сезиш эҳтиёжи борки, бу нарса турли кичик жамоаларда уларнинг бўлишини тақозо қилади. Лекин гуруҳга аъзо бўлиш билан биргаликда ҳар бир индивид қатор гуруҳий жараёнларнинг гувоҳи бўлади.

Биринчидан, гуруҳ ўз аъзоларига маълум тарзда психологик таъсир кўрсатади. Бу ҳодиса психологияда конформизм деб аталади (ўзбек тилида "мослашиш" маъносини билдиради). Бу ҳодисанинг моҳияти шундан иборатки, у индивиднинг гуруҳда қабул қилинадиган нормалар, фикрлар, хулқ-атвор стандартларини қанчалик қабул қилиши ёки қабул қилмаслиги билан боғлиқ. Гуруҳ фикрини қанчалик тез қабул қилиш унинг таъсирига берилиш индивид билан гуруҳнинг зиддиятларини олдини олиши мумкин. Шунинг учун ҳам индивид ана шундай ҳатти-ҳаракат қилишга интилади. Лекин ана шундай гуруҳ фикрига, ҳаракатига қўшилиш турли шаклларда бўлиши мумкин: *ташқи конформлилик* — индивид гуруҳ фикрига номигагина қўшилади, аслида руҳан у гуруҳга қарши туради; *ички конформлилик* — индивид гуруҳ фикрига тўлиғича қўшилади ва руҳан қабул қилади. Ана шундай ҳолларда индивид билан бошқалар ўртасида зиддият ёки конфликтлар пайдо бўлмайди. Бу ўринда яна бир тушунча ҳам бор, у ҳам бўлса "*негативизм*" тушунчасидир, бу индивиднинг ҳар қандай шароитда ҳам гуруҳ фикрига қарши туриши ва ўзича мустақил фикр, мавқени намоён қилишидир. Бу табиий индивид учун ноқулай, лекин мустақил фикр, одил ҳаракатлар доимо ҳурмат қилинадиган жамоаларда негативизм ҳодисаси ёмон иллат сифатида қабул қилинмайдн.

Гуруҳлардан яна бир жараён-бу гуруҳнинг уюшқоқлиги муаммосидир. Гуруҳ аъзоларининг бир-бирларини яхши билишлари, бир-бирларининг дунёқарашлари, ҳаётий принциплари, қадриятларини яхши тасаввур қилишлари бундай уюшқоқликнинг биринчи омилидир. Иккинчи ва асосий омил — бу ўша гуруҳни бирлаштириб турган фаолият мақсадларини, унинг йўналиши ва мазмунини билишдаги ғоявий бирликдир.

## Жамоа. Гуруҳ. Гуруҳ ва жамоадаги лидер. Гуруҳдаги шахслараро муносабатлар

Гуруҳ ва жамоалар тўғрисида гап кетганда, кўпинча унинг «маънавий муҳити», «психологик муҳити» деган иборалар ишлатилади. Чунки бу нарса ўша ердаги ишнинг яхшилиги, фаолиятнинг самараси билан боғланади. *Ижтимоий психологик муҳит деганда, биз ўша гуруҳнинг аъзолари фикрлари, ҳиссиётлари, дунёқараши, установкалар ва ўзаро муносабатларидан иборат бўлган эмоционал-интеллетуал ҳолатни тушунамиз.*

Жамоа деб эса мақсадлари жамият мақсадига мос келадиган, умумий фаолият билан бирлашган одамлар гуруҳига айтилади. Ҳар қандай жамоанинг асосий ташкил этувчи негизи, яъни умумий фикр, мақсад ва ишлаб чиқаришга тааллуқли қарорларни шакллантириувчи аъзолари бўлади. Бу омил ҳар қандай гуруҳда фаолиятнинг самарали кечишига, унинг аъзолари орасида тушуниш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш кайфиятининг юзага келишига олиб келади. Шунинг учун гуруҳлардаги психологик муҳит ва уни ўрганиш муҳим масаладир. Бу ўриндаги асосий омил - бу аъзоларнинг ўзаро муносабатларидир. Маълумки, ўзаро муносабатлар иш юзасидан, фаолият мақсадлари ва мазмуни билан ҳамда бевосита бир - бирларини ёқтириш-ёқтирмасликка асосланган инсоний эмоционал ҳиссиётлар кўринишида бўлиши мумкин. Профессионал фаолиятни бажариш жараёнида табиий биринчи типли муносабатлар устивор бўлиб, иккинчиларининг характери биринчисидан келиб чиқади. Дўстлар тўпланган даврадаги муҳит эса аксинча, бевосита симпатияларга таянади. Айрим жамоаларда маълум фаолият ёки иш ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган сабаб, яъни психологик тўсиқ мавжуд бўлиб, у шахснинг ривожланишига ҳалақит беради. Шунинг учун гуруҳларни ўрганганда гуруҳнинг шахсга ижобий таъсири ҳамда гуруҳнинг шахсга салбий таъсири масаласи долзарб аҳамият касб этади.

Психология шахслараро муносабатларни - жамоанинг жипслигини, ундаги психологик муҳитни, жамоанинг унинг аъзолари томонидан идрок етилишини, шахснинг жамоадаги аҳволи ва ўзини ўзи ҳурмат қилишини, бир-бирларига тўла ишонишларини, хусусан жамоанинг истиқболлари муносабати билан шахснинг жамоадаги истиқболларини ва шу кабиларни тушуниб етиш учун коллективларни шакллантириш борасида ўтмишда орттирилган тажрибадан ва, енг аввало, А. С. Макаренконинг тажрибасидан муваффақиятли равишда фойдаланди. Жамоа фаолиятининг жамият мақсадларига бўйсундирилган умумий мақсадларига кўра бирлашган одамлар гуруҳи эканлиги ҳақида А. С. Макаренко асослаб берган тушунча психология учун анъана бўлиб қолди.

Лекин шундай бир савол туғилади: жамоадаги шахсларар муносабатларнинг ўзи нимадан иборат? У ғарб психологияси кичик гуруҳларда кашф етган қонуниятларга бўйсунади, кейингилари еса ҳар томонлама таъсир қила оладими? Совет психологлари Америка психологияси кичик гуруҳларда кашф етган ва ўринсиз равишда ялпи, гўё ҳар томонлама деб еълон қилганига қараганда бошқача қонуниятлар амал килишини аниқлади. Бу реал жамоаларда шахслараро муносабатларни ўрганиш жараёнида исботланди.

## 6. Гуруҳ ва жамоани бошқариш. Бошқариш услублари.

## Олтинчи саволнинг баёни

Психологияда бошқарув соҳасида батафсил ўрганилган муаммолардан бири — турли бошқарув услубларидир. Бу соҳада немис олимлари Г.Гибш ва М. Форверг, рус олимлари В.Д. Паригин, Л.Н. Уманский, М.Ю. Жуков ва бошқаларнинг ишлари айниқса диққатга сазовордир. Барча илмий тадқиқотларни умумлаштирган ҳолда ижтимоий психологияда қабул килинган уч асосий бошқариш услубларига ҳарактеристика бериб чиқамиз. Бу уч услуб:

- Авторитар;
- Демократик;
- Либерал иш услубларидир.

**Авторитар услуб**

**Авторитар раҳбар** барча кўрсатмаларни ишчанлик руҳида, аниқ-равшан, кескин оҳангда ходимларга етказади. Мулоқот жараёнида ҳам ходимларга нисбатан дўқ-пўписа, кескин таъқиклаш каби қатьий оҳанглардан фойдаланади. Унинг асосий мақсадларидан бири — нима йўл билан бўлса-да, ўз ҳукмини ўтказиш. Унинг нутқи ҳам аниқ ва равон доимо жиддий тусда бўлади. Бирор иш юзасидан ходимларни мақташ ёки уларга жазо бериш, танқид қилиш соф субъектив бўлиб, бу нарса бошлиқнинг кайфиятига ва ўша шахсларга нисбатан шахсий муносабатига боғлиқ. Жамоа аъзоларининг тилак-истаклари, уларнинг фикрлари ва маслаҳатлари жуда кам холлардагина инобатга олинади, аксарият ҳолларда бундай истаклар ёки кўрсатмалар тўғридан-тўғри дўқ-пўписа, камситиш ёки маънавий жазолаш йўли билан чекланади ёки қониқтирилмайди. Бундай раҳбар ўз иш услублари, келажак режалари, бирор аниқ ишни, операцияни қандай амалга оширмоқчилигини одатда, жамоадан сир тутади, унинг фикрича, бу унинг обрўйига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

**Авторитар раҳбарда** ҳар бир жамоа аъзоларининг қобилиятлари, ишга муносабатлари, мавқеларига кўра тутган ўринлари ҳақида тасаввурлар борки, шунга кўра у ҳар бир ходимнинг иш ҳаракатларини максимал тарзда дастурлаштириб қўйиган, унда ҳар қандай чеклашлар унинг очиқ ғазабини келтиради ва бунинг учун унда жазолашнинг турли услублари мавжуд. Яъни бундай жамоаларда ҳокимият— марказлаштирилган, жамоа раҳбари ушбу марказнинг якка ҳокими — шунинг учун ҳам бу ерда ъменинг одамларим", ъменинг ишим", ъменинг фикрим бўйича" каби иборалар тез-тез ишлатилади. Бундай раҳбарларда ишига нисбатан шундай фидоийлик борки, улар ўзларини шу ишсиз тасаввур қила олмайдилар,

Г. Гибш ва М. Форвергларнинг таҳлил қилишларича, авторитар лидер бош бўлган жамоада ишларнинг самарадорлиги анча юқори бўлиб, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам юқори бўлар экан. Лекин жамоадаги руҳий-маънавий муҳит оғир, танг бўлиб, бу нарса одамларнинг жамоадан, ишдан қониқмасликларига олиб келади. Бундай раҳбарлар бошчилик қилган меҳнат жамоаларида ишлайдиган одамлар ўз касблари, иш жойларини осонликча алмаштиришлари мумкин.

**Демократик услуб**

**Демократик раҳбар,** аксинча, бўйсунувчиларга мустақиллик эрк бериш тарафдори. Ишда топшириқлар берганда ишчиларнинг шахсий қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда тақсимлайди. Бунда у ходимларнинг шахсий мойилликларини ҳам ҳисобга олади. Буйруқ ёки топшириқлар, одатда, таклиф маъносида берилади. Нутқи оддий, доимо осойишта, сокин, унда ўртоқларча, дўстона муносабат сезилиб туради. Бирор кишини мақташ, унинг лавозимини ошириш ёки ишдаги камчиликка кўра ишига баҳо бериш доимо жамоа аъзоларининг фикри билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Танқид, кўпинча таклиф, истак шаклида қилинган ишларнинг мазмунига баҳо бериш ҳолида айбдорга" етказилади. Жамоада танқид ва ўз-ўзини танқид шундай йўлга қўйилганки, унинг оқибатидан ҳеч ким азият чекмайди. Чунки кўпрок бошлиқ эмас, балки жамоанинг бошқа фаоллари — норасмий лидерлар танқид қиладилар. Бошлиқ йўл қўйган хато-камчиликларни жамоатчилик олдида бўйнига олишдан қўрқмайди. Гибш ва Форвергларнинг таҳлилларига кўра, бундай бошлиқ раҳбарлик қилган жамоаларда маънавий-руҳий муҳит жуда яхши, ишчилар жамоадан, ишдан қониқиш ҳосил қилганлар, ишдан кетиш ҳоллари кам бўлади, лекин ишлаб чиқариш зўрға норма ҳолатида бўлар экан.

**Либерал услуб**

**Либерал** (лоқайд) услубда ишлайдиган раҳбарнинг кайфиятини, ишга муносабатини, ишдан мамнун ёки мамнун эмаслигини билиш қийин. Унда тақиқлаш, пўписа бўлмайди, унинг ўрнига кўпинча ишнинг охирги оқибати билан

танишиш билан чекланади, холос. Унинг асосий вазифаси, унинг назарида, ходимлар учун иш шароитини яратиш, ишдаги камчиликларни бартараф этиш, керакли маҳсулот, хом-ашё кабиларни топиб келиш, мажлисларда қатнашиш ва ҳоказолардан иборат.

Ходимлар билан мулоқотда бўлишга тўғри келганда, у доимо хушмуомала бўлиб, одоб, аҳлок нормаларини бузмасликка ҳаракат қилади, лекин ҳеч качон улар билан тортишмайди. Мажлисларда агар бирор муаммо мунозарани келтириб чиқарса, у бевосита жараёнга аралашмай, охирги сўзни ўзига қолдиради. Шундай қилиб, ходимларга фикрлаш ва ҳатти-ҳаракатлар эркинлиги бериб қўйилган, булар юзасидан бошлиқнинг фикри сўралган тақдирда ҳам, ундан аниқ гап чиқмайди, чунки у ходимларни яхши билмайди, қолаверса, уларни хафа қилиб қўйишдан қўрқади. Унинг фазовий-психологик ҳолати гуруҳ ташқарисида".

Олимлар фикрича, бундай раҳбар ишни олиб борган жамоаларда барча кўрсаткичлар доимо орқада, қўним ҳам йўқ. Либерал раҳбар ишда ўзбошимчаликка йўл қўйиб, кўп турмай, бошқа ердан иш қидиришга ҳаракат қилади.

## 8-мавзу Диққат.

| Т/р | Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни | Амалга оширувчи шахс, вақт |
|---|---|---|
| 1 | **Тайёрлов босқичи:**<br>**1.1.Дарс мақсади:** Диққатни таърифлаш. Диққат турларини аниқлаш. Диққатнинг физиологик механизмларини кўриб чиқиш. Диққатнинг асосий хусусиятларини ажратиш.Диққат ва онгни қиёсий солиштириш. Диққатнинг тараққий этишини текшириш.<br>**1.2.Идентив ўқув мақсадлари.**<br>1Диққатни таърифлайди. Диққат турларини ажратади.<br>2.Диққатнинг физиологик механизмларини кўриб чиқади.<br>3.Диққатнинг асосий хусусиятларини белгилайди.<br>4.Диққат ва онгни қиёсий солиштиради.<br>5. Диққатнинг тараққий этишини текширади.<br>**1.3.Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** диққатнинг фокуси, оптимал қўзғалиш нуқтаси, шартли рефлекслар, доминанта, иродавий диққат, ориентировка, кўчувчанлик, диққатнинг кўлами, диққатнинг кучи, диққатнинг барқарорлиги.<br>**1.4.Дарс шакли:** кириш-ахборотли маъруза<br>**1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза, бахс, видеоусул, савол-жавоб, тушунтириш, тақдимот.<br>**1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:** слайдлар, дарсликлар, мавзуни кўриб чиқишга доир материаллар ва мавзунинг мазмунини ифодаловчи лавҳалар, кўргазмали материаллар. | **Ўқитувчи** |
| 2 | **Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:**<br>**2.1.** Мавзу эълон қилинади.<br>**2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади. | **Ўқитувчи, 15 минут** |
| 3 | **Гуруҳда ишлаш босқичи:**<br>**3.1.** Талабаларга диққат мавзуга оид муаммоли савол берилади.<br>**3.2.** Талабаларнингдиққат ҳақидаги фикри эшитилади ва | **Ўқитувчи-талаба, 40 минут** |

| | | |
|---|---|---|
| | бошқа талабалар бахсга чақирилади.<br>**3.3.** Талабаларнинг диққат ҳақида фикри тингланиб, умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.<br>**3.4.** Умумий хулосани ўқитувчи баён қилади. | |
| **4** | **Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:**<br>1. Диққатни таърифланг ?<br>2. Психика материя эволюцияси натижаси эканлигини белгиланг.<br>3. Ихтиёрий ва ихтиёрсиз диққатни ажратинг.<br>4. Диққатнинг турлари ва хусусиятларини аниқланг.<br>5. Доминонта принципи ҳақида умумий тушунчангизни баён қилинг?<br>**6.** Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади. | **Ўқитувчи, 15 минут** |
| **5** | **Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:**<br>**5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади.<br>**5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади. | **Ўқитувчи, 10 минут** |

## Асосий саволлар.

1. Диққат. Диққат турлари.
2.Диққатнинг физиологик механизмлари.
3.Диққатнинг асосий хусусиятлари.
4.Диққатнинг тараққий этиши.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** диққатнинг фокуси, оптимал қўзғалиш нуқтаси, шартли рефлекслар, доминанта, иродавий диққат, ориентировка, кўчувчанлик, диққатнинг кўлами, диққатнинг кучи, диққатнинг барқарорлиги.

## Мавзу бўйича асосий муаммолар:

Психика материя эволюцияси натижаси эканлигини қандай изоҳлайсиз? Мисоллар билан тушунтиринг. Сесканувчанлик психиканинг содда шакли эканлиги ва унинг пайдо бўлишини таърифланг. Психиканинг тараққиёт босқичларидаги асосий фарқларни тушунтириб бера оласизми ?

Ҳайвонларнинг индивидуал ва интеллектуал хатти-ҳаракатлари қачон пайдо бўлган деб ўйлайсиз? тушунтириб беринг.

Одам психикасининг пайдо бўлиши ва унинг тараққиётининг асосий кўринишларини нималардан иборат деб ўйлайсиз? гапириб бера оласизми? Психика ва тараққиёт тушунчаларига таъриф беринг.

## 1. Диққат. Диққат турлари.

**Биринчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Диққатни таърифлаш. Диққат турларини ажратиш. Ихтиёрий ва ихтиёрсиз диққатни белгилашни талабаларга тушунтириб бериш.

## Идентив ўқув мақсадлари.

Диққатни таърифлайди ва тушунтириб беради.
Ихтиёрий ва ихтиёрсиз диққатни ажратади.
Талабаларда диққат мавзусини ўрганишга қизиқиш уйғотади.

## Биринчи саволнинг баёни.

Диққат деб, онгни бир нуқтага тўплаб, муайян бир обектга фаол қаратилишига айтилади; **биз ўз фаолиятимиз жараёнида идрок ва тасавур** қиладиган ҳар бир нарса, ҳар бир ҳодиса, ўзимизнинг қилган ишларимиз, ўй ва фикрларимиз диққатнинг обекти бўла олади.

Диққат пайтида **онгнинг бир нуқтага тўпланиши онг доирасининг торайишидан иборат бўлади;** бунда гўёки онг доираси анчагина тиғизланади. Ана шундай торайиш ва тормозланиш туфайли онг доираси жуда ҳам

ёрқинлашади. Онгнинг энг тормозланган ва бинобарин, энг ёрқин нуқтаси диққатнинг фокуси (яъни маркази) деб аталади. Ана шу фокусга тушган барча нарсалар (идрок қилинаётган предметлар, тасавурлар, фикрлар) жуда тўла, ёрқин ҳамда жуда аниқ акс эттирилади.

Диққат ақлий жараёнларнинг сифатини таъминлайдиган ички фаолликдир. Диққат фаоллиги жиҳатидан ихтиёрсиз ва ихтиёрий деб фарқланади. Диққат асосан икки турга, ихтиёрсиз ва ихтиёрий диққат турига ажратилади. Бирон ташқи сабаб билан ва бизнинг хоҳишимиздан ташқари ҳосил бўладиган диққатни *ихтиёрсиз* диққат дейилади.

Ихтиёрсиз диққатни туғдирувчи сабаблар, аввало, шахсга таъсир қилувчи қўзғовчиларнинг гўзаллиги, ёрқинлиги, кучи, катталиги, ҳаракатчанлиги, узоқ давом этиши, тўсатдан содир бўлиши, контрастлиги ҳисобланади. М: Қаттиқ товуш, момақалдироқ, отилган ўқнинг овози беихтиёр равишда диққатимизни ўзига тортади. Кутилмаган ҳолда тўсатдан синфга учиб кирган капалак ихтиёрсиз равишда талабаларнинг диққатини ўзига тортади. Бундан ташқари, ихтиёрсиз диққат бизнинг фаолиятимиз, турмуш тажрибамиз билан боғлиқ бўлган ва эҳтиёжларимиз, қизиқишларимизга жавоб бера олувчи ҳамда бизда маълум бир ҳиссиёт уйғота олувчи нарсаларнинг таъсири билан ҳам вужудга келади.

Ихтиёрсиз диққатнинг дастлабки физиологик асоси **ориентировка** ёки текшириш рефлексларидан иборат. Бу рефлексларни академик И.П. Павлов бошқача ном билан «бу нима экан» рефлекси деб атайди.

Диққатнинг қаратилиши лозим бўлган нарсани олдиндан белгилаб олиб, онгли равишда қўйилган мақсад билан ишга солинган диққат **ихтиёрий** диққат дейилади.

Бу диққатнинг бошланиши ироданинг иштирокини талаб қилади. Шунинг учун уни **иродавий диққат** дейилади. Ихтиёрсиз диққатнинг кучи асосан қийинчиликларни енгиш билан боғлиқ бўлган иродавий зўр бериш даражаси билан характерланади.

Талабанинг тушунтирилаётган янги дарсни эшитиб ўтириши шу ихтиёрий диққат билан ишлашнинг мисоли бўла олади. Бунда талаба «эшитиб ўтираман» деб, ўз олдига мақсад қўяди ва ўз диққатини фақатгина ўқитувчининг сўзига қаратиш учун куч сарф қилади. Шунинг билан бирга, талаба беихтиёр равишда пайдо бўлиб, ўқитувчининг сўзини эшитишга халақит берувчи идрок, фикр, ҳиссиёт, хаёл каби бошқа психик жараёнларни йўқотиш учун онгли равишда ҳаракат қилади. Ихтиёрий диққат, масалан, нинага ип тақиш каби жуда оддий ишда, айниқса, очиқ кўринади. Жуда кўп ҳар хил ишлар борки, улар асосан, ихтиёрий диққатни талаб қилади, масалан: ғишт терувчининг иши, экскаваторда ишлаш.

Ихтиёрсиз диққат ҳам, ихтиёрий диққат ҳам ўзининг йўналишига кўра ташқи ва ички бўлиши мумкин.

Кишиларнинг онгидан ташқарида бўлган диққатга *ташқи диққат* деб аталади. Ташқи диққат даставал бизнинг идрокларимиз жараёнида намоён бўлади. Тикувчининг ишида содир бўладиган диққат ташқи диққатга мисол бўла олади. Ўқувчининг китоб ўқишдаги, суратларни кўришдаги ва табиат ҳодисаларини кузатишдаги диққати ҳам ташқи диққатга мисол бўла олади. Нарса ва ҳодисаларни қайси сезги аъзоларимиз билан идрок қилаётганимизга қараб, ташқи диққатни кўриш, эшитиш ва шунинг билан бирга, туйиш, ҳид билиш ва таъм билиш турларига ажратиш мумкин.

### Биринчи савол учун назорат топшириқлари:

1. Диққат деб нимага айтилади ?
2. Диққатни фаоллиги жиҳатидан нечта турга бўлиш мумкин ? Тушунтириб беринг ?
3. Диққатнинг фокусини аниқланг ?

4. Иродавий диққат деб нимага айтилади ?
5. Ихтиёрсиз диққатнинг  физиологик асосини кўрсатинг ?
6. Ташқи диққатни таърифланг ?
7. Диққатнинг пайдо бўлишида ҳиссиётнинг, фикрларнинг, истакларнинг таъсири борми ? Фикрингизни баён қилинг ?

## 2. Диққатнинг физиологик механизмлари.

**2-асосий савол бўйича дарснинг мақсади:** Диққатнинг физиологик механизмлари ҳақида маълумот бериш. Бош мия пўсти қисмидаги «оптимал қўзғалиш нуқтаси»ни тушунтириб бериш.  Янги шартли рефлекслар ҳақида тушунча бериш.

### Идентив ўқув мақсадлари:

1. Диққатнинг физиологик механизмларини таърифлайди.
2. Бош мия пўсти қисмидаги «оптимал қўзғалиш нуқтаси»ни тушунтиради.
3.Янги шартли рефлекслар ҳақида маълумот  беради.

### Иккинчи саволнинг баёни:

Диққатнинг физиологик асосини бош мия пўсти қисмидаги «оптимал қўзғалиш нуқтаси» ташкил қилади. Бундай жойни яққол қилиб кўрсатиш учун И.П. Павлов шундай тасвирлайди: «Агар бош суягига қараганда унинг ичидаги мия кўринадиган бўлса, агар катта мия ярим шарларида оптимал қўзғалиш учун энг яхши шароит туғилган нуқтаси йилтиллаб кўринадиган бўлса эди, онги соғлом бўлиб, бир нарсани ўйлаб турган одамнинг миясига қараганимизда, унинг миясининг катта ярим шарларида жуда ғалати жимжимадор шакл бўлиб, сурати ва ҳажми ҳар лаҳзада бир ўзгариб, турланиб, жимир-жимир қилиб турувчи ёруғ нарсанинг у ёқдан-бу ёққа югуриб қимирлаб турганини ва мия ярим шарининг бу ёруғ нарса атрофидаги бошқа ерлари бирмунча хира тортиб турганини кўрар эди» (Полное собрание сочинений, ИИИ торн, 1-китоб, 248-бет).

Оптимал қўзғалиш нуқтаси манфий индуксия қонунига кўра, бош мия пўстининг бошқа жойларида тормозланишни вужудга келтиради.

«Мия ярим шарларининг оптимал қўзғалишга ега бўлган қисмида, - дейди И. П. Павлов, - янги шартли рефлекслар енгиллик билан ҳосил бўлади ва дифференсировкалар муваффақиятли равишда пайдо бўлади. Шундай қилиб, оптимал қўзғалишга ега бўлган жой айни чоғда бош мия ярим шарларининг ижодга лаёқатли қисми дэса бўлади. Мия ярим шарларининг суст қўзғалган бошқа қисмлари бундай хусусиятга қобил эмас. Уларнинг айни чоғдаги функсияси, жуда нари борганда, тегишли қўзғовчилар асосида илгари ҳосил қилинган рефлексларни бир тартибда қайта тиклашдан иборатдир. Бундай қисмларнинг фаолияти биз онгсиз, автоматлашган фаолият деб атайдиган субектив фаолиятдан иборатдир

### Доминонта принципи.

Диққатнинг физиологик асоси бўлмиш оптимал қўзғалиш ўчоғи ҳақидаги И.П. Павлов таълимоти билан академик А.А. Ухтомскийнинг олиб борган текширишлари бир-бирига тўғри келди. Бу текширишлар натижасида қуйидагилар маълум бўлди. Агар нерв системасига бир қанча қўзғовчилар бир вақтда таъсир этса, бош мия пўстида шу оннинг ўзида бир неча қўзғалиш ўчоқлари пайдо бўлади. Шу билан бирга, ҳар бир қўзғалиш ўчоғи бош мия пўстининг ҳамма ерига тарқалишга, иррадиатсияланишга мойилдир. Шунинг учун айрим қўзғалиш ўчоқлари ўртасида тўқнашиш ва «кураш» содир бўлади. Бу кураш натижасида қўзғалиш ўчоқларидан бири ҳукмрон (доминанта) бўлиб олади. Мана шу ҳукмрон бўлиб олган қўзғалиш ўчоғини академик Ухтомский «доминанта» деб атайди. Ухтомскийнинг берган таърифига кўра, доминанта - бу айни чоғда марказда содир бўладиган реаксиялар характерини бир қадар белгилаб берувчи ҳукмрон қўзғалиш ўчоғидир.

Доминанталар мавжуд бўлган пайтда бошқа қўзғалиш ўчоқлари («суб-доминанталари нисбатан кучсиз қўзғалиш ўчоқлари) кўпинча йўқолиб кетмайдилар. Улар доминантага қўшилиб, уни кучайтирадилар ёки доминанта билан кураша бошлайдилар. Бу кураш жараёнида субдоминанта доминанта бўлиб олиши мумкин, илгариги доминанта эса субдоминанта бўлиб қолиши мумкин. Ҳукмрон қўзғалиш ўчоғи бўлган доминанта диққатимизнинг маълум нарсага йўналтирилиши ва тўпланишининг физиологик асосидир.

**Иккинчи савол учун назорат топшириқлари:**

1.И. П. Павловнинг диққат ҳақидаги фикрларини баён қилинг.
2. Оптимал қўзғалиш нуқтасини мисоллар ёрдамида тушунтириб беринг.
3. И.П. Павлов таълимоти билан академик А.А. Ухтомскийнинг олиб борган текширишларини ўрганинг ва қиёсий солиштиринг ? Фикрингизни билдиринг ?
4. «Доминанта» принципини таърифланг ?
5. Кучсиз қўзғалиш ўчоқлари ҳақида нималарни биласиз ? Гапириб беринг ?
6. Субдоминанталарни ажратинг ва тушунтиринг ?

## 3. Диққатнинг асосий хусусиятлари.

**3-асосий савол бўйича дарснинг мақсади:** Диққатнинг асосий хусусиятларини тушунтириш. Диққатнинг кўламини аниқлаш. Диққатнинг кўчувчанлигини ўрганиб, белгилаш. Диққатнинг бўлинишини мисоллар ёрдамида тушунтириш

**Идентив ўқув мақсади:**

1. Диққатнинг асосий хусусиятларини тушунтиради.
2. Диққатнинг кўламини аниқлайди.
3. Диққатнинг кўчувчанлигини ўрганади ва белгилайди.
4.Диққатнинг бўлинишини тушунтиради.
5. Диққатнинг кучи ва барқарорлигини асослайди.

**Учинчи саволнинг баёни:**

**Диққатнинг кўчувчанлиги**. Диққатнинг кўчиши деганда, биз унинг бир нарсадан иккинчи бошқа бир нарсага, фаолиятнинг бир туридан бошқа турига ўтишини тушунамиз. Масалан, одам ўз диққатини китоб ўқишдан сурат кўришга, сурат кўришдан эса ўз фикрларини баён етишга кўчириши мумкин. Ўқувчилар ўз диққатларини бир фанни ўқишдан бошқа фанга кўчирадилар, математикадан тарихга, тарихдан рус тилига ва шунинг кабилар. Диққатнинг кўчиши ихтиёрсиз ва ихтиёрий тарзда содир бўлиши мумкин.

Диққатни кўчиришнинг нерв-физиологик асоси, асосан, иккинчи сигналлар системасининг сигналлари орқали бош миянинг пўстида пайдо бўлган оптимал қўзғалиш ўчоғининг ўрин алмаштиришидир.

Диққатнинг кўчирилиши кўп ҳолларда қийинчиликлар билан боғлиқ бўлади. Масалан, баъзан диққатни бундан олдинги обектдан ажъратиш қи-йин бўлса, бошқа ҳолларда олдинги ишининг кетидан қилинадиган янги ишга киришиб кетиш қийин бўлади. Энг яхши диққат, албатта, бир нарсадан иккинчи нарсага тез кўча оладиган диққатдир. Диққатнинг мана шундай хусусияти туфайли, киши атрофидаги муҳитга тез мослаша олади ҳамда ўзгарувчан шароитдаги турли элементларнинг аҳамиятларини тезлик билан белгилай олади.

**Диққатнинг бўлиниши.** Маълум фаолият жараёнида диққат биргина нарсага эмас, балки икки ва уч нарсага ҳам қаратилиши мумкин. Диққатимиз айни вақтда айрим фаолият турларига бўлина олади. Фақат биргина нарсага қаратилган диққатни **консентратсиялашган** (йиғилган) ёки **тўпланган** диққат дейилади. Масалан, нинага ип тақишдаги, қўлда бирор нарса тикишдаги, математик масала ечишдаги, маъруза эшитишдаги диққатимиз шундай диққатдир. Агарда диққат фақат бир мураккаб иш жараёнининг ўзида икки ёки уч нарсага қаратилган ва фаолиятнинг турли усуллари билан боғлиқ бўлса, бундай диққатни **бўлинган** ёки **тақсим** қилинган диққат дейилади. Масалан, Ўқитувчи дарсни тушунтириш

пайтида ўз диққатини ўқувчилар хулқига, кўргазма қуролларни кўрсатишга, синф доскасига ва шу кабиларга тақсимлаши лозим.

Юлий Сезар ҳақида шундай қисса сақланиб қолган. У гўёки бир вақтнинг ўзида бир нарсани ёзиб, бошқа нарса ҳақида ўйлаш, учинчи нарсани эшитиш ва тўртинчи нарса ҳақида гапириш каби мураккаб ишларни бажара олган емиш. Психология нуқтайи назаридан, бундай ҳодисанинг бўлиши мутлақо мумкин эмас. Ҳар ҳолда Юлий Сезар диққатини бир нарсадан иккинчи нарсага тез кўчириш қобилиятига эга бўлган бўлса керак. Шу сабабли, Юлий Сезар ўз диққатини бир вақтнинг ўзида тўрт хил фаолиятга қарата олади, деб ўйлаганлар.

доклад ёки маърузани ҳам эшитиб, ҳам ёзиб боришимиз мумкин. Бунда маърузани деярли автоматик равишда ёзиб борилади; лекин вақт-вақти билан онгимиз назорат қилиб туради. Диққатнинг бундай бўлинишида унчалик зўр беришни талаб қилмайдиган, яъни одат бўлиб қолган иш, мия пўстининг маълум даражада тормозланган қисмлари орқали «бошқарилиши» мумкин.

**Диққатнинг кўлами**. Диққатнинг кўлами — диққатга энг қисқа вақт ичида (гўёки бирданига) сиғиши мумкин бўлган нарсалар сони билан белгиланади. Диққат кўлами жиҳатидан тор ёки кенг бўлиши мумкин.

Тажриба қилиб текширишда диққатнинг кўлами, одатда, текширилаётган одамга айни бир вақтнинг ўзида бир қанча ўзаро боғланмаган ҳарфларни, сўзларни, нарсаларни ва турли шаклларни кўрсатиш йўли билан аниқланади.

Текширилаётган киши бу нарсалардан айни вақтда қанчалик кўпини бирданига идрок ета олса (диққат доирасига сиғдира олса), унинг диққат доираси шунчалик кенг бўлади.

Диққатнинг кўламини аниқлаш учун тахистоскоп деган махсус асбоб қўлланилади. Бу асбоб ёрдамида кишига идрок эттириладиган нарсалар жуда тез кўрсатилади. Бунда идрок қилинадиган нарсалар тахистоскопнинг экранидаги тешикдан кўрсатилади ва бу тешик жуда қисқа вақт ичида бекилиб қолади. Тахистоскоп воситаси билан ўтказилган тажрибалар кўрсатишича, катта ёшли одам айни вақтнинг ўзида диққат доирасига учтадан то олтитагача бир-бирига *боғлиқ* бўлмаган нарсаларни, масалан, ундош ҳарфларни, шаклларни сиғдира олади. Диққат кўламининг физиологик асоси мия пўстида оптимал қўзғалган жойнинг кенгайиши ёки торайишидан иборат.

**Диққатнинг кучи ва барқарорлиги**. Диққатнинг кучи ва барқарорлиги унинг муҳим хоссаларидан ҳисобланади. Диққатнинг кучи турли даражада бўлиши диққат кучли ва кучсиз бўлиши мумкин. Диққат қанчалик кучли бўлса, у диққат обектига шунчалик кўп тўпланади, бошқа, айни вақтда кераксиз бўлган нарсаларга шунчалик кам чалғийди. Ўқувчининг диққати ҳар хил, ҳатто кучсиз даражадаги четки қўзғовчилардан, чунончи, қаламнинг тушиб кетишига, қўшни партадаги ўртоқларининг пичирлашганига, коридорда бўлаётган гапларга чалғиб кетаверса бу айни вақтда ўқувчининг диққати кучсизлигидан далолат беради. Агар ўқувчи бундай четки қўзғовчилар (баъзан ҳатто кучли қўзғовчилар) таъсирини ҳам гўё «сезмай», балки муайян бир ишга берилиб қунт билан ишласа, бу айни вақтда ўқувчи диққатининг кучлилигидир.

Енг кучсиз диққат, одатда, тарқоқ диққат, паришон диққат ёки тўғридан тўғри паришонлик дейилади.

**Диққатнинг барқарорлиги.** Диққат маълум даражада барқарор ва беқарор бўлиши мумкин.

Узоқ муддатгача бир нарсанинг ўзига қаратилиб тура оладиган диққат **барқарор** диққат дейилади. Агар диққат бирон-бир фаолият жараёнида бошқа нарсаларга, ксраксиз нарсаларга чалғийверса ёки тез сустлашиб ва сўниб қолса, бундай диққат **беқарор** диққат дейилади.

**Учинчи савол учун назорат топшириқлари:**

1. Диққатнинг асосий хусусиятларини ажратинг ва тушунтиринг ?

2. Диққатнинг кўлами деганда нималарни биласиз ? Гапириб беринг ?
3. Диққатни кўчиришнинг нерв-физиологик асосини исботланг ?
4. Консентратсиялашган диққат ҳақида фикрингизни баён қилинг ?
5. Диққатнинг кучи ва барқарорлигини асосланг ?
6. Диққатнинг кўламини аниқлаш учун ишлатиладиган махсус асбобни таърифланг ?

## 4. Диққатнинг тараққий этиши.

**4- савол бўйича дарснинг мақсади:** Диққатнинг тараққий этиши ҳақида талабаларга тушунча бериш. Болаларда диққатнинг пайдо бўлиш жараёнини босқичма босқич таърифлаб бериш. Диққатнинг тараққий этишини мисоллар ёрдамида тушунтириш

### Идентив ўқув мақсади:

1. Диққатнинг асосий хусусиятларини тушунтиради.
2. Диққатнинг кўламини аниқлайди. Диққатнинг кўчувчанлигини ўрганади ва белгилайди.
3.Диққатнинг бўлинишини мисоллар ёрдамида тушунтиради.

### Тўртинчи саволнинг баёни:

Болалар диққати жуда эрта ҳаётларининг биринчи ойларидаёқ кўрина бошлайди. Даставал ихтиёрсиз диққат намоён бўлади. Бола ўз диққатини бирон жиҳати билан ранг-баранглиги, оҳангдорлиги, ҳаракатчанлиги билан ажралиб турувчи маълум бир нарсаларга қаратади. Болаларнинг ёшлари улғайган сари, ўйин фаолиятлари давомида, тарбия таъсири билан ихтиёрсиз диққатлари тараққий қила боради. Ихтиёрсиз диққатнинг тараққийси ўсиб бораётган ҳиссиёт, эҳтиёж ва қизиқишлар билан боғлиқдир. Ихтиёрсиз диққатнинг тараққийси шундан иборатки, бунда ихтиёрсиз диққатни туғдирувчи нарсалар доираси орта боради. Бундан ташқари, ихтиёрсиз диққат анчагина кучли ва барқарор бўла боради.

Бола диққатининг тўпланиши ва бир қадар барқарорлигини сақлаб туриши учун ёшлик пайтидан бошлаб беихтиёр ўзига жалб қиладиган қўзғатувчиларнинг таассуротини енгишга тўғри келади. Катта кишилар болани тозаликка, тартибли, якка, интизомли бўлишга ва жамият ичида яшаш қоидаларига ўргатадилар. Буларнинг ҳаммаси ихтиёрий диққатни тараққий қилдиради. Кейинчалик, 3-5 ёшлардан бошлаб, ихтиёрий диққат боланинг ўз ташаббуси билан ҳам ўса бошлайди.

Болалардаги ихтиёрий диққат, мактаб ёшидан бошлаб, хусусан тез ўса бошлайди. Ўқиш ишида дарсни эшитиш, китоб ўқиш, масалаларни ечишда, асосан, ихтиёрий диққат талаб қилинади. Шунинг билан бирга, ўқиш жараёнининг ўзи ихтиёрий диққатнинг ҳамда унинг туриши ва барқарорлигининг ўсишига ёрдам беради.

### Тўртинчи савол учун назорат топшириқлари:

1. Болаларда неча ёшдан бошлаб диққатнинг тараққий эта бошлайди ? Тушунтириб беринг ?
2. Болаларнинг ўйин фаолиятларида, меҳнатда ва асосан ўқиш жараёнида диққатнинг қайси хусусиятларини кузатиш мумкин ?
3. Болаларда ихтиёрий диққатнинг тараққий қилишида катта кишиларнинг таъсири борми ? Фикрингизни баён қилинг ?
4. Диққатни таърифланг?
5. Диққат турларини сананг?
6.Диққатнинг физиологик механизмларини баён қилинг?
7.Диққатнинг асосий хусусиятларини ажратинг?
8.Диққатнинг тараққий этишини асосланг?

### Мавзу бўйича асосий хулосалар:

Диққат деб, онгни бир нуқтага тўплаб, муайян бир обектга фаол қаратилишига айтилади; **биз ўз фаолиятимиз жараёнида идрок ва тасавур** қиладиган ҳар бир

нарса, ҳар бир ҳодиса, ўзимизнинг қилган ишларимиз, ўй ва фикрларимиз диққатнинг обекти бўла олади. Диққат турларини талабаларга тушунтириб бериш. Диққатнинг физиологик механизмларини ўрганиш. Диққатнинг асосий хусусиятларини аниқлаб бериш. Диққатнинг тараққий этишини гапириб бериш.

Диққат ақлий жараёнларнинг сифатини таъминлайдиган ички фаолликдир. Диққат фаоллиги жиҳатидан ихтиёрсиз ва ихтиёрий деб фарқланади. Диққат асосан икки турга, ихтиёрсиз ва ихтиёрий диққат турига ажратилади. Бирон ташқи сабаб билан ва бизнинг хоҳишимиздан ташқари ҳосил бўладиган диққатни *ихтиёрсиз* диққат дейилади.

Диққат бизнинг фаолиятимиз, турмуш тажрибамиз билан боғлиқ бўлган ва эҳтиёжларимиз, қизиқишларимизга жавоб бера олувчи ҳамда бизда маълум бир ҳиссиёт уйғота олувчи нарсаларнинг таъсири билан ҳам вужудга келади.

## 9- мавзу: Сезги.

| Т/р | Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни | Амалга оширувчи шахс, вақт |
|---|---|---|
| 1 | **Тайёрлов босқичи:**<br>**1.1.Дарс мақсади:** Сезгини таърифлаш. Сезги турларини аниқлаш.<br>Сезгиларнинг физиологик механизмларини кўриб чиқиш. Киши ҳаётида ва унинг фаолиятида сезгиларнинг аҳамиятини аниқлаш. Сезги турларини ажратиш. Сесканишни таърифлаш. Сезгиларнинг тараққий этишини текшириш.<br>**1.2.Идентив ўқув мақсадлари.**<br>1. Сезгини таърифлайди. Сезги турларини ажратади.<br>2. Сезгининг физиологик механизмларини кўриб чиқади.<br>3. Сезгининг асосий хусусиятларини белгилайди.<br>4. Сезгининг тараққий этишини текширади.<br>5.Сезгиларни классификациялайди.<br>**1.3. Мавзуга оид таянч тушунча ва сўзлар:** қўзғовчи ,қўзғалиш, анализатор, ҳиссий тон, эмотционал тон, экстерорецептор, проприорецептор, интерорецептор, хроматик, ахроматик, томирли парда, рангдор парда, таёқчалар, колбачалар, туюш, мотор сезги, кинестетик сезги, адаптация, синестезия<br>**1.4.Дарс шакли:** кириш-ахборотли маъруза<br>**1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза, бахс, видеоусул, савол-жавоб, тушунтириш, тақдимот.<br>**1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:** слайдлар, дарсликлар, мавзуни кўриб чиқишга доир материаллар ва мавзунинг мазмунини ифодаловчи лавҳалар, кўргазмали материаллар. | **Ўқитувчи** |
| 2 | **Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:**<br>**2.1.** Мавзу эълон қилинади.<br>**2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади. | **Ўқитувчи, 15 минут** |
| 3 | **Гуруҳда ишлаш босқичи:**<br>**3.1.** Талабаларга сезги мавзуга оид муаммоли савол берилади.<br>**3.2.** Талабаларнинг сезги ҳақидаги фикри эшитилади ва бошқа талабалар бахсга чақирилади.<br>**3.3.** Талабаларнинг сезги ҳақида фикри тингланиб, умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. | **Ўқитувчи-талаба, 40 минут** |

| | | |
|---|---|---|
| | **3.4.** Умумий хулосани ўқитувчи баён қилади. | |
| **4** | **Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:**<br>1. Сезгини таърифланг ?<br>2. Психика материя эволюцияси натижаси эканлигини белгиланг.<br>3. Екстероретсепторлар, интероретсепторлар ва проприоретсепторларни ажратинг.<br>4. Сезгининг турлари ва хусусиятларини аниқланг.<br>5. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади. | **Ўқитувчи, 15 минут** |
| **5** | **Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:**<br>**5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади.<br>**5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади. | **Ўқитувчи, 10 минут** |

## Асосий саволлар.

1. Сезгилар ва сезги турлари ҳақида тушунча.
2. Сезгиларнинг физиологик асослари.
3. Киши ҳаётида ва унинг фаолиятида сезгиларнинг аҳамияти.
4. Сезгилардаги қонуниятлар.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** қўзғовчи ,қўзғалиш, анализатор, ҳиссий тон, эмотционал тон, экстероретцептор, проприоретцептор, интероретсептор, хроматик, ахроматик, томирли парда, рангдор парда, таёқчалар, колбачалар, туюш, мотор сезги, кинестетик сезги, адаптация, синестезия.

## Мавзу бўйича асосий муаммолар

Сесканишни сезгининг дастлабки бошланиши эканлигини қандай изоҳлайсиз? Мисоллар билан тушунтиринг. Сесканувчанлик психиканинг содда шакли эканлиги ва унинг пайдо бўлишини таърифланг. Сезги турларини ҳар бирини алоҳида таърифлаб тушунтириб бера оласизми ? 7 ёшдан 10 ёшгача болаларда рангларнинг тусларини сезиш 45 фоиз ортади, 10 ёшдан 12 ёшгача болаларда эса 65 фоизгача ортиши аниқланган. Сизнингча бундан ҳам юқори бўлиши мумкинми? Бўлса қандай мисоллар билан тушунтиринг.

## Сезгилар ва сезги турлари ҳақида тушунча.

**Биринчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Сезгилар ҳақида талабаларга тушунча бериш. Сезги турларини аниқлаш. Екстероретсепторлар, интероретсепторлар ва проприоретсепторларни таърифлаш.

## Идентив ўқув мақсадлари.

1. Сезгилар ва сезги турлари ҳақида талабаларга тушунча беради.
2. Сезги турларини аниқлайди.
3. Екстероретсепторлар, интероретсепторлар ва проприоретсепторлар таърифлайди.

## Биринчи саволнинг баёни.

Теварак-атрофимизда бўлган ва бизга таъсир етиб турадиган нарса ва ҳодисаларнинг хилма-хил хоссалари бор. Бу хоссалар кўрув, эшитув, туйғу органлари ва шунга ўхшаш сезги органлари ёрдами билан онгимизда бевосита акс этади. Сезги органларимизга таъсир этадиган нарсалардаги айрим хоссаларнинг миямизда шу тариқа бевосита акс этиши **сезги** деб аталади. Биз қизил, яшил рангларни, ширин, аччиқ таъмларни, оғир-енгилни, иссиқ-совуқни ва шу кабиларни сезамиз. Сезги органига таъсир етиб, сезгини вужудга келтирадиган ҳар бир нарса (ёки ҳодиса) **қўзғовчи** деб аталади, унинг таъсири эса **қўзғалиш** деб юритилади.

**Сезиш жараёни қуйидагича рўй беради**: 1) нарса ёки ҳодисалар сезги органларига (ретсепторга) таъсир этиб, тегишли сезувчи нервнинг чекка (перифери) учларини қўзғайди; 2) шу ерда келиб чиққан қўзғалиш ўша нервнинг ўтказувчи йўли орқали бош мия пўстининг тегишли марказий ҳужайралар

систэмасига ўтади; 3) бу ерда нерв қўзғалиши психик ҳодисага, яъни сезгига айланади.

сезиш **жараёнининг** ана шу 3 босқичи И.П. Павлов томонидан **анализатор** деб аталган сезувчи нерв аппаратининг тузилишига мувофиқ равишда ўтади. Ҳар бир анализатор сезувчи нервнинг чекка тармоқларидан, ўтказувчи йўлидан ва бош мия пўстининг марказий ҳужайраларидан иборат. Анализаторнинг юқорида кўрсатилган қисмларидан бирортаси зарарланса, сезги ҳосил бўлолмайди. Номидан ҳам кўриниб турибдики, анализаторлар теварак-атрофдаги олам таъсирларини анализ қилиб **бера**ди. Анализаторлар инсоннинг кўп асрлардан бери давом етиб келган **тарихида** ҳаёт учун ниҳоятда муҳим бўлиб келган қўзғовчиларни **бошқа** қўзғовчилардан ажратади, уларни бир-биридан айириб беради.

Сезгилар хилма-хил бўлади. Турли-туман сезгини қайси сезги органлари ёрдами билан ҳосил қилсак, уларни ўша органларга қараб, қуйидаги турларга, яъни кўриш сезгилари, эшитиш сезгилари, ҳид билиш сезгилари, таъм (маза) билиш сезгилари, тери сезгилари, мускул-ҳаракат сезгилари ва органик сезгиларга ажратилади. Сезги органлари қаерда эканлигига ва қаердан қўзғалишига қараб, уларни уч гуруҳга ажратиш мумкин: екстероретсепторлар, проприоретсепторлар ва интероретсепторлар.

**Екстероретсепторлар** организмнинг сиртида бўлади — кўриш, ешитиш, ҳид билиш, таъм (маза) билиш, тери сезгиси, мускул ҳаракат сезгиси ва органик сезги органлари шу жумладандир.

Бу аъзолар **ташқи сезги аъзолари** деб аталади. Организмимиздан ташқаридаги нарса ва ҳодисаларнинг хоссалари ана шу аъзолар ёрдами билан акс еттирилади. Шу аъзолар орқали келиб чиқадиган сезгилар (кўриш, ешитиш сезгилари ва ҳоказо) **екстериоретсептив** сезгилар деб аталади.

**Проприоретсепторлар** мускул, пай ва бойламларда бўлади. Организмимизнинг айрим аъзоларнинг турли ҳаракатларини ва вазиятини ана шу аъзолар ёрдами билан сезамиз. Бу аъзолар **проприоретсептив** сезгилар деб аталади.Мускул ҳаракат сезгилари (кнестетик сезгилар) ва мувозанат сезгилари (статик сезгилар) шулар жумласидандир.*

**Интероретсепторлар** гавдамиз ичидаги органлар тери, меъда, ичак, жигар, ўпкада бўлади. Овқат ҳазм қилиш, нафас олиш, қон айланиш органлари ва шунга ўхшаш ички органлардаги жараёнлар (қўзғалишлар) вужудга келтирадиган сезгилар шу ретсепторлар ёрдами билан белгиланади. Бу сезгилар **интероретсептив сезгилар** деб аталади. Органик сезгилар деган сезгилар интероретсептив сезгилар ҳисобланади

### Кўриш сезгилари .

Ранг ва ёруғликни сезиш кўриш сезгиларига киради. Биз сезадиган ранглар хроматик ва ахроматик рангларга бўлинади.

Ёруғлик нурлари учбурчак шиша призма орқали ўтиб, синганда ҳосил бўладиган ранглар **хроматик** ранглар деб аталади. Хроматик ранглар камалак ранглари бўлиб, бунга қизил, зарғалдоқ, **сариқ,** яшил, ҳаво ранг, кўк ва бинаф**ша** ранглар киради. Бу рангларнинг турлари ниҳоятда хилма-хил бўлиб, жуда кўпдир.Оқ ранг билан қора ранг, шунингдек, хилма-хил ҳамма кул-ранглар **ахроматик ранглар** деб аталади.

**Кўриш сезгиларининг органи** — кўздир. Бу орган кўз **соққаси** билан ундан чиқадиган кўрув нервидан иборат. Кўз соққасида учта парда, яъни: ташқи, томирли ва тўр парда бор. Ташқи парданинг тиниқмас (оқ) қисми ск-лера (қотган ёки қаттиқ парда) деб аталади. Ташқи парданинг олдинги бирмун-ча қавариқ қисми **тиниқ** (мугуз) **парда** деб аталади.

Ташқи парданинг орқасида **томирли парда бор.** Томирли парданинг олдинги қисми **рангдор парда** деб аталади рангдор парданинг рангига қараб, киши-ларнинг кўк кўз, қўй кўз, қора кўз деб атаймиз ва ҳоказо. Рангдор парданинг

ўртасида юмалоқ тешик бор, қорачиқ деб аталадиган ана шу тешикдан кўзнинг ичига ёруғлик нурлари ўтади. Ёруғликнинг оз-кўплигига қараб, қорачиқ кенгайиши ва торайиши мумкин. Кўзнинг учинчи пардаси тўр парда бўлиб, у кўз соққасининг деярли бутун ички юзасини қоплайди. Қорачиқ билан рангдор парданинг орқасида икки томони қаварик, тиниқ, жисм кўз **гавҳари** туради, ёруғлик нурлари кўз гавҳарида туриб синади ва натижада тўр пардага нарсанинг акси (сурати) тушади. Ҳалқа шаклидаги кўприксимон мускулнинг узайиши ва қисқариши туфайли гавҳар гоҳ яссиланади, гоҳ қаваради: нарса кўздан узоқлаштирилганда гавҳар деярли ясси бўлиб қолади, нарса кўзга яқинлаштирилганда эса гавҳар деярли шар шаклига киради. Кўз гавҳарида шундай хосса борлигидан, яқиндаги нарсаларнинг акси ҳам, узоқдаги нарсаларнинг акси ҳам гавҳардан ўтиб, худди тўр пардага тушади. Тўр парда рангни ва ёруғликни сезиш учун асосий аҳамиятга ега. Кўрув нервининг тармоқлари тўр пардада жойлашгандир. Бу тармоқларнинг чекка учларида махсус нерв ҳужайралари — шаклан таёқча ва колбачага ўхшагани учун **таёқчалар** ва кол**бачалар** деб аталадиган ҳужайралар бўлади (13-расм). Одам кў**зининг** тўр пардасида 130 миллионга яқин таёқча ва 7 миллионга **яқин** колбача бор.

Кўриш сезгисини ҳосил қиладиган физик сабаб — ёруғликдир, яъни електромагнит тўлқинларидир. Бу тўлқинлар турлича узунликда бўлиб, вақт бирлиги ҳисоби билан (бир сония ичида) тебраниш тезлиги (частотаси) ҳам ҳар хил ёруғлик тўлқинларининг узунлигини миллимикрон (миллиметрнинг миллион-дан бир бўлаги) ҳисоби билан ўлчанади. Одам кўзи сезадиган ранглар тахминан 380 миллимикрондан 780 миллимикронгача узунликдаги тўлқинларнинг таъсири билан ҳосил бўлади. Ёруғлик тўлқинларининг тебраниш тезлиги даражаси (частотаси) бу тўлқинларнинг сониясига неча миллион марта тебранишига қараб ўлчанади. Енг узун тўлқинлар (узунлиги 780 миллимикрон бўлиб, сониясига 450 биллион марта тебранадиган тўлқинлар) қизил ранг сезгисини ҳосил қилади. Енг калта тўлқинлар (узунлиги 380 миллимикрон бўлиб, сониясига 750 биллион марта тебранадиган тўлқинлар) бинаф-ша ранг сезгисини ҳосил қилади.

**Рангларнинг аралашиб кетиши,** кўз тўр пардасининг бирон жойига турли узунликдаги ёруғлик нурлари бир йўла таъсир етганда содир бўлади. Шунинг натижасида биз фақат бир рангни сезамиз, лекин бу ранг аралашиб кетган рангларнинг ҳеч бирига ўхшамайдиган, алоҳида ранг бўлади. Иккита хроматик рангнинг аралашиб кетишидан ним ранг ҳосил бўлади. Масалан, қизил ранг билан сариқ рангнинг аралашишидан зарғалдоқ ранг ҳосил бўлади, қизил ранг билан кўк рангнинг аралашишидан бинафша ранг ҳосил бўлади ва ҳоказо. Спектрдаги ҳамма рангларнинг аралашишидан нейтрал оқ ранг ҳосил бўлади. Спектрдаги баъзи рангларнинг иккитасини қўшиб, худди боягидек оқ ранг ёки оч кулранг ҳосил қилиш ҳам мумкин. Масалан, спектрдаги ҳар бир ранг ўзига мос бошқа ранг билан қўшилиб, ахроматик оқ ранг ёки кулранг ҳосил қилади. Бундай ранглар қўшимча ранглар деб аталади. Қизил ранг билан оч ҳаво ранг, кўк ранг билан сариқ ранг бир-бирига қўшилиб, қўшимча ранглар ҳосил қилади. Рангларнинг аралашиб кетишидаги ана шу қонуниятларнинг ҳаммасини рангдор доиралар деб аталувчи доираларни махсус асбобга кийгизиб текшириб кўриш мумкин. Бу асбоб «рангларни аралаштирадиган чарх» деб аталади. Чарх тез айланганда ўша доиралардаги ҳар хил ранглар аралашиб, муайян ранглар ҳосил қилади. Рангларнинг аралашиб кетиши периферик жараён эмас, балки марказий жараён эканлиги ҳозирги вақтда аниқланди.

**«Ранг ажратолмаслик*** хроматик рангларни сеза олмаслик ва фарқ қила олмасликдан иборат. Баъзи бир кишилар рангларни сира айира олмайдиган бўлади. Бундай кишилар ҳамма рангларни ахроматик кулрангдек кўрадилар (худди фотографиядаги сингари). Статистика маълумотларига қараганда, рангларни ажрата олмаслик ҳодисаси эркаклар орасида тахминан 4 фоиз ва аёллар орасида 0,5 фоиз учрайди. Қизил ва яшил рангни айира олмаслик ҳодисаси кўпроқ

учрайди. Бинафша рангни ажрата олмаслик ҳодисаси эса камроқ учрайди. Рангларни ажрата олмаслик сабаби шуки, кўзнинг тўр пардасидаги колбачалар ишламайди ёки қисман ишлайди.

Эшитиш сезгилари

Эшитиш сезгилари товушларни сезишдан иборатдир. Товушлар мусиқий товушларга (ашула товуши, чолғу асбобларининг товуши) ва шовқинли товушларга (тарақ-туруқ, тарс-турс, шарақ-шуруқ, тақир-туқур ва бошқа шу каби товушларга) бўлинади.

Ешит**иш сезгилари** органи қулоқ бўлиб, у уч қисмдан: ташқи қулоқ, ўрта қулоқ ва ички қулоқдан иборатдир.

**Ташқи қулоқ** — қулоқ супраси билан ешитув йўлидан иборат. Ташқи қулоқ ҳаво тўлқинларини йиғувчи карнай деса бўлади. Ташқи қулоқ билан ўрта қулоқ ўртасида бир парда бор, у **ноғора парда** ёки ўрта қулоқ пардаси деб аталади. **Ўрта қулоқ** — ноғора парда ва унга ёпишган учта суякча: болғача сандон ва узангидан иборат. Ноғора парда, шунингдек, унга ёпишувчи суякчалар (болғача, сандон ва узанги) ҳаво тебранишларини ички қулоққа ўтказади. Ўрта қулоқ махсус канал (Евстахий найи) ёрдами билан оғиз бўшлиғига ва бурун бўшлиғига туташган.

**Ички қулоқ** ёки қулоқ лабиранти ўзаро бирлашган учта бўлакдан иборат. Ички қулоқнинг юқори қисми учта ярим жойга каналдан, ўрта қисми камерадан (у ички **қулоқ даҳлизи** деб аталади) ва пастки қисми чиғаноқдан иборат. Эшитиш сезгиларининг физик сабаби  ҳаво тўлқинларининг ҳаракати бўлиб, бу ҳаво тўлқинлари товуш чиқарувчи жисмлар тебранганда ҳосил бўлади.

**Ҳид билиш ва таъм билиш (маза) сезгилари**

Ҳид билиш сезгиларига ҳидларни ҳис қилиш киради. Ҳидлар ниҳоятда кўп ва хилма-хил бўлади. Ҳидларни классификатсия қилиш учун умумий бир мезон йўқ. Ҳидлар одатда ҳидли нарсаларнинг номи билан аталади, масалан, райҳон ҳиди, нон ҳиди, олма ҳиди ва ҳоказо. Ҳидлар одатда, хуш ва нохуш деб иккига бўлинади, лекин бу тақсимот ҳидларнинг моҳиятини кўрсатиб бермайди, балки ўша ҳидларга қандай қарашимизни кўрсатади.

**Ҳид билиш сезгиларининг органи** бурун ковагининг юқори томони бўлиб, бу ерда ҳид **билиш ҳужайралари** ва сезувчи нервнинг тармоқлари бор, сезувчи нервнинг тармоқлари «ҳид билиш соҳасининг шиллиқ пардасига ботиб туради. Ҳидли моддалар сезувчи нервни қўзғайди, бу қўзғалиш бош мияга ўтади, натижада биз турли ҳидларни сезамиз. Ҳид билиш маркази бош мия ярим шарлари орқа юзасининг пастки қисмида деб фараз қилинади. Ҳидли моддалар ҳид билиш ҳужайраларига фақат газ ҳолатидагина таъсир етади ва кимёвий реаксия йўли билан уларни қўзғайди. Маълумки, ҳидли моддаларнинг ҳаммаси буғланади ва ерийди. Газ ҳолатидаги моддалар нафасга олинадиган ҳаво билан бурун кавагига киради.Таъм билиш сезгиларига ширин-аччиқ, нордон-ширин ҳис қилиш киради. Шу асосий таъм билиш сезгиларидан ташқари, умумий классификатсияси бўлмаган жуда кўп ва хилма-хил таъм билиш сезгилари ҳам бор. Ҳид билиш сезгилари каби таъм билиш сезгилари ҳам, муайян таъмли нарса ёки моддаларнинг номи билан аталади. Масалан, сутнинг мазаси, ёғнинг мазаси, гўштнинг мазаси, ноннинг мазаси ва б. Таъм билиш сезгиларининг органи тилнинг юзаси ва танглайнинг юмшоқ қисмидир Тилнинг шиллиқ пардасида махсус таъм билиш сўрғичлари бор.

Уларнинг ичида таёқчасимон ҳужайралардан тузилган махсус таъм билиш «куртаклари» ёки «сугонлари» бор. Ҳар бир таъм билиш сезгисининг ўзига хос тузилган «сугони» бўлади. Спетсифик сифатлари билан фарқ қиладиган бу таъм билиш сугонлари тил юзасида бир текисда тақсимланган емас. Тилнинг асосий

ёки орқа қисми аччиқ мазани, айниқса, яхши сезади, тил учи, асосан, ширин мазани, айниқса, яхшироқ сезади, тилнинг четлари еса нордон мазани яхшироқ сезади. Тилнинг ўртаси таъм сезмайди. Таъм билиш органларининг ҳужайрали қисмларида махсус сезувчи нервларнинг чекка учлари бор, булар маза (таъм) билиш органидаги қўзғалишни бош мияга ўтказади.

Тери сезгилари ва мускул-ҳаракат сезгилари

Тери сезгиларига туюш ва ҳарорат сезгилари киради, бу сезгиларнинг тери сезгилари деб аталишига сабаб шуки, бу сезгиларнинг чекка нерв аппаратлари (ретсепторлар) терида ва организмимизнинг ташқи шиллиқ пардаларида бўлади. Туюш сезгилари — тегиш, тарқалишни туюш сезгилари ёки туюш таначалари. Тактил сезгилар, шунингдек, силлиқ ёки ғадир-будурни туюш сезгиларидир. Бирор нарсанинг тегишини сезиш ташқи таъсир (қўзғалиш) кучайганда сиқиқ сезишга айланади. Қўзғалиш янада кучайганда сиқиқ оғриқ сезгисига айланиши мумкин. Аммо терида сезиладиган ҳар қандай ортиқ терига таъсир етадиган ташқи қўзғалишга боғлиқ бўлавермайди, албатта.

**Туюш сезгилари органи** — теридаги ва ташқи шиллиқ пардалардаги туюш таначалари деган махсус таначалардир. Ўша таначаларнинг ичида, қисман еса ташқарисида (бевосита епителийда) туюш нервининг чекка тармоқлари бор. Улар терида ва гавдамизнинг шиллиқ пардаларида бир текисда тақсимланган емас. Бу таначалар бармоқларнинг учида, тил учида, лабда зич жойлашгандир. Шунинг учун ҳам гавдамизнинг ана шу қисмлари теккан нарсани, силлиқ ва ғадир-будурни бошқа қолганларидан енг кўп сезгиридир. Туюш таначалари орқа терисида жуда сийракдир. Туюш таначалари ва сезувчи нервнинг чекка тармоқлари нечоғли зич тақсим ланганлиги эстезиометр номли махсус асбоб ёрдамида аниқланади.

Туюш маркази бош мия пўстининг орқадаги марказий пуштасида деб фараз қилинади. Туюш сезгиларининг ташқи, физик сабаби бирон-бир бу-юмларнинг терига бевосита тегишидир. Бунда биз нарсага тегиш билан бирга уни пайпасласак, унинг билан бирон иш қилсак, туюш сезгиси анча ошади. Бундай ҳолларда туюш органлари мускул-ҳаракат органлари билан бир-галикда ишлайди. Ҳаракат билан боғлиқ сезгилар тактил сезгилар ила бирга қўшилганда, нарсаларнинг асосан, силлиқ ёки ғадир-будур еканлиги билинади. Туюш сезгисида ва пайпаслашда қўл, жумладан, қўл бармоқлари, айниқса, катта рол ўйнайди. Одамнинг фаолиятида, теварак-атрофдаги оламни билишида қўл туюш ва пайпаслашнинг махсус органи бўлиб хизмат қилади.

**Ҳарорат сезгиларига иссиқ ва совуқни** сезиш киради. Терида ва шиллиқ пардаларда махсус таначалар бор, уларнинг ичида иссиқни ёки совуқни сезадиган махсус нервларнинг чекка тармоқлари бўлади.

**Ҳарорат сезгиларининг ташқи сабаби** бирон ҳароратга ега бўлган қат-тиқ, суюқ ва газсимон жисмларнинг организмимизга тегиб туришидир. Иссиқни ёки совуқни айириш теримизга тегиб турган нарса (қўзғовчи) ҳарорати билан бадан ҳарорати ўртасидаги нисбат билан белгиланади. Мускул-ҳаракат сезгилари **мотор сезгилар** ёки **кинестетик сезгилар** деб ҳам аталади. Бу хил сезгиларга тазйиқ (оғирлик)ни билиш сезгилари, қаршиликни (қаттиқлик, юмшоқликни) билиш сезгилари ва айрим органларнинг ҳа-ракатини билиш сезгилари киради. Бу сезгиларнинг органлари — гавдамиздаги ҳамма мускуллар, пайлар ва бўғим юзаларидир. Ҳамма мускулларда, пайларда ва бўғимларда махсус сезувчи нервларнинг чекка тармоқлари бор, мускул-ҳаракат сезгилари ва статик сезгилар ана шу нерв тармоқлари ёрдами билан ҳосил бўлади. Мускул-ҳаракат сезгиларининг ташқи, физик сабаби мускулларимизга таъсир етувчи нарсаларнинг механик тазйиқи ёки қаршилиги, шунингдек, гавдамизнинг ҳаракатларидир.

**Статик сезгилар** гавдамизнинг фазодаги ҳолатини билиш ва мувозанат сақлаш сезгилари деб аталади. Гавданинг фазодаги ҳолатини билиш ва мувозанат

сақлаш сезгиси учун ички қулоқдаги вестибуляр аппарат ретсептор вазифасини ўтайди.

**Органик сезгилар.** Очиққанда, сувсаганда, ортиқ тўйиб кетганда, чарчаганда, кўнгил айниганда, ички органларимиз оғриганда ички сезгилар туғилади, буларни **органик сезгилар** дейилади; кишининг ўзини тетик, саломат, касал ҳис қилишлари ҳам органик сезгилар жумласидандир. Органик сезгиларнинг кўпи дифференсиатсияланмаган ва бетайин бўлади. Бу сезгиларнинг ретсепторлари ички органларда: қизилўнгач, меъда, ичак, қон томирлари, ўпка ва шу кабиларда бўлади. Юқорида айтганимиздек, ички органларда бўлиб турадиган жараёнлар **органик сезгилар ретсепторларининг қўзғовчиларидир.** Аммо ички органлар саломат бўлиб, соғлом ишлаб турган вақтда биз ички (органик) сезишларни ё пайқамаймиз ёки бу сезгилар ўзимизни умуман «яхши» ҳис қилиш тетиклик, соғломлик ва бошқа шу каби туйғулар тарзида ифо-даланади.

**Биринчи савол бўйича назорат топшириқлари:**

1. Сезги ва сезги турлари ҳақида тушунчангизни гапириб беринг ?
2. Сезгиларнинг қонуниятларини кўриб чиқинг ва қиёсий солиштиринг?
3. Сезгиларнинг инсонлар ҳаётида аҳамияти борми ? Тушунтиринг ?
4. Интерорецептив сезгиларни таърифланг ?
5. Проприоретсептив сезгиларни ажратинг ?
6. Екстериоретсептив сезгиларни белгиланг ?
7. Органик сезгилар ҳақида фикрингизни баён қилинг ?

## 2. Сезгиларнинг физиологик асослари.

**2- савол бўйича дарснинг мақсади:** Сезгиларнинг физиологик асослари ҳақида маълумот бериш. Сезгиларнинг ҳосил бўлишини тушунтириш. Сезгиларнинг чегарасини тушунтириш. Сезгининг пастки ёки абсолут чегарасини аниқлаш.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

1. Сезгиларнинг физиологик асослари ҳақида маълумот беради.
2. Сезгиларнинг ҳосил бўлишини тушунтириб беради.
3. Сезгиларнинг чегарасини тушунтиради.

**Иккинчи саволнинг баёни:**

Сезгилар бирор-бир сезги органининг қўзғалиши натижасида ҳосил бўлади. Аммо қўзғовчи ретсепторга таъсир ета бошлаши биланоқ, дарров сезги туғилавермас екан: қўзғовчи таъсир ета бошлагандан бир неча вақт кейингина сезги ҳосил бўлади. Турли сезгиларда бу вақт 0,02 сониядан 0,1 сониягача боради. Шундай қисқа вазиятни биз, одатда, пайқамаймиз. Сезги ҳосил бўлгач, маълум муддат давом етади. Сезгилар давом етиш муддатига қараб, қисқа ва узоқ муддатли сезгиларга бўлинади. Масалан, ялт этиб чақнаган бир учқун ёруғлигини сезиш ёки ерга тушиб кетган қалам товушини сезиш қисқа муддатли сезгилардан ҳисобланади. Кундузги ёруғликни сезиш, заводнинг янграётган гудок овозини эшитиш узоқ муддатли сезгилардандир. Сезгиларнинг қанча муддат давом этиши ташқаридаги нарсаларнинг сезги органларига нечоғли узоқ таъсир этишига боғлиқ. Нарса таъсир етиб турар экан, тегишли сезги ҳам бўлади. Сезгиларнинг кучи турли даражада бўлиши мумкин, бошқача қилиб айтганда кучсиз ва кучли сезгилар бор. Ёниб турган бир гугурт чўпи сочиб турган ёруғликни сезиш кучсиз сезгига, ҳаво очиқ кунда қу-ёш сочиб турган ёруғликни сезиш эса кучли сезгига мисол бўла олади. Сезгиларнинг кучи аввало қўзғалишнинг кучига боғлиқ. Қўзғалиш қанча кучли бўлса, ҳосил бўладиган сезги ҳам шунча кучли бўлади. Қўзғалишнинг **салгина сезила бошлаган даражасини сезгининг пастки ёки абсолут чегараси дейилади.** Агар шу қўзғалиш кучи салгина сусайтирилса ҳам сезги йўқолади. Сезги ҳосил қилмайдиган кучсиз қўзғалишлар сезги чегарасидан пастда турувчи қўзғалишлар деб аталади.

Сезги ҳосил қиладиган қўзғалишнинг кучи ўзгариши, яъни ортиши ёки камайиши мумкин. Қўзғалиш ўзгарганда сезги кучи ҳам ўзгаради (ошади ёки

камаяди). Агар уйда битта лампочка ёниб турган бўлса, муайян даражада ёруғлик сезамиз. Агар яна бир шундай лампочка ёқиб қўйилса, ёруғлик сезгиси кучаяди. Аммо қўзғалиш кучининг ҳар бир ўзгариши сезгининг кучини ўзгартира олмас екан. Сезгиларнинг кучи қўзғалиш муайян миқдорда ошганда ёки камайгандагина ўзгарар екан. Масалан, бир стакан сувда 6 г қанд эритсак, муайян даражада ширин маза сезамиз. Эритилган шу қандга яна 1 г қанд қўшсак, ширин мазани билиш сезгиси ўзгармайди. Ширин мазани билиш сезгиси бирмунча ортиши учун 6 г қандга яна 2 г қанд қўшиш (яъни, бутун қанд миқдорининг учдан бирича қанд қўшиш) керак экан.

Қўзғовчилар таъсири ўртасидаги сезилар-сезилмас салгина фарқни сезишни **фарқ қилиш чегараси** дейилади.

Қўзғалиш кучи шунчалик орта бориши мумкинки, бунда тегишли сезги ўзининг спетсифик сифатини йўқотади ва оғриқ ҳиссига айланади. Чунончи, ҳаддан ташқари кучли ёруғлик кўзда оғриқни келтириб чиқаради «кўзни қамаштиради. Кучли товуш қулоқни оғритади. Ҳаддан ташқари оғир нарса мускулларни оғритади.

Қўзғалиш кучининг ўзгариши билан сезги сифатидаги оғриқ томон (ёқимсиз) рўй берган сезилар-сезилмас ўзгаришга **сезгининг юқори чегараси** дейилади.

### Иккинчи савол учун назорат топшириқлари:

1. Сезгиларни физиологик асосланг ?
2. Сезгилар қандай ҳосил бўлади тушунтириб беринг ?
3. Сезгиларнинг чегараси нима? Асосланг ?
4. Сезгиларнинг абсолут чегараси деб нимага айтилади ? Таърифланг ?
5. Сезгининг қузғалиш билан алоқаси нимада деб ўйлайсиз ?

## 3. Киши ҳаётида ва унинг фаолиятида сезгиларнинг аҳамияти.

**3- савол бўйича дарснинг мақсади:** Киши ҳаётида ва унинг фаолиятида сезгиларнинг аҳамиятини мисоллар ёрдамида тушунтириш. Болаларда сезгининг ривожланиши ва мустаҳкамланишини аниқлаш.

### Идентив ўқув мақсади:

1. Киши ҳаётида ва унинг фаолиятида сезгиларнинг аҳамиятини аниқлайди.
2.Болаларда сезгининг ривожланиши ва мустаҳкамланишини тушунтиради.

### Учинчи саволнинг баёни:

Бола она қорнида 7-9 ойлик бўлган чоғларидаёқ унинг барча сезги органлари анча ўсиб етилган бўлади. Аммо бундан, бола дунёга келган ҳамоно теварак-атрофдаги нарсаларни катта ёшли кишилар билан баб-баравар идрок қила олар екан, деган маъно келиб чиқмайди. Болаларнинг сезги органлари тажрибага, тарбияга қараб ўсади, мустаҳкамланади, сезиш қобилияти мукаммаллашади. Гўдак боланинг сезгиларини бирон қўзғовчига жавобан кўрсатадиган реаксияларига қараб билиб оламиз, холос. Шу реаксияларга қараб, бола ҳаётининг дастлабки кунлариданоқ унда иссиқ ва совуқни тери сезгиси билан сезиш қобилияти бор деб айтиш мумкин. Тегишга жавобан бўладиган реаксиялар ҳам анча яққол кўринади. Болада таъм билиш сезгилари ҳам бўлади: болада ширин эритмага (қандга) бошқа, аччиқ эритмага (хининга) бошқа реаксия бўлади.

Бола дунёга келган дастлабки кунларданоқ ёруғликнинг ўзгаришига қараб, кўз қорачиғи торайди ёки кенгаяди. Аммо бола кўз ҳаракатларини ҳали мувофиқлаштира олмайди (кўзини тута олмайди): бир кўзи бир томонга, иккинчи кўзнинг иккинчи томонга қараб туриши, бир кўзини очиб иккинчи кўзини юмиб ётиши мумкин. Бола ҳар нарсага тикилиб тура олмайди. Бола тахминан иккинчи ой охирида нарсаларга тикилиб қарайдиган бўлади; шу вақтда бола тикилган нарсаси четга сурилса, уни кўзлари билан биринчи марта қидира бошлайди. Беш ойлик бола ёрқин рангларни анча айирадиган бўлиб қолади.

Бола туғилган дастлабки кунларда ҳеч нарсани эшитмайди. Бунинг сабаби шуки, янги туғилган боланинг ўрта қулоғига махсус модда тўлган бўлади, бу модда товушнинг ўтишига тўсқинлик қилади. Бу модда биринчи ҳафта давомида

аксари шимилиб кетади, бола товушга жавобан реаксия кўрсата бошлайди. Авваллари бола фақат товушнинг кучига жавоб берса, икки-уч ойлигида товушнинг қай томондан келаётганлигини била бошлайди ва товуш келган томонга бошини бура бошлайди. Боланинг товушларга сезгирлиги ўса бошлайди, ёқимли ашула ёки мусиқа товушини эшитганда талпиниб суюнади ва аксинча, каттиқ товушлар эшитганда, буни ёқтирмаганлигидан чинқиради.

Бола ҳаётининг дастлабки 3-4 ойида сезги органларининг ҳаммаси ўз вазифасини ўтайдиган бўлиб қолади; кейинчалик шу органлар ўсади ва фарқ қилишга доир ***сезгирлик кучайиши билан сезгилар бир-биридан*** ажратила бошлайди. Масалан, бола тўрт ёшлигида кўпгина рангларни бир-биридан айиради. Икки-уч яшар болаларда эшитиш сезгиси шу қадар ўсадики, улар айрим кишиларнинг овозларини ва айрим нарсаларнинг товушларини бемалол айириш билан бирга, мураккаб куйларни ҳам айира олади ва энг оддий куйларни айта бошлайди.

7 ёшдан 10 ёшгача болаларда рангларнинг тусларини сезиш 45 фоиз ортиши, 10 ёшдан 12 ёшгача болаларда 65 фоизгача ортиши олимлар-нинг махсус текширишларида аниқланган. Мактаб ўқувчиларини расмга ўргатиш рангларни айириш сезгирлигининг ўсишига катта таъсир кўрсатади. Сезгиларнинг ўсиши учун жисмоний тарбиянинг муҳим аҳамияти бор.

### Учинчи савол учун назорат топшириқлари:

1. Сезгиларнинг ўсишида жисмоний тарбиянинг қандай муҳим аҳамияти бор ? Гапириб беринг ?

2. Сезгига таъриф беринг ?

1. Сезги аъзоларига бевосита таъсир этиб тырган нарса ва ҳодисаларнинг алохида хусусиятларини акс эттиришдан иборат жараённи ажратинг.

А. Идрок

В. Сезги

С. Хотира

Д. Хаёл

3. Ташки ва ички муҳитдан келадиган таъсирларни қабул қилиб, физиологик процесс бўлган қўзғалиш нима дейилади?

номалия

В. Аналогия

С. Анализатор

Д. Анимизм

Е. Аккомодация

4. Организмнинг ички муҳитида содир бўлаётган процессларни акс эттирувчи сезгиларни топинг.

А. Экстроцептив  В. проприоцептив  С. интероцептив

Д. Тери сезгиси  Е. Мускул сезгиси

## 4. Сезгилардаги қонуниятлар.

**4- савол бўйича дарснинг мақсади:** Талабаларни сезгилардаги қонуниятлар билан мисоллар ёрдамида таништириш. Адаптатсия ва синестезияни таърифлаш. Сезгиларнинг қонуниятларини кўриб чиқиб, қиёсий солиштириш. Сезгиларнинг инсонлар ҳаётида аҳамиятини белгилаш.

### Идентив ўқув мақсади:

1. Талабаларни сезгилардаги қонуниятлар билан таништиради.

**2.**Адаптатсия ва синестезияни таърифлайди.

3.Сезгиларнинг қонуниятларини кўриб чиқади, қиёсий солиштиради. Сезгиларнинг инсонлар ҳаётида аҳамиятини белгилайди.

### Тўртинчи саволнинг баёни:

Сезги органларининг ўзига таъсир этадиган қўзғовчиларга мосланиши, кўникиши **адаптатсия** деб аталади. Қўзғовчининг таъсири ўзгариши билан

сезгирлик ҳам ўзгаради. Қўзғовчилар суст таъсир этганда сезгирлик ошади, кучли таъсир этганда сезгирлик камаяди. Шу сабабли, мусбат ва манфий адаптатсия фарқ қилинади. Адаптатсия кўриш сезгиларида, айниқса, ёруғ жойдан қоронғи жойга кирганда ва аксинча қоронғи жойдан ёруғ жойга чиққанда яққол кўринади. Масалан, ёруғ жойдан баландроқ бинога кирганимизда аввалига ҳеч нарсани кўрмаймиз. Кўриш органимиз кучсиз ёруғликка мослашгунча бир неча вақт ўтади. Бу **қоронғилик адаптатсиясидир.** Қоронғидан ёруғга чиққанда ҳам кўриш органлари ёруғликка яна мослашуви учун бир неча вақт (тахминан 4 **дақиқадан** 5 дақиқагача фурсат) керак. Бу **ёруғлик адаптатсиясидир.**

Адаптатсия ҳарорат сезгиларида ҳам бор. Биз чўмилиш учун сувга тушганимизда ёки душ тагида турганимизда дастлабки пайтда сув совуқ-роқ туюлади, бир неча дақиқадан кейин еса ўша сув унчалик совуқ сезилмайди ва ҳатто илиқроқ сезилади.

Ҳид билиш сезгиларида адаптатсия тезроқ бошланади. Масалан, бирон ҳиди бор уйга кирганимизда авалига шу ҳидни сезамиз, бир неча вақтдан сўнг ҳидни сезмай қоламиз.

Адаптатсия кўриш, ҳарорат, ҳид билиш сезгиларида кучлироқ, эшитиш ва оғриқ сезгиларида камроқ бўлади. Бошқа сезги органлари ишлаб турганда айрим сезги органларининг адаптатсия жараёни тезлашуви мумкин. Масалан, ҳарорат (совуқ), таъм билиш, мускул ретсепторлари ва ички органлардаги ретсепторлар таъсирланганда кўриш ва эшитиш сезгирлиги тезроқ кучаяди. Олимлар ўтказган бир қанча тажрибалар шуни кўрсатадики, совуқ сувга латта хўллаб юз ва бўйинни артганда (иссиқ фаслда), жисмоний тарбия машқларига ўхшаш типдаги енгил ишда нафас олиш тезлашганда ва кучайганда эшитиш ва кўриш сезгирлиги ошади, мусбат адаптатсия тезлашади. Шундай воситалардан фойдаланиб, қоронғилик адаптатсиясини одатдагидек 40—50 дақиқада эмас, балки 5 6 дақиқада тезлатиш мумкин.

## Синестезия

Баъзи кишиларнинг сезгиларида синестезия деган ҳодиса кўрилади. Синестезия икки сезгининг яхлит бир сезги бўлиб қўшилиши демакдир. Синестезияда сезгилардан биронтаси муайян пайтда бевосита таъсир етувчи қўзғовчига ега бўлмайди, балки қайтарилади. Синестезиянинг кўпроқ учрайдиган шакли «рангдор ешитиш» деб аталадиган ҳодисадир. Бунда товуш сезгиси (шовқин, тон, мусиқали аккорд) кўриш образини, яъни ёруғлик ёки ранг тасаввурини уйғотади. Синестезия кишиларнинг тахминан 12 фоизида учрайди, «рангдор эшитиш* кишиларнинг 4 фоизида кўрилади. Синестезия ҳодисаларини кўрсатадиган айрим сўзларни адабий тилдан топиш мумкин. Масалан, «истараси иссиқ, «башараси совуқ», «юмшоқ кўнгил», «тош юрак», «ширин сўз», деб гапирадилар

### Тўртинчи савол бўйича назорат топшириқлари:

1. Синестезия ҳодисасини таърифланг ?
2. Адаптатсияни тушунтиринг?

1. Сезгиларнинг умумий хусусиятларини санаб беринг.
2. Тактил сезгиси ва оғриқ сезгиси учун латент даврини кўрсатинг ва латент даври моҳиятини очиб беринг.

А. 100-280 миллисекунд В. 90-160 миллисекунд С.130-210 миллисекунд
Д 130-370 миллисекунд Е. 370-210 миллисекунд

3.Синестезия ҳодисаси физиологик нуқтаи назардан қандай тушунтирилади?

4. Адаптация деб нимага айтилади?

Адаптация қандай турларга ажралади? Адаптация турларини таккосланг.

5.Абсолют сезгирлик чегарасини секундомер ва чизгичдан фойдаланиб, курсдошларингиздан бирида аниқлаб беринг.

### Мавзу бўйича асосий хулосалар:

Сезгилар ҳақида тушунча бериш. Сезги турларини ажратиш. Сезгиларнинг қонуниятларини кўриб чиқиб, қиёсий солиштириш. Сезгиларнинг ўсишини текшириш. Сезгиларнинг физиологик асосларини ўргатиш. Киши ҳаётида ва унинг фаолиятида сезгиларнинг аҳамиятини белгилаш. Сезгилардаги қонуниятларни ўқиш.

## 10- мавзу: Идрок.

| Т/р | Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни | Амалга оширувчи шахс, вақт |
|---|---|---|
| 1 | **Тайёрлов босқичи:**<br>**1.1.Дарс мақсади:** Идрокни таърифлаш. Идрок турларини аниқлаш. Идрокнинг яхлитлиги ва структуралилигини кўриб чиқиш. Киши ҳаётида ва унинг фаолиятида сезгиларнинг аҳамиятини аниқлаш. Рангларни идрок қилишни, фазони ва ҳаракатни идрок қилишни, вақтни идрок қилишни, предметли яққол образларни яратишни ажратиш. Иллюзия ва галлюцинацияни таърифлаш.<br>**1.2. Идентив ўқув мақсадлари.**<br>1. Идрокни таърифлайди. Идрок турларини аниқлайди.<br>2. Идрокнинг яхлитлиги ва структуралилигини кўриб чиқади.<br>3. Киши ҳаётида ва унинг фаолиятида сезгиларнинг аҳамиятини аниқлайди. Рангларни идрок қилишни, фазони ва ҳаракатни идрок қилишни, вақтни идрок қилишни, предметли яққол образларни яратишни ажратади.<br>4. Иллюзия ва галлюцинацияни таърифлайди.<br>**1.3. Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** апперсепсия, константлик, иллузиялар, галлюцинация, предметли, идрокнинг яхлитлиги, структуралилик<br>**1.4. Дарс шакли:** кириш-ахборотли маъруза<br>**1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза, бахс, видеоусул, савол-жавоб, тушунтириш, тақдимот.<br>**1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:** слайдлар, дарсликлар, мавзуни кўриб чиқишга доир материаллар ва мавзунинг мазмунини ифодаловчи лавҳалар, кўргазмали материаллар. | **Ўқитувчи** |
| 2 | **Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:**<br>**2.1.** Мавзу эълон қилинади.<br>**2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади. | **Ўқитувчи, 15 минут** |
| 3 | **Гуруҳда ишлаш босқичи:**<br>**3.1.** Талабаларга идрок мавзуга оид муаммоли савол берилади.<br>**3.2.** Талабаларнинг идрок ҳақидаги фикри эшитилади ва бошқа талабалар бахсга чақирилади.<br>**3.3.** Талабаларнинг идрок ҳақида фикри тингланиб, умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.<br>**3.4.** Умумий хулосани ўқитувчи баён қилади. | **Ўқитувчи-талаба, 40 минут** |
| 4 | **Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:**<br>1. Идрокни таърифланг ?<br>2. Идрок турларини аниқланг?<br>2. Идрокнинг яхлитлиги ва структуралилигини кўриб чиқинг?<br>3. Киши ҳаётида ва унинг фаолиятида идрокнинг аҳамиятини аниқланг? Рангларни идрок қилишни, фазони ва ҳаракатни | **Ўқитувчи, 15 минут** |

| | | |
|---|---|---|
| | идрок қилишни, вақтни идрок қилишни, предметли яққол образларни яратишни ажратинг? | |
| **5** | **Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:**<br>**5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади.<br>**5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади. | **Ўқитувчи,**<br>**10 минут** |

**Асосий саволлар**.

1.Идрок. Идрок – иш-ҳаракат тариқасида.

2.Идрокнинг константлиги.

3.Идрок турлари. Рангларни идрок қилиш. Фазони ва ҳаракатни идрок қилиш . Вақтни идрок қилиш. Предметли яққол образларни яратиш.

4.Иллюзия ва галлюцинация.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва сўзлар:** апперсепсия, константлик, иллузиялар, галлюцинация, предметли, идрокнинг яхлитлиги, структуралилик, идрокнинг предметлилиги, яхлитлиги, структуралилиги, барқарорлиги, англанганлиги, константлиги, апперцепция, кўриш, эшитиш, пайпаслаб кўриш, кинестезик, хидлаш ва таъм билиш идроки. Бинокуляр кўриш.

**Мавзуга оид муаммолар:**

Ташқи муҳитни қай тарзда акс эттириш идрок жараёнига мисол бўла олади?

Нима учун идрок ҳиссий билиш жараёнига киритилади? Фикрингизни асосланг.

Предметларнинг вақт ва макондаги ўрнини акс эттириш мумкинми? Ҳаракатни акс эттириш имконияти мавжудми? Иллузияни қандай изоҳлайсиз? Мисоллар билан тушунтиринг. Идрок турларини ҳар бирини алоҳида таърифлаб тушунтириб бера оласизми? Иллюзия ва галлюцинация ҳодисаларини бир-бирларидан фарқини тушунтириб беринг? Сизнингча йўқ нарсаларни, ташқи таъсиротсиз «идрок қилиниши қайси ҳодиса ҳисобланади? Мисоллар билан тушунтиринг.

## 1. Идрок. Идрок – иш-ҳаракат тариқасида.

**Биринчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Идрок ҳақида талабаларга тушунча бериш. Идрок турларини аниқлайди. моддий боғлиқ шакли сифатида, барча бошқа реалликлар каби идрок қилинишини таърифлаш.

**Идентив ўқув мақсадлари.**

1. Идрок ҳақида талабаларга тушунча беради.
2. Идрок турларини аниқлайди.
3. Макон ва замон моддий боғлиқ шакли сифатида, барча бошқа реалликлар каби идрок қилинишини таърифлайди**.**

**Биринчи саволнинг баёни.**

Идрок сезги аъзоларимизга таъсир қилиб турган нарсаларнинг онгда бевосита акс этишидир. Биз нарса ва ҳодисаларни яхлит ҳолича идрок қиламиз, нарсаларнинг айрим хоссаларини эса сезамиз. Масалан, қуёшни биз идрок қиламиз, унинг ёруғини эса сезамиз, оғзимиздаги чақмоқ қандни идрок қиламиз, унинг ширинлигини еса сезамиз. Аммо хосса ва нарса бир-биридан ажралмасдир, шу сабабли нарсаларни идрок қилиш ҳам сезгилардан ажралган ҳолда воқе бўлиши мумкин эмас. Биз бир нар-сани идрок қилаётганимизда унинг айрим хоссаларини ҳам сезамиз.

Бирор нарсанинг ўзини идрок қилмасдан ҳосил бўладиган сезгилар янги туғилган чақалоқ ҳаётининг дастлабки кунларидагина мавжуд бўлади. чақалоқ нарсанинг ўзини идрок қила билмаса ҳам ундан ҳосил бўладиган сезгиларни ажратади, масалан, ёруғ ва қоронғини, ширин ва нордонни сезади. Сезгилар, одатда содда, елементар психик жараёнлар ҳисобланади, идрок еса мураккаб психик жараёндир. Биз идрок қилаётган нарсалар ғоятда хилма-хилдир. Булар жумласига, аввало турли буюмлар, бинолар, дарахтлар, жиҳозлар, техника буюмлари ва ҳоказолар киради. Биз мусиқа, сурат, расм ва бошқа санъат

асарларини идрок қиламиз. Одамнинг ҳаётида нутқни оғзаки ва ёзма нутқни идрок қилиш енг катта ва муҳим ўрин тутади.

Масалан, столни идрок қилаётганимизда биз унинг жойини, атрофини ўраб олган стулларни, шу пайтда радиодан эшитилаётган мусиқани ҳам идрок қиламиз, хона ичидаги радио-приёмникни ҳам, кишиларни ҳам бир вақтда кўрамиз.

Биз нарса ва ҳодисаларни макон ва замон шароитида идрок қиламиз. **Ма**кон ва замон моддий боғлиқ шакли сифатида, барча бошқа **реалликлар каби** идрок қилинади. Бунинг маъноси шуки, биз нарсаларни, уларга хос бў**лган фазодаги** шакллари (куб, учбурчак, доира ваъҳоказо шакллари)га, **фазодаги** катта-кичиклиги (катта, кичкина, майда ва ҳоказо)га, фазодаги муносабатлари (бир-бирига ва бизга нисбатан яқин, узоқ, чап, ўнг томонда, юқори ва паст туришлари)га қараб идрок қиламиз, улар тинч ёки ҳаракат ҳолатларида идрок қилинади. Биз идрок қилиб турган нарса ва ҳодисаларни маълум вақт (замон) давомида пайдо бўлиш ва ўзгариб боришларида идрок қиламиз.

Идрокда идрок жараёнини, яъни онгимизнинг бевосита акс эттирувчи фаолиятини ва нарсаларни идрок қилиш (акс эттириш)дан ҳосил бўладиган субектив образни бир-биридан фарқ қилиш лозим.

**Биринчи савол бўйича назорат топшириқлари:**

1. Нарса ва ҳодисаларни олдиндан белгиланган муайян мақсадсиз идрок қилиш

А) Ихтиёрсиз диққат.

В)Ихтиёрсиз хаёл.

С) Ихтиёрсиз идрок.

Д) Ихтиёрсиз эсда қолдириш.

Е) Ихтиёрсиз тафаккур.

3. Идрок хусусиятларини бирма-бир номланг ва ҳар бирининг ўзига хос томонларини очиб беринг.

4. Идрокнинг физиологик асосларини қайси олимлар ўрганишган ва уларнинг таърифи бўйича идрокнинг нерв-физиологик механизми қандай амалга ошади? Изоҳланг.

## 2. Идрокнинг константлиги.

**2- савол бўйича дарснинг мақсади:** Талабаларга идрокнинг константлиги ҳақида маълумот бериш. Константлик ҳодисасини таърифлаш. Идрокнинг константлиги одамларнинг тажрибаси жараёнида, амалий фаолиятида вужудга келишини ва мустаҳкамланишини исботлаб бериш.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

1.Идрокнинг константлиги ҳақида маълумот беради.

2.Константлик ҳодисасини таърифлайди.

3. Идрокнинг константлиги одамнинг тажрибаси жараёнида, амалий фаолиятида вужудга келиб, мустаҳкамланишини исботлайди.

**Иккинчи саволнинг баёни:**

Идрокнинг константлиги шундан иборатки, биронта нарсани идрок қилишдан ҳосил бўлган образ, идрокнинг физик шароити ўзгариб турса ҳам, доимо шу образ ҳолича қолаверади. Идрокнинг константлиги кўриш идрокларида, нарсаларнинг катта-кичиклигини уларнинг шакли ва рангларини идрок қилишда, айниқса, яққол кўринади. Бизга маълумки, бирор нарсадан узоқлашсак, унинг кўзимиз тўр пардасидаги сурати (акси) кичраяди, аммо шу нарсанинг образи бу билан ўзгармайди, ўзгарганда ҳам билинар-билинмас ўзгаради. Тўғри бурчакли стол биздан 1 ***м*** ёки 10 ***м*** узоқроғда турса ҳам биз унга тўғридан ёки ёндан қарасак ҳам, унинг катталиги ва шаклининг акси кўз тўр пардасида ҳар сафар ўзгариб туришига қарамай, барибир ҳамиша ўз шакли ва катта-кичиклигини ўзгартирмагандек, боягича идрок қилинаверади.

Константлик ҳодисаси шуни кўрсатадики, биз нарсаларни кўриб турган пайтимизда, уларнинг кўз тўр пардасига тушган суратига айнан мувофиқ ҳолда кўрмай, балки шу нарсалар ҳақиқатда қандай майжуд бўлса, шу ҳолда кўрамиз.

Идрокнинг константлиги одамнинг тажрибаси жараёнида, амалий фаолиятида вужудга келиб, мустаҳкамланади.

Константлик ҳодисаси воқеликни билишда, теварак-атрофдаги муҳитни фаҳмлаб, кунда амалий иш кўришда жуда катта аҳамиятга эгадир. Идрокимизда константлик бўлмаганида эди, биз ҳар бир қимирлашимизда, бошимизни салгина бурганимизда, ёруғлик ўзгариб турганида, нарсалар ўз жойларидан андаккина силжиганида ҳам худди шу нарсаларни ҳар гал бутунлай бошқа-бошқа, янги нотаниш нарсалардек идрок қилардик, биз ҳатто ўз нарсаларимизни ҳам улардан ҳатто ярим метр узоқлашган тақдирда, таний олмасдик.

## Иккинчи савол учун назорат топшириқлари:

1. Бинокуляр кўришнинг предметни идрок этишдаги ўрнини аниқланг ?
2. Предметларнинг фазодаги ўрнини тўла аниқ идрок этиш қандай омилларга боғлиқ деб ўйлайсиз?
3. Идрокнинг константлиги деганда нимани тушунасиз? Фикрингизни асосланг.

## Идрок турлари. Рангларни идрок қилиш. Фазони ва ҳаракатни идрок қилиш . Вақтни идрок қилиш. Предметли яққол образларни яратиш.

**3- савол бўйича дарснинг мақсади:** Талабаларни идрок турлари билан таништириш. Идрок турларини таърифлаш. Рангларни идрок қилишни тушунтириш. Фазони ва ҳаракатни идрок қилишни белгилаш . Вақтни идрок қилишни ажратиш. Предметли яққол образларни яратишни кщриб чиқиш.

## Идентив ўқув мақсади:

Идрок турларини санайди. Рангларни идрок қилишни ўргатади. Фазони ва ҳаракатни идрок қилишни текширади . Вақтни идрок қилишни кўрсатади. Предметли яққол образларни яратишни асослайди.

## Учинчи саволнинг баёни:

Идрок ҳам ихтиёрсиз ва ихтиёрий бўлиши мумкин.

Муайян бир обектни олдиндан мақсад қилиб олмасдан ва махсус танланмасдан, куч сарф этмасдан идрок қилиш жараёни **ихтиёрсиз идрок** деб аталади. Бундай идрок жараёнлари диққатимизни беихтиёр ўзига жалб қилаётган обектларнинг таъсири билан қўзғалади; масалан, биз узоқдан келаётган поезд овозини беихтиёр эшитамиз, тунда қирда ёнаётган алангани узоқдан беихтиёр кўрамиз. Ўзининг ёруғлиги, ранг-баранглиги, ҳаракати, хушоҳанглиги, билан ажралиб турадиган нарса ёки ҳодисалар, одатда, беихтиёр идрок қилинади, шунингдек, айни вақтда биронта эҳтиёж ва манфаатимизга жавоб берадиган, шахсий тажриба ва билимларимизга энг кўп даражада мувофиқ келадиган ва биз учун ғоят катта аҳамияти бўлган обектлар ҳам беихтиёр идрок қилинади. Ихтиёрсиз идрок тетик, бардам вақтимизда бизда тўхтовсиз бўлиб турадиган жараёндир.

Олдин белгиланган мақсадга қараб муайян бир обектни идрок қилишни **ихтиёрий идрок** деб аталади. Бадиий бир расмни кўриш, докладни эътибор билан эшитиш, ёзма ишлардаги имло хатоларини чизиб ўтиш, кўпчилик орасида ўзимиз қидирган бир шахсни топиб ажратиш ихтиёрий идрокка мисол бўла олади. Ихтиёрий идрок ихтиёрсиз идрокдан айрилган ҳолда бўладиган жараён эмас. Ихтиёрсиз идрок ихтиёрий идрок учун «фон» бўлиб хизмат қилади.

Фазони идрок қилиш деганда нарсаларнинг фазодаги шаклларини, уларнинг фазодаги катта-кичиклигини ва ўзаро муносабатларини кўзда тутилади. Маълумки, фазодаги шаклларига қараб, уч бурчакли, тўрт бурчакли, куб, ва шу каби шаклдаги нарсалар ажратилади.

Фазони биз бир кўзимиз билан ҳам кўриб, яъни монокуляр, икки кўзимиз билан ҳам кўриб, яъни бинокуляр идрок қиламиз. Монокуляр идрок қуйидагича воқе бўлади. Биз кўз билан қараганимизда, биз шу нарсадан акс этган нурлар кўз гавҳарида синиб, кўзнинг тўр пардаси (сетчатка)да шу нарсанинг акс этган сурати фотоаппаратдагига ўхшаб, тўнкарилиб, тескари тушади. Аммо бунга қарамасдан, биз нарсани ҳақиқий ҳолатида, ҳақиқий шакли ва катта-кичиклигида кўрамиз, идрок қиламиз Нарсанинг четларидаги нуқталаридан акс этган нурлар кўз гавҳарида бир-бирини кесиб ўтади ва уларнинг кесилиш жойида кўриш бурчаги ҳосил бўлади. Бу бурчакнинг катта-кичиклиги идрок қилинаётган нарсанинг катта-кичиклигига ҳамда унинг кўздан қанчалик узоқ-яқин турганига боғлиқ бўлади. Фазони (монокуляр кўриш йўли билан) бир кўз билан етарли даражада аниқ ва мукаммал кўриб бўлмайди. Обектив дунё ҳодисаларини акс эттирадиган идрок, тассавур, фикр ва ҳоказолардан иборат бўлган биздаги субектив, психик ҳодисалар вақт давомида пайдо бўлади, ўзгариб ва алмашиб туради. Ҳаракатни идрок қилиш айни замонда ҳам фазони, ҳам вақтни идрок қилиш демакдир.Масалан, юраётган машинани кўриб турар эканмиз, биз айни вақтда унинг бизга нисбатан жойини ҳам ва бирор нуқтага нисбатан масофаси ўзгарган (яқинлашган ёки узоқлашган) вақтини ҳам идрок қиламиз. Идрок қилинаётган ҳаракатнинг тезлиги шу нарса ҳаракатининг обектив (ҳақиқий) тезлигига ҳамиша тенг баравар бўлавермайди. Айни бир хилдаги ҳаракат тезлиги, вазиятга қараб, ҳар хил идрок қилиниши мумкин: гоҳо илдамроқ, гоҳо секинлашгандек кўринади. Танамизга бевосита тегиб турган нарсаларнинг ҳаракатини биз тери сезгиси, мускул ва кўрув органлари воситаси билан идрок қиламиз.

Ҳаракатни кўз билан кўриб идрок етиш икки хил усул билан: биринчидан, ҳаракатда бўлган нарсага кўзни узмасдан қараганда унинг сурати кўз тўр пардасида ҳосил бўлади, иккинчидан, кўзимизни ҳаракатда бўлган нарса томон юритиш, ҳаракатини кузатиб бориш билан воқе бўлади. Одатда, ҳаракат ана шу иккала усул билан бир йўла идрок қилинади.

**Учинчи савол учун назорат топшириқлари:**

1. Нима учун идрок ҳаракат сифатида дейилади? Фикрларингизни асосланг.
2. Кузатувчанлик - ихтиёрий идрок этишнинг шарти сифатида. Кузатувчанликка психологик таъриф беринг ва шахс тараққиётидаги аҳамиятини кўрсатинг.
3. Фазо қандай идрок қилинади? Бунда бинокуляр кўришнинг аҳамияти нимада ?
4. Кўзларнинг турли олисликдаги нарсаларни аниқ-равшан кўришга мослашуви қандай номланади?

А. Аккомодация, конвергенция
В. аккомодация, адаптация
С.конвергенция, апперцепция
Д, адаптация, синестезия
Е. Апперцепция, аппликация

5. Идрок турларини сананг ?

## Иллюзия ва галлюцинация.

4- **савол бўйича дарснинг мақсади:** Талабаларни иллюзия ва галлюцинация билан мисоллар ёрдамида таништириш. Иллюзия ва галлюцинация ҳодисасини таърифлаш. Аристотел (Арасту) иллузиясини тушунтириш.

**Идентив ўқув мақсади:**

1. Талабаларни иллюзия ва галлюцинация билан таништиради.
**2.** Иллюзия ва галлюцинацияни таърифлайди.
3. Аристотел (Арасту) иллузиясини тушунтиради.

**Тўртинчи саволнинг баёни:**

Баъзи ҳолларда нарсалар нотўғри, янглиш идрок қилиниши мумкин. Нарсаларни бу тариқа нотўғри идрок қилишни **иллузия** деб аталади. Масалан, агар биз кўрсаткич ва ўрта бармоғимизни чалиштириб, нўхат ёки биронта

думалоқ нарсани чалиштирилган иккала бармоғимизнинг учи билан босиб туриб, айни бир вақтда айлантираверсак (биз нўхатни айлантирайлик), бармоқларимиз тагида битта эмас, балки икки нўхат бордек ҳис қиламиз. Ана шу ҳолда бир нарсанинг икки бўлиб сезилишини Аристотел (Арасту) иллюзияси дейилади. Оғирлиги айнан тенг, аммо катталиги ҳар хил бўлган икки буюмни кетма-кетига ушлаб турилса, каттаси енгилроқ, иккинчиси оғирроқдек туюлади. Металлдан ишланган 1 *кг* тарози тоши, 1 *кг* пахтадан оғирроқдек ҳис қилинади. Бу ҳол геометрик иллюзиялар деб ном берилган иллюзияларда, айниқса, яққол кўринади. **Маса**лан, узунлиги баравар бўлган икки чизиқнинг четларига икки хил **бурчаклар** чизилса, иллюзия пайдо бўлади, яъни бурчаклари ташқарига **қаратилган** чизиққа нисбатан бурчаклари ичкари томонга қаратилган чизиқ калтароқ бўлиб кўринади.

Идрок қилиб турган шахснинг психикасида рўй берадиган ўзгаришлар билан туғиладиган тасодифий иллюзиялар ҳам бўлади. Масалан, чўлда сувсаган киши узоқда ярқираб турган шўрхок ерни кўл деб ўйлаши (лекин бу иллюзияни саҳродаги саробдан фарқ қила билиш керак) ёки ўрмондаги тўнка одамнинг кўзига биронта йиртқич ҳайвонга ўхшаб кўриниши ва ҳоказо шу каби иллюзиялар жумласидандир.

Иллюзияни голлутсинатсиядан фарқ қилиш лозим. **Иллюзия** шу онда сезги органларимизга таъсир қилиб турган бир нарсани янглиш, нотўғри идрок қилиш бўлса, **голлутсинатсия** йўқ нарсаларни, ташқи таъсиротсиз «идрок қилинишидир»: ўрни тагида йўқ нарсанинг кўзга бордек кўриниши, йўқ овозларнинг қулоққа эшитилиши, йўқ нарсаларнинг иси димоққа урилиши ва бошқа шу кабилар голлутсинатсия маҳсулидир. Голлутсинатсия шахснинг гўё бирор нарсани кўргандек, эшитгандек, ушлагандек, ва бошқа шу каби тасавуридир, холос. Голлутсинатсия кўпинча касалликдан дарак берувчи аломатдир, у нерв системаси биронта заҳарли нарса (алкогол, кокаин, наша) билан таъсирланганда, нерв системасини бузадиган касалликлар оқибатида рўй беради.

**Тўртинчи савол учун назорат топшириқлари:**

1. Идрок қилиб турган шахснинг психикасида рўй берадиган ўзгаришлар билан туғиладиган тасодифий иллюзиялар қандай иллюзи дейилади ? Тушунтиринг ?
2. Иллюзия ва галлюцинация ҳодисаларини ўрганиб, қиёсий солиштиринг ?
3. Идрок иш-ҳаракат доирасида эканлигини исботланг ?
4. Идрокнинг индивидуал хусусиятларини ажратинг ?.

**Мавзу бўйича асосий хулосалар:**

Идрок. Идрок – иш-ҳаракат тариқасида эканлигини тушунтириш. Идрокнинг константлигини текшириш. Идрок турларини санаш. Рангларни идрок қилишни, фазони ва ҳаракатни идрок қилишни, вақтни идрок қилишни предметли яққол образларни яратишни кўриб чиқиш. Иллюзия ва галлюцинацияни аниқлаш.

## 11- мавзу: Хотира

| Т/р | Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни | Амалга оширувчи шахс, вақт |
|---|---|---|
| **1** | **Тайёрлов босқичи:**<br>**1.1.Дарс мақсади:** Хотирани тавсифлаш. Хотира турларини аниқлаш. Хотира жараёнларини кўриб чиқиш. Киши ҳаётида ва унинг фаолиятида хотиранинг аҳамиятини текшириш. Хотиранинг фаолият, диққат, ва тафаккур билан ўзаро боғлиқлигини ажратиш. П.П.Блонский таълимотини таърифлаш.<br>**1.2. Идентив ўқув мақсадлари:** | **Ўқитувчи** |

| | | |
|---|---|---|
| | 1. Хотирани тавсифлайди.<br>2.Хотира турларини аниқлайди.<br>3. Хотира жараёнларини кўриб чиқади.<br>4. Киши ҳаётида ва унинг фаолиятида хотиранинг аҳамиятини текширади.<br>5. Хотиранинг фаолият, диққат, ва тафаккур билан ўзаро боғлиқлигини ажратади.<br>4. П.П.Блонский таълимотини таърифлайди.<br>**1.3. Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Антероград, ретроград, антероретроград, амнезия, мия излари ҳаракат ёки мотор ҳаракат хотираси,<br>образли хотира, ҳис-туйғу ёки ҳиссиёт хотираси, сўз-мантиқ хотира, ихтиёрсиз, ихтиёрий, механик, қисқа муддатли хотира, узоқ муддатли, оператив (тезкор) хотира, мусиқий, эшитиш хотираси, феноменал, касбий.<br>**1. 4. Дарс шакли:** кириш-ахборотли маъруза<br>**1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза, бахс, видеоусул, савол-жавоб, тушунтириш, тақдимот.<br>**1.6. Кераклиジ жиҳоз ва воситалар:** слайдлар, дарсликлар, мавзуни кўриб чиқишга доир материаллар ва мавзунинг мазмунини ифодаловчи лавҳалар, кўргазмали материаллар. | |
| 2 | **Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:**<br>**2.1.** Мавзу эълон қилинади.<br>**2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади. | **Ўқитувчи, 15 минут** |
| 3 | **Гуруҳда ишлаш босқичи:**<br>**3.1.** Талабаларга хотира мавзуга оид муаммоли савол берилади.<br>**3.2.** Талабаларнинг хотира ҳақидаги фикри эшитилади ва бошқа талабалар бахсга чақирилади.<br>**3.3.** Талабаларнинг хотира ҳақида фикри тингланиб, умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.<br>**3.4.** Умумий хулосани ўқитувчи баён қилади. | **Ўқитувчи-талаба, 40 минут** |
| 4 | **Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:**<br>1. Хотирани таърифланг ?<br>2. Хотира турларини аниқланг?<br>2. Хотира жараёнларини кўриб чиқинг?<br>3. Киши ҳаётида ва унинг фаолиятида хотиранинг аҳамиятини аниқланг? П.П.Блонский таълимотини ўрганинг.<br>4.Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади. | **Ўқитувчи, 15 минут** |
| 5 | **Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:**<br>**5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади.<br>**5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади. | **Ўқитувчи, 10 минут** |

## Асосий саволлар.

1.Хотира ва хотира турлари.
2.Хотира жараёнлари.
3. Хотиранинг инсон ҳаётидаги ўрни.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Антероград, ретроград, антероретроград, амнезия, мия излари ҳаракат ёки мотор ҳаракат хотираси,
образли хотира, ҳис-туйғу ёки ҳиссиёт хотираси, сўз-мантиқ хотира, ихтиёрсиз, ихтиёрий, механик, қисқа муддатли хотира, узоқ муддатли, оператив (тезкор) хотира, мусиқий, эшитиш хотираси, феноменал, касбий.

## Мавзу бўйича асосий муаммолар

Хотирани қандай изоҳлайсиз? Мисоллар билан тушунтиринг. Хотира турларини ҳар бирини алоҳида таърифлаб тушунтириб бера оласизми? Узоқ муддатли ва

қисқа муддатли хотирани бир-бирларидан фарқини тушунтириб беринг? Мисоллар билан тушунтиринг. Хотира назарияларини асосланг.

## 1. Хотира ва хотира турлари.

**Биринчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Хотира ҳақида тушунча бериш. Хотира турларини аниқлаш. Хотира жараёнларини текшириб, қиёсий солиштириш. Хотиранинг ўсишини тажрибаларда кузатиш. Хотирани ўқиш фаолиятида ўстиришнинг вазифалари ва унинг шарт-шароитларини белгилаш.

### Идентив ўқув мақсадлари.

1. Хотирани талабаларга тушунтиради.
2. Хотира назарияларини кўриб чиқади.
3. Хотира турларини ажратади.
4. Хотира турларини аниқлаб, қиёсий солиштиради.

### Биринчи саволнинг баёни.

Онгимизда акс эттирган нарсаларни мустаҳкамлаш, сақлаб қолиш ва кейинчалик тиклаш (есга тушириш) дан иборат бўлган ақлий фаолият хотира дейилади.

Умумий психологияда хотира 5 та муҳим мезонга мувофиқ равишда турларга, кўринишларга ажратилади:

Руҳий фаолиятнинг фаоллигига кўра хотира қуйидаги турларга бўлинади:

а) ҳаракат ёки мотор ҳаракат хотираси;
б) образли хотира;
в) ҳис-туйғу ёки ҳиссиёт хотираси;
г) сўз-мантиқ хотира.

Руҳий фаолиятнинг мақсадига биноан;

а) ихтиёрсиз, б)ихтиёрий, в) механик.

Руҳий фаолиятнинг давомийлигига кўра:

а) қисқа муддатли хотира;
б) узоқ муддатли;
в) оператив (тезкор) хотира.

Руҳий фаолият қўзғатувчисининг сифатига кўра:

а) мусиқий, б) эшитиш хотираси.

Руҳий фаолиятнинг инсон йўналишига қараб:

а) феноменал, б) касбий.

**Образ хотираси** – яққол мазмунни, яъни нарса ва ҳодисаларнинг аниқ образларини, уларнинг ёрқин хусусияти ва боғланишларини есда қолдириш, мустаҳкамлаш ҳамда есга туширишдан иборат хотира тури. Образ хотираси анализаторларнинг (ташқи ва ички муҳитдан келадиган таассуротларни қабул қилиб, физиологик жараён ҳисобланган қўзғалишни руҳий жараёнга айлантирувчи асаб механизмлари тизими) номига кўра кўрув, ешитув, тери сезгиси каби турларга бўлинади.

**Ҳаракат хотираси** - турли ҳаракатларни, уларнинг бажарилиш тартиби, тезлиги, суръати, изчиллиги ва бошқа сифатларини есда қолдириш, мустаҳкамлаш ҳамда есга туширишдан иборат тури. Ҳаракатни есга тушириш шу ҳаракатни бевосита бажариш ёки тасаввур қилиш орқали содир бўлади.

**Мантиқ хотираси** - маълум ғоялар, фикрлар, ҳамда улар ўртасидаги мантиқий боғланишларни есда қолдириш, мустаҳкамлаш ва зарур пайтларда есга туширишдан иборат бўлган хотира тури. Масалан, фалсафий мушоҳадалар, қонуниятлар ва шу кабиларнинг есда қолдириш, мустаҳкамлаш ва қайта тиклаш жараёнларидир. Механик (грек. онгга йўналтирилмаган) хотира - муайян материални унинг мазмуни, моҳияти, ички мантиқий боғланишларига тушунмаган ҳолда, фақат муҳим бўлмаган ташқи белгиларига асосланиб есда қолдириш, мустаҳкамлаш ва есга туширишдан иборат хотира тури.

**Мусиқа хотираси** - аввал идрок қилинган мусиқа образларини есда қолдириш, мустаҳкамлаш ва кейинчалик уларни қайта есга туширишдан иборат хотира тури.

**Касбий хотира** - бевосита ўз касбига доир нарса ва ҳодисаларни, фикр, мулоҳаза, ҳиссиёт, ҳаракатларни есда қолдириш, мустаҳкамлаш ва есга туширишдан иборат хотира тури. Масалан, ўқитувчи талаба ҳамда ўқувчиларнинг психик хусусиятларини, ўз фанига оид қоида ва қонуниятларини; давлат автомобиль назорати ходимлари кўпроқ автомашиналарнинг рақамлари ва тусларини; спортчи ўз соҳасига тааллуқли хатти-ҳаракатлар, мусобақалар кўригини, ҳамкасбларини есда қолдириш ва есга туширишга мойилдирлар.

**Феноменал** (гр. – ноёб) хотира - идрок қилинган нарса ва ҳодисаларни, уларнинг боғланиши муносабатларини фавқулодда тез ҳамда аниқ эсда қолдириш ва эсга туширишга қаратилган нодир қобилияти.

**Эшитиш хотираси** - товуш қўзғатувчиларини сезиш, идрок қилиш натижасида ҳосил бўлган эшитиш образларини есда қолдириш, мустаҳкамлаш ва есга туширишдан иборат хотира тури.

Есда қолдириш - идрок қилинган материалларни, нарса ва ҳодисаларни онгимизда қолдиришдан иборат хотира жараёни.

**Тезкор (оператив. лот. оператив-тезкор) хотира** инсон томонидан бевосита амалга ошириладиган кўз ҳаракатлари, ақлий ҳаракатлар учун хизмат қилувчи хотира жараёнидан иборатдир. Масалан, математик амални бажаришга киришар еканмиз, биз уни бўлакларга ажратиб бажаришга киришамиз;

**қисқа муддатли хотира** - бир марта, шунингдек, қисқа вақт оралиғида идрок қилиш ҳамда шу кездаёқ қайта тиклашдан иборат бўлиб, қисқа муддатли есда олиб қолиш билан тавсифланади. Ахборотнинг сақланиши 30 секундгача бўлиши мумкин.

**Узоқ муддатли хотира** - кўп марталаб такрорлаш ва қайта тиклашлар орқали узоқ вақт, муддат есда олиб қолишга мўлжалланган хотира тури.

**Биринчи савол бўйича назорат топшириқлари:**

1. Хотира ҳақида умумий тушунчангизни баён қилинг ?
2. Хотиранинг нейрофизиологик асосларини тушунтиринг ?
3. Хотира турларини психологик тавсифланг ?
4. Эсда олиб қолиш турлари ҳақида мушоҳадаларингизни билдиринг ?
5. Эсга туширишнинг психологик моҳиятини ёритинг ?
6. Хотира маҳсулдорлигини ошириш йўл ва воситаларини изоҳланг ?
7. Инсонда хотиранинг ривожланишини тавсифланг ?

## 2. Хотира жараёнлари.

**2-савол бўйича дарснинг мақсади:** Хотира жараёнлари ҳақида маълумот бериш. .Асаб тизимида изларнинг сақланишини тушунтиш. Изларнинг «консолидацияланиш» жараёнини кузатиш.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

1. Хотира жараёнлари ҳақида маълумот беради.
2. Асаб тизимида изларнинг сақланишини тушунтиради.
3. Изларнинг «консолидацияланиш» жараёнини кузатади.

**Иккинчи саволнинг баёни:**

*Асаб тизимида изларнинг сақланиши*

қўзғатувчи таъсири остида ҳосил қилинган изларнинг узоқ муддат сақланиш ҳодисасининг ҳайвонот оламини тараққиёти жараёнида намоён бўлиш хусусияти тадқиқотчилар томонидан текширилган ва муайян даражада маълумотлар тўплаш имкониятига эга бўлганлар.

Тажрибада аниқланишича, полипларнинг (медузага ўхшаш жониворлар) асаб тизимига бир маротаба електр токи билан таъсир қилиш орқали қўзғатишни вужудга келтириш бир неча соат давомида сақланиб қолувчи ритмик електр импульсларини ҳосил қилади. Ҳайвонот олами йирик намояндаларининг марказий асаб тизимини тадқиқот қилиш давомида худди шунга ўхшаш ҳодиса

қайд қилинган. Масалан, бир маротаба бирданига електр лампочкасини ёқиш билан қўзғатиш орқали уй қуённинг юқори икки дўнглигида узоқ муддат қайд етиш мумкин бўлган ритмик електр разрядларини ҳосил қилади.

1. *Изларнинг «консолидацияланиш» жараёни.*

Инсоннинг бош мияси жароҳатланганда, жароҳатгача бўлган қисқа вақт ичида ва жароҳатдан кейин маълум вақт оралиғида таъсир қилган қўзғовчиларнинг изи сақланмайди. Бош суяги оғир жароҳатланиб, одам хушидан кетганда, шикастлангангача қандай ҳодиса рўй берганлигини ва ундан сўнг рўй берган ҳодисани сира еслай олмайди. Бу ҳол антероград, ретроград ва антероретроград амнезияси деган ном олган. Бу ҳолат шуни кўрсатадики, нерв тизимига рўй берган кучли шок (руҳий оғир фавқулоддаги хасталаниш) мия маълум муддатга унга етиб келган қўзғатувчиларнинг изларини сақлашга қобилиятсиз қилиб қўяди.

Антероград, ретроград ва антероретроград амнезия мия изларини есда олиб қолишга қобилиятсиз бўлиб қолган вақт оралиғини ўлчаш имконини берди. Масалан, 78-км да ҳалокатга (аврияга) учраган мотоциклчи 64-км дан бошлаб кўрган барча нарсаларни есдан чиқаради. У соатига 60 км тезлик билан кетаётганлиги сабабли ҳалокатдан 10-15 минут олдин рўй берган таассуротларнинг изларини мустаҳкам сақлаб қола олмаган. Демак, изларнинг хотирада мустаҳкамланиши ёки психологияда айтилганидек, «консалидация»ланиш учун 10-15 минут кифоя қилар екан, холос.

Шунга ўхшаш омиллар асосида махсус тажрибалар ўтказилиб, бунда синалувчиларга сунъий кучсиз шок берилади ва қандай муддат оралиғи хотирадан тушиб қолиши кузатилади.

Психолог Федор Дмитриевич Горбовнинг тажрибалари бунга яққол мисол бўла олади: унда синалувчилар белгилар (4, 1, -8, 5) ўтиб туради. Синалувчилар берилган сонни илгари натижага қўшиб ёки ундан айириб, арифметик операцияларни бажаришлари зарур эди. Албатта, мисолларни ечиш давомида синалувчи хотирасида илгариги натижаларни сақлаш керак эди. Фавқулодда «бирданига» синалувчига кескин ёруғлик чақнаши кўринишида «шок» берилади.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, бундай ҳолларда текширилувчилар ҳозиргина олинган натижани есларидан чиқариб қўйиб, ҳисобни охиргисидан емас, балки олдингисидан давом еттирдилар. Тажрибалр шуни кўрсатдики, кучсизгина шок унгача бўлган изларни ўчирар ва изларнинг «консалидация»ланиши учун зарур бўлган шароитга тўсқинлик қилар екан.

Юқоридаги кузатишлар шундай фикрлар олиб келдики, изларнинг мустаҳкамланиши учун муайян вақт талаб қилинади ва ушбу фактни текшириш учун психологияда қатор тадқиқотлар ўтказила бошланди.

**Иккинчи савол бўйича назорат топшириқлари:**

1. Хотира тўғрисида умумий тушунча.
2. Хотиранинг моддий асослари ва механизмлари ҳақида мулоҳазалар.
3. Хотира турлари моҳияти ва уларнинг ривожланиши.
4. Хотира жараёнларининг психологик таҳлили ва талқини.
5. Хотира сифатлари юзасидан мушоҳадалар.
6. Хотира патологияси ва коррекцияси.

## 3. Хотиранинг инсон ҳаётидаги ўрни.

**3-савол бўйича дарснинг мақсади:** Хотиранинг инсон ҳаётидаги ўрнини ва аҳамиятини тушунтириш, Таълим ишларида хотиранинг аҳамиятини аниқлаш. Фан асосларини ўқиб ўрганишда хотиранинг ўрнини белгилаш.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

1. Хотиранинг инсон ҳаётидаги ўрнини ва аҳамиятини тушунтиради.
2. Таълим ишларида хотиранинг аҳамиятини аниқлайди.

**Учинчи саволнинг баёни:**

Хотира туфайли онгимизда фақат ҳозирги пайтдаги нарсалар, ҳодисалар акс етиб қолмай, балки ўтмишда идрок қилинган нарса ва ҳодисалар, кечирган туйғу, фикрлар ҳам акс етади. Одам хотира туфайли малака ва кўникмалар ҳосил қилади, билимини бойитади ва савиясини кенгайтиради. Хотира бошқа психик жараён-ларнинг фаолияти ва тараққийси учун катта аҳамиятга егадир.

Хотира инсон фаолиятининг ҳамма хилларида анча муҳим рол ўйнайди. Ҳатто ёш болалар ҳам агар уларда баъзи бир билим, кўникма ва малака-лар бўлсагина ўйнай оладилар, бўлмаса ўйнай олмайдилар. Ҳар қандай меҳнат хоҳ жисмоний, хоҳ ақлий меҳнат зарур билим, малака ва кўникмалар мавжуд бўлганидагина амалга ошмоғи мумкин.

Хотиранинг аҳамияти таълим ишларида, айниқса, яққол кўринади.

Мактабдаги таълим ишларининг энг биринчи ва асосий вазифаси ўқувчиларни фанлар асоси билими билан қуроллантириш, бойитишдир. Хотирада мукаммал билмай туриб фан асосларини ўқиб олиш мумкин эмас. Мактабларда таълим ишлари шундай йўлга қўйилмоғи керакки, ўқувчиларга ўқитилаётган материал уларнинг хотирасида мустаҳкам сақланиб қоладиган бўлсин. Шу сабабдан, ўқитувчи таълим жараёнида ўз ўқувчиларини ўрганиб, ҳар бир ўқувчисини яхши билиши, жумладан, ҳар бир ўқувчисининг хотираси қандай эканлигини, бу хотиранинг қандай ўсиб бораётганлигини, хотира-нинг ўсишига нималар сабаб бўлаётганини ва ўқувчиларнинг хотирасини мактаб таълими ишлари жараёнида қандай йўл ва воситалар билан ўстириш кераклигини билмоғи лозим.

**Учинчи савол учун назорат саволлари:**

1.Хотира ҳақида умумий тушунчангизни баён қилинг.
2.Хотиранинг физиологик асосларини тушунтириб беринг.
3.Хотира турларининг психологик тавсифланг.
4.Есда олиб қолиш турлари ҳақида мушоҳадаларингизни билдиринг.
5.Есга туширишнинг психологик моҳиятини ёритинг.
6.Хотира маҳсулдорлигини ошириш йўл ва воситаларини сўзлаб беринг.
7.Инсонда хотиранинг ривожланишини мисоллар ёрдамида тушунтиринг.

**Мавзу бўйича асосий хулосалар:**

Хотира ва хотира назарияларини тушунтириш. Хотира жараёнларини кузатиш.
3.Хотира турларини санаш. Хотиранинг индивидуал психологик фарқларини ажратиш. Хотиранинг фаолият, диққат, ва тафаккур билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш. П.П.Блонский таълимотини ўқиб-ўрганиш.

## 12- мавзу: Хаёл.

| Т/р | Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни | Амалга оширувчи шахс, вақт |
|---|---|---|
| **1** | **Тайёрлов босқичи: 1.1. Дарс мақсади:** Хаёл тўғрисида тушунча бериш. Хаёл ва муаммоли вазиятни аниқлаш. Хаёл турларини санаш. Хаёл жараёнларида аналитик-синтетик фаолиятни ўрганиш. Болаларнинг ўйин ва катталарнинг ижодий фаолиятида фантазиянинг ролини белгилаш. Орзу ва ширин хаёлларни ажратиш ва қиёсий солиштириш. Бадиий ва илмий ижодиётда фантазиянинг аҳамиятини кўриб чиқиш.<br>**1.2. Идентив ўқув мақсадлари.**<br>1. Хаёл тўғрисида тушунча беради.<br>2.Хаёл ва муаммоли вазиятни аниқлайди. Хаёл турларини ажратади. | **Ўқитувчи** |

| | | |
|---|---|---|
| | 3.Хаёл жараёнларида аналитик-синтетик фаолиятни ўрганади.<br>4.Болаларнинг ўйин ва катталарнинг ижодий фаолиятида фантазиянинг ролини белгилайди.<br>5.Орзу ва ширин хаёлларни ажратади ва қиёсий солиштиради. Бадиий ва илмий ижодиётда фантазиянинг аҳамиятини кўриб чиқади.<br>**1.3. Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** ижодий хаёл, хаёл кенглиги, хаёл мазмундорлиги, реал образлар, хаёл кучи. аналитик-синтетик, фантазия, иккинчи тенденция, биосфера, неосфера, тасаввурлар, таъсирланиш, тимсоллар, ижтимоий-тарихий тараққиёт<br>**1.4. Дарс шакли:** кириш-ахборотли маъруза<br>**1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза, бахс, видеоусул, савол-жавоб, тушунтириш, тақдимот.<br>**1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:** слайдлар, дарсликлар, мавзуни кўриб чиқишга доир материаллар ва мавзунинг мазмунини ифодаловчи лавҳалар, кўргазмали материаллар. | |
| 2 | **Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:**<br>**2.1.** Мавзу эълон қилинади.<br>**2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади. | **Ўқитувчи, 15 минут** |
| 3 | **Гуруҳда ишлаш босқичи:**<br>**3.1.** Талабаларга хаёл мавзуга оид муаммоли савол берилади.<br>**3.2.** Талабаларнинг хаёл ҳақидаги фикри эшитилади ва бошқа талабалар бахсга чақирилади.<br>**3.3.** Талабаларнинг хаёл ҳақида фикри тингланиб, умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.<br>**3.4.** Умумий хулосани ўқитувчи баён қилади. | **Ўқитувчи-талаба, 40 минут** |
| 4 | **Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:**<br>1. Хаёлга таъриф беринг?<br>2. Хаёл жараёнларида аналитик-синтетик фаолиятни белгиланг?<br>3. Орзу ва ширин хаёлни ажратинг?<br>4. Хаёлнинг турлари ва хусусиятларини аниқланг?<br>5. Хаёлнинг кенглиги ва мазмундорлигини таърифлаб, умумий тушунчангизни баён қилинг?<br>**6.** Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади. | **Ўқитувчи, 15 минут** |
| 5 | **Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:**<br>**5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади.<br>**5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади. | **Ўқитувчи, 10 мин** |

## Асосий саволлар.

1.Хаёл. Хаёл тўғрисида тушунча.
2.Хаёл ва муаммоли вазият. Хаёл турлари.
3.Хаёл жараёнларида аналитик-синтетик фаолият.
4.Болаларнинг ўйин ва катталарнинг ижодий фаолиятида хаёл ва фантазиянинг роли.
5.Орзу ва ширин хаёллар. Бадиий ва илмий ижодиётда фантазия.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва сўзлар:** Ижодий хаёл, хаёл кенглиги, хаёл мазмундорлиги, реал образлар, хаёл кучи. аналитик-синтетик, фантазия, иккинчи тенденция, биосфера, неосфера, тасаввурлар, таъсирланиш, тимсоллар, ижтимоий- тарихий тараққиёт

## Мавзу бўйича асосий муаммолар

Хаёл ва муаммоли вазиятлар қандай фарқ қилинади? Хаёл жараёнида аналитик-синтетик фаолиятни қандай ажратасиз? Болаларнинг ўйин ва катталарнинг ижодий фаолиятида фантазиянинг ролини кўрсатади. Бадиий ва илмий ижодиётда фантазия бўлиши керакми? Керак бўлса нима учун? аҳамиятини тушунтириб беринг?

## 1.Хаёл. Хаёл тўғрисида тушунча.

**Биринчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Хаёлни таърифлаш. Хаёл тўғрисида талабаларга тушунча бериш.

### Идентив ўқув мақсадлари.

1. Хаёлни таърифлайди.
2. Хаёл тўғрисида талабаларга тушунча беради.
3. Талабаларда хаёл мавзусини ўрганишга қизиқиш уйғотади.

### Биринчи саволнинг баёни.

Биз Антарктикада, Жанубий қутбда бўлмаган, узоқ улкаларда тадқиқотчиларнинг ҳаётини ва ишини кўрмаган бўлсак ҳам, лекин улар ҳақида бизнинг тасаввуримиз бор. Биз космик кемаларнинг Ойга ва бошқа планеталарга учишини тасаввур қилишимиз мумкин. Бу тасаввурларни хаёлимиз яратиб беради, хотира тасавурларидан фарқ қилган бу тасаввурлар хаёл тасаввурлари ёки фантазия тасаввурлари деб аталади.

Хаёл вужудга келтираётган образлар (тасавурлар) фақат онгнинг суб-ектив мазмунигина бўлиб қолмайди, шу билан бирга, бу образлар одам-ларнинг ҳаёти ва фаолиятида оғзаки ва ёзма нутқда ифодаланадилар; нарса-ларда, бўёқларда, товушларда, шеър ва проза тариқасидаги адабий асарларда ва санъатнинг бошқа турларида гавдаланади.

**Хаёл онг фаолиятидир, бу фаолият илгари биз идрок қилмаган, тажрибамизда учратилмаган нарса ва ҳодисаламинг образларини мавжуд тасаввурларимиз асосида миямизда яратишда ифодаланади.**

Онгнинг бошқа функсиялари каби хаёл ҳам, тарихан, аввало одамнинг меҳнат фаолиятида ривожланиб келган. Одамлар ўз эҳтиёжларини қондирмоқ учун одам аралашмасданоқ табиат бераётган маҳсулдан ҳам кўра кўпроқ маҳсул олиш ниятида теварак-атроф оламни ўзгартирганлар ва уни ўзларига буйсундирганлар. Ўзгартирмоқ ва яратмоқ учун эса исталган нарсани олдиндан тасаввур қилиш, шундай ўзгартиришга қандай йўллар билан эришишни ва унинг натижаларини тасаввур қилиш лозим бўлган.

Бора-бора одамнинг хилма-хил эҳтиёжлари ижтимоий, билиш, эстетик ва шу каби эхтиёжлари ривожлана борган сари хаёл ҳам ривожлана борган.
Жамиятдаги одамларнинг ижодий фаолиятида намоён бўлаётган хаёл ҳам ижтимоий ҳаёт шароитига ва умумий маданий ривожланиш даражасига қараб, шу жамиятдаги одамларнинг асосий интилишларига қараб, алоҳида характер, алоҳида йўналиш касб қилаверади.

### Биринчи савол учун назорат топшириқлари:

1. Хаёл тўғрисида умумий тушунчангизни баён қилинг ?
2. Хаёл турларини психологик тавсифланг ?
3. Хаёлнинг хусусиятларини ажратинг ?
4.Хаёлнинг физиологик асосларини асосланг ?
5. Хаёл шаклларини психологик талқин қилинг ?
6. Хаёлнинг болаларда ривожланишини текширинг ?

## 2.Хаёл ва муаммоли вазият. Хаёл турлари.

**Иккинчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Хаёл турларини таърифлаш. Хаёл турлари тўғрисида талабаларга тушунча бериш. Тасаввур хаёли ва ижодий хаёлни ажратишни ўргатиш. Ихтиёрсиз ва ихтиёрий хаёл ҳақида маълумот бериш.

### Идентив ўқув мақсадлари.

Хаёл турларини таърифлайди ва тушунтириб беради.

Талабаларда хаёл мавзусини ўрганишга қизиқиш уйғотади. Хаёл турлари тўғрисида талабаларга тушунча беради. Тасаввур хаёли ва ижодий хаёлни ажратишни ўргатади. Ихтиёрсиз ва ихтиёрий хаёл ҳақида маълумот беради.

## Иккинчи саволнинг баёни.

Хаёл ҳар хил турларда намоён бўлади: Тасаввур хаёли, ижодий хаёл, ихтиёрсиз ва ихтиёрий хаёл.

**Тасаввур хаёли ва ижодий хаёл.** Тасаввур хаёли деб, ҳозир ёки ўтмишда аслида мавжуд бўлса ҳам, лекин бизнинг тажрибамизда ҳали учрамаган ва биз идрок қилмаган нарса ва ҳпдисалар тўғрисида тасаввур ҳамда образлар яратишдан иборат бўлган хаёл турини айтамиз Бу нарсаларнинг образлари бошқа кишиларнинг айтиб берган сўзлари асосида, шунингдек, ёзма ва бошқа ҳужжатлар асосида яратилади.

Тасавур хаёли жараёнида одам ўзи кўз олдига келтираётган образнинг обекти ҳақиқатан ҳам муайян жойда бўлганлигини ёки муайян вақтда бўлганлигини англайди.

**Ижодий хаёл** деб, бизнинг тажрибамизда бўлмаган ва воқеликнинг ўзида ҳам учрамаган нарса ва ҳодисалар ҳақида тасавур ва образлар яратишдан иборат бўлган хаёл турига айтилади.

Одам ўзининг ижодий хаёлида ўзи бирор янги, оригинал нарса яратади. Масалан, ёзувчи ўз асари учун персонажларнинг типик образларини яратаётганида унинг хаёли мана шундай ижодий хаёл бўлади. Ихтирочининг янги машина, янги асбоб лойиҳасини яратаётганидаги хаёли мана шундай ижодий хаёлдир. Ижодий хаёлнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат бўлади. Авало яратилаётган образнинг обекти ҳақиқатда йўқлиги, қандайдир бирон янги нарса яратилаётганлиги англанади.

Орзулар ва ширин хаёл суришлар ижодий хаёлнинг алоҳида турларидир. **Орзу** ижодий хаёлнинг тилакдаги келажакка қаратилган фаолиятидир. Орзу қилиш кўнглимизга ёқадиган истиқбол образларини яратиш демакдир. Ёшлардан айримлари келгусида педагог, муҳандис, токар, врач, трак-тор ҳайдовчи, учувчи ва ҳоказо бўлишни орзу қилади. **Ширин хаёл суриш** муайян бир нарсага қаратилмаган муайян бир системага эга бўлмаган хаёл жараёнидир. Ширин хаёлга ботган вақтда турли образлар кўз ўнгидан бирин-кетин бетартиб ўта беради.
Ихтиёрсиз хаёлда олдиндан белгиланган мақсад бўлмайди, бунда ирода фаол иштирок этмайди. Бу ҳолда образлар ўз-ўзидан пайдо бўлади. Ихтиёрсиз хаёл авало қондирилмаган шу топдаги эҳтиёж сабабли туғилади, Масалан, одам сувсиз чўл-биёбонда юриб, жуда чанқаб қолган вақтида унинг хаёлида булоқ, дарё ва сув кабиларнинг образлари беихтиёр пайдо бўла бошлайди. Бирор нарса ёки ҳодисани идрок қилиш, тасаввур қилиш, бирор фикр, нутқ, ҳисларнинг таъсири билан ҳам ихтиёрсиз хаёл сурилади. Тарих, географияга оид китобларни, техникага доир китобларни ва, айниқса, бадиий асарларни ўқиган вақтда бизнинг онгимизда турли жойларнинг, воқеаларнинг, шахсларнинг ва бошқа шу кабиларнинг образлари беихтиёр пайдо бўлади.

## Иккинчи савол учун назорат топшириқлари:

**1.** Ижодий хаёлни таърифланг ?
2. Орзу ва ширин хаёлни ажратинг ?
3.Тасавур хаёли қандай содир бўлади ? Тушунтириб беринг ?
4. Ихтиёрсиз ва ихтиёрий хаёл ҳақида маълумот беринг ?
5. Санъат асарларининг яратилишида хаёлнинг аҳамияти борми ? Бор бўлса фикрингизни асосланг ?
6. Одамнинг уйқу ҳолатида туш кўришида хаёлнинг алоқаси борми ? Исботланг ?
7. Ширин хаёл суриш пайдо бўлишини тушунтиринг ?

## 3. Хаёл жараёнларида аналитик-синтетик фаолият.

**Учинчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Хаёлнинг аналитик-синтетик хусусиятини талабаларга ажратиб кўрсатиш. Хаёлнинг феноменлари ҳақида маълумотлар бериш.

**Идентив ўқув мақсадлари.**

Хаёлнинг аналитик-синтетик хусусиятини талабаларга ажратиб кўрсатади. Хаёлнинг феноменлари ҳақида маълумотлар беради.

Талабаларда хаёл мавзусини ўрганишга қизиқиш уйғотади

**Учинчи саволнинг баёни.**

Янгилик элементлари, баъзи жабҳаларининг қўшимча аломатлар билан бойитилиши, ижод қилиниши хаёлнинг асосий вазифаси эканлиги ғоясини акс эттирувчи тенденция психология фанида аксарият илмий мактаблар томонидан тан олинган ва тараққиёт ҳаракатлантирувчиси сифатида қатъий равишда ҳимоя қилиниб келинмоқда. Иккинчи тенденция биосфера ва неосфера тўғрисидаги маълумотлар, тасаввурлар, таъсирланиш, тимсоллар ижтимоий- тарихий тараққиёт давомида қайтадан тикланиш орқали хаёл маҳсули сифатида сақланиб келади, деган ғояга асосланади. Бу тенденцияда образларнинг тикланиши, сақланиши, кучайиши ёки ўчмас из тариқасида узлуксиз равишда инсон хотирасида, кўз ўнгида намоён бўлиши, гавдаланиши ҳаёт ва фаолият учун бирламчи эканлиги исботлашга ҳаракат қилинади. Ҳар иккала тенденция ҳам хаёл ҳолатининг аналитик вазифасини бажариш имкониятига эга бўлиб, ўзаро бир-бирини инъкор этиш даражасига олиб бормасликни тақозо қилади. Шунинг учунг ижодий хаёл янги образларни вужудга келтириш билан тараққиётга улуш қўшади, яққол воқелик ва уларнинг тимсоллар ҳақидаги маълумотлар, чизғилар тасвири ҳамда тасаввурларини қайта тиклаш орқали инсоният билими, тажрибасини бойитади.

Хаёл аналитик ҳолатдан ташқари синтетик хусусиятга ҳам эгадир. Хаёлнинг синтетик ҳолати ушбу феноменлар орқали ифодаланади: агглютинация (лот. Agglutinare ёпиштирмоқ, елимламоқ маъносини билдиради) муайян тасаввурларни бир-бирига қўшиб ёки улардан фойдаланиб, нарса ва ҳодисаларнинг янги образларини яратишдан иборат хаёл феноменидан биридир; гиперболизация (юнон. Huperbole бўрттириш, кучайтириш маъносини англатади); схематизация (юнон. “schema” образ, шакл вужудга келтириш демакдир); типизация (юнон. “tupos” из, чизиқ деган маънони билдиради).

**Агглютинация феномени** образлар (тасвирлар, тимсоллар) синтезлашув жараёнининг соддароқ кўринишидан бири ҳисобланиб, инсониятнинг кундалик ҳаёти ва фаолиятида рўй-рост яхлитлаштириш имконияти йўқ хилма-хил хислатлар, фазилатлар, сифатлар ва қисмларни «қоришиқ» тарзида (бирлаштирилган) шаклда акс эттиради. Одатда агглютинация ёрдами билан донишманд халқ томонидан яратилган эртак тимсоллари, афсона тасвирлари яратилади ёки хаёлий композицияси тўқиб чиқарилади (еттибошли илон аждаҳо от ва қушдан иборат)

Ҳозирги замонда агглюцинациядан техник, бадиий, санъат ижодиёти кенг кўламда фойдаланилмоқда, чунончи, самолет амфибия (юнонча amphibios иккиёқлама ҳаёт кечириш маъносини билдиради).

**Гиперболизация феномени** хаёл образларини ҳамда тасаввур шаклларини ўзлаштириш жиҳатидан яқин агглютинацияга ёндош, ўхшаш психик жараёндир. Гиперболизация нарсалар ва жониворларни нафақат ҳаддан зиёд катталаштириш ёки кичиклаштириш. **Схематизация феномени** хаёлот (фантазия) образларини яратиш имконияти мавжуд воситалардан бири ҳисобланиб, у борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг у ёки бу аломатлари ҳамда сифатларини таъкидлашдан, шунингдек, уларга бутун диққат-эътиборни марказлаштиришдан иборат психик жараёндир.

**Типизация феномени** ёрдами билан хаёлда тасаввурлар синтези рўёбга чиқиши мумкин. Одатда бадиий адабиётда типизация ёки типиклаштиришдан кенг кўламда фойдаланилади ҳамда унинг ёрдамида баъзи бир жабҳалари билан ўзаро ўхшаш, ҳатто мутаносиб нарса ва ҳодисаларда акс этувчи муҳим белгилари ажратиб олинади ҳамда улар яққол образларда мужассамлаштирилади.

**Хаёлнинг индивидуал фарқлари**: хаёл фаолияти кенглиги, мазмундорлиги, кучи ва реаллиги жиҳатларидан фарқ қилади.

**Хаёл кенглиги ва мазмундорлиги.** Хаёл кенглиги воқеликнинг кишилар хаёл фаолияти учун обект бўладиган соҳалари доираси билан белгиланади. Табиатнинг ҳозирги ва келажак ҳолати, одамларнинг ўтмишдаги ва келажакдаги тарихий ҳаёти, ер остидаги нарсалар, осмон ва ундаги юлдузлар, техника ва санъат хаёл фаолияти учун обект бўладиган ана шундай соҳалар жумласидандир. Хаёлнинг мазмундорлиги бирор обектга нисбатан хаёлда туғилаётган тасаввурларнинг бойлиги, хилма-хиллиги ва маънодорлиги билан белгиланади. Хаёл кенглиги ва мазмундорлиги, одатда, бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлади. Космик кема вужудга келтирилганлиги ҳам, ичига одам тушган шу кеманинг учиши ҳам инсон фантазияси ғоят юксак даражага кўтарилганлигининг маҳсулидир.

**Хаёл кучи .**Хаёл кучли ва кучсиз бўлиши мумкин. Хаёл кучи аввало одам эҳтиёжининг, қизиқишларининг ва истакларининг кучига боғлиқ бўлади. Фақат шу бугуннигина ўйлайдиган ўзи-ўзига мағрур кишиларда хаёл жуда кучсиз бўлади.

Тасаввур хаёлнинг кучи, жумладан, нутқда, суратларда, бўёқларда, чизмаларда, оҳангларда ва бошқа шу кабиларда образнинг нақадар маҳорат билан ифодаланганлигига ва гавдалантирилганига боғлиқ бўлади. Масалан, биз Навоий, Бобур, Муқимий асарларини ўқиётганимизда, шу асарларда тасвирланган айрим персонажлар, воқеалар, табиат манзаралари кўз олдимизда ёрқин ва яққол гавдаланади.

Хаёл кучли ҳиссиётга боғлиқ бўлади, бу ҳиссиётлар хаёлий образлар туфайли туғилади ва шу билан биргаликда хаёл фаолиятини ҳам рағбатлантиради. Бу ҳислар қанчалик кучли бўлса, хаёлий образлар ҳам шунчалик кучли, ёрқин ва жонли бўлади. Ҳиссиёти кучли, эҳтиросли одамларнинг хаёли ҳам кучли бўлади. Ҳиссиёти кучсиз, совуққон одамларнинг хаёлий образлари одатда нурсиз ва заиф бўлади. Хаёл кучи диққатга ва теварак-атрофдаги воқеликнинг идрок қилинишига боғлиқ бўлади.

Нерв систэмаси касалланиши натижасида, фантазия образлари кўпинча реал идрок қилинган нарсалардек кучли ва ёрқин бўлади, **голлутсинатсия**га (алаҳсирашга) айланади. Голлутсинатсиянинг ўзи аслида хаёлнинг кучли намоён бўлишидир. Бундай ҳолатда хаёлий образлар кишининг назарида худди идрок қилинаётган образлардек гавдаланади. Нерв систэмаси касалланиши натижасида кўпинча реал нарсаларни ҳам киши нотўғри идрок қилади **иллузия** ҳосил бўлади.

**Хаёлнинг реаллиги.** Хаёл жараёнларидаги воқелик ўзгарган тарзда акс эттирилади. Бунда хаёл яратаётган образлар воқеликка мос келиши, воқеликни тўғри акс еттириши мумкин ва бу воқеликка мос келмаслиги ҳам мумкин. Воқеликни тўғри акс еттирган образлар *реал образлар* деб айтилади.

Хаёл яратган образлар турмушда гавдалантирилган ва гавдалантири-лаётган тақдирда, турмуш шу образларга мувофиқ қайта кўрилаётганида, янги бойликлар яратилаётганида бундай хаёл ҳам **реал хаёл бўлади.**

Одамнинг космосга учиши яқин-яқингача ҳам рўёбга чиқ-майдиган орзу, деб ҳисобланиб келган эди, ендиликда эса космонавтлари космосда бир неча ўн миллион километр масофани босиб ўтдилар. Енди биз Ой, Марс, Венера, Коинотнинг бошқа планеталарига учишни орзу қилмоқдамиз. Бу орзу ҳам реал орзудир. Бу орзу ҳам амалга оширилади.

Мактаб ўқувчисининг «келгусида қаҳрамон бўламан» деган орзуси ва шу орзунинг ҳақиқатан **амалга оширилганлиги мана шундай реал орзудир.**

Хаёлнинг реаллиги одамнинг тажрибасига, унинг билимларига, ундаги танқидий тафаккурнинг қай даражада ўсганлигига ва одамнинг турмуш тажрибаси билан қай даражада алоқаси борлигига боғлиқдир.
Хаёлда яратилаёлган образлар амалда рўёбга чиқарилмайдиган бўлса ёки бу образларни амалга ошириш кераксиз, бемаъни бир нарса бўлса, бундай хаёл реал хаёл бўлмайди. Хаёли мана шундай реал бўлмаган кишиларни «қуруқ хаёлпараст», «фантазёр» деб айтадилар.

**Учинчи савол учун назорат топшириқлари:**

1. Хаёлнинг аналитик хусусиятини тушунтиринг ?
2. Хаёлнинг синтетик ҳолатини таърифланг ?
3. Хаёлнинг феноменларини санаб беринг ?
4. Хаёлнинг индивидуал фарқларини ажратинг ?

## 4. Болаларнинг ўйин ва катталарнинг ижодий фаолиятида хаёл ва фантазиянинг роли.

**Тўртинчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Болаларнинг ўйин фаолиятида фантазиянинг ролини талабаларга мисоллар орқали тушунтириб бериш. Катталарнинг ижодий фаолиятида хаёлнинг аҳамиятини ажратиб кўрсатиш.

**Идентив ўқув мақсадлари.**

Болаларнинг ўйин фаолиятида фантазиянинг ролини талабаларга мисоллар орқали тушунтириб беради.
2. Катталарнинг ижодий фаолиятида хаёлнинг аҳамиятини ажратиб кўрсатади.
Талабаларда хаёл мавзусини ўрганишга қизиқиш уйғотади

**Тўртинчи саволнинг баёни.**

Инсон фаолиятининг ҳамма турларида: ўйинда, ўқишда, меҳнатда, фан ва ижодиётда хаёлнинг катта аҳамияти бор.

Боликдаги ўйинлар асосан, болалар фантазиясининг намоён бўлишидир. Болаларнинг ижодий ўйинларида уларнинг организми камол топади ва мустаҳкамланади, ақли, иродаси, маънавий ва эстетик ҳислари ўсади.

Хаёл бўлмаса, ўқиш ишларининг самарали бўлиши мумкин эмас. Ўқувчилар ўзлари бевосита идрок қилолмайдиган нарсалар тўғрисидаги билим-ларни хаёл мавжуд бўлганидагина яққол тушуниб, билиб олишлари мумкин. Меҳнат қилиш вақтида ҳамиша шу меҳнатдан кузатилган мақсад олдиндан белгилаб олинади, шу меҳнатнинг қандай натижалар бериши олдиндан тасавур қилинади. Шундай қилинмаса, ишлаб бўлмайди. Илмий кашфиётларда ва техникага доир ихтиролар қилишда жуда катта аҳамияти бўлган илмий гипотезалар яратишда хаёлнинг роли, айниқса, катта. Гипотеза - ҳақиқий сабаблари номаълум бўлган ҳодисаларнинг фактларни изоҳламоқ учун фанда қўлланиладиган тахминдир. Одатда, гипотезаларнинг кўпчилиги олимларнинг хаёлида айрим фактлар ёки фаразлар асосида вужудга келади.

Одамда хаёл илк болалик чоғиданоқ ўсиб боради. Болалардаги хаёл уларнинг фаолияти жараёнида тараққий қилиб боради: дастлаб ўйинларда, сўнгра эса ўқишда ва меҳнатда ўсиб боради. Болаларда тажриба тўплана бориши ҳамда хотира тасавурларининг бойлиги ҳосил бўла бориши билан уларда хаёл ҳам ўсиб боради ва улардаги эхтиёжнинг ўсиши учун йўл очади.

Психиканинг бошқа жиҳатлари каби, болалардаги хаёл ҳам, асосан, тарбия ва ўқитишнинг таъсири остида ўсади. Икки ёшга кирган болада хаёлнинг дастлабки куртаклари ўйинчоқлар билан ҳар хил ўйинлар қилишда, қўлига тушган майда-чуйда нарсалар таёқчалар, тошлар, қоғозлар ва бошқа шу кабилар билан ўйнашда, эгри-бугри чизиқлардан иборат расм чизишда намоён бўлади.

Ясли ёшидаги боланинг хаёли ҳали тор ва мазмуни камбағал бўлади. Унинг хаёли теварак-атрофида кўрган нарсалар доирасидан четга чиқмайди ва асосан, ўз теварагида, ўзи яшаб турган уй шароитидаги нарса ва ҳодисаларга тақлид қилиш тариқасида намоён бўлади. Мактабгача тарбия ёшидаги болада ўйин, машғулот

жараёнида, тарбия таъсири билан тасавур бойлиги анча кенгаяди, тафаккур ўсади, янги еҳтиёжлар пайдо бўлади, фаоллик ортади, шулар сабабли, бу ёшдаги болаларда хаёл фаолияти ҳам кенгроқ ва мазмунлироқ бўлиб қолади.

Болалик ёшида, асосан, 5—7 ёшларда, болалар хаёлда гавдалантири-ладиган образларни (хаёлда илгари вужудга келган ва хотирада сақланиб қолган образларни) кўпинча хотира тасавурларига айнан ўхшатадилар.

**Тўртинчи савол учун назорат топшириқлари:**

1.Хаёл тўғрисида умумий тушунчангизни айтинг?
2.Хаёл турларини тавсифланг.
3.Хаёлнинг психологик хусусиятларини сўзлаб беринг ?
4.Хаёлнинг физиологик асосларини тушунтиринг ?
5.Хаёлнинг ривожланишини кузатинг ?.
6.Хаёл психологик категория сифатида зканлигини исботланг ?
2.Хаёл хусусиятлари ва феноменларини ажратинг ?
3.Хаёл турлари ва шакллари тўғрисида тушунчангизни баён қилинг ?
4.Хаёлнинг инсон ақлий ҳолатидаги ролини белгиланг ?.

**Мавзу бўйича асосий хулосалар:**

Хаёлни таърифлаш. Хаёл тўғрисида умумий тушунча бериш. .Хаёл ва муаммоли вазиятни таърифлаш. Хаёл турларини ажратишни ўргатиш. Хаёл жараёнларида аналитик-синтетик фаолиятни кўрсатиб бериш. Болаларнинг ўйин ва катталарнинг ижодий фаолиятида хаёл ва фантазиянинг ролини белгилаш. Орзу ва ширин хаёлларни аниқлаб, қиёсий солиштириш.

## 13- мавзу: Тафаккур

.

| Т/р | Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни | Амалга оширувчи шахс, вақт |
|---|---|---|
| 1 | **Тайёрлов босқичи:**<br>**1.1. Дарс мақсади:** Тафаккурни тушунтириш. Тафаккур ва ҳиссий билишни таърифлаш. Тафаккур ва предметли амалий фаолиятни ажратиш. Тафаккур жараён сифатида эканлигини мисоллар ёрдамида талабаларга тушунтириш. Тафаккурнинг замонавий назарияларини ўрганиб қиёсий солиштириш. Фикрлаш операцияларини кўриб чиқиш.<br>Болаларда мустақил ва ёшларда янгича тафаккур юритишни шакллантиришнинг аҳамиятини ишлаб чиқиш.<br>Муаммоли вазият ва масала ечишни кўриб чиқиш. Тафаккур турларини санаш. Тафаккурнинг индивидуал хусусиятларини аниқлаш. Тафаккур ва нутқнинг ўзаро боғлиқлигини белгилаш<br>**1.2. Идентив ўқув мақсадлари.**<br>1. Тафаккурни тушунтиради. Тафаккур ва ҳиссий билишни таърифлайди. Тафаккур ва предметли амалий фаолиятни ажратади.<br>2.Тафаккур жараён сифатида эканлигини мисоллар ёрдамида талабаларга тушунтиради. Тафаккурнинг замонавий назарияларини ўрганади ва қиёсий солиштиради. Фикрлаш операцияларини кўриб чиқади.<br>3. Болаларда мустақил ва ёшларда янгича тафаккур юритишни шакллантиришнинг аҳамиятини ишлаб чиқади.<br>4.Муаммоли вазият ва масала ечишни текширади. Тафаккур турларини санайди. | **Ўқитувчи** |

| | | |
|---|---|---|
| | 5.Тафаккурнинг индивидуал хусусиятларини аниқлайди. Тафаккур ва нутқнинг ўзаро боғлиқлигини белгилайди.<br>**1.3. Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Таққослаш, анализ ва синтез, абстраксия ва умумийлаштириш, аниқлаштириш, классификатсия ва системага солиш, ҳукм- жузъий, якка, конкрет, умумий абстракт, хусусий тўпланма, ндектув, дедуктув, аналогик.<br>**1.4. Дарс шакли:** кириш-ахборотли маъруза<br>**1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза, бахс, видеоусул, савол-жавоб, тушунтириш, тақдимот.<br>**1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:** слайдлар, дарсликлар, мавзуни кўриб чиқишга доир материаллар ва мавзунинг мазмунини ифодаловчи лавҳалар, кўргазмали материаллар. | |
| **2** | **Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:**<br>**2.1.** Мавзу эълон қилинади.<br>**2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади. | **Ўқитувчи, 15 мин** |
| **3** | **Гуруҳда ишлаш босқичи:**<br>**3.1.** Талабаларга тафаккур мавзуга оид муаммоли савол берилади.<br>**3.2.** Талабаларнинг тафаккур ҳақидаги фикрларии эшитилади ва бошқа талабалар бахсга чақирилади.<br>**3.3.** Талабаларнинг тафаккур ҳақида фикри тингланиб, умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.<br>**3.4.** Умумий хулосани ўқитувчи баён қилади. | **Ўқитувчи-талаба, 40 минут** |
| **4** | **Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:**<br>1. Тафаккур таъриф беринг?<br>2. Тафаккур ва предметли амалий фаолиятни ажратинг.<br>3. Тафаккурнинг замонавий назарияларини ажратинг?<br>4. Тафаккур ва нутқнинг ўзаро боғлиқлигини аниқланг?<br>5. Фикрлаш операцияларини таърифлаб, умумий тушунчангизни баён қилинг?<br>**6.** Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади. | **Ўқитувчи, 15 минут** |
| **5** | **Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:**<br>**5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади.<br>**5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади. | **Ўқитувчи, 10 мин** |

## Асосий саволлар.

1.Тафаккур. Тафаккур ва ҳиссий билиш.
2.Тафаккур жараён сифатида. Тафаккурнинг замонавий назариялари. Фикрлаш операциялари.
4.Муаммоли вазият ва масала ечиш.
5. Тафаккур турлари.
6.Тафаккурнинг индивидуал хусусиятлари.
7.Тафаккур ва нутқнинг ўзаро боғлиқлиги

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Таққослаш, анализ ва синтез, абстраксия ва умумийлаштириш, аниқлаштириш, классификатсия ва системага солиш, ҳукм- жузъий, якка, конкрет, умумий абстракт, хусусий тўпланма, ндектув, дедуктув, аналогик.

## Мавзу бўйича асосий муаммолар

Тафаккур шаклларини психологик асосланг ?
Тафаккур назарияларини таърифланг ?
Тафаккур ва ақлий тараққиётнинг боғлиқлигини исботланг ?.

## 1. Тафаккур. Тафаккур ва ҳиссий билиш.

**Биринчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Тафаккурни таърифлаш. Тафаккур ва ҳиссий билиш тўғрисида талабаларга тушунча бериш. Тафаккур ва предметли амалий фаолиятни ажратиш.

## Идентив ўқув мақсадлари.

1. Тафаккурни таърифлайди.
2. Тафаккур ва ҳиссий билиш тўғрисида талабаларга тушунча беради.
3. Тафаккур ва предметли амалий фаолиятни ажратади.
4. Талабаларда тафаккур мавзусини ўрганишга қизиқиш уйғотади.

## Биринчи саволнинг баёни.

Тафаккур инсон ақлий фаолиятининг юксак шаклидир. Тафаккур атрофдаги оламни билиш қуролидир ва инсон оқилона амалий фаолиятининг вужудга келиши учун шартдир. Тафаккур жараёнида фикр пайдо бўлади, бу фикрлар инсоннинг онгида муҳим тушунчалар шаклини олади. Тафаккур нутқ тил билан чамбарчас боғланган. Инсонда тафаккур ва нутқ бўлганлиги туфайли у ҳайвонлардан фарқ қилади ва шу сабабли у онгли мавжудотдир. Инсон ўз атрофидаги оламда бўлган буюмлар ва ҳодисаларни онгли равишда идрок қилади, онгли равишда эслаб қолади ҳамда эсга туширади ва онгли равишда ҳаракат қилади.

Қуёшнинг ҳар кун Шарқдан чиқиб, Ғарбга ботаётганлигини ҳаммамиз кўрамиз (идрок қиламиз). Биз Ернинг қимирламай турганлигини, қуёш эса ер атрофида айланаётганлигини кўрамиз. Кўп асрлар давомида жуда кўп кишиларнинг қилган фикрий фаолияти натижасида-гина, узоқ давом етган кузатишлар ва тадқиқотлар натижасидагина ҳақиқат-да қуёш ер атрофида айланмасдан, балки ер ўз ўқи атрофида ва қуёш атрофида айланаётганлиги аниқланди. Демак, қуёшнинг ҳаракати тўғрисидаги бизнинг бевосита идрокимиз воқеликка, ҳақиқатга тўғри кел-мас экан, воқеликнинг тўғри акс етиши, яъни ҳақиқат — бунда тафаккур ёрдами билан аниқланди. Юқорироқ босқичларда бундай фикрлаш тафаккур жараёнларидаги ҳосил бўлган ҳукмлар ва тушунчалар уларнинг чинлигини ёки чин эмаслигини аниқлашда ифодаланади.

**Тафаккур — воқеликнинг умумлаштириб акс эттирилишидир.** Биз айрим-айрим нарсаларни ва ҳодисаларни, масалан, алоҳида столни ёки стулни идрок қиламиз ва тасавур қиламиз, аммо умуман стол ва стул тўғрисида, уму-ман мебел ва умуман нарса тўғрисида эса фикрлашимиз мумкин. Уму-мийлаш натижасида бир ҳукмнинг ўзида айни вақтда якка бир нарса тўғрисидагина фикр қилиб қолмасдан, балки, шу билан бирга нарсаларнинг бутун бир туркуми тўғрисида ҳам фикр юритиш мумкин. Масалан, «0ъзбекистоннинг фуқаролари тэнг ҳуқуқлидирлар» деган ҳукмда айрим бир киши ҳақида фикр юритмасдан, балки Ўзбекистоннинг ҳамма фуқаролари ҳақида фикр юритилади.

Нарса ёки ҳодисалар ўртасидаги энг муҳим боғланишлар ва муноса-батлар тафаккур ёрдами билан очилади. Бундай бир мисолни олиб кўрайлик. Сиз қаламни бармоқларингиз билан столдан 20 сантиметр баландда ушлаб турибсиз. Бармоқларингизни очиб юборсангиз қалам стол устига тушади, унинг тақиллагани (товуши) ешитилади. Биз бу ҳодисаларни бирин-кетин идрок қиламиз ва уларни худди шу тартибда тасавур қилишимиз мумкин. Лекин биз бунда ҳодисаларнинг маълум вақт ичида бирин-кетин содир бўлишини идрок қиламиз, холос, аммо айни вақтда тафаккур ёрдами билан бу ҳодисаларнинг бир-бирига қонуний богианишидаги чуқурроқ сабаблар ва бун-дан келиб чиқадиган натижалар очилади. Биз ҳодисаларнинг бирин-кетин ўтаётганлигинигина қайд қилиб қолавермаймиз, балки биринчи ҳодиса бўлгани учун иккинчи ҳодиса рўй беради, ундан кейинги ҳодисаларнинг ҳар қайсиси (масалан, товуш) олдинги ҳодиса рўй берганлиги учун (қалам столга урилганлиги учун) содир бўлди, деб

аниқ айтамиз ва олдинги ҳодисанинг рўй берганлиги кейин шу ҳодисани муқаррар келтириб чиқарган-лигини англаймиз. Бу ҳодисаларда уларнинг маълум бир вақт ичида бирин-кетин содир бўлганлигини идрок қилганимиздан ташқари, улар ўртасида сабаб-натижа боғланиши, яъни қонуний боғланиш бор, деб аниқ қилиб айтамиз. Биз бу сабаб-натижа тариқасидаги боғланишнинг ўзини бевосита идрок қила олмаймиз, уни сезги органларимиз воситаси билан ҳис қилолмаймиз (кўрмаймиз, ушлаб кўрмаймиз, ешита олмаймиз), балки шу боғланиш борлигини идрокимизга асосланиб туриб фикр қилиш йўли билан топамиз.

### Биринчи савол учун назорат топшириқлари:

1.Тафаккурнинг таърифини айтинг?
2. Тафаккур ва ҳиссий билишни ажратинг?
3. Тафаккур ва предметли амалий фаолиятни кўрсатинг?.
4.Тафаккур жараён сифатида эканлигини исботланг?

## 2.Тафаккур жараён сифатида. Тафаккурнинг замонавий назариялари. Фикрлаш операциялари.

**Иккинчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Тафаккур жараён сифатида. Тафаккурнинг замонавий назариялари. Фикрлаш операциялари. Тафаккур мотивацияси.

### Идентив ўқув мақсадлари.

1.Тафаккур жараён сифатида эканлигини кўриб чиқади.
2.Тафаккурнинг замонавий назарияларини ўрганиб қиёсий солиштиради. Фикрлаш операцияларини текширади. Тафаккур мотивациясини белгилайди.

### Иккинчи саволнинг баёни.

С. Л. Рубинштейн назариясига биноан, тафаккурни психологик жиҳатдан ўрганишнинг асосий предмети- жараён, фаолият тариқасида намоён бўлишдир. Муаллиф тафаккур операциялари, шаклларини шакллантиришда-жараён, муаммоли вазиятни ҳал қилишда эса-фикр юритиш фаолияти сифатида вужудга келишини чуқур таҳлил қилиб беради. С. Л. Рубинштейн тафаккур тўғрисидаги ғояни ривожлантириб, уни субъект фаоллигининг пайдо бўлиши деб аталади.

А. Н. Леонтьев тафаккур психологияси предмети юзасидан мулоҳаза юритиб, тафаккурни турли кўринишларга ажратади, фикр юритиш фаолияти эканлигини тан олади, лекин уни предметли-амалий фаолият деб номлайди. Шунинг билан бирга тафаккурнинг структураси, фикр юритиш мотивацияси тўғрисида назарий методологик муаммоларни ўртага ташлайди.

П. Я. Гальперин фикрига кўра, тафаккур-бу ориентирлаш тадқиқот фаолияти, ориентировка жараёндир, яъни ориентировка-жараён, ориентировка фаолият. Муаллиф психология фани интеллектуал масалаларни ячишда субъектнинг тафаккурга ориентировка қилиш жараёнини ўрганишдан иборат деб тушунтирилади. П. Я. Гальперин тафаккурнинг бошқа жаҳатларини ўзининг ақлий ҳаракатларни босқичли шакллантириш назариясидан келиб чиққан ҳолда ёритишга интилади.

А. В. Брушлинский тадқиқотларида тафаккурнинг муҳим янгиликни қидириш ва очиш, гипотеза ва назарияларни башорат қилиш, олдиндан пайқаш хусусиятлари алоҳида таъкидлаб ўтилади. Юқоридаги муаллифлардан ўларок, А. В. Брушлинский тафаккурнинг умумлаштириб, билвосита акс эттиришдан ташқари муҳим янгиликни излаш ва очиш, олдиндан башорат қилиш хусусиятлари мавжудлигини далиллаб кўрсатади.

Тафаккур атроф-муҳитдаги воқеликни нутқ ёрдами билан бавосита, умумлашган ҳолда акс эттирувчи психик жараён, ижтимоий-сабабий боғланишларни англашга, янгилик очишга ва башорат қилишга йўналтирилган ақлий фаолиятдир.

**Тафаккур операциялари**. Тафаккур қилиш оператив жараёндир.

Таққослаш, анализ ва синтез, абстраксия ва умумийлаштириш, аниқлаштириш, классификатсия ва системага солиш ақлий оператцияларнинг асосий турларидир. Бизда янги ҳукмлар ана шу operatsiyalar жараёнида ҳосил бўлади, реал оламдаги нарсалар ва ҳодисалар тўғрисидаги тушунчалар вужудга келади.

Таққослаш — шундай бир ақлий оператсиядирки, бу оператсия айрим нарсалар ўртасида ўхшашликни ёки тафовутни, тенглик ёки тенгсизлик бор-лигини, бир хиллик ёки қарама-қаршилик борлигини аниқлашда ифодаланади.

Таққослаш фикр қилиш жараёни бўлиб, бу жараён идрок қилинаётган нарсаларнинг ўхшашлиги ёки тафовутини аниқлаш лозим бўлганда, ёхуд сезгиларда ва идрокда бевосита ўхшашлик ва тафовутни топиш лозим бўлган ҳолларда пайдо бўлади. Амалий таққослаш бир нарсани иккинчи нарсага солиштириб кўрилаётганда, масалан бир қаламни иккинчи қаламга, ўлчов чизиғини тахтага ва шу кабиларга солиштириб кўрилаётганда содир бўлади. Биз масофани сантиметрли лента билан ўлчаётганимизда, оғирликни тортиб кўраётганимизда ва бошқа шу каби ҳолларда таққослаш жараёни содир бўлади.Таққослаш тасавур қилинаётган ёки ўйланилган нарсаларни бир-бирига фикран солиштириб кўриш йўли билан ҳам бўлади. Масалан, биз ўзимиз турган бинони бошқа кўчадаги бинолар билан таққослаб кўриб, уларнинг ўртасидаги ўхшашлик ва тафовутни топишимиз мумкин.

**Анализ** — нарсани (буюмларни, ҳодисаларни, жараённи) таркибий элементларга, қисмларга ёки таркибий белгиларга бўлиш демакдир.

Анализ жараёнида бутуннинг унинг қисмларига унинг элементларига бўлган муносабати аниқланади. Бирор моддий нарсани унинг моддий элементларига ажратиб бўлиш энг оддий шаклдаги анализдир. Столни айрим қисмларга бўлиш унинг оёқларини, яшикларини ва бошқа шу кабиларни биридан ажратиб олиш мумкин. бошқа кўчадаги бинолар билан таққослаб кўриб, уларнинг ўртасидаги ўхшашлик ва тафовутни топишимиз мумкин.

Синтез — анализнинг акси ёки тескариси бўлган тафаккур жараёнидир. Бу жараён обектнинг айрим элементларини, қисмларини, белгиларини бир

бутун қилиб қўшишдан иборатдир. Синтез жараёнида мураккаб бир бутун нарса, ёки ҳодиса таркибига кирган элементлар, ёки қисмлар тариқасида олинган буюм ёки ҳодисаларнинг шу мураккаб бир бутун нарса ёки ҳодисага бўлган муносабати аниқланади.

Синтез элементларнинг, нарса ва ҳодисаларнинг қисмларини бир бутун қилиб қўшишдан иборатдир, амалий анализ бўлгани сингари, синтез ҳам амалий бўлиши мумкин. Чунончи, машинанинг айрим деталлари бир-бирига тегишли тарзда бириктирилганда, яъни улар синтез қилинганда, яхлит, бутун машина, масалан, одимловчи екскаватор ҳосил бўлади. Кислород билан водороднинг кимёвий бирикиши натижасида сув ҳосил бўлади. Мана шу ва шунга ўхшаш ҳолларнинг ҳаммасида синтез фикр қилиш жараён-ларида ва иш-ҳаракатларда содир бўладики, бу иш-ҳаракатлар натижасида бир бутун, яхлит моддий нарса ҳосил бўлади.

Анализ сингари, синтез ҳам, ўқиш жараёнида катта ўрин тутади. Масалан, ўқишга ўргатиш вақтида товушлар ва ҳарфлардан бўғинлар, бўғинлардан сўзлар, сўзлардан гап тузилади. Мана шунинг ўзи синтездир. Адабий асарлардаги айрим қаҳрамонларнинг ёк тарихий арбобларнинг қилган ишларини, фикрларини, ҳисларини тасвирлаш ва анализ қилиш ёъли билан ҳамда синтез қилиш натижасида шу арбобларнинг, шу қаҳрамонларнинг характеристикаси ҳосил бўлади.

**Иккинчи савол учун назорат топшириқлари:**

1.Тафаккурнинг замонавий назарияларини ўрганинг?

2. Фикрлаш операцияларини санаб беринг?

3.Болаларда мустақил ва ёшларда янгича тафаккур юритишни шакллантиришни

тушунтириб беринг?.
4.Муаммоли вазият ва масала ечишни кўриб чиқинг?
5.Тафаккур турларини таърифланг?
6. Тафаккур операциялари ҳақида тушунчангизни баён қилинг ?
7. Тафаккур шаклларини психологик асосланг ?
8. Тафаккур сифатларини психологик тавсифланг ?
9. Тафаккур турлари ҳақида фикрингизни баён қилинг ?
10.Тафаккурнинг индивидуал хусусиятларини ажратинг?

**Мавзу бўйича асосий хулосалар:**

Тафаккурни тушунтириш. Тафаккур ва ҳиссий билишни таърифлаш. Тафаккур ва предметли амалий фаолиятни ажратиш. Тафаккур жараён сифатида эканлигини мисоллар ёрдамида талабаларга тушунтириш. Тафаккурнинг замонавий назарияларини ўрганиб қиёсий солиштириш. Фикрлаш операцияларини кўриб чиқиш. Болаларда мустақил ва ёшларда янгича тафаккур юритишни шакллантиришнинг аҳамиятини ишлаб чиқиш. Муаммоли вазият ва масала ечишни кўриб чиқиш. Тафаккур турларини санаш. Тафаккурнинг индивидуал хусусиятларини аниқлаш. Тафаккур ва нутқнинг ўзаро боғлиқлигини белгилаш

## 14- мавзу: Ҳиссиёт.

| **Т/р** | **Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни** | **Амалга оширувчи шахс, вақт** |
|---|---|---|
| **1** | **Тайёрлов босқичи:**<br>**1.1.Дарс мақсади:** Эмоционал жараёнларнинг умумий тавсифлаш. Ҳис-туйғуларнинг физиологик асосларини кўриб чиқиш. Эмоционал ҳолатларнинг хилма-хиллигини ажратиш. Кайфият, стресслар, аффектларни таърифлаш. Эмоцияларнинг ифодаланишини изоҳлаш. Инсоннинг юксак (ахлоқий, ақлий, эстетик, праксик) ҳисларни ажратиш. Эмоция ҳақидаги психологик назарияларни ўрганиб, қиёсий солиштириш.<br>**1.2. Идентив ўқув мақсадлари:**<br>Эҳтиёжлар ва эмоцияларни белгилайди. ўрганишга оид асосий ёндашишларни кўриб чиқади ва қиёсий солиштиради.<br>3.Эмоционал жараёнларни тавсифлайди.<br>4.Ҳис-туйғуларнинг физиологик асосларини кўриб чиқади.<br>5.Эмоционал ҳолатларнинг хилма-хиллигини ажратади.<br>6. Кайфият, стресслар, аффектларни таърифлайди.<br>7.Эмоцияларнинг ифодаланишини изоҳлайди.<br>8.Инсоннинг юксак (ахлоқий, ақлий, эстетик, праксик) ҳисларини ажратади.<br>9.Эмоция ҳақидаги психологик назарияларни ўрганиб, қиёсий солиштиради.<br>**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** кайфият, стресслар, аффект, эҳтиёж, эмоция, мотив, ҳис-туйғу, эмотция, кечинма, ғазаб, стеник, астеник, кайфият, стресс, аффект, эҳтирос, юксак ҳислар, праксик, ахлоқий, ақлий, ирода психологияси.<br>**1.4. Дарс шакли:** кириш-ахборотли маъруза<br>**1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза, бахс, видеоусул, савол-жавоб, тушунтириш, тақдимот.<br>**1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:** слайдлар, дарсликлар, мавзуни кўриб чиқишга доир материаллар ва мавзунинг мазмунини ифодаловчи лавҳалар, кўргазмали материаллар. | **Ўқитувчи** |

| | | |
|---|---|---|
| 2 | **Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:**<br>**2.1.** Мавзу эълон қилинади.<br>**2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади. | **Ўқитувчи, 15 минут** |
| 3 | **Гуруҳда ишлаш босқичи:**<br>**3.1.** Талабаларга мотивация, эмоция ва ирода психологияси мавзуга оид муаммоли савол берилади.<br>**3.2.** Талабаларнинг мотивация, эмоция ва ирода психологияси ҳақидаги фикри эшитилади ва бошқа талабалар бахсга чақирилади.<br>**3.3.** Талабаларнинг мотивация, эмоция ва ирода психологияси ҳақида фикри тингланиб, умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.<br>**3.4.** Умумий хулосани ўқитувчи баён қилади. | **Ўқитувчи-талаба, 40 минут** |
| 4 | **Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:**<br>1. Ҳис-туйғуларнинг физиологик асосларини белгиланг?<br>2. Юксак (ахлоқий, ақлий, эстетик, праксик) ҳисларни ажратинг?<br>3. Эмоционал ҳолатларнинг хилма-хиллигини таърифлаб, умумий тушунчангизни баён қилинг?<br>**4.** Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади. | **Ўқитувчи, 15 минут** |
| 5 | **Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:**<br>**5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади.<br>**5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади. | **Ўқитувчи 10 минут** |

### Асосий саволлар.

1. Ҳиссиёт тўғрисида умумий тушунча.
2. Ҳиссиётнинг физиологик асослари.
3. Ҳиссиётнинг ифодаланиши.
4. Емоционал ҳолатларнинг хилма-хиллиги.
5. Юксак ҳислар(ақлий, эстетик,ахлоқий,праксик)

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** кайфият, стресслар, аффект, эхтиёж, эмоция, хис-туйғу, эмотция, кечинма, ғазаб, стеник, астеник, кайфият, стресс, аффект, эҳтирос, юксак ҳислар, праксик, ахлоқий, ақлий, ирода психологияси.

### 1. Ҳиссиёт тўғрисида умумий тушунча.

**Биринчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Талабаларга ҳиссиёт ҳақида умумий тушунча беради. Эмотциялар билан таништириш. Ҳиссиётнинг ифодаланиш ҳолатларини таърифлаш ва ҳиссий ҳолатларни қиёсий солиштириш. Ижобий ва салбий ҳиссиётларни ажратишга ўргатиш.

### Идентив ўқув мақсадлари.

1. Ҳиссиёт тўғрисида тушунча беради.
2. Эмотциялар билан таништиради.
3. Ҳиссиётнинг ифодаланиш ҳолатларини таърифлайди.
4. Ҳиссий ҳолатларни қиёсий солиштиради.
5. Ижобий ва салбий ҳиссиётларни ажратишга ўргатади.

### Биринчи саволнинг баёни.

Киши бирор нарсани идрок ва тасавур қилганида, Эслаб қолганида ва есга туширганида, фикр қилганида ва гапирганида ҳамда ҳаракат қилганида бирор ёқимли (хуш) ёки ёқимсиз (нохуш) ҳолатни кечиради, бу ҳолат ҳузур қилиш ёки ранжишдан, маза қилиш ёки қийналишдан иборат бўлади. Бу кечирмаларда одамнинг ўз теварак-атрофидаги нарсаларга (ҳодисаларга), одамларга ва ўзига нисбатан субектив муносабати ифодаланади. Ёқимли ёки ёқимсиз кечинма ҳиссиётимизнинг **(эмотцияларимизнинг)** биринчи белгиси ва элементидир.

Ёқимли кечинмаларда одамнинг воқеликдаги айрим нарсаларга, ҳодисаларга ва ўзига нисбатан ижобий муносабати ифодаланади, ёқимсиз кечинмаларда эса бунга одамнинг салбий муносабати ифодаланади. Шунинг учун ҳам субектив кечинмалардан иборат бўлган ҳиссиётлар **ижобий ва салбий ҳиссиётлар** деб ажратилади. Ҳиссиётларга шахсий нуқтайи назардан бериладиган баҳо билан ижтимоий нуқтайи назардан бериладиган баҳо ҳамиша бир-бирига мувофиқ бўлавермайди. Субъектив равишда нохуш, кишини ранжитадиган кечинмалар тариқасидаги кўпгина ҳиссиётлар, ижтимоий нуқтайи назаридан қараганда, ижобий ҳиссиётлар ҳисобланади. Масалан, кишидаги уялиш виждон азоби ёқимсиз ва ҳатто қаттиқ азоб ҳисси билан кечирилади. Лекин ижтимоий нуқтайи назардан қараганда, бу ҳислар юксак, ижобий ахлоқий ҳислардир.

«Ҳис» деган термин кўпинча «сезги» деган термин билан бир маънода ишлатилади. Масалан, баъзан: «Мен ёруғликни ҳис қиляпман, мен иссиқ-ликни ҳис қиляпман* дейиш ўрнига: «Мен ёруғликни сезяпман, мен иссиқликни сезяпман* деб ҳам айтишади. Шу вақтгача биз психология-да ҳам сезги органлари дейиш ўрнига ҳис қилиш органлари деб айтишга одатланиб қолганмиз.

Сезги билан ҳисни бир-биридан фарқ қилиш керак. Сезги одамдан мустақил равишда мавжуд бўлади, у нарсалар ва ҳодисаларнинг инъикосидир. Ҳиссиёт эса одамнинг шу нарсаларга ва ҳодисаларга муносабатини ифодаловчи туйғулар, кечинмалардир.

**Биринчи савол учун назорат топшириқлари:**

1.Мотивация соҳаларини таърифланг.
2.Мотив - эҳтиёжларни белгилаш натижаси эканлигини тушунтиринг.
3.Мотивлар ва установкаларни ажратинг.
4.Эҳтиёжлар ва эмоцияларни тушунтиринг.
5.Мотивацияни ўрганишга оид асосий ёндашишларни текшириб, қиёсий солиштиринг.
6.Эмоционал жараёнларни тавсифланг.
7.Ҳис-туйғуларни физиологик асосланг.

## 2. Ҳиссиётнинг физиологик асослари.

**Иккинчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Эмотционал кечинмалар ҳақида тушунча бериш. Одамдаги ҳиссиётнинг физиологик асоси бош мия пўстида содир бўладиган жараёнлар эканлигини исботлаш.

**Идентив ўқув мақсадлари.**

1.Эмотционал кечинмалар ҳақида тушунча беради.
2. Одамдаги ҳиссиётнинг физиологик асоси бош мия пўстида содир бўладиган жараёнлар эканлигини исботлайди.

### Иккинчи саволнинг баёни.

Эмотционал кечинмалар организмдаги алоҳида физиологик жараёнлар, ҳисобланади.Эмотционал кечинмалар чоғида қон айланиши ўзгаради, юрак уриши тезлашади ёки сусаяди, одам эса қизаради, оқаради ёки бўзаради, нафас олиш ҳам ўзгаради: нафас олиш тезлашади, ёки сусаяди. Эмотционал жараёнларнинг юрак фаолиятидаги ўзгаришлар билан боғлиқ эканлиги шу қадар аён сезилиб турадики, ҳатто оддий тилда «ҳис» билан «юрак» деган сўз бир-бирига ўхшаш маънода ишлатилади.

Одамдаги ҳиссиётнинг физиологик асоси, авало, бош мия пўстида содир бўладиган жараёнлардир.

Бош мия пўсти ҳиссиётларнинг кучини ва барқарорлигини идора қилиб туради. Буни шу билан исбот қилиш мумкинки, мия ярим шарлари олиб ташланган ҳайвонлар энг арзимас сабаблар билан муттасил ва шу билан бирга кучли равишда ҳаяжонга келаверади. Мия пўсти заифлангани натижасида бет

мускуллари фалаж бўлган кишилар ҳар хил нарсаларга, ҳатто жуда арзимас нарсага ҳам ҳамиша ва қаттиқ кула берадилар.

Ҳиссиётлар **бош мия пўстинининг остки қисмлари фаолияти** билан ҳам боғлангандир. Жумладан, кўриш бўртиғи ҳисларни ифодалайдиган ихтиёрсиз ҳаракатларнинг марказларидир. Буни шу билан исбот қилиш мумкинки, кўриш бўртиғининг шикастланиши натижасида, ҳиссиётни ифодаловчи юз ҳаракатлари ҳам издан чиқади. Бош мия пўсти остидаги марказлардан маҳрум бўлган ҳайвонларда ҳиссиётларни ифодаловчи ҳаракат белгилари бўлмайди.

## 3. Ҳиссиётнинг  ифодаланиши.

**Учинчи савол бўйича дарснинг мақсади**: Эмоционал жараёнларнинг умумий тавсифини талабаларга  ажратиб кўрсатиш. Кишининг эмотционал кечинмалари физиологик жараёнларда намоён бўлишини тушунтириш. Ҳиссиётнинг пайдо бўлиш тезлиги,  ҳиссиётнинг кучи,  ҳис-туйғуларнинг барқарорлигини таърифлаш.

### Идентив ўқув мақсадлари.

1. Эмоционал жараёнларнинг умумий тавсифини талабаларга  ажратиб кўрсатади.
2. Кишининг эмотционал кечинмалари физиологик жараёнларда намоён бўлишини тушунтиради.
3. Ҳиссиётнинг пайдо бўлиш тезлиги,  ҳиссиётнинг кучи,  ҳис-туйғуларнинг барқарорлигини таърифлайди.

### Учинчи саволнинг баёни.

Психик жараёнларнинг ҳаммаси организмнинг ташқи ўзгаришларида ва ҳаракатларида маълум даражада ифодаланади. Лекин одамнинг ҳиссиётлари айниқса, яққол ифодаланади.

Бизнинг эмотционал кечинмаларимиз мимикада, гавда ҳаракатларида ва имо-ишораларда айниқса яққол ифодаланади. Кишининг эмотционал кечинмалари физиологик жараёнларда йиғи, кулги ва бошқа шу кабиларда ҳам намоён бўлади.

Ҳиссиётларнинг ҳаракатларда, мимикада, гавдада, имо-ишоралар ва маъноли кўз қарашларда, бошқа шу кабиларда мана шу тариқа ташқи ифодаланишларининг ҳаммаси суратга ва кинога олиш йўли билан қайд қилиниши мумкин.

Кишининг эмотционал кечинмалари унинг нутқида ҳам ифодаланади. Нутқнинг тезлиги ва интонатсияси ўзгаради.  Ғамгинлик ва маъюслик ҳисларини ифодаловчи нутқ вақтида шу нутқни сўзловчи кишининг овози беихтиёр пасайиб кетади, нутқнинг ўзи сусайиб қолади, сўзлаётган кишининг товуши ҳам бўлиниб-бўлиниб чиқади. Хурсандлик ҳолатида бир нима сўзлаётган кишининг нутқида бунга бутунлай тескари ҳолат намоён бўлади.  Ҳиссиётларнинг мана шу ташқи ифодалари, одатда, ихтиёримиздан ташқари намоён бўлади.

Ҳиссиётлар пайдо бўлиш тезлиги, кучи ва давомийлиги (барқарорлиги) жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади.

**Ҳиссиётнинг пайдо бўлиш тезлиги.** Эмотсионал кечинмалар турли ҳолларда турлича тезлик билан пайдо бўлади. Баъзан ҳиссиётлар жуда тез тўсатдан, дарҳол пайдо бўлади.

**Ҳиссиётнинг кучи.** Эмотционал кечинмаларнинг кучи турлича бўлиши мумкин. Ҳиссиётнинг кучи, аввало, ёқимли ёки ёқимсиз туйғуларнинг нақадар кучли бўлишидадир. Шунинг учун ҳам «жуда хурсанд бўлдим», «унчалик ёқмади» ва шу каби иборалар ишлатилади. Субектив жиҳатдан олганда, ҳиссиётнинг кучи шу ҳиссиётни шахснинг нақадар эхтирос ила кечираётганлиги билан ҳам белгиланади.

**Ҳис-туйғуларнинг барқарорлиги.** Эмотционал кечинмалар қанчалик узоқ давом этиши (барқарорлиги) билан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Пайдо бўлган кечинмалар узоқ вақт давом этилса, бундай ҳис-туйғулар барқарор кечинмалар деб аталади. Ҳис-туйғулар пайдо бўлиши билан дарров сўниб қолса, ёки бошқа

бирор эмотсионал кечинмага тез ўтиб кетса, бундай ҳис-туйғулар беқарор ҳис-туйғулар деб аталади.

Ҳисларнинг айни вақтда нақадар тез, кучли ва барқарор бўлишига қараб, эмотционал ҳолатларнинг турлари фарқ қилинади. Эмотционал ҳолатларнинг асосий турлари кайфият, эҳтирос, руҳланиш ва аффектлардир.

Стресс. Стресс инглизча stress сўзидан олинган бўлиб, жиддийлик, кескинлик, зўриқиш деган маъно англатади. Стресс- оғир жисмоний ва мураккаб ақлий юкламалар, ишлар меъёридан ошиб кетиб, хавфли вазиятлар туғилганида зарурий чора-тадбирларни зудлик билан топишга интилганда вужудга келадиган ҳиссий зўриқишлар. Мана шундай шароитлар ва вазиятларнинг барчасини бирон бир эмоция тури рўёбга чиқаради. Стресс эмоционал ҳолатининг пайдо бўлиши ҳамда кечишининг психологик хусусиятларини аниқлаш нафақат учувчилар, космонавтлар, диспетчерлар (инглизча dispatcher ишлаб чиқаришни мувофиқлаштирувчи маъносини англатади) учун, балки судялар, корхона раҳбари, таълим тизими ходимлари учун алоҳида ижтимоий психологик аҳамият касб этади.

Психология фанига стресс тушунчасини олиб кирган олим канадалик физиолог Г. Селье (1936) саналади. Стресс ҳолатида шахснинг хатти-ҳаракатлари ўзига хос тарзда ўзгаради, унда қўзғалишнинг умумий реакцияси пайдо бўлади, унинг ҳаракатлари тартибсиз равишда амалга оширилади. Стресснинг кучайиши эса тескари реакцияга олиб келади, натижада тормозланиш, сустлик, заифлик, фаолиятсизлик устуворлик қила бошлайди. Лекин стресс ҳолатида физиологик ўзгаришлар ташқи томонидан қарийб кўзга ташланмаслиги мумкин. Бироқ муаммони ечишдаги қийинчилик, диққатни тақсимлашдаги саросималик стресснинг ташқи ифодаси деб тахмин қилинса бўлади. Шахс стресс ҳолатида телефон номерини адаштиради, вақтни чамалашда янглишади, онг фаолияти енгил тормозланади, идрок кўлами тораяди ва бошқалар.

Стресс ҳолатида шахснинг психологик хусусиятлари, турмуш тарбияси, шаклланган малакаси муҳим роль ўйнайди. Кескинликнинг олдини олишда шахснинг олий нерв фаолияти, нерв системасининг хусусиятлари алоҳида аҳамият касб этади. Ундаги юксак ҳис-туйғулар (масъулият, бурч, жавобгарлик, ватанпарварлик, садоқат ва ҳоказо) стресс ҳолатида хатти-ҳаракат бузилишининг олдини олишга хизмат қилади.

**Кайфият** заиф ёки ўртача кучга эга бўлган ва, одатда, анча барқарор эмотционал ҳолатдир. Одамдаги баъзи бир кайфият бир неча кун, бир неча ҳафта, бир неча ой ва ундан ҳам кўпроқ давом етиши мумкин. Қувноқ кайфият, маъюс кайфият, ғамгинлик кайфияти, ғазаб кайфияти ва шу каби кайфиятлар, яхши ёки ёмон кайфиятлар бўлиб туриши ҳаммага маълум. Биз бирор кишидан, аҳволларингиз қалай, деб сўраганимизда, биз, асосан, унинг кайфиятини назарда тутамиз.

Одамнинг барча психик жараёнларида ва фаолиятида кайфият катта рол ўйнайди. Масалан, одамнинг кайфи чоғ бўлса, у анча фаолроқ бўлади, одам маъюс бўлса, унчалик фаол бўлмайди. Одамнинг кайфияти унинг теварак-атрофдаги кишиларга ва нарсаларга муносабатига таъсир қилади. Чунончи, одам хурсанд бўлиб турганида унинг кўзига ҳамма нарса яхши бўлиб кўринади, одам хафа ва маъюс бўлиб турганида, унинг кўзига ҳамма нарса ёмон кўринади. Ижобий кайфият, хушчақчақлик ва хурсандлик кайфияти устун бўлиб турганида, одам вақтинча муваффақиятсизликларни ва хафагарчиликни ҳам осонлик билан ўтказиб юборади.

Бардамлик, хушчақчақлик кайфияти бизнинг кишиларимизнинг асосий хусусиятидир. Ўзбек халқи мустақилликка эришишини ўз мақсади ва маслаги деб билади. У ўз меҳнатининг эркинлигини англаб, Ватани учун сидқидилдан ҳаракат қилиш уларда мана шундай кайфиятни вужудга келтирди. Бизда ҳар бир киши

нима учун меҳнат қилаётганини, ким учун меҳнат қилаётганини билади. Меҳнатнинг таги роҳат эканлигини ҳис қилади.

**Эҳтирос.** Эҳтирос ҳам узоқ давом қиладиган ва барқарор бўлган эмотционал ҳолат дир. Лекин кайфиятдан эҳтироснинг фарқи шуки, эҳтирос муайян ҳаракатга, муайян обектга муттасил интилишда кучли суръатда ифодаланган кучли эмотционал ҳолатдир. Эҳтирос ҳамиша аниқ бир нарсага қаратилган бўлади. Масалан, одамларда билимга, ихтирочиликка, мусиқага бўлган эҳтирос мана шундай аниқ эҳтиросдир. Булар ижобий эҳтиросларга мисол бўла олади. Бизнинг ахлоқимиз нуқтайи назаридан қараганда, салбий эҳтирослар ҳам бор.

Масалан, ичкиликбозликка, алкоголга, қиморга, картабозликка ҳирс қўйиш, пулпарастлик мана шундай салбий эҳтирослардир. Ижобий эҳтирослар одамни улкан ижодий фаолият ёълига етакловчи кучдир.

К.Е. Сиолковскийда космосга учиш масалаларини илмий жиҳатдан ишлаб чиқишга худди мана шундай катта эҳтирос бор эди. У бутун умр бўйи мана шундай эҳтирос билан яшади.

**Аффектлар.** Тез пайдо бўладиган, ниҳоят даражада кучли, ғоят жўшқинлик билан ўтадиган қисқа муддатли эмотционал ҳолатлар аффектлар деб айтилади. Масалан, бирданига аччиқланиш, ғазабланиш, тўсатдан қўрқиш ва шу каби ҳолатлар аффектларнинг бир кўринишидир. Аффектлар кўпинча тўсатдан пайдо бўлади ва баъзан атиги бир неча дақиқа давом етади. Аффект ҳолатида кишининг онги, тасавур қилиш ва фикр қилиш қобилияти торайди, сусайиб қолади. Мана шундай кучли эмотционал қўзғалиш шиддатли ҳа-ракатларда, тартибсиз гапларни гапириб юборишда, кўпинча, бақириб ю-бориш тарзида намоён бўлади. Аффектлар вақтида одамнинг ҳаракатлари кутилмаган тарзда, «портлаш» сингари, бирданига бошланиб кетади.

Баъзан аффектлар тормозланиш ҳолати тариқасида намоён бўлади ва бундай ҳолатда организм бўшашиб, ҳаракатсиз бўлиб ва шалвираб қолади. Чунончи, кутилмаган бир қувончли ҳолатни кўриб суюниб кетган киши «ўзини йўқотиб қўяди» ва «нима дейишни билмай қолади». Бундай ҳолат кўпинча одам бирданига қўрққанида, тўсатдан қувонганида, бирданига ғазабланганида ва шу каби ҳолларда, айниқса, яққол намоён бўлади.

Аффектлар кишининг иродаси бўшашган вақтда пайдо бўлади, аффектлар одамнинг ўзини тия олмаслигини, ўзини тута билмаслигини кўрсатадиган аломатдир.

Лекин ҳар бир киши ўзи етарли даража онгли бўлганлиги учун, ўзида аффект пайдо бўлишига йўл қўймаслиги ёки аффект пайдо бўлиши биланоқ ўзини дарҳол босиб олиши мумкин. Одам аффект жуда зўр куч билан пайдо бўлган вақтда ҳам «ўзини тутиб қолиши» мумкин. Албатта, бунинг учун кишида кучли ирода бўлиши, унда ўзини тута билиш, ўзини тия билиш сингари ирода сифатлари мавжуд бўлиши керак. Одамда бу сифатлар тарбия ва ўз-ўзини тарбия қилиш йўли билан пайдо қилинади.

### Учинчи савол бўйича назорат саволлари:

1.Эмоциянинг психологик хусусиятларини баён қилинг?

2.Эмоционал ҳолатларни таърифланг?

## 4. Эмоционал ҳолатларнинг хилма-хиллиги. Кайфият, стресслар, аффектлар.

**Тўртинчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Эмоционал ҳолатларнинг хилма-хиллигини кўриб чиқиш. Кайфият, стресслар, аффектларни таърифлаш. Эмоцияларнинг ифодаланишини изоҳлаш.

### Идентив ўқув мақсадлари.

1. Эмоционал ҳолатларнинг хилма-хиллигини кўриб чиқади.
2. Кайфият, стресслар, аффектларни таърифлайди.
3. Эмоцияларнинг ифодаланишини изоҳлайди.
4. Талабаларда эмоционал ҳолатларни ўрганишга қизиқиш уйғотади

## Тўртинчи саволнинг баёни.

Эмотционал кечинмалар организмдаги алоҳида физиологик жараёнлар, ҳисобланади.Эмотционал кечинмалар чоғида қон айланиши ўзгаради, юрак уриши тезлашади ёки сусаяди, одам эса қизаради, оқаради ёки бўзаради, нафас олиш ҳам ўзгаради: нафас олиш тезлашади, ёки сусаяди. Эмотционал жараёнларнинг юрак фаолиятидаги ўзгаришлар билан боғлиқ еканлиги шу қадар аён сезилиб турадики, ҳатто оддий тилда «ҳис» билан «юрак» деган сўз бир-бирига ўхшаш маънода ишлатилади.

Одамдаги ҳиссиётнинг физиологик асоси, авало, бош мия пўстида содир бўладиган жараёнлардир.

Бош мия пўсти ҳиссиётларнинг кучини ва барқарорлигини идора қилиб туради. Буни шу билан исбот қилиш мумкинки, мия ярим шарлари олиб ташланган ҳайвонлар енг арзимас сабаблар билан муттасил ва шу билан бирга кучли равишда ҳаяжонга келаверади. Мия пўсти заифлангани натижасида бет мускуллари фалаж бўлган кишилар ҳар хил нарсаларга, ҳатто жуда арзимас нарсага ҳам ҳамиша ва қаттиқ кула берадилар. Бош мия пўстининг фаолияти бузилиши натижасида баъзи кишиларда ҳар хил таассурот, бу таассуротга бутунлай мувофиқ бўлмаган тескари эмотционал аломатларни қўзғатади кулдиради ёки йиғлатади. Бундай ҳолларда бемор кишилар кўпинча ўзлари кулиб турсалар ҳам, аслида ғамгин бўладилар, кўз ёши тўка туриб еса хурсандлик ҳис қиладилар.

Ҳиссиётлар **бош мия пўстининг остки қисмлари фаолияти** билан ҳам боғлангандир. Жумладан, кўриш бўртиғи ҳисларни ифодалайдиган ихтиёрсиз ҳаракатларнинг марказларидир. Буни шу билан исбот қилиш мумкинки, кўриш бўртиғининг шикастланиши натижасида, ҳиссиётни ифодаловчи юз ҳаракатлари ҳам йздан чиқади. Бош мия пўсти остидаги марказлардан маҳрум бўлган ҳайвонларда ҳиссиётларни ифодаловчи ҳаракат белгилари бўлмайди.

Баъзи ҳиссиётлар вегетатив нерв системаси фаолиятининг ҳамда бу система бошқараётган органлар фаолиятининг ошиб кетганлиги сабабли туғилади. Шу сабабли, баъзи эмотционал кечинмалар вақтида қон айланиш органларининг фаолияти, овқат ҳазм қиладиган органлар фаолияти кучайганлигини, нафас олиш ўзгарганлигини, кўзнинг нурланишини, рангнинг қизарганлигини кўрамиз ва ҳоказо.

### Тўртинчи савол бўйича назорат саволлари:

1.Эмоционал ҳолатларнинг хилма-хиллигини кўриб чиқинг.

2. Кайфият, стресслар, аффектларни таърифланг.

3. Эмоцияларни ифодаланг.

4.Юксак (ахлоқий, ақлий, эстетик, праксик) ҳисларни тавсифланг.

## 5. Инсоннинг юксак (ахлоқий, ақлий, эстетик, праксик) ҳислари.

**Бешинчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Инсоннинг юксак (ахлоқий, ақлий, эстетик, праксик) ҳисларини ажратиш. .Ахлоқий, ақлий, эстетик, праксик ҳисларни ажратиб, фарқларини ўргатиш

### Идентив ўқув мақсадлари.

1. Инсоннинг юксак (ахлоқий, ақлий, эстетик, праксик) ҳисларини ажратади.

2.Ахлоқий, ақлий, эстетик, праксик ҳисларни ажратиб, фарқларини аниқлади.

### Бешинчи саволнинг баёни:

Кишилик жамияти билан ҳайвонот олами ўртасида психологик тафовутлар юксак ҳисларда ўз ифодасини топади. Юксак ҳислар онгли ҳаракатларни бажаришнинг объектив шароитлари, йўналишлари, мазмуни билан уйғунлашган шахс эмоционал ҳолатининг барқарор, мураккаб таркибида пайдо бўлади ва кечади. Кўплаб кечирилаётган эмоцияларда, аффектларда, кайфиятларда яққоллашган умумлашма ҳислар **юксак ҳислар** деб аталади. Улар ўз таркибига

содда тузилган ҳисларни қамраб олади, лекин оддий ҳислар йиғиндисидан иборат эмас, чунки юксак ҳислар мазмуни, сифати, шакли билан алоҳидаликка эга.

Психология фанида юксак ҳислар қуйидаги турларга ажратилади:

1) меҳнат фаолиятини давомида кечириладиган ҳислар-праксик ҳислар (юнонча-прахис сўзидан олинган бўлиб, иш, фаолият, юмуш деган маънони англатади);

2) интеллектуал ҳислар (латинча интеллестусган сўздан олинган бўлиб, тушуниш, ақл деган маънони билдиради);

3) ахлоқий ҳислар (латинча моратис сўзидан олинган бўлиб, ахлоқийлик деган маънони англатади);

4) эстетик ҳислар (юнонча аистесис деган сўздан олинган бўлиб, ҳиссий идрок, ҳиссий деган маънони акс эттиради).

Праксиз ҳислар. Шахснинг амалий ҳаётининг исталган тармоғи, мақсадга мувофиқ онгли фаолияти шахснинг уларга нисбатан муайян муносабатда бўлишнинг муҳим соҳасига айланиб қолади.

**Бешинчи савол бўйича назорат саволлари:**

1. Ҳиссиёт тўғрисида умумий тушунчангизни баён қилинг?
2. Ҳиссиётнинг ўзига хослигини таърифланг?
3. Ҳиссиёт ва эмоциянинг физиологик асосларини тушунтириб беринг?
4. Одам ва ҳайвон эмоцияларининг фарқини топинг?
5. Ҳиссий кечинмаларнинг шаклларини ажратинг?
6. Юксак ҳисларни тавсифланг?

**Мавзу бўйича асосий хулосалар:**

Мотивация соҳаларининг умумий тузилишини тушунтириш. Мотивлар ва установкалар ҳақида маълумот бериш. Эҳтиёжлар ва эмоцияларни ажратиш. Мотивацияни ўрганишга оид асосий ёндашишларни ўрганиб, қиёсий солиштириш. Эмоционал жараёнларга тавсиф бериш. Ҳис-туйғуларнинг физиологик асосларини кўриб чиқиш. Эмоционал ҳолатларнинг хилма-хиллигини аниқлаш. Кайфият, стресслар, аффектларни таърифлаш. Эмоцияларнинг ифодаланишини мисоллар ёрдамида кўриб чиқиш. .Юксак (ахлоқий, ақлий, эстетик, праксик) ҳисларни белгилаш. Эмоция ҳақидаги психологик назарияларни ўрганиб, қиёсий солиштириш.

## 15- мавзу. Ирода

| Т/р | Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни | Амалга оширувчи шахс, вақт |
|---|---|---|
| 1 | **Тайёрлов босқичи:**<br>**1.1. Дарс мақсади:** Ирода психологиясини тушунтириш. Иродавий ҳаракатлар ва иродани бошқаришни ўргатиш. Ирода акти ва унинг тузилишини кўриб чиқиш. Шахснинг иродавий хусусиятларини ажратиш. Иродавий сифатларнинг тузилишини текшириш.Одамда ирода сифатларининг тараққиёт даражаси диагностикасини ишлаб чиқиш.<br>Иродани тарбиялаш ва кишининг ўз иродасини тарбиялашни изоҳлаш. Ирода назарияларини ўрганиб, қиёсий солиштириш .<br>**1.2. Идентив ўқув мақсадлари.**<br>1. Ирода психологиясини изоҳлайди. Иродавий ҳаракатлар ва иродани бошқаришни тушунтиради.<br>2.Ирода акти ва унинг тузилишини таърифлайди. Шахснинг иродавий хусусиятларини ажратади.<br>3.Одамда ирода сифатларининг тараққиёт даражаси | **Ўқитувчи** |

| | | |
|---|---|---|
| | диагностикасини ишлаб чиқади.<br>4. Иродани тарбиялаш ва кишининг ўз иродасини тарбиялашни талабаларга ўргатади.<br>5.Ирода назарияларини текшириб қиёсий солиштиради. **Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Ирода психологияси, иродавий ҳаракат, иродавий зўриқиш, фаоллик, иродавий акт, қатъият, ирода акти, интилиш, ҳиссиёт, иродавий ҳаракат, иродани бошқариш, автоматлашган, рефлекслар.<br>**1.4. Дарс шакли:** кириш-ахборотли маъруза<br>**1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза, бахс, видеоусул, савол-жавоб, тушунтириш, тақдимот.<br>**1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:** слайдлар, дарсликлар, мавзуни кўриб чиқишга доир материаллар ва мавзунинг мазмунини ифодаловчи лавҳалар, кўргазмали материаллар. | |
| **2** | **Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:**<br>**2.1.** Мавзу эълон қилинади.<br>**2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади. | **Ўқитувчи, 15 мин** |
| **3** | **Гуруҳда ишлаш босқичи:**<br>**3.1.** Талабаларга ирода психологиясига оид муаммоли савол берилади.<br>**3.2.** Талабаларнинг ирода психологияси ҳақидаги фикри эшитилади ва бошқа талабалар бахсга чақирилади.<br>**3.3.** Талабаларнинг ирода психологияси ҳақида фикри тингланиб, умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.<br>**3.4.** Умумий хулосани ўқитувчи баён қилади. | **Ўқитувчи-талаба, 40 минут** |
| **4** | **Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:**<br>1. Ирода психологиясига таъриф беринг?<br>2. Ирода акти ва унинг тузилишини белгиланг?<br>3. Шахснинг иродавий хусусиятлари ҳақида тушунчангизни айтиб беринг?<br>4. Ирода назарияларини текшириб, ажратинг?<br>5.Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади. | **Ўқитувчи, 15 минут** |
| **5** | **Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:**<br>**5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади.<br>**5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади. | **Ўқитувчи, 10 мин** |

## Асосий саволлар.

1. Ирода ҳақида тушунча.
2.Ирода акти ва унинг тузилиши. Шахснинг иродавий хусусиятлари. Иродавий сифатларнинг тузилиши.
3. Иродавий ҳаракатлар ва иродани бошқариш.
4. Иродaнинг нерв-физиологик асослари.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Ирода психологияси, иродавий ҳаракат, иродавий зўриқиш, фаоллик, иродавий акт, қатъият, ирода акти, интилиш, ҳиссиёт, иродавий ҳаракат, иродани бошқариш, автоматлашган, рефлекслар.

## Ирода ҳақида тушунча.

**Биринчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Ирода психологиясини таърифлаш. Иродавий ҳаракатлар ва иродани бошқаришни талабаларга тушунтириб бериш.

## Идентив ўқув мақсадлари.

1.Ирода психологиясини таърифлайди.

2.Иродавий ҳаракатлар ва иродани бошқаришни талабаларга тушунтириб беради.

## Биринчи саволнинг баёни.

Ирода тушунчаси узоқ тарихга эга бўлиб, инсон онгининг моҳиятини кашф қилиш жараёнидан бошлаб, муайян билимлар тўпланиши туфайли илмий ёндашувлар асосида вужудга келган. XVII асрдаёқ Гоббс ва Спинозалар таъкидлаб ўтганларидек, фаоллик манбаи бемаҳсул соҳанинг пайдо бўлиши деб тушуниш мумкин эмас, чунки уни шахсий куч-кувватини ҳиссий интилиш билан узвийликда қарамоқлик лозим. Спинозанинг фикрича, ирода билан ақл айнан бир нарсадир. Унинг ирода ҳақида бундай фикри иродани илмий нуқтаи назардан тушунишни шакллантирган. В. Вундтнинг мулоҳазасича, ироданинг негизида ички фаоллик этиш ётади. Тадқиқотчи В. А. Иванников эса иродани мотивациянинг ихтиёрий шакли сифатида тушунади. Психологияда иродани експериментал ўрганишга оид қатор илмий тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, уларнинг айримларидан намуналар келтириб ўтамиз. Кўпчилик тадқиқотчилар Е. И. Игнатьев қўлланган методикаси ва унинг натижаларини қўллаб-кувватлайдилар. Ушбу методиканинг моҳияти шундан иборатки, мускулнинг кучли қисқаришидан кейин ўзининг тинч ҳолатига қайтишдаги қаршиликларини енгиш хусусиятини тажрибада текширишдир. Худди шу вазиятда иродавий зўриқишни бартараф этиш намоён бўлади. Муаллифнинг таъкидлашича, зўриқишдаги мускулларнинг қисқаришини бир лаҳза тўхтатиб қолиш ироданинг шартли кўрсаткичи тариқасида қабул қилиш мумкин, чунки мазкур жараёнда инсон ўз тана аъзолари мускулини онгли бошқариш уқуви акс этади. Е. И. Игнатьев тадқиқотида максимал қисилишдан кейин иродавий зўриқишни (зўр беришни) 5кг ортиқ бўлмаган оғирликда пасайтиришга йўл берилади, унинг тахминича, бу катталик (оғирлик) зўриқиш кучини камайтирмайди ва зўр беришни вақтинча тўхтатиб қолишга таъсирини ўтказмайди. Тадқиқотчи материалларини таҳлил қилишнинг кўрсатишича, мускул зўр бериши 9-17 ёшдаги синалувчиларда 14 кгдан 40 кггача оғирликни ташкил қилади, зўр беришнинг 5кг камайиш доираси максимал ҳолатга нисбатан 35,7 процентдан то 12, 5 процент миқдорларда мужассамлашади.

Ирода- кишининг шундай фаоллигидирки, бундай фаоллик олдиндан бирор мақсад қўйиб ва шу мақсадга эришиш воситаларини олдиндан белгилаб, онгли равишда зўр бериш натижасида ҳосил бўлади.

Ирода, аввало, кишининг ўз-ўзини, ўз интилишлари, ҳиссиётлари ва эҳтиросларини қўлида тута билиши демакдир.

**Ирода — кишининг ўз-ўзини ирода қила билиши, ўз хулқи ва фаолиятини онгли равишда тартибга солиш ҳамда бошқара олиш қобилиятидир.**

## 2.Ирода акти ва унинг тузилиши. Шахснинг иродавий хусусиятлари. Иродавий сифатларнинг тузилиши.

**Иккинчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Ирода акти ва унинг тузилишини таърифлаш. Шахснинг иродавий хусусиятларини санаб бериш. Иродавий сифатларнинг тузилишини ўрганиш.

Ирода актининг тузилишини талабаларга тушунтириб бериш.

## Идентив ўқув мақсадлари.

Ирода акти ва унинг тузилишини таърифлайди. Шахснинг иродавий хусусиятларини санаб беради. Иродавий сифатларнинг тузилишини ўрганади. Ирода актининг тузилишини талабаларга тушунтириб беради.

## Иккинчи саволнинг баёни.

Шахснинг иродавий ҳаракатлари мураккаб психологик мазмун, моҳият, маъно касб этиши билан тавсифланади.

Ихтиёрий ёки иродавий ҳаракат олдиндан қўйилган мақсад асосида, бизнинг хоҳишимиз билан бўладиган фаолликдир. Бу ҳаракат бизнинг «ўзимиз» билан боғлиқдир ва у онгли равишда зўр беришимиз натижасида содир бўлади.

Психиканинг фаоллиги иш-ҳаракатларда жуда яққол содир бўлади. Иш-ҳаракатлар ҳам ихтиёрсиз ва ихтиёрий (иродавий) бўлади. Биз ирода ҳақида гапирар эканмиз, фаолиятимизда содир бўладиган онгли ҳаракатни кўзда тутамиз.

Иродавий ҳаракатлар деганда фақат жисмоний (яъни мускуллар билан боғлиқ бўлган) ҳаракатларнигина эмас, балки шунинг билан бирга ахлоқий ҳаракатларни ҳам тушуниш лозим. Ақлий ишлар жараёнида одам кўпинча қийинчиликларга дуч келиб қолади. Бундай ҳолларда иродавий зўр беришга тўғри келади. Лекин шунга қарамай, ирода ҳақида гапирганимизда, асосан одамнинг ташқи ҳаракатларида намоён бўладиган онгли фаоллигини назарда тутамиз.

ирода актининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, нафақат хоҳиш-истакдаги мақсадни танлай олиш, балки уни амалга ошириш имконияти аниқроқ эканлигини тушуниш ҳамда англашдир. Худди шу тариқа иродавий ҳаракатнинг муҳим таркиби, бинобарин, ажратиб олинган мақсадга эришишнинг йўл-йўриқлари шакли ва моҳияти тўғрисида мулоҳаза юритиш, унинг устида бош қотириш даври бошланади. Мазкур жараёнда фикр юритилаётган воситаларнинг мақсадга эришиш йўлига мувофиқлиги таҳлил қилинади, ақлан чамалаб кўрилади, уни рўёбга чиқаришга мутлақо мос ёрдамчи услублар, ҳаракатлар танланади. Юқорида мулоҳаза юритилган ақлий хатти-ҳаракатларнинг барчаси ўзининг моҳияти билан ирода актининг таркибига кирувчи ақлий жараёнлар, ақлий лаҳзалар, ақлий вазиятлар сифатида мужассамлашади.

Иродавий актнинг бошланиши мақсадга эришиш йўл-йўриқлари ҳақиқатдан ҳам аниқ истакларнинг ушалишига хизмат қилиши тўғрисида оқилона қарорга келишда ўз ифодасини топади. Психологик маълумотларнинг кўрсатишича, танланган ҳаракатлар оқилона, омилкор, одилона еканлиги тўғрисида қарорга келинганида, мақсадга мувофиқлиги ишончли далиллар устига қурилганида ушбу жараён қийинчиликларсиз содир бўлади. Бироқ аксарият ҳолларда қарорга келиш мураккаб жараёнга айланади, бунинг натижасида мотивлар кураши юзага келади, бинобарин, танлаш, якдилликка келиш муддати бирмунча чўзилади. Масалан, шахсда иш жойини алмаштириш хоҳиш-истаги туғилди деб айтайлик, бироқ унда бошқа хусусиятга эга бўлган интилишлари ҳукм суриши мумкин, ўз навбатида улар ишхонани ўзгартиришга тўсқинлик ҳам қилади. Жумладан, иш жойини ўзгартириш маошнинг янги ишхонада бироз юқорилиги билан боғлиқ бўлса-да, лекин янги муҳитга ва жамоага, нотаниш шарт-шароитга, бошқача талабга мослашиш (кўникиш) зарурлигини тақозо етади. Ана шу тарздаги муносабатлар билан мотивлар кураши юзага келади, унинг негизида: а) янги иш жойидан, б)ички қаноатланиш туйғусидан воз кечиш керакми; ёки в) қимматли имконият туғилиши, г) унинг истиқболи евазига ўзининг бошқа еҳтиёжларидан юз ўгириши лозимми деган мотивлар кураши боради. Мотивлар курашида у ёки бу тарзда қарорга келишни маъқуллаш (эътироф қилиш) ёки маъқулламаслик (еътироф етмаслик)тўғрисидаги мулоҳазаларни таҳлил қилиш (уларни чамалаш) билан чекланиб қолмасдан, балки ўзаро зиддиятли, бир-бирини инкор етувчи ҳаракатларни татбиқ етишга ундовчи қабилдаги мотивлар кураши ҳам туғилиши мумкин. Ўзаро қарама-қарши мотивларнинг салмоғи қамровли бўлса, шахсни фаолиятга ундовчи еҳтиёжларнинг объекти ўзининг қиймати (аҳамиятлилиги) билан ўзаро бараварлашса, у ҳолда бундай мотивлар кураши уларга ҳамоҳанг тарзда кучли кечади.

**Иккинчи савол учун назорат топшириқлари:**

1. Ирода психологик категория сифатида эканлигини текширинг ?
2. Иродавий акт тузилиши ҳақида мулоҳазаларингизни баён қилинг ?
3. Иродани мустаҳкамлаш ва шакллантириш имкониятларини белгиланг ?
4. Шахс камолотида ироданинг роли ва аҳамиятини тушунтиринг ?

## 3. Иродавий ҳаракатлар ва иродани бошқариш.

**Учинчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Иродавий ҳаракатларни тушунтириш. Иродани бошқариш тўғрисида талабаларга тушунча бериш.

**Идентив ўқув мақсадлари.**

1.Иродавий ҳаракатларни тушунтиради.

2.Иродани бошқариш тўғрисида талабаларга тушунча беради.

**Учинчи саволнинг баёни:**

Иродавий ҳаракатлар деярли ҳамма вақт ихтиёрсиз фаоллик билан боғлиқ равишда содир бўлади.

Рефлектор ҳаракатлар, масалан, чучкуриш, кўз пирпиратиш, қўлга бехосдан нина қадалганда ёки қўл синиб қолганда қўлни силтаб тортиб олиш ихтиёрсиз ҳаракатлар жумласидандир. Бундай ҳаракатларнинг нерв-физиологик асоси шартсиз рефлекслардир.

Ихтиёрсиз ҳаракатларнинг махсус тури *автоматлашган* ҳаракатлар, яъни малака ва одатлардир. Бундай автоматлашган ҳаракатлар одамнинг амалий ҳаёти давомида ҳосил қилади. Малака ва одатларнинг нерв-физиологик асосида шартли рефлекслар ётади.

Ихтиёрсиз ҳаракатлар онгсиз равишда воқе бўлади. Аммо ихтиёрсиз ҳаракатларнинг кўпчилигини киши маълум даражада ўша иш-ҳаракатлар воқе бўлган пайтда ва айниқса улар бўлиб ўтгандан кейин *билиб-англаб* олади.

Ҳаракат мақсадини белгилаш: Иродавий жараён ва иродавий ҳаракатнинг дастлабки моменти мақсад қўйишдан иборатдир. Мақсад деганда одам нима қилиши кераклигини, нимага эришиши кераклиги ва қандай қийинчиликларни енгиши лозимлигини англаши тушунилади.

Иродавий ҳаракатлар - илгаридан мўлжалланган хоҳиш билан амалга ошириладиган ҳаракатлардир. Иродавий ҳаракатлар ихтиёрсиз ҳаракатлардан даставал шунинг билан фарқ қиладики, уларда олдиндан мўлжалланган ва тўла англанилган интилиш бўлади.

**Мақсад ва воситаларни белгилаш**: Кишида айни бир вақтнинг ўзида бир неча тилак ва истаклар туғилиши мумкин, чунки кишининг эҳтиёжлари жуда ҳам хилма-хилдир. Масалан, киши кечқурун бўш бўлган пайтида театрга ёки бирор дўстининг олдига боришни хоҳлаши мумкин. Бундан ташқари, айни бир истак, айни бир мақсадга эришиш йўли ва эришиш воситаси турлича бўла олишини тасаввур этиш истак ва мақсадга эришмоқ учун қилинган иш-ҳаракатлардан чиқадиган турли хил натижаларни олдиндан тасаввур этиш мумкин.

Бирон мақсад ва уни амалга ошириш воситаларини танлаш жараёнида уларнинг маъқул ёки номаъқул эканликлари чамалаб кўрилади. Бирон мақсад ва бу мақсадни амалга ошириш йўлларини белгилаб берувчи ёки белгилаб бермовчи ҳар қандай нарса ҳаракатнинг мотиви деб аталади. Мотив деб — киши нима учун ўз олдига бошқа бир мақсадни эмас, балки айни шу мақсадни қўйиши керак, нима сабабдан у ўз мақсадига эришмоқ учун, бошқа бир йўллар билан эмас, балки худди шу йўл билан ҳаракат қилиши керак, деган саволларга жавобдир.

Иродавий ҳаракатларнинг ихтиёрсиз ҳаракатлардан фарқи яна шундан иборатки, улар мотивлар асосида амалга оширилади.

Кўпинча мотивлар кураши тафаккур (ақл) билан ҳиссиётнинг ўртасидаги курашдан иборат бўлади; одам баъзан гўё иккига бўлиниб кетади; «Ақл уни дейди, ҳиссиёт (кўнгил) буни дейди».

Бирон мақсад ёки бирон мақсадга олиб борувчи йўллар ақлга мувофиқ келса-ю, лекин кишида нохуш ҳиссиётлар туғдирса ва, аксинча, бирон мақсад ёқимли ҳислар туғдирса-ю, лекин ақлга мувофиқ келмаса, ана шундай бўлади.

**Қарорга келиш**: Мотивлар кураши билан боғлиқ бўлган бирон мақсадни амалга ошириш йўлларини танлаш жараёни қарорга келиш билан тугайди. Қарорга келиш маълум бир мақсад ва бу мақсадни амалга оширишнинг бирон усули ёки маълум йўллари ҳақида тўхташ демакдир. Бу эса мотивлардан бири ҳал қилувчи

рол ўйнайди, демакдир. Масалан, кечқурун қаерга бориш керак: театргами ёки дўстимнинг олдигами деган фикрдаги мотивлар кураши натижасида киши дўстининг олдига боришга қарор қилади.

Баъзи ҳолларда киши қабул қилинадиган қарорнинг амалга ошириш имкониятларига ишонган ҳолда жуда тез маълум бир қарорга келади. Буни биз ***қатъият*** деб атаймиз.

Бошқа бир ҳолларда эса, мотивлар кураши узоқ, вақтга «чўзилиб кетади» ва қарор бажарилишига ишончсизлик ҳамда иккиланишлар билан қабул қилинади. Бу - ***қатъиятсизликдир.*** Масалан, ўрта мактабни тугатаётган ва тугатган баъзи бир ёшлар қайси институтга кириш масаласини жуда тез ҳал қиладилар, бошқа бирлари бўлса жуда узоқ вақт иккиланиб ўйлаб юрадилар.

Бир марта қабул қилишган қарорни кейинчалик ўзгартириш ёки бошқа янги қарор билан алмаштириш, ёки бўлмаса, батамом бекор қилиб ю-бориш **субутсизлик** дейилади. Қатъий қарор қила олмаслик - киши иродаси бўшлигининг аломатидир.

**Қарорни ижро этиш:** Бирон қарор шу қарорга мувофиқ келадиган чоралар кўриш ва иш-ҳаракатлар қилиш учун қабул қилинади. Қарордан ҳаракатга ўтишни ижро қилиш, бажариш дейилади. Иродавий жараёнларда енг муҳим нарса қабул қилинган қарорни бажаришдир. Кишининг иродаси худди мана шу қарорни бажаришда намоён бўлади дейиш мумкин.

Иродаси кучсиз бўлган кишилар кўпинча жуда кўп яхши қарорларга келишларига қарамай, бу қарорламинг ижро етилишини сустлаштириб, чўзиб юборадилар ва бошқа муддатларга қолдирадилар. Бажарилиши галдан-галга қолдириладиган ёки батамом бажарилмайдиган қарорларни *ният* деб аталади.

**Ички қаршиликларни енгиш:** Ички қаршиликлар кишининг ўзига хос бўлган маълум ҳолатидир. Киши тинч, ҳаракатсиз ва ҳеч қандай фаолиятсиз ҳолатда бўлиши мумкин. Масалан, бундай ҳолат дам олаётганда, ухлаётганда, толиққан пайтда ва касал пайтда бўлади.

Иродавий зўр бериш воситаси билан кишининг ақлий фаолияти ҳам фаол ҳолатга келтирилади. Масалан: маъруза бошланиши биланоқ талаба ирода кучини ишга солиб, диққатини бир ерга тўплайди, ироданинг барқарорлигини сақлаб туради, тафаккур ва эсда олиб қолиш жараёнларини кучайтиради.

Парашутчилар биринчи марта ўзларини самолётдан ташлаганларида (иродавий ҳаракатларида) табиий равишда пайдо бўладиган қўрқиш ҳиссини енгиб боришлари лозим бўлади.

Одамнинг ички тўлқинларини енга олиш, ўзини бошқариш ва ўз усти-дан ҳукмронлик қила билиш қобилиятини одатда ***ички ирода*** деб юритилади.

**Ташқи қаршиликларни енгиш:** Одамнинг ташқи тўсқинликларни ташқи қийинчиликларни енга олиш қобилиятини *ташқи ирода* деб юритилади. Обектив воқеликка таъсир қилишда киши ирода кучининг ёрдами билан даставал ўз организмини ҳаракатга солиши лозим ва шу билан бирга, ҳар қандай ихтиёрсиз ҳаракатни доимо босиб ва ўзгартириб туриши керак. Шунинг учун кишининг ташқи қаршиликларни енгишга қаратилган иродавий зўр беришлари ва иродавий ҳаракатлари айни вақтнинг ўзида кишининг ички ҳолатини ҳам ўзгартиради. Киши ташқи муҳитни ўзгартириши билан бирга, у ўз-ўзини ҳам ўзгартиради.

**Учинчи савол учун назорат топшириқлари:**

Ирода тўғрисида умумий тушунчангизни баён қилинг ?

Ирода актининг тузилишини ифодаланг ?

Ирода назарияларини талқин қилинг ?

Ирода хислатларини шакллантириш хусусиятларини ажратинг ?

## 4. Ироданинг нерв-физиологик асослари.

**ўртинчи савол бўйича дарснинг мақсади:** И.П. Павлов таълимоти тўғрисида талабаларга тушунча бериш. Ироданинг нерв-физиологик асосларини тушунтириш.

## Идентив ўқув мақсади:

И.П. Павлов таълимоти тўғрисида талабаларга тушунча беради. Ироданинг нерв-физиологик асосларини тушунтиради.

## Тўртинчи саволнинг баёни.

Иродавий ҳаракатларнинг нерв-физиологик асосида шартли рефлекслар ётади. И.П. Павлов таълимотига кўра, иродавий ҳаракатларнинг ҳамма механизми юксак нерв фаолиятининг бутун қонунларига бўйсунувчи шартли боғланишлардан, яъни ассотсиатив жараёнлардан иборатдир. Иродавий ҳаракатлар механизмларида, асосий ролни кинестезик қўзғатувчилар туфайли, яъни мускуллар ҳаракати туфайли юзага келадиган махсус шартли рефлекслар ўйнайди. Кинестезик ҳужайра ва ҳаракат анализатори турли-туман қўзғатувчилар билан муваққат алоқа боғлай олишлиги И. П. Павлов ҳамда унинг ҳамкорлари томонидан ўтказилган махсус тажрибаларда исботлаб берилган.

Иродавий ҳаракатлар онгли ҳаракатлар сифатида иккинчи сигнал системасининг фаолияти билан боғлиқдирлар. Хусусан, ички нутққа тегишли сўзлар керакли ҳаракатларни юзага келтирувчи ва бошқарувчи сигнал ҳисобла-надилар. И.П. Павлов фикрича, иккинчи сигнал системаси одам хулқи ва хатти-ҳаракатларининг олий регулатори, яъни бошқарувчисидир.

Иккинчи сигнал системасининг механизмлари биринчи сигнал системасининг сигналларига ва ихтиёрсиз ҳаракатларнинг мия пўсти остки марказларига буларнинг ишларини тартибга солиш юзасидан таъсир етиб туради. Агар иккинчи сигнал системаси тормозланса, бундай ҳолатда «воқелик билан деярли ҳисоблашмайдиган ва асосан мия пўстининг остки марказ-ларининг эмотсионал таъсирига бўйсунадиган» фаолият ҳақида гапириш мумкин. Ана шундай пайтда одам, масалан, аффектив ҳолатда бўлади.

Нерв системасининг тетик ҳамда соғлом ҳолати ҳар қандай фаолият ва одамнинг унумли ишчанлиги учун асосий шароитдир.

Нерв системасининг кучсизланиши ироданинг заифланиши ва инсон фаол фаолиятининг сусайишига асос бўлади. Бундай сустлик ҳолати хусусан толиқиш пайтида ёрқин намоён бўлади.

**Жисмоний толиқишнинг** асосий белгиси мускуллар ишчанлигининг сусайишидир. Масалан, жисмоний толиқиш, жумладан, мускул кучларининг заифланиши, ҳаракатларнинг секинлашиши, ҳаракатлар миқдорининг камайиши, ишдаги жадалликнинг секинлашуви, ҳаракатлардаги аниқликни, мосликни, текисликни ва буларни бошқаришнинг бузилиши билан ҳаракатланади. Жисмоний толиқиш одам бутун организмининг мадорсизланиш ҳолати билан характерланади.

Нерв системасининг касаллиги иродани ҳаддан ташқари сусайтириб юборади. Бундай ҳолатни **абулия** деб аталади. Абулия ҳолатидаги киши жуда чанқаб турган бўлса ҳам, ўз олдида турган стакандаги сувни олиб ичишга ўзини мажбур қилолмайди.

## Тўртинчи савол учун назорат топшириқлари:

1. Иродавий ҳаракатларнинг нерв-физиологик асосини тушунтиринг ?
2. И.П. Павлов таълимотига кўра, иродавий ҳаракатларнинг механизмларини таърифланг ?
3. Абулияни таърифланг ?
4. Нерв системасининг ирода билан боғлиқ томонларини ва аҳамиятини сўзла беринг

## Мавзу бўйича асосий хулосалар:

Ирода ҳақида тушунча. Ирода акти ва унинг тузилишини тушунтириш. Шахснинг иродавий хусусиятларини таърифлаш. Иродавий сифатларнинг

тузилишини кўриб чиқиш. Иродавий ҳаракатлар ва иродани бошқаришни талабаларга ўргатиш. Ироданинг нерв-физиологик асосларини ўрганиш. Ирода назарияларини текшириб, қиёсий солиштириш

## 16 – Мавзу: Темперамент

| Т/р | Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни | Амалга оширувчи шахс, вақт |
|---|---|---|
| 1 | **Тайёрлов босқичи:**<br>**1.1.Дарс мақсади:** Темперамент - шахснинг индивидуал | **Ўқитувчи** |

| | | |
|---|---|---|
| | психологик хусусиятлари интеграцияси эканлигини кўриб чиқиш. И.И.Павловнинг олий нерв фаолияти типлари ҳақидаги таълимоти темпераментнинг физиологик асоси эканлигини исботлаш. Меҳнат ва ўқиш фаолиятида темпераментнинг ролини белгилаш.<br>**1.2. Идентив ўқув мақсадлари.**<br>Темперамент - шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари интеграцияси эканлигини кўриб чиқади. И.И.Павловнинг олий нерв фаолияти типлари ҳақидаги таълимоти темпераментнинг физиологик асоси эканлигини исботлайди.<br>Меҳнат ва ўқиш фаолиятида темпераментнинг ролини белгилайди.<br>**Мавзуга оид таянч тушунча ва сўзлар:** индивидуал хусусиятлар, психологик хусусиятлар, мижоз, темперамент, интеграция, олий нерв фаолияти, холерик, сангвиник, меланхолик, флегматик, тез, бетоқат, серғайрат, жўшқин, сусткаш, лапашанг.<br>**1.4. Дарс шакли:** кириш-ахборотли маъруза<br>**1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза, бахс, видеоусул, савол-жавоб, тушунтириш, тақдимот.<br>**1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:** слайдлар, дарсликлар, мавзуни кўриб чиқишга доир материаллар ва мавзунинг мазмунини ифодаловчи лавҳалар, кўргазмали материаллар. | |
| **2** | **Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:**<br>**2.1.** Мавзу эълон қилинади.<br>**2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади. | **Ўқитув чи, 15 минут** |
| **3** | **Гуруҳда ишлаш босқичи:**<br>**3.1.** Талабаларга мавзуга оид муаммоли савол берилади.<br>**3.2.** Талабаларнинг фикри эшитилади ва бошқа талабалар бахсга чақирилади.<br>**3.3.** Талабаларнинг фикри тингланиб,умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.<br>**3.4.** Умумий хулосани ўқитувчи баён қилади. | **Ўқитув чи-талаба, 40 минут** |
| **4** | **Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:**<br>1. Темпераментни изоҳланг ?<br>2. И.И.Павловнинг олий нерв фаолияти типлари ҳақидаги таълимотини гапириб беринг?<br>3. Темперамент турлари тўғрисида Абу Али ибн Сино қарашларини ўрганиб, қиёсий солиштиринг?<br>4. Меҳнат ва ўқиш фаолиятида темпераментнинг аҳамиятин.и белгиланг? .<br>5. Темпераментфани типлари ҳақида умумий тушунчангизни баён қилинг?.<br>**6.** Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади. | **Ўқитувчи, 15 минут** |
| **5** | **Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:**<br>**5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади.<br>**5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади. | **Ўқитувчи, 10 минут** |

**Асосий саволлар.**

1.Темперамент - шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари интеграцияси (бирлашиш).

2. Темперамент турлари тўғрисида Абу Али ибн Сино қарашлари.

3.И.И.Павловнинг олий нерв фаолияти типлари ҳақидаги таълимоти темпераментнинг физиологик асоси эканлиги.

4.Темперамент типлари ва уларнинг психологик тавсифи.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва сўзлар:** индивидуал хусусиятлар, психологик хусусиятлар, мижоз, темперамент, интеграция, олий нерв фаолияти, холерик, сангвиник, меланхолик, флегматик, тез, бетоқат, серғайрат, жўшқин, сусткаш, лапашанг.

## 1.Темперамент - шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари интеграцияси (бирлашиш).

**Биринчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Темперамент - шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари интеграцияси эканлигини кўриб чиқиш. Темперамент - шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари интеграцияси (бирлашиш) эканлигини тушунтириб бериш.

### Идентив ўқув мақсади:

1. Темперамент - шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари интеграцияси эканлигини кўриб чиқади.

2.Темперамент - шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари интеграцияси (бирлашиш) эканлигини талабаларга тушунтириб беради.

### Биринчи саволнинг баёни:

Темперамент деганда биз, одатда, кишининг табиий туғма хусусиятлари билан боғлиқ бўлган индивидуал хусусиятларини тушунамиз. Темперамент лотинча «темпераментум» деган сўздан олинган бўлиб, унинг маъноси «аралашма» демакдир.

И.П. Павлов темпераментни қуйидагича таърифлайди: «Наг бир айрим кишининг ва шунингдек, ҳар бир айрим ҳайвоннинг ҳам энг умумий характеристикасидир, ҳар бир индивиднинг бутун фаолиятларига муайян қиёфа берадиган нерв систэмасининг асосий характеристикасидир”

Темперамент, психологик жиҳатдан олганда, кишидаги ҳиссиётнинг қўзғалишларида ва кишидаги умумий индивидуал хусусиятдир. ҳаракатчанликда кўринадиган

Ҳар қайси кишидаги ҳиссиётнинг қўзғалиш тезлиги, кучи ва барқарорлиги ҳар хил бўлади. Бир хил одамларнинг ҳиссиёти тез, кучли қўзғатади ва барқарор бўлади. Баъзи кишиларда эса бундай қўзғалиш суст, заиф бўлиб, узоққа бормайди. Темпераментнинг бундай хусусиятлари кишидаги ҳиссиётнинг қўзғалишлари билан бирга, организмнинг атрофдаги муҳим таъсирига жавобан кўрсаладиган ихтиёрсиз реакцияларида, айниқса, яққол кўринади. Бу хусусиятлар ташқи томондан кишининг мимикаларида, пантомимикаларида, ҳар хил беихтиёр иш-ҳаракат ва имо-ишораларида кўриниб туради.

Киши ҳиссиётининг бундай қўзғалувчанлик хусусиятлари диққатнинг кучи ва барқарорлигида, ирода сифатларида, ақлий жараёнлар, жумладан, нутқ тезлигида акс этади. Мана шундай ихтиёрсиз фаолликнинг қандай юз беришига қараб, бир хил одамларни «тез», «бетоқат», «серғайрат», «жўшқин» деймиз. Баъзиларини эса «сусткаш», «лапашанг» ва ҳоказолар деб юритамиз. Бу хилдаги индивидуал хусусиятлардан кишининг темпераменти (мижози) таркиб топади. Айрим темпераментларнинг аломатлари кишининг болалик чоғларида яққол намоён бўлади. Ҳар бир кишининг ўз темпераменти бўлади. Лекин ҳар қайси одамнинг темпераментларида мана шундай индивидуал тафовутлар бўлиши билан бирга, бу темпераментларнинг умумий, ўхшаш белги ва аломатлари ҳам бўлади. Ҳамма хилма-хил темпераментларни мана шундай умумий белгиларига қараб ажратиш, яъни классификатсия қилиш мумкин.

### Биринчи савол бўйича назорат саволлари:

1. Темпераментни таърифланг ?
2. И.П. Павловнинг темперамент ҳақидаги таърифини тушунтиринг?
3. Темперамент - шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари интеграцияси эканлигини тушунтиринг?
4. Темперамент - шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари интеграцияси (бирлашиш) эканлигини таърифланг ?

## 2. Темперамент турлари тўғрисида Абу Али ибн Сино қарашлари

**Иккинчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Темперамент турлари тўғрисида Абу Али ибн Сино қарашларини тушунтириб бериш. Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» номли асарида таърифлаган таълимотини тушунтириш.

### Идентив ўқув мақсади:

1. Темперамент турлари тўғрисида Абу Али ибн Сино қарашларини тушунтириб беради.
2. Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» номли асарида таърифлаган таълимотини тушунтиради.

### Иккинчи саволнинг баёни:

Темперамент турлари тўғрисида Абу Али ибн Сино қарашлари. Форобийдан кейин жаҳон маданиятига улкан ҳисса қўшган олимлардан бири бухоролик **Абу Али ибн Синодир**. У тиббиёт, фалсафа, психология, математика каби фанларнинг ривожланишига эътибор берди. У мавжудодни, яъни барча мавжуд нарсаларнинг келиб чиқиши, ўзаро муносабати, биридан иккинчисига ўтишини ҳар томонлама ўрганади. Ибн Синонинг фикрича, олам яхлит мураккаб боғлиқдир. Бу боғлиқни ҳар томонлама текшириш учун у зарурият, имконият, воқелик ва сабабият тамойилларини асос қилиб олди. Унинг фикрича, материя тўрт шаклдан ҳаво, ўт, сув, тупроқдан иборат. Уларнинг ўзаро турли хил бирикуви натижасида мураккаб моддий нарсалар ташкил топади, деб ёзади. Бу моддий нарсаларнинг моддий асоси бўлган ҳаво, ўт, сув, тупроқ ўзгармайди ҳам, йўқолмайди ҳам. Ибн Сино материя ҳаракат, вақт, фазо билан узвий боғлиқдир, деб таъкидлайди. Ибн Синонинг ишларида «жон» тушунчаси организмни сезиш, эшитиш, кўриш қобилияти деб таҳлил қилинган. У жон ҳақида ажойиб таълимот яратди. Бу ҳақдаги фикрлар унинг «Тиб қонунлари» китобида ўз аксини топган.

Абу Али ибн Сино Шарқ табобатида кенг қўлланиладиган «мижоз» тушунчасига алоҳида эътибор берди. Унингча, «мижоз» инсоннинг хусусияти унинг сифати, тана ва руҳга ташқи муҳит факторларининг таъсирини идрок қилишдир. «Мижоз» организмнинг руҳий ва жисмоний барқарорлигини кўрсатган жисмоний ва психик идрок ҳамда турли таъсирларга жавоб бўлиб, бу сўз қадимги грек табиби Гиппократ томонидан ишлатилган. Кейинчалик, у организмда бўладиган 4 суюқлик қон, сафро, балғам, қора ўт ҳақида таълимотини ишлаб чиққан.

Ибн Сино тиббиёт муаммоларини ҳал қилишда Гиппократ таълимотига суянади. «Тиб қонунлари* асарида бир неча бор тиббиёт фанини отаси Гиппократ фикрларидан фойдаланади.

### Иккинчи савол бўйича назорат саволлари:

1. Абу Али ибн Синонинг психология фанига қўшган ҳиссасини таърифланг ?
2. «Мижоз» тушунчасига таъриф беринг ?
3. Ибн Сино тиббиёт муаммоларини ҳал қилишда Гиппократ таълимотига таянган ва қандай фикрларини асос қилиб олган ?

### И.И.Павловнинг олий нерв фаолияти типлари ҳақидаги таълимоти темпераментнинг физиологик асоси эканлиги.

**Учинчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Гиппократ таълимотини таърифлаш. И.И.Павловнинг олий нерв фаолияти типлари ҳақидаги таълимоти темпераментнинг физиологик асоси эканлигини тушунтириб бериш.

## Идентив ўқув мақсади:

1. Гиппократ таълимотини таърифлайди.
2. И.И.Павловнинг олий нерв фаолияти типлари ҳақидаги таълимотини тушунтиради.
3. темпераментнинг физиологик асосини таърифлайди.

## Учинчи саволнинг баёни:

Темперамент ҳақидаги таълимот дастлаб қадимги (бизнинг эрамиздан олдинги 460—356-йилларда яшаган) грек олими Гиппократ томонидан яратилган. Унинг таълимотига мувофиқ суръатда, кейинчалик «темперамент» термини ҳам ишлатиладиган бўлди, шунингдек, ҳамма тўрт тип темперамент номлари ўрнашиб қолди.

Гиппократ таълимотига мувофиқ, одамларнинг темперамент жиҳатидан турлича бўлиши, уларнинг организмидаги суюқликларнинг (хилтларнинг) турлича нисбатда бўлиши билан боғлиқдир. Гиппократ фикрича, одам танасида тўрт хил суюқлик (хилт) бордир. Чунончи, ўт ёки сафро (грекча - шоле), қон (лотинча — сандус), (қора ўт — грекча меланҳоле) ва балғам (грекча — рҳлегма) бордир. Бу суюқликларнинг ҳар бири ўз хусусиятига эга бўлиб, уларнинг ўз вазифаси, иши бордир. Чунончи, ўтнинг хусусияти — қуруқликдир. Унинг иши — организмдаги қуруқликни сақлаб туриш, яъни баданни қуруқ тутишдир. Қоннинг хусусияти — иссиқликдир. Унинг иши — организмни иситиб туришдир. Қора ўтнинг хусусияти - намликдир. Унинг иши бадан намлигини сақлаб туриш, унинг намлигини тутиб туришдир. Балғам (шилимшиқ модда)нинг хусусияти совуқликдир. Унинг иши — баданни совитиб туришдир. Гиппократ фикрига мувофиқ, ҳар қайси одамда шу тўрт хилдаги суюқликдан бири кўпроқ бўлиб, устун туради. Бу аралашма (лотинча — темпераментум) лардан қайси бири устун бўлишига қараб, одамлар темперамент жиҳатдан ҳар хил бўладилар. Холерикларда сариқ ўт устун; сангвиникларда қон; меланхоликларда қора ўт; флегматикларда эса балғам (шилимшиқ модда) устун бўлади, деб кўрсатади.

Гиппократнинг мана шу тўрт хил моддалар аралашмаси тўғрисидаги таълимотидан келиб чиққан *темперамент* сўзи қадимги замонлардан бери ҳозиргача сақланиб келмоқда.

Темперамент хусусиятларининг илмий сабаблари И.П. Павловнинг юксак нерв фаолият типлари ҳақидаги таълимотида очиб берилди. И.П. Павлов юксак нерв фаолият турлари деганда ҳайвон билан одам нерв системасининг фаолиятидаги энг муҳим хусусиятларнинг чатишувини тушунар эди. И.П. Павлов итлар устида кўп тажрибалар ўтказиб, рефлексларни текшириши натижасида, ҳайвонлар нерв системасининг

а) қўзғалиш ва тормозланишнинг кучига,

б) бу жараёнларнинг мувозанатига ва

д) уларнинг илдамлик даражасига қараб бир-биридан фарқ қилишини аниқлади.

И.П. Павлов ажратишича, нерв системасининг кучи ҳужайралардаги физиологик моддаларнинг запас миқдори билан белгиланади.

Кучли типдаги нерв системасида бундай запас кўп миқдорда бўлиб, кучсиз типда оздир.Нерв системасининг кучи қўзғалиш жараёнига ҳам, шунингдек, тормозланиш жараёнига ҳам тегишлидир. Нерв системасининг кучи, авало, кучли қўзғовчиларга «бардош» бера олиш қобилиятида кўринади.

Нерв системасидаги мувозанат, И.П. Павлов таълимотига мувофиқ, нерв системасининг қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг куч даражасини тенг баравар ҳолда тутиб тура билиш қобилиятида кўринади. Қўзғалиш ва тормозланиш баравар даражада кучли ёки кучсиз бўлганда, нерв системасида

мувозанат бўлади. Шу жараёнлардан бири кучлироқ ёки кучсизроқ бўлса, нерв систэмасида мувозанат бўлмайди.

Нерв систэмасининг илдамлиги мия пўстининг бирон қисмидаги қўзғалишнинг тормозланиши билан ёки, аксинча, тормозланишнинг қўзғалиш билан нақадар енгил алмашинишидан иборат. И. П. Павлов нерв систэмасининг бу хусусиятига, айниқса, катта аҳамият берган эди.

Юқорида кўрсатилган белгиларига қараб, нерв систэмасининг қуйидаги тўрт асосий типларини ажратиладики, булар И.П. Павлов фикрича, Гиппократнинг тўртта темперамент типига тўғри келади:

а) кучли мувозанатли ва эпчил тип. Серҳаракат тип. Бу тип сангвиник темперамент асосини ташкил этади;

б) кучли, мувозанатли инерт (сусткаш) тип оғир вазмин тип. Флегматик темпераментнинг асосини ташкил этади;

д) кучли, лекин мувозанатсиз, яъни қўзғалиш тормозланишдан устун чиқадиган, қизғин, жўшқин, тип. Бу - холерик темпераментнинг асосини ташкил этади;

е) кучсиз тип. Меланхолик темпераментнинг асосини ташкил этади.

И.П. Павлов нерв фаолиятининг бундай типлари одамларга ҳам хос деб ҳисоблайди. «Ҳайвонлар нерв система типларини классификатсиялашнинг елементар физиологик асосларига суяниб туриб, - дейди И. П. Павлов, - ана шу типларни кўпчилик одамларга нисбатан ҳам қабул қилиш лозим».

Шундай қилиб, темперамент, И. П. Павлов таълимотига мувофиқ, юксак нерв фаолият типларининг киши хулқида намоён бўлишидан иборатдир.

## Учинчи савол бўйича назорат саволлари:

1. Гиппократнинг темперамент ҳақидаги таълимотини гапириб беринг ?
2. Гиппократ ва И.П. Павловнинг темперамент ҳақидаги фикрларини қиёсий солиштиринг ?
3. Сангвиник темперамент асосини ташкил тушунтиринг?
4. Флегматик темпераментнинг асосини нималар ташкил ташкил этади?
5. Холерик темпераментнинг асосини таърифланг ?
6. Меланхолик темпераментнинг асосини ёритинг?

4.Темперамент типлари ва уларнинг психологик тавсифи.

**Тўртинчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Темперамент типларини кўриб чиқиш. Темперамент типларини психологик тавсифлаш. Холерик темпераментни ажратиш. Сангвиник темперамент ва меланхолик темпераментни солиштириш. Флегматик темпераментни таърифлайди.

## Идентив ўқув мақсади:

1.Темперамент типларини кўриб чиқади.
2. Темперамент типларини психологик тавсифлайди.
3.Холерик темпераментни ажратади.
4.Сангвиник темперамент ва меланхолик темпераментни солиштиради.
5.Флегматик темпераментни таърифлайди.

## Тўртинчи саволнинг баёни:

Барча темпераментларни қадимдан тўрт типга: 1) холерик, 2) сангвиник, 3) меланхолик ва 4) флегматик темпераментга ажратишган.

**Холерик темперамент** — ҳиссиётнинг тез ва кучли қўзғалувчанлиги, барқарор бўлиши билан фарқ қилади. Холерик темпераментли кишиларнинг ҳиссиётлари уларнинг имо-ишораларида, мимикаларида, ҳаракатлари ва нутқларида яққол кўриниб туради. Холериклар қизғинлик ва тажангликка мойил бўладилар. Бундай темпераментли кишилар чаққон, умуман ҳаракатчан, серғайрат ва ҳар доим уринувчан бўладилар.

Бу хил темпераментли болалар серғайрат бўладилар. Улар бир ишга тез киришадиган ва бошлаган ишини охирига етказадиган бўладилар. Улар кўпчилик билан жамоа ўйинлар ўтказишни севадилар ва бундай ўйинларни кўпинча ўзлари

бошлаб, охиригача фаол қатнашадилар. Холерик темпераментли болалар аразчан, сержаҳл ва тажанг бўладилар. Бир нарсадан хафа бўлсалар, бу хафалик уларда узоқ сақланади. Улардаги кайфият анча барқарор ва давомли бўлади.

**Сангвиник темперамент** — ҳиссиётнинг тез, кучли қўзғалувчанлиги, лекин беқарор бўлиши билан фарқ қилади.

Сангвиник темпераментли кишиларнинг кайфияти тез-тез ўзгариб, бир кайфият ўзига тескари бўлган иккинчи бир кайфият билан тез алмашиб турмоғи мумкин. ғСангвиник темпераментли кишиларда психик жараёнлар, холериклардаги сингари, тез ўтади. Бу хил темпераментли кишилар илдам, чаққон, серҳаракат ва жўшқин бўладилар. Сангвиник темпераментли кишилар теварак-атрофдаги воқеалардан тез таъсирланадилар ва муваффақиятсизликлар ҳамда кўнгилсиз ҳодисалар унча қаттиқ хафа қил-майди. Улар кўп ишга тез ва ғайрат билан киришадиган бўладилар, лекин ишдан тез совийдилар. Бир зайлдаги ишларни узоқ давомли суръатда бажаришга мойил бўлмайдилар.

Сангвиник темпераментли болалар жуда серҳаракат, илдам ва чаққон бўладилар. Улар ҳар қандай ишга қатнашиш учун доим тайёр бўладилар.
Сангвиниклар чин кўнгилдан ваъдалар беришлари, лекин, кўпинча, ваъдани унутиб, уни бажармасликлари ҳам мумкин. Бу хил темпераментли болалар ўйинларга тез ва завқ билан киришадилар, лекин ўйин давомида, ўз ролларини тез-тез ўзгартириб туришга мойил бўладилар. Улар дарров хафа бўлишлари ва йиғлашлари мумкин, лекин улар хафаликни тез унутадиган бўладилар. Уларнинг йиғиси кулги билан тез алмашади.

**Меланхолик темперамент** ҳиссиётнинг секин, лекин кучли қўзғалувчанлиги ва барқарор бўлиши билан фарқ қилади. Меланхоликлар барқарор, давомли бир кайфиятга мойил бўладилар, лекин ҳиссиётларининг ташқи ифодаси жуда заиф бўлади. Меланхолик темпераментли одамлар сусткаш бўладилар. Меланхолик темпераментли одам ишга бирдан киришмаслиги мумкин, лекин бир киришса, бошлаган ишни охирига етказмай қўймайди.

Бундай темпераментли болалар мўмин-қобил, ювош бўладилар, кўпинча, биров савол билан мурожаат қилса, уялиб, тортиниб жавоб берадилар. Уларни дарров хафа ёки хурсанд қилиш енгил эмас, лекин бир нарсадан хафа бўлсалар, бу хафалик узоқ давом этади, барқарор бўлади. Улар бир ишга ёки ўйинга тез ёпишиб киришмайдилар, лекин қандайдир иш ёки бир ўйин бошласалар, бунда чидам ва матонат кўрсатадилар.

**Флегматик темперамент** ҳиссиётнинг жуда секин, кучсиз қўзғалиши ва узоқ давом этмаслиги билан фарқ қилади Флегматик темпераментли кишилар ҳиссиётларининг ташқи ифодаси кучсиз бўлади. Бу хил темпераментли одамларни хурсанд қилиш, хафа қилиш ёки ғазаблантириш анча қийин.

Флегматикларнинг психик жараёнлари суст бўлади. Бу хил темпераментли одамлар ниҳоят оғир, ювош, босиқ, ҳаракатлари салмоқли бўлади. Агар бир фаолиятга киришсалар, уни қатъият билан давом эттирадилар.Флегматик темпераментли болалар ювош, мўмин қобил бўлади. Улар кўпчиликка аралашмайдиган, тортинчоқ ва ҳеч кимга тегмайдиган, бировни ранжитмайдиган бўладилар.Агар биров улар билан уриш чиқармоқчи бўлса, ўзларини четга олишга ҳаракат қиладилар. Улар шовқин-суронли, ҳаракатли ўйинларга мойил бўлмайдилар. Бу хил темпераментли болалар жиззаки бўлмайдилар ва одатда улар ўйин-кулгиларга мойил эмаслар.

Ҳар қайси одам теммпераментида ўзига хос индивидуал хусусиятлари бўлади, бу хусусиятларни батамом муайян бир темперамент типига киритиб бўлмайди. Бу хусусиятлар айни индивидуал хусусиятлардир, яъни шу шахснинг ўзигагина хос хусусиятдир. Кўпчилик одамларда бир тип темперамент аломатлари иккинчи бир тип темперамент аломатлари билан қўшилган бўлишини кўрамиз; чунончи, холерик темпераментли кишида меланхолик ёки флегматик темперамент

аломатлари бўлиши, сангвиник темпераментли кишида холерик ва флегматик темперамент аломатлари бўлиши мумкин ва ҳоказо.

Одамларни фақат уларда қайси темперамент белгилари устун бўлса, шунга қараб, маълум бир темперамент типига киритиш мумкин.

**Тўртинчи савол бўйича назорат саволлари:**

1.Темпераментни психологик тавсифланг?
2.Нерв системаси типларининг келиб чиқишини тушунтиринг?
3.Темперамент назарияларини ўрганинг?
4.Темперамент типларининг психологик хусусиятларини ажратиб беринг?
5.Темперамент тўғрисида тушунчангизни баён қилинг ?

## 17-мавзу: Характер.

| Т/р | Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни | Амалга оширувчи шахс, вақт |
|---|---|---|
| 1 | **Тайёрлов босқичи:**<br>**1.1.Дарс мақсади:** Характернинг тузилишини ўрганиш. Характер хислатларини санаш. Экстроверсия ва интроверсия тўғрисида тушунча бериш. Характерда акцентуация ҳолатини таърифлаш.<br>Характер ва темпераментнинг боғлиқлигини аниқлаш.<br>Тарбия ва кишининг ўз характерини ўзи тарбиялашини кўриб чиқиш.<br>**1.2.Идентив ўқув мақсадлари.**<br>1.Характернинг тузилишини ўрганади.<br>2.Характер хислатларини санайди. Экстроверсия ва интроверсия тўғрисида тушунча беради. Характерда акцентуация ҳолатини таърифлайди.<br>3.Характер ва темпераментнинг боғлиқлигини аниқлайди.<br>4.Тарбия ва кишининг ўз характерини ўзи тарбиялашини кўриб чиқади.<br>**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Экстроверсия, интроверсия индивидуал ёндашув, зиддиятли характер, виждонлилик, шахснинг йўналганлиги, характер акцентуацияси, интроверт, экстраверт, бошқариб бўлмайдиган, сензитив, намойишкорона тип.<br>**1.4. Дарс шакли:** кириш-ахборотли маъруза<br>**1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза, бахс, видеоусул, савол-жавоб, тушунтириш, тақдимот.<br>**1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:** слайдлар, дарсликлар, мавзуни кўриб чиқишга доир материаллар ва мавзунинг мазмунини ифодаловчи лавҳалар, кўргазмали материаллар. | **Ўқитувчи** |
| 2 | **Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:**<br>**2.1.** Мавзу эълон қилинади.<br>**2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади. | **Ўқитувчи, 15 минут** |
| 3 | **Гуруҳда ишлаш босқичи:**<br>**3.1.** Талабаларга характер мавзуга оид муаммоли савол берилади.<br>**3.2.** Талабаларнинг фикри эшитилади ва бошқа талабалар бахсга чақирилади.<br>**3.3.** Талабаларнинг характер ҳақида фикри тингланиб, умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.<br>**3.4.** Умумий хулосани ўқитувчи баён қилади. | **Ўқитувчи-талаба, 40 минут** |

| | | |
|---|---|---|
| **4** | **Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:**<br>1. Характерни таърифланг ?<br>2. Ирода билан боғлиқ характер хислатларини ўқинг ва ўрганинг.<br>Характер кучи ва мустаҳкамлигини белгиланг.<br>3. Характернинг мустақиллигини таърифланг. | **Ўқитувчи, 15 минут** |
| **5** | **Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:**<br>**5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади.<br>**5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади. | **Ўқитувчи, 10 минут** |

## Асосий саволлар.

1 Характернинг тузилиши.
2.Характер хислатлари. Экстроверсия ва интроверсия тўғрисида тушунча.
3.Характер ва темперамент.
4.Тарбия ва кишининг ўз характерини ўзи тарбиялаши.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Экстроверсия, интроверсия индивидуал ёндашув, зиддиятли характер, виждонлилик, шахснинг йўналганлиги, характер акцентуацияси, интроверт, экстраверт, бошқариб бўлмайдиган, сензитив, намойишкорона тип.

## Мавзуга оид муаммолар:

Характерни туғма хусусият деб ўйлайсизми ? Характерни ҳаёт давомида ўзгартириш мумкинми? Мумкин бўлса мисоллар билан исботланг ?
Характерни ташкил этувчи омиллар нималардан иборат? Фикрингизни асосланг.
Характернинг хусусиятлари ўртасида боғлиқликни исботланг
Психологияда характер муаммосини ишлаб чиқинг.
Характер тузилишини баён қилинг .
"Характер акцентуацияси" ни исботланг (Леонгард бўйича).
Ҳулқ-атвор ва характернинг шаклланиши бир бирларига боғлиқми ? Фикрингизни асосланг ?

## 1. Характернинг тузилиши.

**Биринчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Характернинг тузилиши ҳақида талабаларга тушунча бериш. Характерни таърифлаш.

## Идентив ўқув мақсадлари.

1.Характернинг тузилиши ҳақида талабаларга тушунча беради. 2.Характерни таърифлайди.
Талабаларда характер мавзусини ўрганишга қизиқиш уйғотади.

## Биринчи саволнинг баёни.

Шахс хулқининг типик усуллари билан боғлиқ, фаолият, муомала ва муносабатда намоён бўлувчи, мужассамланувчи, унинг барқарор индивидуал хусусиятлари мажмуасига характер дейилади.

«Характер» юнонча «характир» деган сўздан олинган бўлиб, «қалқиқ чизиқ» маъносини англатади. Бу ерда танга, чақа юзига туширилган бўртма тамға кўзда тутилади.

Характер деганда, шахсда муҳит ва тарбия таъсири остида таркиб топган ва унинг иродавий фаоллигида, теварак-атрофдаги оламга (бошқа кишиларга, меҳнатга, буюмларга), ўз-ўзига бўлган муносабатларида намоён бўладиган индивидуал хусусиятларини тушунамиз. Шахс хулқининг типик усуллари билан боғлиқ, фаолият, муомала ва муносабатда намоён бўлувчи, мужассамланувчи, унинг барқарор индивидуал хусусиятлари мажмуасига характер дейилади. Ҳар бир одам айрим пайтларда мардлик, салобатлилик, ростгўйлик, соф-диллик кўрсатиши мумкин. Лекин кишининг ҳаёти ва фаолиятида айрим пайтлардагина

юз берадиган бундай хусусиятлар ҳали унинг барқарор характер хусусиятлари бўла олмайди. Биз киши характерини таърифламоқчи бўлганимизда, бу одам мардлик қилди ёки ростгўйлик, софдиллик кўрсатди дэмасдан, балки бу одам мард, ростгўй, софдил деб гапирамиз. Бу деган сўз, мардлик, тўғрилик, софдиллик шу одамга хос фазилат, унинг характер хислати деган сўздирки, тегишли пайтда мардлик, ростгўйлик, софдиллик кўрсатишни биз муқаррар равишда бу одамдан кута оламиз. Агар биз бир кишининг характер хусусиятини билсак, бу одамнинг тегишли пайтда қандай хатти-ҳаракат кўрсатишни олдиндан тўғри тахмин қила ёки айта оламиз.

## 2.Характер хислатлари. Экстроверсия ва интроверсия тўғрисида тушунча.

**2- савол бўйича дарснинг мақсади:** Характер хислатларини санаш. Экстроверсия ва интроверсия тўғрисида тушунча бериш. Характерда акцентуация ҳолатига таъриф бериш.

### Идентив ўқув мақсадлари:

1. Характер хислатларини санайди.
2. Экстроверсия ва интроверсия тўғрисида тушунча беради.
3. Характерда акцентуация ҳолатини изоҳлайди.
4. Талабаларда характер хислатларини ўрганишга қизиқиш уйғотади.

### Иккинчи саволнинг баёни:

Шахснинг характерига тегишли бўлган хусусиятларни **характер хислатлари** дейилади. Характер хислатлари кишида тасодифий учрайдиган хусусият бўлмай, балки кишининг хулқидаги **доимий, барқарор хусусиятлар** бўлиб, бу хусусиятлар шахснинг ўзигагина хос бўлади.

Ҳар бир одам айрим пайтларда мардлик, салобатлилик, ростгўйлик, софдиллик кўрсатиши мумкин. Лекин кишининг ҳаёти ва фаолиятида айрим пайтлардагина юз берадиган бундай хусусиятлар ҳали унинг барқарор характер хусусиятлари бўла олмайди.

Киши характери таркибига кирадиган айрим хислатлари ижтимоий муносабатларнинг тараққиётига боғлиқ ҳолда, тарихий равишда вужудга келган ва ўзгарган. Синфий жамиятда характернинг ҳам синфий хислатлари таркиб топган. Кишилар характеридаги айни бир хислатнинг ўзи турлича ижтимоий муҳит-да турлича баҳоланади: бир ижтимоий синф, бир тарихий давр учун ижобий ҳисобланган характер хусусияти иккинчи бир синф, иккинчи бир ижтимоий давр учун салбий бўлиб қолади.

Характер ва унинг шаклланиши, намоён бўлиши учун кишиларимиз-ни ўраб олган муҳити, турли фаолиятларга турлича муносабатлар, яшаб турган жамиятимиздаги муносабатлар сабаб бўлади. Бу эса халқимизда янгича характер хислатларининг шаклланишига, асрлар давомида авлод-дан-авлодга ўтиб келаётган сахийлик, самимийлик, ўзаро ҳамкорлик, бир-бирига ёрдам, иффат, шарм-ҳаё, камтарлик, меҳмондўстлик каби сифатлар барқарор хусусиятларга айланиб қолмоқда. Бу хусусиятлар яна авлод-дан-авлодга ўтади ва мазмун, сифат жиҳатидан ўзгаради ва у кишиларни ўз-ўзига, жамиятга, меҳнатга, нарсалар ва ходисаларга бўлган муно-сабатларда янгича характер хислатларни шакллантиради.

1. Ҳозирги кунда лаганбардорлик, хушомадгўйлик, такаббурлик, эгаизм, тамойилсизлик каби салбий иллатлар ўрнини ўзаро мурувват, ҳамкорлик, кишиларни ҳурмат қилиш, уларга қўлларидан келгунча ёрдамлашиш, меҳр-саховат, адолат, савобли ишлар қилиш, ҳалол ва ҳаромни, виждонни ҳис қилиш яхшилик каби ижобий сифатлар эгаллаб бормоқда.

Экстравертированлик ва интровертированлик. Шахснинг фаолияти ва реакция кўп жиҳатдан нималарга боғлиқлигига, чунончи фавқулоддаги ташқи таассуротларга (экстравертированлик) ёки, аксинча, тимсолларга, тасаввурларга, ўтмиш ҳамда келажак билан уйғунлашган мулоҳазаларга (интровертированлик) тааллуқлигига асосланган ҳолда муносабат ифодасидир.

Киши характери табиий, туғма бўлмай, балки кейин ҳосил бўлади ва тарбияланиб етишади. «Характер таркиб топади, характер ҳосил бўлади» деган иборалар шуни кўрсатадики, одамлар киши характерининг тарбия таъсири билан ўзгариши хусусиятига эга эканлигини ўзларининг кундалик оддий ку-затиб боришларидан билиб олганлар.

Буржуа олимларидан бир қанчасининг Кречмер ва унинг изидан борув-чилар, одам характери ва унинг тараққийси тамомила кишининг тана тузиииши билан, фақат шу билан белгиланади, деб исботлашга уринишлари фанга хилоф реаксион уринишдир. Бундай олимлар характернинг таркиб топишида, шунингдек, шахснинг психик ҳаётининг тараққий етишида ижтимоий шароит ҳам, инсоннинг фаолияти ҳам, тарбия ҳам ҳеч қандай рол ўйнамайди, деб даъво қиладилар.

Кишининг характери туғма, доимий ва ўзгармайдиган нарса эмас. Ҳеч бир бола меҳнатсевар ёки дангаса, ростгўй ёки мунофиқ, ботир ёки қўрқоқ, интизомли ёки интизомсиз бўлиб туғилмайди.

Ҳар бир одамнинг характери темпераменти асосида, ижтимоий муҳит таъсири билан, тарбия, амалий фаолият жараёнида ва киши ўз-ўзини тарбиялаш билан тараққий қилиб, ўзгариб боради.

Хараклернинг тараққийси кишининг иродаси, ақл-идроки ва ҳиссиётларининг тараққий қилиб бориши билан мустаҳкам боғлиқдир. Шу сабабли, кишининг иродаси, ақл-идроки ва туйғу-ҳиссиётларининг тараққий қилиб бориши ва уларнинг тарбияланиши ҳақида айтилган фикриарнинг ҳаммаси киши харак-терининг тараққийсига ҳам тегишлидир.

**Иккинчи савол учун назорат топшириқлари:**

1. Экстроверсия ва интроверсияга таъриф беринг ?
2. Характернинг тузилишини ишлаб чиқинг ?
3.Характернинг хислатларини аниқланг ?
4. Барқарор хусусиятларни белгиланг ?
5. Лаганбардорлик, хушомадгўйлик, такаббурлик, эгаизм, тамойилсизлик каби салбий иллатларга қисқача таъриф беринг.

## 3.Характер ва темперамент.

**3-асосий савол бўйича дарснинг мақсади:** Характер ва темпераментнинг боғлиқлигини талабаларга тушунтириш.

**Идентив ўқув мақсади:**

Характер ва темпераментнинг боғлиқлигини талабаларга тушунтиради.

**Учинчи саволнинг баёни:**

Ҳар бир одамнинг характери темпераменти асосида, ижтимоий муҳит таъсири билан, тарбия, амалий фаолият жараёнида ва киши ўз-ўзини тарбиялаш билан тараққий қилиб, ўзгариб боради.

Агар темперамент ва унинг туғма хусусиятлари ўз ҳолича қолавер-са, одамда ёмон характер хислатлари таркиб топиши мумкин. Масалан, холерик темперамент одамни чўрткесар, қўпол, ўзини тута олмайдиган қилиши мумкин. Сангвиник темперамент саботсизликка, диққатни бир жойга қўя билмасликка сабабчи бўлмоғи мумкин бўлганидек, флегматик темперамент сусткашликка, лоқайдликка олиб бориши мумкин. Меланхолик темпераментли кишида ўз кечинмаларига ортиқча берилишлик, писмиқлик пайдо бўлиши мумкин.

Характерни тарбиялаш, жумладан, темпераментнинг ижобий томонларини ўстиришдан, унинг салбий томонларини ва бу салбий томонларни характернинг ижобий хислатлари билан «алмаштиришдан» иборатдир. Масалан, холерик темпераментли болаларни тарбиялашда уларни ўйлаб иш қилиш, ўзини тута билиш, атрофдаги одамлар билан яхши муомалада бўлишга одатлантириш ва уларда шу сифатларни ўстиришга алоҳида еътибор бериш лозим. Сангвиник темпераментли болаларни саботли бўлишга, диққатини бир жойга қўя билишга, ишга кунт қўя олишга, бошлаган ишни охирига етказишга одат-лантирмоқ керак. Меланхолик темпераментли болаларни одамга кўпроқ аралашишга, жамоачиликка, илдам ҳаракат қилишга одатлантирмоқ, уларда шу сифатларни тарбияламоқ керак. Флегматик темпераментли болаларни ташаббускорликка, фаолликка, кишиларга ел бўлишга, кувноқликка одатлантирмоқ лозим.

Характернинг салбий томонларини йўқотмоқ учун, ижобий томонларини тарбиялаб етказмоқ учун тарбияланувчини ўз темпераментини ўзи идора қила билишга ўргатиш лозим, уни шундай тарбиялаш керакки, у темпераментини ўзи идора қилиш зарурияти ни ўзи англаши ва ҳақиқатан уни идора қила олсин, темпераментига бўйсунмайдиган бўлсин. Ўз темпераментини идора қила билиш характернинг муҳим ижобий хислатидир. Характер тарбиясини фақат темпераментнинг салбий томонларини айрим ижобий сифатлари билан алмаштиришдан иборат деб тушуниш ярамайди. Характерни тарбиялашда педагог, авало муайян идеални ёки давримизнинг олийжаноб кишилари образини асос қилиб олмоғи лозим. Бу маънавий бойлик-ни, ахлоқий софликни ва жисмоний камолотни ўзида гармоник ҳолда мужассамлаштирган янги одамлардир. Бундай янги одам характерининг хислати ижтимоий ва шахсий ҳаётда ҳалоллик ва ростгўйлик, ахлоқий поклик, оддийлик ва камтарликдир. Бизга юксак маънавий фазилатга эга бўлган, ҳалол виждонли кишилар, тетик ва хушчақчақ кишилар, қийинчиликлардан қўрқмайдиган, мустақил жамият қуриш йулида ҳар қандай қийинчилик-ларга бардош бера оладиган, уларни бартараф қилишга тайёр турган кишилар керак.

**Учинчи савол учун назорат топшириқлари:**

1. Ҳар бир одамнинг характери темпераменти асосида, ижтимоий муҳит таъсири билан ўзгариб боришини мисоллар билан тушунтиринг?

2.Тарбия, жараёнида ва киши ўз-ўзини тарбиялаш билан характер тараққий қилиб, ўзгариб борадими ?

## 4.Тарбия ва кишининг ўз характерини ўзи тарбиялаши.

**4 савол бўйича дарснинг мақсади:** Тарбия ва кишининг ўз характерини ўзи тарбиялашни талабаларга тушунтириш. Характернинг ўсишида тарбиянинг аҳамиятини аниқлаш. Характерни тарбиялашда ота-онанинг, ўқитувчининг, тарбиячининг ўрнини аниқлашни ўргатиш.

**Идентив ўқув мақсади:**

1. Тарбия ва кишининг ўз характерини ўзи тарбиялашни талабаларга тушунтиради.

2.Характернинг ўсишида тарбиянинг аҳамиятини аниқлаш.

3.Характерни тарбиялашда ота-онанинг, ўқитувчининг, тарбиячининг ўрнини аниқлашни ўргатиш.

**Тўртинчи саволнинг баёни:**

Характернинг ўсишида тарбия ва ўз-ўзини тарбиялаш асосий рол ўйнайди.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг характери, аввало, оилада ва мактабда тарбияланади. Болаларнинг характерини тарбиялашда катта масъулиятли вазифа ота-оналар, ўқитувчилар, болалар боғчалари, касб-ҳунар коллежлари ва интернат-мактаблар тарбиячилари зиммасига тушади.

Киши характери фақат педагоглар томонидан олиб бориладиган тарбиявий таъсир этишнинг самараси бўлибгина қолмай, балки ўз-ўзини тарбиялашининг ҳам маҳсулидир. Шу сабабли ҳар бир киши маълум ёшдан бошлаб ўз характери ва унинг айрим сифатлари учун ўзи жавобгардир. Ўз характерини тарбиялашда у киши, авало, яхши фазилатларни, шахс идеалини ўзида тарбиялаб етказишни кўзда тутмоғи лозим.

Ўз камчиликларига ўзи иқрор бўлиш киши характерининг ижобий, прогрессив хислатидир. Ўз камчиликларига иқрор бўлиш кишини ўз-ўзини тарбиялаш йўлига бошлайди.

Мактаб ўқувчиси характерининг таркиб топишида ўз-ўзини тарбиялаш катта ўрин эгаллайди. Ўз-ўзини тарбиялашга ҳаракат қилиш кўп жиҳатдан атрофдаги одамларнинг таъсири ва аввало педагогнинг таъсири остида туғилади ва тараққий этади.

Ўз-ўзини тарбиялашга интилишни пайдо қилишда жамоанинг роли катта. Таълим-тарбия ишлари тўғри йулга қўйилган тақдирда ўрта ёшдаги мактаб даврининг биринчи йилларидаёқ ўқувчиларда ўз характерини ўзи тарбиялашга интилиш истаги сезиларли равишда кўрина бошлайди.

Ўсмирларда ўз-ўзини англашнинг таркиб топиши асосида киши шахси-га хос бўлган яхши фазилатларни ўзларида пайдо қилиш масаласи туғилади. Ўсмирлар кўпинча ўз ҳаракатларида фақат катта ёшдаги кишиларга ёки ўртоқларига тақлид қилибгина қолмай, балки ҳар бир ишни ўз хоҳлаган-ларича қилишга, мустақилликка, бошқаларга ўхшамасликка интиладилар.

**Тўртинчи савол учун назорат топшириқлари**

1.Характернинг ўсишида тарбиянинг ролини белгиланг ?

2.Ўз-ўзини тарбиялашга ҳаракат қилиш кўп жиҳатдан педагогнинг таъсири остида туғилади ва тараққий этади дейлик бунда педагогнинг таъсири нималардан иборат бўлади ? Гапириб беринг?

3. Характер ҳақида умумий тушунча беринг ?
4. Характернинг физиологик асосларини текширинг ?
5. Характер тузилиши назарияларини ўрганинг ?
6. Характер ва шахс ҳақида фикрингизни баён қилинг ?

**Мавзу бўйича асосий хулосалар:**

Характернинг тузилишини ўрганиш. Характер хислатларини санаш. Экстроверсия ва интроверсия тўғрисида тушунча бериш. Характерда акцентуация ҳолатини таърифлаш. Характер ва темпераментнинг боғлиқлигини аниқлаш. Тарбия ва кишининг ўз характерини ўзи тарбиялашини кўриб чиқиш.

## 18-мавзу: Қобилият

| /р | Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни | Амалга оширувчи шахс, вақт |
|---|---|---|
| 1 | **Тайёрлов босқичи:**<br>**1.1.Дарс мақсади:** Қобилият ҳақида тушунча бериш. Қобилиятнинг сифат ва миқдор тавсифлаш. Қобилиятларнинг тузилишини текшириш. Қобилиятларнинг турлари: умумий ва махсус қобилиятларни гуруҳлаш. Қобилият ва фаолиятни белгилаш. Қобилият ва қизиқишларни ажратиш. Талант, унинг келиб чиқиши ва тузилишини ўрганиш. Қобилият ва талантнинг дастлабки табиий шарт-шароитларини кузатиш.<br>**1.2.Идентив ўқув мақсадлари.**<br>1.Қобилият ҳақида тушунча беради.<br>2.Қобилиятнинг сифат ва миқдор тавсифлайди.<br>3.Қобилиятларнинг тузилишини текширади.<br>4.Қобилиятларнинг турлари: умумий ва махсус қобилиятларни гуруҳлайди. Қобилият ва фаолиятни белгилайди. Қобилият ва қизиқишларни ажратади.<br>5.Талант, унинг келиб чиқиши ва тузилишини ўрганади. Қобилият ва талантнинг дастлабки табиий шарт-шароитларини кузатади.<br>**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Қобилият , талант, қизиқиш, умумий қобилиятлар, махсус қобилиятлар, зиддиятли характер, виждонлилик, шахснинг йўналганлиги, характер акцентуацияси, интроверт, экстраверт, бошқариб бўлмайдиган, сензитив, намойишкорона тип.<br>**1.4. Дарс шакли:** кириш-ахборотли маъруза<br>**1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:** суҳбат, маъруза, | **Ўқитувчи** |

| | | |
|---|---|---|
| | бахс, видеоусул, савол-жавоб, тушунтириш, тақдимот.<br>**1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:** слайдлар, дарсликлар, мавзуни кўриб чиқишга доир материаллар ва мавзунинг мазмунини ифодаловчи лавҳалар, кўргазмали материаллар. | |
| **2** | **Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи:**<br>**2.1.** Мавзу эълон қилинади.<br>**2.2.** Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади. | **Ўқитувчи,<br>15 минут** |
| **3** | **Гуруҳда ишлаш босқичи:**<br>**3.1.** Талабаларга қобилият мавзусига оид муаммоли савол берилади.<br>**3.2.** Талабаларнинг қобилият ҳақида фикрлари эшитилади ва бошқа талабалар бахсга чақирилади.<br>**3.3.** Талабаларнинг қобилият ҳақида фикри тингланиб, умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.<br>**3.4.** Умумий хулосани ўқитувчи баён қилади. | **Ўқитувчи-талаба,<br>40 минут** |
| **4** | **Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:**<br>1. Қобилиятни таърифланг ?<br>2. Қобилиятларнинг тузилишини ўқинг ва ўрганинг.<br>Талант, унинг келиб чиқишини асосланг<br>3. Қобилият ва талантнинг дастлабки табиий шарт-шароитларини таърифланг. | **Ўқитувчи,<br>15 минут** |
| **5** | **Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:**<br>**5.1.** Талабалар билими таҳлил қилинади.<br>**5.2.** Мустақил иш топшириқлари берилади. | **Ўқитувчи,<br>10 минут** |

## Асосий саволлар.

1.Қобилият ҳақида тушунча.
2.Қобилиятнинг сифат ва миқдор тавсифи.
3.Қобилиятларнинг тузилиши.
4.Қобилиятларнинг турлари: умумий ва махсус қобилиятлар. Қобилият ва фаолият. Қобилият ва қизиқишлар.
5.Талант, унинг келиб чиқиши ва тузилиши. Қобилият ва талантнинг дастлабки табиий шарт-шароитлари. Қобилият ва ирсият. Қобилиятларнинг таркиб топиши.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Қобилият , талант, қизиқиш, умумий қобилиятлар, махсус қобилиятлар, зиддиятли характер, виждонлилик, шахснинг йўналганлиги, характер акцентуацияси, интроверт, экстраверт, бошқариб бўлмайдиган, сензитив, намойишкорона тип.

## Мавзуга оид муаммолар:

1. Қобилиятни туғма хусусият деб ўйлайсизми ?
2. Қобилият ҳаёт давомида пайдо бўлиши мумкинми? Мумкин бўлса мисоллар билан исботланг?
3. Қобилият ва талант ўртасида боғлиқликни исботланг
4. Қобилиятнинг таълимга боғлиқлиги.
5.Истеъдод, унинг келиб чиқиши ва тузилишини далилланг..

## 1.Қобилият ҳақида тушунча.

**Биринчи савол бўйича дарснинг мақсади:** Қобилият ҳақида ҳақида талабаларга тушунча бериш. Қобилиятни таърифлаш.

## Идентив ўқув мақсадлари.

Қобилият ҳақида ҳақида талабаларга тушунча беради. Қобилиятни таърифлайди. Талабаларда қобилият мавзусини ўрганишга қизиқиш уйғотади.

## Биринчи саволнинг баёни.

Шахснинг фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш шарти ҳисобланган, билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш динамикасида юзага чиқадиган фарқларда намоён бўладиган индивидуал психологик хусусияти **қобилиятлар** дейилади.

Кишилар турли соҳалардаги фаолиятларида — меҳнат, ўйин, ўқиш ва ижодиётда бирор нарсани тез ёки секин бажаришлари билан бир-бирларидан фарқ қиладилар. Баъзи бир одам бир ишни секинлик билан бажарса, бир киши тезлик билан бажаради. Айрим кишиларнинг фаолиятлари самарали, серунум бўлса, бошқаларники эса кам унум бўлади. Баъзи одамлар ўз ишларида ижодий, оригинал усулларни кўпроқ қўлласа, баъзи бир кишиларнинг ишларида эса бундай усуллар камроқ кўринади. Кишилар фаолиятининг мана шу хусусиятига қараб, биз уларнинг қобилиятлари қандайлигини аниқлаб оламиз. Кишилар қобилияти ниҳоятда хилма-хил бўлади. Ҳар бир касб кишидан меҳнатда, ижодиётда ва ўқиш фаолиятларида тегишли қобилият талаб етади. Киши фаолиятининг ҳар хил турларига мувофиқ, назарий ва амалий қобилиятларни, математика, техника, мусиқа, адабиёт, педагогика, хўжалик, ташкилотчилик ва бошқа соҳаларга оид қобилият турлари бўлади.

Инсон қобилиятининг барча турлари ҳамма одамларга хосдир — ҳар қайси одам маълум даражада киши фаолиятини барча турларига лаёқатли бўлади.

Кишининг истеъдод даражасини ундаги муайян қобилиятларнинг қанчалик тез ўсишига, билим ва малакаларни қанчалик эгаллаш ига ҳамда ўз ишини қанчалик муваффақият билан ва самарали бажаришига қараб аниқлаймиз.

